

АБДУЛКАРИМ АС-САМЪОНИЙ

# НАСАБНОМА

*(ал-Ансоб)*

(VIII–XII АСРДА ЯШАГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК  
ОЛИМЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ)

*Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий  
ас-Самъоний*

# **НАСАБНОМА**

*(ал-Ансоб)*

**(VIII–XII АСРДА ЯШАГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК  
ОЛИМЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ)**

**Тошкент – 2017**

<b>Таржимонлар</b>	<i>ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов</i>
<b>Масъул муҳаррир</b>	<i>шайх Абдулазиз Мансур</i>
<b>Муҳаррир</b>	<i>ҳожи Насруллоҳ Шукруллоҳ ўғли</i>
<b>Такризчи</b>	<i>Фарҳод Қосимов, тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>Нашрга тайёрловчи</b>	<i>Комилжон Раҳимов</i>

## Муқаддима

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.*

*Алҳамдулиллоҳи Раббил оламин. Вассалоту вассаломул атаммонил акмалон. Ала ашрафил анбиёи вал мурсалин. Муҳаммадин саллаллоҳу таоло ва ала олиҳи ва асҳобиҳи ажмаин.*

Миллий давлатчилигимиз тарихига оид ҳақиқатларни ойдинлаштириш, узоқ йиллар табаррук номи ва шони пинҳон тутилган улуғ аждодларимизнинг илмий-ижодий, маънавий-маърифий меросини халққа қайтариш йўлида қилинаётган хайрли ишлар беҳад қувончлидир.

Халқимизда етти пушти, аждодларининг истиқоматгоҳи ва фаолияти тарихидан хабардор инсонларга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлинади.

«Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлок, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди». Зеро, бу туйғу инсоннинг қадим бобоқалонлари ва, энг муҳими, ўз Ватанига чуқур хурмати, эътиқоди рамзидир.

Бинобарин, пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларидан бирида: «Қариндошлик алоқаси бўлган насабларингизни ўрганинлар, чунки сийлаи раҳм – қариндошлар орасида меҳрни уйғотади ва молингиз кўпайишига сабаб бўлади ҳамда сизни яхшилик билан эслайдилар», – дея уқтирилади.

«Насаб» арабча сўз бўлиб, келиб чиқиш, насл-насаб, сулола, аждод маъноларини англатади. Ислом аҳлининг кўпайиши, араб халқларининг ажам халқлари билан қўшилиб кетиши насабларни ўрганиш ҳақидаги илмнинг дунёга келишига замин яратди. Унинг асосчиси насаб илмининг имоми Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Соиб ал-Килабийдир [вафоти ҳижрий 204 (милодий 820) йил<sup>1</sup>]. Саҳобаи киромлардан халифаи рошид Абу Бакр Сиддик, разияллоҳу анху, ҳам насаб илмининг билимдони бўлганлар.

Ал-Килабийдан кейин ҳам кўплаб «Насабнома» таълиф қилинган. Шу анъана давомчиси «ал-Ансоб»нинг муаллифи тожул-ислом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний ал-Марвазий ал-Ҳофиз ҳижрий 506 (милодий 1113) йилнинг шаъбон ойида Марвда дунёга келганлар. [Ҳижрий 562 (милодий 1167) йилда Марвда вафот этганлар.] Тамим қабиласининг бир тармоғи ҳисобланган самъонийлардан бўлганлари учун бу зотга *ас-Самъоний* нисбати берилган. Уч ёшларида оталари Муҳаммад ибн Мансур у кишини Нишопурга олиб келадилар. Бир йил ўтгач, оталари вафотидан сўнг, амакилари кўлида Куръон ва фикҳ илмидан сабоқ олган Абдулкарим ас-Самъоний кейинчалик насаб илмига қизиқиб, дунё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқадилар. Сафарлари давомида етти минг машойихдан таҳсил олганларки, бу ададга бошқа ҳеч бир олим етган эмас. Шуни таъкидлаш жоизки, ас-Самъоний ўша устозларидан кўпчилигининг таҳсинига ҳам сазовор бўлганлар. Бир мисол: У зот Марвда «Шайх» хонақоҳида таърифлу тавсифларини олдиндан эшитган Абу Муҳаммад Ҳасан ал-Андақийни учратган бўлсалар-да, танимаганлар. Кейинчалик қидириб-қидириб Бухорода у кишига йўликқанлар. «Ҳасан ал-Андақий мени

<sup>1</sup> Милодий йиллар таржимонлар томонидан ҳисоблаб қўйилди.

нихоятда хурмат қилардилар. Мен у кишидан шайх Юсуф ал-Ҳамадоний ривоят қилган ҳадислардан таълим олдим», – деб ёздилар ас-Самъоний. Муаллиф Нишопурда Абу Абдуллоҳ ал-Фаровий, Зоҳир аш-Шаҳомий; Исфаҳонда Ҳусайн ибн Абдулмалик ал-Халлол, Саъид ибн Абу Ражо; Бағдодда Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулбоқий ал-Ансорий; Куфада Умар ибн Иброҳим ал-Алавий; Дамашқда Абул Фатҳ ал-Мисисий, шунингдек, Бухоро, Самарқанд ва Балхда минглаб уламодан илм ўрганганларини ифтихор билан тилга оладилар.

Қуръон, фикҳ, ҳадис, тарих, шеър, насаб илмларини аъло даражада ўрганган, Хуросон, Исфаҳон, Мовароуннаҳр, Ироқ, Ҳижоз, Шом, Табаристонга бориб, илм олиш ва илм ёйиш суннатини бекаму кўст удалай билган, икки қарра ҳаж қилган, Байт ул-Мақдис насронийлар қўлида бўлган вақтда уни зиёрат этган Абдулкарим ас-Самъоний ўз илмларидан бошқаларни ҳам баҳраманд айлаш саодатига эришганлар. Бу ўринда алломанинг Марвдаги «Амидия» мадрасасида ҳадис, тасниф, тадрис (ўқитиш усули), ваъз (нотиклик) илмларидан дарс берганларини эслатиб ўтиш кифоя. «Ал-Ансоб», шубҳасиз, қомусий билимлар соҳиби Ас-Самъоний ижодининг баркамол намунасидир. Асарнинг ўрта асрлар географик манзарасини тиклашга ҳисса қўшувчи улкан солнома эканлиги, Ислом манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатган бир қатор шайхлар, муҳаддислар, муаррихлар ва адиблар ҳақида маълумот бериши билан илму фан тарихида беқиёс ўрин тутиши алоҳида эътироф қилинган.

Айтиб ўтилганидек, ас-Самъоний йирик аллома, адаб, тарих ва ҳадис илмларининг билимдони бўлиб, кўпгина маълумотни жамлаб, китоб тасниф қилиш борасида ҳам шуҳрат қозонганлар. Асарларининг саноғи, Ибн Нажжор ан-Насафий зикр этганидек, элликка яқиндир. Шулардан «ал-Ансоб» алоҳида қимматга эга.

Шарқда Котиб Чалабий, ғарбда Ҳожи Халифа номлари билан машҳур бўлган Мустафо ибн Абдуллоҳ ал-Қустунтиний (1609 – 1657) томонидан тартиб берилган, 9512 муаллифнинг 14501 асари ҳақида маълумот келтирилган «Кашф уз-зунун»да шундай ёзилади: Саккиз жилддан иборат катта китоб «ал-Ансоб» насабномаларнинг мукаммалидир. Иззиддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Жазарий (вафоти ҳижрий 603 / милодий 1233 йил) ушбу асарга баъзи нарсаларни зиёда қилди ва айрим маълумотларни киритиб, унга «ал-Лубоб» деб ном қўйди. Китоб уч жилддан иборат бўлиб, ҳижрий 615 (милодий 1219) йилнинг жумодул аввал ойида ёзиб тугатилган».

Насабномалар яратиш анъанасининг давомчиси Имом ас-Суютий «ал-Лубоб»га баъзи маълумотларни қўшди ва уни «Лубб ул-лубоб» деб атади. Имом ас-Суютий айтади: «Мен Абдулкарим ас-Самъоний ва Али ал-Жазарий ёзиб қолдирмаган анчагина маълумотларни топдим. Аксариятини Ёқутнинг «Муъжам ул-булдон» («Шаҳарлар қомуси»)идан олдим. Ёқутнинг бир жилддан иборат кичик ҳажмли мазкур асари ҳижрий 873 (милодий 1469) йилнинг сафар ойида ёзиб бўлинган».

Қуръон, фикҳ, ҳадис илмлари билан шуҳрат қозонган мингдан зиёд фозил инсонлар тўғрисидаги ноёб маълумотлар ўз ифодасини топган «Насабнома» асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай, хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, бизгача етиб келган. Жумладан, асарнинг ҳижрий 915 (милодий 1510) йилда хаттот Абдулмажид ибн Муҳаммад ал-Кирмоний

ал-Аббосий томонидан гўзал насх хатида кўчирилган нусхаси Истанбулдаги «Кўпрули» кутубхонасида 482-Қ, 1010-рақам остида сақланмоқда. Китобнинг Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида ОР-361 белгиси остида сақланаётган 470 варақдан иборат нусхаси, Британия музейидан жой олган, 255, 23-рақам остида сақланаётган, шарқшунос олим Д. С. Марголиус томонидан 1912 йилда нашр этилган нусхаси «ал-Ансоб»нинг нечоғлик муҳим эканлигидан далолат беради. Абдулкарим ас-Самъоний ва у зотнинг «Насабнома»лари ҳақида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қимматли мулоҳазалар; китобнинг асосий манбалари, қўлёзма ва босма нусхалари тўғрисида кизиқарли ва кенгроқ маълумотлар Ш.С.Камолиддиновнинг ««Китаб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии» (Т., «Фан», 1993) монографиясида мавжудлиги алоҳида таъкидлашга лойик.

Мусулмон оламида VIII–XII асрларда машхур бўлган уламолар ҳақида мухтасар маълумот берувчи бу асарнинг Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган алломаларга оид маълумотларидан танланиб, Сиз азиз китобхон ҳукмига ҳавола қилинаётган таржимаси хижрий 1408 (милодий 1988) йилда Байрутнинг «Дор ул-жинон» (Ливан) матбаасида чоп этилган нашри асосида амалга оширилди.

«Насабнома» мусулмон оламида дунё илмининг мустаҳкам тамал тошларини қўйган минглаб уламо яшаб ўтганидан далолат берувчи кўзгу бўлиб, ҳадис, фикх, исломшунослик, тарих, география, архитектура тарихи, археология, этнография, филология илмлари билан шуғулланувчи мутахассислар билан бирга, кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Шаҳар ва қишлоқ номларининг, асосан, муаллиф битгандай ёзилиши, шунингдек, улардан анчагинасининг ҳаволаларда таржимонлар томонидан изоҳланиши эса бир қатор жой номлари ва географик атамаларнинг асл (қадим) шаклини тиклаш, уларнинг келиб чиқиш тарихи (этимологияси)ни билиб олишга ёрдам беради.

Асарда олимлар ва жой номлари ҳақидаги маълумотлар араб алифбоси кетма-кетлигида баён этилган. Таржимада бу қайдлар уламоларнинг истиқоматгоҳларига кўра тасниф қилинган ҳолда араб алифбосига мувофиқ тартиблантирилди. Шу тариқа бухоролик, термизлик, хоразмлик, самарқандлик, шошлик, фарғоналик, кешлик, насафлик олимларга оид маълумотларни алоҳида-алоҳида бериш имконияти туғилди.

Хуллас, «ал-Ансоб»нинг бир қисми бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилига ўгирилиши аҳли илм учун, шунингдек, аҳли дин учун ҳам чексиз сурурга сабаб бўлади, деган умиддамиз.

Китобнинг қўлёзмасини ўқиб, қимматли маслаҳатлар берган масъул муҳаррир – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, таниқли исломшунос олим шайх Абдулазиз Мансурга ва муҳаррир – китобни таҳрир қилиш машаққатини зиммаларига олиб, фи сабилллоҳ биз билан баҳамжиҳату бамаслаҳат ишлашга имкон топган ҳожи Насруллоҳ Шукруллоҳ ўғлига ҳамда шу хайрли ишда кўмаклашган барча биродарларга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Аллоҳ таборака ва таоло ҳаммамизни икки дунёда саодатманд-у ушбу китобда номлари зикр қилинган муҳаддислар, фақиҳлар, уламои киромлар, машойихи изомлар, асотизи

аиззоларнинг файзу футух ва баракотларидан баҳраманд айласин. Уларнинг руҳлари баримиздан хушнуд бўлсин.

*Абдулғафур Раззоқ Бухорий,*  
Мир Араб олий мадрасаси мударриси

*Комилжон Раҳимов,*  
ЎзР ФА Шарқшунослик институти кичик илмий ходими

## БУХОРОЛИК ОЛИМЛАР

*Ал-Ағзуний* الأغدوني

**Ағзун**<sup>2</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Абдурахмон Ҳошид ибн Абдуллоҳ ал-Ағзуний* Ағзун қишлоғидан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Мусо, Абу Наим Фазл ибн Мусо ва Талха ибн Ғаномдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 250 (милодий 865) йилда вафот этганлар.

*Абу Абдуллоҳ Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ал-Ағзуний* (Ҳошид ал-Ағзунийнинг боболари) исломнинг пешқадам олим имомларидан, табаъа-тобеинлардан ҳисобланадилар. У кишидан Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий (Имом ал-Бухорийнинг устозлари) ва Каъб ибн Саъид ал-Қози ҳадис ривоят қилганлар. Етук муҳаддис шогирдлар тайёрлаганлар. Вафотлари ҳижрий 200 (милодий 816) йилга тўғри келади.

*Ал-Азракёний* الأزركياني

**Азракён** бухоролик мажусий тижоратчининг исми бўлиб, у киши тижорат мақсадида Бухородан Синга (Хитойга), ундан кейин Басрага борганлар. Али ибн Абу Толиб разияллоху анхунинг қўлларида мусулмон бўлганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Азракёний* – юқорида номлари зикр қилинган тижоратчининг неваралари. Бухоро аҳлидан. Ирокқа сафар қилганлар. Бухорода Саҳл ибн Мутаваккил, Саҳл ибн Бишр ал-Киндий, Аҳмад ибн Ризвон ал-Хашшоб, Саъид ибн Зокир ал-Асадий, Мусо ибн Афлаҳ ва Лайс ибн Ҳибравайхлардан, Бағдодда эса Муоз ибн Мусанно ал-Анбарий ва Бишр ибн Мусо ал-Асадийдан таълим олганлар. Ҳижрий 344 (милодий 956) йилнинг шаъбон ойида оламдан ўтганлар.

*Ал-Арфудий* الأرفودي

**Арфуд**<sup>3</sup> – Карма яқинидаги қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Арфудий* шу қишлоқдан бўлиб, фозил шайх эдилар. Ҳижрий 310 (милодий 923) йилда илм талабида Самарқанднинг Хушуфағн қишлоғида бориб, Абу Ҳафс ал-Бужайридан Имом ал-Бухорийнинг «ат-Тарих ал-авсат» («Ўрта тарих») китобларини таълим олганлар. Тахминан ҳижрий 380 (милодий 991) йилда вафот этганлар.

*Ал-Исмоилий* الإسماعيلي

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Исмоилий* Бухоро аҳлидан бўлиб, фақиҳ олим ва ўз асрининг шайхи эдилар. Абу Наим Абдулмалик ибн Муҳаммад ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Юсуфлардан таълим олганлар. Абу Бакр ал-Исмоилий ҳижрий 301 (милодий 914) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 384 (милодий 995) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар. Қабрлари

<sup>2</sup> Когон туманидаги Озғун қишлоғи.

<sup>3</sup> Тавовис қишлоғининг исломдан илгариги номи.



Хуросон йўлидаги қабристонда. Мен уни зиёрат қилганман. Исмоилий имомлар Бухорода таниқлидирлар.

Ўғиллари *Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Исмоилий ал-Бухорий* Бухорода қози эдилар. Илк таълимни оталаридан, кейинчалик эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий, Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳид ва Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан олганлар. Ҳар ҳафта жума куни ҳовлиларида имло мажлиси ўтказар эдилар. Ўзларидан Абу Зарр Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Хатиб ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 401 (милодий 1011) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарих» китобларида айтадилар: «Абул Ҳасан ал-Исмоилий ал-Бухорийнинг оталари Мовароуннаҳрда ўз асрининг шайхи, раиси ва ҳижрий 390 (милодий 1001) йилдан кейин эса ҳокими эдилар. Оқил ва фозил эдилар. Бухоро олимларидан таълим олганлар. Ҳижрий 395 (милодий 1006) йилда ҳаж қилганлар».

Исмоилий деган фирқа ҳам бор. Бу ботил фирқадир. Улар ўзларини Муҳаммад ибн Исмоил ибн Жаъфар ас-Содикқа нисбат беришади.

#### *Ал-Ушмиюнӣ* الأشميوني

**Ушмиюн** – Бухоро қишлоқларидан. Бир ривоятда шаҳардаги маҳаллалардан бирининг номи деб берилган.

*Абу Абдуллоҳ Ҳотам ибн Қудайд ал-Ушмиюнӣ ал-Бухорий* шу қишлоқдан. У кишидан Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Аҳмад Нуҳ ибн Мансур ал-Ушмиюнӣ ал-Бухорий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Маккий ибн Иброҳим, Иброҳим ибн Сулаймон аз-Зиётдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Афраҳишӣ* الأفرخشي

**Афраҳш, Фараҳш**<sup>4</sup> – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Бухородан тўрт фарсах узоқликда жойлашган.

Шу қишлоқлик *Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Афраҳишӣ ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, олимларнинг пешвоси ва раисларидан эдилар. Исмоилий нисбати билан танилган эдилар. Буни юқорида зикр қилганман. Муҳаммад ибн Юсуф ибн Осим, Муҳаммад ибн Собир ибн Котиб ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрий, Саъид ибн Иброҳим ибн Маъқал ва Аҳмад ибн Холиддан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий таълим олганлар. Ҳижрий 301 (милодий 914) йилда туғилиб, ҳижрий 384 (милодий 995) йилнинг рамазон ойида 84 ёшда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Афраҳишӣ* Бухоро машойхларидан. Ибн Ҳайит номи билан танилган эдилар.

<sup>4</sup> Жондор туманидаги Вараҳша қишлоғи.

*Ал-Афшавоний* الأفشواني

**Афшавон**<sup>5</sup> – Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Наср Аҳмад ибн Иброҳим ал-Афшавоний* шу қишлоқдан бўлиб, ушбу нисбат билан машхур эдилар. Ибн Динорнинг Анас разияллоху анхудан ривоят қилган ҳадис тўпламларини Абу Бакр Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғиждувонийдан таълим олганлар. Абу Комил ал-Басирий бу кишидан ҳадис илмидан таълим олганлар.

*Ал-Амдизий* الأمديزي

**Амдиза** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Бишр Башиор ибн Абдуллоҳ ал-Амдизий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Фузайл, Вакиъ ибн Жарроҳ ва Исо ибн Мусо ал-Ғунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Шозавайҳ ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Анбардувоний* الأنبردواني

**Анбардувон**<sup>6</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Комил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Анбардувоний* шу қишлоқдан бўлиб, «Ал-Басирий» лақаби билан танилганлар. Абул Ҳасан ал-Бузжонийнинг невараси эдилар. Абу Комил ал-Басирий Шофеъий мазҳабида бўлиб, кўп ҳадис билардилар ва шу билан шуғулланардилар. Китоблар тасниф қилганлар. Зехнлари ўткир, такводор эдилар. Бухоролик бўлганлари учун Бухоро аҳлини яхши танирдилар. Бу киши «ал-Музоҳот вал-музофот фил-асмои вал-ансоб» («Исмлар ва насабларга изоҳ ва қўшимчалар») китобини жамлаганлар. Ҳижрий 449 (милодий 1058) йилнинг бошида вабо касалидан вафот этганлар.

*Ал-Анжофириний* الأنجافريني

**Анжофирин**<sup>7</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳафс Умар ибн Жарир ал-Анжофириний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Саъид ибн Масъуд, Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сулабий ва Абдуллоҳ ибн Абдулваҳҳоб ал-Хоразмийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Аббос ибн Аҳмад ар-Роводий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилда вафот этганлар.

*Ал-Андақий* الأندقي

**Андақ**<sup>8</sup> – Бухородан ўн фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абул Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ал-Андақий* имом, фозил, зоҳид, такводор зот бўлганлар, камтаринликлари ва чиройли сийратликлари билан ном чиқарганлар. Шамс ул-аимма (имомлар куёши) Абу Муҳаммад Абдулазиз ал-Ҳалвоийдан фикҳ ва ҳадис илмларидан таълим олганлар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилда туғилиб, ҳижрий 481 (милодий 1089) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

<sup>5</sup> Пешку туманидаги Афсона қишлоғи.

<sup>6</sup> Вобкент туманидаги Авардувон қишлоғи.

<sup>7</sup> Вобкент туманидаги Анжирбоғ қишлоғи.

<sup>8</sup> Навоий вилояти Қизилтепа тумани Тошработ ҚФЙга қарашли Хўжа Ҳасан Андоктепа қишлоғи.

Неваралари *Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Андақий* ўз даврларининг тариқат, тасаввуф илми машойихларидан эдилар. Бу киши умрларини муридлар тарбиялаш билан ўтказдилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннати-санияларига, одобларига олиму омил эдилар. Инсонларни Аллоҳга ибодат қилишга, ибодат ва риёзатни лозим тутишга даъват этардилар. Юсуф ибн Айюб ал-Ҳамадонийнинг хос ва севимли муридларидан бўлиб, у зот билан Хоразм, сўнгра Бағдодга бирга борганлар. Биринчи марта у кишини Марвда «Шайх» хонақоҳида, кейинчалик Бухорода кўрдим ва у зотдан кўп ривоят ёзиб олдим. Ҳасан ал-Андақий мени ниҳоятда ҳурматлардилар. Мен у кишидан шайх Юсуф ал-Ҳамадоний ривоят қилган ҳадислардан таълим олдим. Ҳижрий 460 (милодий 1069) йилда туғилиб, ҳижрий 552 (милодий 1158) йил рамазон ойининг 27-тунида (Лайлатул-қадр кечаси)да вафот этганлар.

#### *Ал-Андалусий* الأندلسي

**Андалус** – Ғарб мамлакатларида бир неча шаҳарни ўз ичига олган вилоят<sup>9</sup>. Бу вилоятдан бир гуруҳ олим, имом, Қуръон ҳадис ҳофизлари етишиб чиққанлар.

*Абул Асбағ Абдулазиз ибн Абдулмалик ал-Андалусий ал-Ҳофиз ал-Умавий* олим, фозил, Қуръон ва ҳадис ҳофизи эдилар. Илм талабида кўп мамлакатда сафарда бўлганлар. Маккаи Мукаррамада Абу Саъид Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Аъробий; Бағдодда Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ас-Саффор, Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қаттон; Дамашқда Абул Ҳасан Хайсама ибн Сулаймон ат-Тараблусий ва Марвда Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад ас-Сағонийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Маккий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз «Тарих» китобларида айтиб ўтганлар. Ҳижрий 328 (милодий 941) йилдан кейин яна ҳадис илми талабида сафарга чиққанлар. Андалус, Миср, Шом, Куфа, Нишопур, Марв муҳаддисларидан таълим олганлар. Кейин Бухорога келиб, Ибн Ханабдан, Кушонияда Али ибн Муҳтож ва Абу Яъло ан-Насафийдан ва Шош уламоларидан илм ўрганганлар. Сўнгра Бухорога келиб, бу ерни ўзларига ватан тутганлар. Бухоро аҳлини ўз илмларидан баҳраманд қилганлар. Мағриб замининг Қуртуба<sup>10</sup> деган жойида туғилиб, ҳижрий 365 (милодий 976) йилнинг ражаб ойида Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Анисуний* الأنيسوني

**Анисун** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Лайс Наср ибн Зоҳир ал-Анисуний ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ва Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Авданий* الأودني

**Авдана**<sup>11</sup> – Бухоро қишлоқларидан. Хатфар<sup>12</sup> дарёси бўйида жойлашган.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Авданий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу

<sup>9</sup> Ўрта асрларда Испаниянинг жанубий вилояти номи.

<sup>10</sup> Испаниядаги Кордова.

<sup>11</sup> Пешку туманидаги Авдона қишлоғи.

<sup>12</sup> ҳозирги Хайробод ариғи.

киши «Имому асҳоб ал-ҳадис» (Муҳаддислар имоми) унвони билан танилганлар. Ўз асрининг Шофъий мазҳабидаги фақиҳи эдилар, илмга ниҳоятда чанқоқ бўлганлар, илмларини бошқа кишиларга ўргатишни ёқтирганлар. Умрларининг охирига қадар илм талаб қилишни тарк этмаганлар. Дафтар–китобларини доим ўзлари билан енглари ичида олиб юрганлар. Уйларида бирор марта дафтарсиз чиқмаганлар. Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абу Бишр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мусъабий, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ва Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Хожа Ғунжор, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимий ва Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 385 (милодий 996) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар. Қабрлари Бухородаги «Калобод» маҳалласида бўлиб, машҳурдир.

Фақиҳ *Абу Сулаймон Довуд ибн Муҳаммад ал-Авданий* ҳам шу қишлоқдан. Абу Абдурахмон ибн Абу Лайдан қуйидаги китобларни ривоят қилганлар: «Зикр ас-солихийн» («Солиҳлар зикри»), «Аҳдос уз-замон» («Замон ҳодисалари»), «Раҳмат ул-баҳоим» («Ҳайвонларга раҳм қилмоқ»), «Фазоил ул-Қуръон» («Қуръон фазилатлари») ва б.

Икки ўғиллари – *Абу Салама Абдусамд ал-Авданий* ва *Абу Саҳл Абдулҳамид ал-Авданий* ҳам фақиҳлардан эдилар. Термизда Абул Фазлибн Абу Ҳафс ат-Термизийдан Имом ат-Таҳовийнинг китобларидан таълим олганлар. Ака-укалар фақиҳ Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насавийдан «Муснаду Ҳасан ибн Суфён» («Ҳасан ибн Суфённинг ҳадис тўпламлари») китобларидан; Марвда Абу Жаъфар аз-Зажжож ва Абу Али ибн Ҳодилдан «Манокиму Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифанинг ҳаёт йўллари») китобидан таълим олганлар. Уларнинг оталари Абу Сулаймон Довуд ал-Авданий шундай деганлар: «Мен Аллоҳ таолодан солиҳ фарзандлар тиладим. У менга шундай фарзандлар берди».

*Абу Мансур Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Авданий* ҳам шу қишлоқнинг пешқадам олимларидан. Абдурахмон ибн Солиҳ ал-Мисрий, Яҳё ибн Муҳаммад ал-Луюлий, Мусо ибн Қурайш ат-Тамимий ва Суфён ибн Абдулҳакимдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса юқорида номлари эслатилган Довуд ибн Муҳаммад ал-Авданий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 303 (милодий 916) йилда вафот этганлар.

*Ал-Бобший* البابشي

**Бобший**<sup>13</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Бобший* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сурморий, Наср ибн Ҳусайн ва Муҳаммад ибн Муҳлаб ал-Аздийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 303 (милодий 916) йилда вафот этганлар.

*Ал-Бобий* البابي

**Боба** – Бухоро қишлоқларидан.

Юсуф ибн Абу Солиҳ ал-Бобий шу қишлоқдан. «Мен билан бирга ҳадисдан дарс олганлар». (Абу Комил ал-Басирий.) Бу киши ҳақларида Ибн Мокуло «Китоб ул-икмол»

<sup>13</sup> Бухоро туманидаги Подшоҳи қишлоғи.

«Мукамал китоб») асарларида зикр қилганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Бобий* ҳам шу қишлоқдан. Бу киши Наср ибн Ҳусайн ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Уч марта ҳажда бўлганлар. Ҳижрий 548 (милодий 1154) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Ал-Боданий* البادني

**Бодан**<sup>14</sup> («Тодан» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Боданий ал-Бухорий* Бодан қишлоғидандир. У киши Ироққа сафар қилиб, у ернинг пешқадам муҳаддис олимлари – Язид ибн Ҳорун ва Абу Наим Фазл ибн Диккиндан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 267 (милодий 881) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

*Ал-Бордизий* البارديزي

**Бордиза** – Бухоронинг обод қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Заҳҳок ал-Бордизий ал-Бухорий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Али ибн Назр ат-Тавовисийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Юсуф ва Абу Бакр Саҳл ибн Усмон ас-Сулабий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

*Абу Исҳоқ Яъқуб ибн Исроил ал-Бордизий* ҳам Бордиза қишлоғидан бўлиб, илм талабида Хуросонга борганлар. Али ибн Хушрум ва Абу Довуд Сулаймон ибн Муаббид ас-Санжийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Муаббид аз-Зоҳид ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 309 (милодий 922) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

*Ал-Бонабий* البانبي

**Бонаб**<sup>15</sup> (Понаб) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Таййиб Жулвон ибн Самура ал-Бонабий* нисбати билан машҳур бўлган бу зот зоҳид, обид ва тақводор олимлардан эдилар. Абу Муқотил Исом ан-Наҳвий, Абдуллоҳ ибн Язид ал-Мукрий, Саъид ибн Мансур, Хокон ас-Сулабий ва Аҳмад ибн Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар: «Анзиъу ат-тусуса ва холифу ал-мажуса»<sup>16</sup>, яъни «Мажусийларга хилоф ўлароқ идишни тортиб олиб бўлса ҳам кўлларингизни ювинглар».

Бир куни масжидда азон айтаётганларида бир одам мактуб олиб келади. Карасалар, мактуб амирдан. Дарҳол ўша кишининг қўлига мактубни қайтариб: «Мен қачондан бери амирнинг одами бўлибман? Менинг улар билан ишим йўқ», – деб жавоб берибдилар. Бу

<sup>14</sup> ҳозирги Гиждувон туманидаги Армичан ҚФЙга қарашли Тодонтёпа қишлоғи.

<sup>15</sup> ҳозирги Вобкент туманидаги Паноб ҚФЙга қарашли Панобтепа қишлоғи.

<sup>16</sup> قال رسول الله ﷺ: انزعوا الطستوس، وخالفوا المجوس

хабар етганида, амир: «Худога шукур, халқим орасида менинг мактубимни ўқимайдиган инсон ҳам бор экан-да», – деган экан<sup>17</sup>.

*Абу Толиб Абдуллоҳ ибн Вакиъ ал-Бонабий* ҳам шу қишлоқдан. *Абу Бакр Аҳмад ибн Саҳл ал-Бонабий*, *Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Бонабий* ҳам шу қишлоқнинг муҳаддис олимларидан. Булар Имом ал-Бухорийнинг шайхларидан таълим олган зотлардир.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бонабий* ва *Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф ал-Бонабий* ҳам шу қишлоқ аҳлидан. *Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Бонабий* шу қишлоқдан бўлиб, Али ибн Хушрумдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 296 (милодий 910) йилда вафот этганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Ҳамдон ал-Бонабий* ҳам шу қишлоқ олимларидан бўлиб, ҳижрий 347 (милодий 959) йилда вафот этганлар.

*Абу Саъид Саъид ибн Исмаил ал-Бонабий* [бу зот Жулвон ал-Бонабийнинг биродари (акаси ёки укаси) бўладилар] Абдусамад ибн Фазл ал-Балхий, Исмоил ибн Бишр ва Аҳмад ибн Жарир ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Муқри ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Бухорий* البخاري

**Бухоро** – Мовароуннахрнинг маълум ва машҳур шаҳарларидан. Бу ердан жуда кўп мумтоз, таъриф ва тавсифи тилни ожиз қолдирадиган олим, фозил, муфасссир, муҳаддис ва фақиҳлар етишиб чиққанлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий* Бухородан бўлиб, Бухоро тарихи тўғрисида «Тарихи Бухоро» номи билан машҳур бир китоб битганлар. Бирор киши бундай қимматли тарихий китоб ёзган эмас.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ал-Жуъфий ал-Бухорий* ҳам бухоролик бўлиб, номлари бутун Шарқу Ғарбда маълум ва машҳурдир. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобини таълиф қилганлар.

Фақиҳ *Абул Фазл Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Ҳамдун ал-Бухорий* Нишопур аҳлидан бўлиб, Бухорода яшаган олимлардан. Амир Абул Валиднинг аъёнларидан эдилар. Абул Валид бу киши учун илм суҳбати ва мунозаралар ташкил қилардилар. Мабодо Амир Абул Валидга бирор қийин масалани ечишга тўғри келиб қолса, дарҳол Абул Фазлга мурожаат этарди. Абул Фазл вафотларидан олдин рутубат касалига чалиниб, кўзлари ожиз ва эшитмайдиган бўлдилар. Уч йилча шу аҳволда яшаб, ҳижрий 381 (милодий 992) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

Оталари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамдун ал-Муъдил ал-Бухорий* Нишопурнинг адолатли қозиси ва раиси эдилар. Кўп улуғ олимлар у зотдан таълим олганлар. Ҳижрий 348 (милодий 960) йилнинг рамазон ойида, 72 ёшда вафот этганлар.

---

<sup>17</sup> Ўша даврларда зоҳидлар давлат ишига аралашмасдилар.

*Ал-Бодокарий* البداكري

**Бодокар** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Ризвон ибн Солим ал-Бодокарий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Ҳафс ал-Кабир ва Мусаййиб ибн Исҳоқдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Маккий ибн Халаф ибн Усмон ал-Бухорий ва Абу Бакр Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Будайлий* البديلي

**Будайл** – боболарининг исмига берилган нибат.

*Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Будайл ал-Будайлий* – бухоролик фикҳшунос ва ўз асрининг ханафий мазхабидаги пешқадам шайхи. Бу киши ёддан кўп ҳадис билар эдилар. Бухорода Абу Абдурахмон ибн Абу Лайс, Марвда Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ас-Саъдий ва Райда Аҳмад ибн Жаъфар ибн Насрдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким таълим олганлар. Ҳижрий 343 (милодий 955) йилда вафот этганлар.

*Ал-Бадихуний* البديخوني

**Бадихун** – Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. Муғкон қишлоғи яқинида жойлашган. Қадимда бу қишлоқ муҳаддислар билан танилган. Ҳозир ханафий мазхаби олимлари билан машҳурдир. Мен Сурморо қишлоғидан – Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сурморий зиёратларидан қайтаётганимда бу қишлоқда бўлганман.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ал-Бадихуний* бу нисбат билан машҳурлар. Бу киши Қуръони Каримни ёддан билувчи хофиз эдилар. Исмоил ибн Аҳмад ибн Ҳожиб ал-Кушоний ва Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Пайкандийнинг шогирдларидан. Бухорода у кишидан Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар. Мен у зотдан ва оталаридан таълим олдим.

*Ал-Барокадий* البراكدي

**Барокад** («Барокадон» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Аббос Фазл ибн Муҳаммад ал-Барокадий ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бухайр ибн Назр, Муҳаммад ибн Саҳл ас-Самарқандий ва Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Хусайн Мансур ибн Солиҳ ибн Ҳошид ад-Дехқон ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Барроний* البرراني

**Баррон** (Фаррон) – Бухородан беш фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бир кеча шу қишлоқда тунаганман.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил ал-Барроний* шу қишлоқдан бўлиб, ишончли фақиҳлардан эдилар. Бу киши Абул Фазл ал-Коғазий ва Абул Бадр Соиб ибн Абурахмон ал-Хайзаронийдан дарс олганлар. Абу Бакр ал-Барроний фақиҳ, ишончли олимлардан бўлиб, бу

киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «Музоҳот» китобларида маълумот бериб ўтганлар.

Ўғиллари *Абул Маолий Саҳл ибн Маҳмуд ал-Хатиб* илмларига амал қилувчи олимлардан эдилар. Маккаи Мукаррамада бир неча муддат яшаганлар. Кўплар бу зотнинг илмларидан баҳраманд бўлган. Кўп ибодат қилувчи, тиришқоқ, фозил имом, воиз эдилар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг жумодул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Саҳл ал-Барроний ал-Хатиб* (Саҳл ал-Барронийнинг ўғиллари) оталаридан ҳадис ривоят қилганлар. Мен у кишидан Баррон қишлоғи ҳақида шу қишлоқда маълумот олдим.

*Абу Бакр Муҳаммад ал-Барроний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, «ан-Нажиб» (Покиза) номи билан танилган эдилар. Фақиҳ, фозил, солиҳ олимлардан эдилар. Панж дех қишлоғида шу кишидан таълим олганман.

Укалари *Абу Муҳаммад Абдулҳалим ал-Адиб ал-Барроний* қори эдилар. Бухорода у кишидан таълим олганман. Муҳаммад ва Абдулҳалим ал-Барроний – Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Барронийнинг ўғиллари.

*Адиб Абу Наср Муҳаммад ибн Абу Усома ал-Барроний* ҳам Баррон қишлоғидан. Абу Зарр ал-Бағдодий ва Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳурий (ал-Ҳуроний)дан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар.

#### *Ал-Барсахий* البرسخي

**Барсахон** («Барсухон» деб ҳам айтилади) – Бухородан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Баррон қишлоғидан кетаётганимда шу қишлоқда бир соат бўлганман.

*Абу Бакр Мансур ал-Барсахий* шу қишлоқдан. Бу киши «Тарихи Бухоро» китобининг муаллифи бўлиб, қулоқлари эшитмас эди. Шофеъий мазҳабида эдилар. Абу Комил ал-Басирийнинг устозларидан. Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Ҳомид ал-Карминийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абу Рофиъ Ало ибн Мансур ал-Барсахий* дир.

#### *Ал-Барфаишхий* البرفشيخي

**Барфаишх** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳотам Фарином ибн Жамоҳир ал-Барфаишхий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абдуллоҳ ас-Сибадмуний ал-Устознинг шайхларидан эдилар.

#### *Ал-Баркадий* البركادي

**Баркад** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қози ал-Баркадий* Бухорода қози бўлганлар. Бухоро олимларидан таълим олганлар. Амир Исмоил ибн Аҳмад Сомоний замонида ҳижрий 289 (милодий 903) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

*Жаноҳ ибн Абдуллоҳ ал-Баркадий* ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Исо ибн Мусо ал-Ғунжорнинг шогирдларидан.



Ўғиллари – *Заҳҳок ибн Жаноҳ ал-Баркадий*.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Қози ал-Баркадий* Баркад қишлоғидан. Бухорода қозилик қилганлар. Оталари Аҳмад ибн Мусодан ҳамда Саъид ибн Айюб ва Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Абдуллоҳдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳид ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Басбий* البسبي

**Басба** – Бухоро қишлоқларидан.

*Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Басбий* шу қишлоқдан.

*Ал-Баскосий* البسكاسي

**Баскос** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Набҳон ибн Исҳоқ ал-Баскосий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳурдирлар. Миср ва Шом (Сурия) олимларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Абу Бакр ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 310 (милодий 923) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Ал-Баскойирий* البسكاييري

**Баскойир** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Мушаҳҳар Аҳмад ибн Али ал-Баскойирий* шу қишлоқдан бўлиб, фозил, олим, нахву сарф илмларида ва адабиётда тенги йўқ эдилар. Хуросон, Ироқ ва Ҳижоздаги шайхлардан таълим олиб, уларнинг таҳсинларига сазовор бўлганлар.

*Абу Аҳмад Набҳон ибн Исҳоқ ал-Баскойирий* ҳам шу Баскойир қишлоғидан. Бу киши фақиҳ ва зоҳид эдилар. Бухорода Саъд ибн Муоз ал-Марвазий, Суфён ибн Абдулҳаким, Асбот ибн Ясаъ ва Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафсдан илм ўрганиб, уларнинг таҳсинларига сазовор бўлганлар. Кейинчалик Шом, Миср ва бошқа араб мамлакатларига бориб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Ал-Бакибуний* البكيبوني

**Бакибун** («Бакиют» ёки «Бакюн» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ал-Пайкандий ал-Бакибуний* шу қишлоқдан. Бу киши – «Китоб ат-тафсир» («Тафсир китоби») ва «Мусаннафат ус-савми вас-салоти вал-маносики вал-буюъ» («Рўза, намоз, қурбонлик ва савдо-сотик таснифлари») китобларининг муаллифи. Суфён ибн Уяйна, Муҳаммад ибн Фузайл ва Абу Муовия аз-Зарирдан таълим олганлар. Бу зот – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Убайдуллоҳ ибн Восил ва Халаф ибн Омирнинг устозлари.

*Ал-Бамижкатий* البميجكتي

**Бамижкат** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Бамижкатий* шу қишлоқдан. Бу киши шоир, адиб ва шу қишлоқнинг имом-хатиби эдилар. Хожа Ғунжор ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг устозларидирлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг Рамазон ҳайити кечаси вафот этганлар.

*Абу Жамил Ибод ибн Ҳишом ал-Бамижкатий* асли шомлик бўлиб, шу қишлоқда яшаганлар. Бамижкат қишлоғи масжидида муаззин (азон айтувчи) эдилар. Ҳижрий 279 (милодий 893) йил рамазон ойининг якшанба куни Бамижкат қишлоғида вафот этганлар. Жанозаларида кўп киши ҳозир бўлган. Уларнинг саноғини Аллоҳнинг ўзигина билар эди.

*Ал-Байдарий* البيدري

**Байдара** – Бухоро қишлоқларидан.

Шу қишлоқлик *Абул Ҳасан Муқотил ибн Саъд аз-Зоҳид ал-Байдарий* Бухоро аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан танилган такводор, пархезкор киши эдилар. Исо ибн Мусо ал-Ғунжор ва Аҳмад ибн Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Шозавайх ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Бирмасий* البيرمسي

**Бирмас**<sup>18</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Ҳамд ибн Амр ал-Бухорий ал-Бирмасий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Бирмасийдан эса Иброҳим ибн Нуҳ ибн Сиддиқ ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Бифориний* البيفارينى

**Бифорин** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Имрон Мусо ибн Афлаҳ ал-Бифориний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши узок умр кўрган олимлардан бўлиб, Имом ал-Бухорий замонларида яшаб, у зотдан таълим олганлар. Ҳижрий 291 (милодий 905) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

*Ал-Балъамий* البلعمي

**Балъам** – Рум шаҳарларидан бири.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Балъамий* Хуросон амири Исмоил ибн Аҳмаднинг вазири эдилар. Абул Фазл ал-Балъамийнинг катта боболари Ражо ибн Муаббид Румнинг Балъам шаҳрида яшаганлар. Ўша ерда оила куриб, серфарзанд бўлганлар. Фарзандларига «ал-Балъамий» деб нисбат берилган.

Вазир Абул Фазл ал-Балъамий ўз замоналарининг оқил, доно, олим кишиси ва буюк давлат арбоби эдилар. Бухоро аҳлидан. Жуда кўп олимдан дарс олганлар. Бу зот ҳақларида алоҳида китоб ёзилган. «Тарихи Табарий» асарини биринчи бўлиб форс тилига таржима қилганлар. Авлодлари ҳозиргача Бухорода яшаб келмоқда. Ҳижрий 329 (милодий 942) йил сафар ойининг ўнинчи куни кечаси вафот этганлар.

<sup>18</sup> Вобкент туманидаги Пермас қишлоғи.

### *Ал-Байкандий* البيكندي

**Байканд**<sup>19</sup> (Пайканд) Мовароуннахр шаҳарларидан бўлиб, Амударё ва Бухоро оралиғида жойлашган. Бухородан бир манзил узоқликдаги чиройли ва катта шаҳар. Бу ердан кўп олим етишиб чиққан. Ҳозирги вақтда харобага айланган. Шаҳидлар қабрини зиёрат қилиш учун боргандим. Уч мингта работи бор эди. У ердаги хароба тепаликларни кўрдим.

*Абу Аҳмад ибн Юсуф ал-Пайкандий, Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ал-Пайкандий* ва *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий* ҳадис илмининг ишончли муҳаддисларидан бўлиб, булар Имом ал-Бухорийга, яъни Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга таълим берган муҳаддис устозлардан.

*Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий* ҳижрий 225 (милодий 841) йил сафар ойининг еттинчисида, якшанба куни вафот этганлар.

Авлодларидан *Абу Наср Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Пайкандий* Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймонийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ҳадис ривоят қилганлар.

*Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Пайкандий* ҳам Пайканд аҳлидан бўлиб, Абу Осим ва Абдураззоқдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Пайкандий* кўп ҳадисни ёддан билувчи эдилар. Илм талабида Ироқ, Шом ва Мисрда бўлиб, тўрт юздан ортиқ кичик ҳажмли китоб ёзганлар. Ҳар ҳафта бир китоб битиб, жума куни Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидига олиб келиб, у ерда ҳозир бўлган кишиларга ўқиб берганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилда вафот этганлар.

*Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий* солиҳ имом ва ишончли муҳаддислардан. Оталари пайкандлик бўлиб, ўзлари ҳижрий 465 (милодий 1073) йилнинг шаввол ойида Бухорода туғилганлар. Сарахсда Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Қози Абул Хаттоб ат-Табарий ва Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Абдурахмон аз-Зубайрийдан ҳадис илмидан сабоқ олганлар. Бухорода у кишидан кўп таълим олганман. Ҳижрий 552 (милодий 1158) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Пайкандий* Пайкандда имом-хатиб эдилар. Бағдодга бориб, у ернинг машҳур муҳаддисларидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йили Пайкандда вафот этганлар.

### *Ат-Тобиший* التابشي

**Тобиша** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Фазл Абдурахмон ибн Зарнак ал-Бухорий ат-Тобиший* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Бакр ибн Муҳаммад ат-Тобишийнинг оталаридир. Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Муснадий ва Бакр ибн Халафдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 257 (милодий 872) йилнинг рабиъул охир ойига тўрт кун қолганда, пайшанба кечаси вафот этганлар.

<sup>19</sup> Бухоро вилоятининг Қорақўл тумани ҳудудида.

**Ат–Тодизий** التاديزي

**Тодиза**<sup>20</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Заҳҳок ат–Тодизий ал–Бухорий* Бухоро аҳлидан. Ужайф ибн Одам ал–Бухорий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал–Бухорий ва Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн ал–Мукри ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

**Ат–Тарохий** التراخي

**Тарохий** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ат–Тарохий ал–Бухорий* шу қишлоқдан. Ҳижрий 350 (милодий 962) йил зулҳижжа ойининг охирида вафот этиб, муҳаррам ойининг биринчи кунини дафн қилинганлар.

**Ат–Тарикотий** التركاتي

*Абул Қосим Али ибн Аҳмад ат–Тарикотий ал–Бухорий* Бухоро аҳлидан. Саройда тарикотни, яъни меросни тақсимлаб берувчи бўлганлар. Шунинг учун «Тарикотий» деб нисбат берилган. Ҳижрий 409 (милодий 1019) йили Балхда вафот этганлар.

**Ат–Турновадий** الترنوادى

**Турновад**<sup>21</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳомид ибн Исо ал–Муаддиб ат–Турновадий* шу қишлоқдан бўлиб, адиб ва шоир эдилар.

**Ал–Жаржароий** الجرجرائي

**Жаржароё** Дажла дарёсига яқин шаҳар бўлиб, Бағдод ва Восит оралиғида жойлашган.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Идрис ал–Жаржароий ал–Ҳофиз* Бухорода яшаганлар. Бу киши ҳофиз ал–ҳадис, ишончли муҳаддис, хусниҳатлари чиройли хаттот эдилар; хайрли ишларга доимо бош–қош бўлар ва кўп рўза тутардилар. Илм талабида Бухорога келгунларига қадар Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ал–Исмоилий, Абу Аҳмад ибн Юсуф ад–Димашқий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал–Жаржароий ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал–Мустағфирий ал–Ҳофиз ва Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал–Жаъфарий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 415 (милодий 1025) йил рабиъул аввал ойининг бешинчисида, шанба куни Бухорода вафот этиб, ўша куни Пайкандга олиб борилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

**Ас–Собитий** السابتي

*Абу Наср Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал–Бухорий* Бухоро фақиҳларидан. Бағдодда яшаб, фикҳ

<sup>20</sup> Вобкент туманидаги Годари қишлоғи.

<sup>21</sup> Рометан туманидаги Турноут қишлоғи.

илми билан шуғулланар эдилар. Вафотларига қадар фатво соҳиби бўлганлар. Бағдоддаги «Мансур» жомеъида дарс берардилар. Ҳижрий 449 (милодий 1058) йилнинг ражаб ойида вафот этиб, «Боб ал-ҳарб» қабристонидан дафн қилинганлар.

*Ал-Жожаний* الجاجني

**Жожан** – Бухоро қишлоқларидан.

Фақиҳ *Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Жожаний* шу қишлоқдан. Бу киши Бухоронинг «Дарб ал-ҳадид» («Темир дарвоза») маҳалласида яшаб, Имом Абу Бакр ибн Фазл мадрасасида дарс берганлар. Бухоро, Ҳижоз ва Ироқ муҳаддисларидан ҳадислар ёзиб олганлар. Фақиҳ Тоҳир ал-Хурайсий бу кишидан таълим олганлар.

*Ал-Жоварсоний* الجاوساني

**Жоварсон** – Ҳамадондаги маҳалла ёки қишлоқ.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Бакр ал-Жоварсоний* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Бухорода яшаган олимлардан. Бу киши зоҳид, такводор ва доим ибодат билан машғул бўлиб, нафл намозларини кўп ўқирдилар. Кўзлари ожиз эди, аммо юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёддан айтиб берардилар. Абу Яҳё ал-Ҳаммоний, Хусайн ибн Али ал-Жуъфий ва Саъид ибн Омир аз-Забъийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Бухорий у зотнинг шогирдларидан. Бу киши Ҳижрий 258 (милодий 873) йили Омулда (Чоржўйда) вафот этганлар.

*Ал-Жубуний* الجبيني

**Жубун** арабча сўз бўлиб, пишлоқ деган маънони англатади.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Жубуний* Бухоронинг машҳур олимларидан бўлиб, Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида имом-хатиб эдилар. Пишлоқ тайёрлаб сотганлари учун «Жубуний» (Пишлоқчи) тахаллусини олганлар. «Устоз» номи билан танилган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сибадмунийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Наср ибн ал-Жубуний ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Хатиб* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, «Ал-Жубуний» номи билан танилган эдилар. Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида имом-хатиб ва ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан эдилар. Ҳаж қилгандан сўнг Бағдодга келиб, Муҳаммад ибн Ҳамдавайҳ ал-Марвазий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сибадмуний ал-Устоз, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ва Ҳомид ибн Билолдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Қосим ал-Азҳарий ва Хусайн ибн Муҳаммад ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 395 (милодий 1006) йил зулқаъда ойининг биринчисида, жума куни вафот этганлар.

*Ал-Жижорий* الججاري

**Жижор** («Шижор» ёки «Сижор» деб ҳам айтилади) – Бухоро ноҳиясининг Нур<sup>22</sup> қишлоғи.

<sup>22</sup> Бугунги Нурота.

*Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Жижорий* шу қишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Бу кишидан қози ва раис Абу Тохир ал-Исмоилий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Жадидий* الجديدي

**Жадид** арабча сўз бўлиб, янги деган маънони англатади. Бухорода «Сиккат ул-жадид» (Янги кўча) деб номланган кўча бор.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдак ал-Бухорий ал-Жадидий* шу кўчадан. Бухоро аҳлидан. Имом ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Жаъфарий* الجعفري

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий* Бухоро аҳлидан. Бу киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиларининг ўғли Жаъфар ибн Абу Толиб ат-Тайёрнинг авлодларидан бўлганлари учун ушбу нисбат берилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Идрис ал-Жаржароий ал-Ҳофиздан таълим олганлар. Ўзларидан эса Бухоронинг пешқадам олимлари таълим олганлар. Бу киши ҳақларида менга Бухорода Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий маълумот бердилар. Абу Амр ал-Пайкандий Абу Бакр ал-Жаъфарийни танийдиган энг охирги ровий эдилар. Бу киши ҳақларида Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида маълумот берганлар.

*Ал-Жуъфий* الجعفي

Пайғамбар алайҳиссалом замонларида Жуъфий ибн Саъд ал-Ашира қабиласи бўлган. Бу шу қабилага берилган нисбат.

*Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Жуъфий* Бухоро аҳлидан бўлиб, «ал-Муснадий» таҳаллуси билан маълум ва машҳур эдилар. Ёшлиқларидан қайси ҳадисни ўқисалар, унинг санадини сўраб суриштирганлари учун «ал-Муснадий» таҳаллусини олганлар. Бу киши Бухоронинг муҳаддис олимларидан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ал-Жуъфий ал-Бухорий* «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобини таълиф қилганлар. Бу кишининг боболари Муғира мажусий эдилар. Муғира юқорида номлари зикр қилинган ал-Муснадийнинг боболари, яъни Ямон ал-Жуъфий қўлида мусулмон бўлганлиги учун у кишига «ал-Жуъфий» деб нисбат берилган. Ямон ал-Жуъфий Бухоро ҳукмдори эдилар. Имом ал-Бухорий ҳижрий 256 (милодий 871) йили Самарқанднинг Хартанг қишлоғида Рамазон ҳайити кечаси вафот этганлар.

*Ал-Жаннотий* الجناتي

**Жаннот** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Ҳафс Умар ибн Халаф ал-Ғаззол ал-Муқри ал-Жаннотий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Саъид ар-Розий ва Абу Наср ал-Калободийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар.

*Ал-Жунбазий* الجنبذي

**Жунбаз** форсчада «Гунбаз» дейилади.

*Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Жунбазий* бу нисбат билан машхурдирлар.

*Ал-Жандий* الجندي

**Жанд** – Сирдарё атрофидаги туркий халқлар яшайдиган шаҳар. Бу ердан кўп олим етишиб чиққан.

Бухоронинг «Қаря ал-жадида», яъни янги қишлоқларида ҳам туркманлар каби жанд қавми бўлган.

*Яъқуб ибн Ширин ал-Жандий* шулар жумласидандир. Бу зот кози, фозил ва қатъиятли кишилардан эдилар. Чиройли шеърлар ҳам ёзганлар. Ҳижрий 348 (милодий 960) йилда биз билан бирга Хоразмдан Бухорога элчи бўлиб келганлар. Кейинчалик Самарқандга кетганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Фазл ал-Жандий* шу қишлоқ имомларидан. Тафсир ва ҳадис илмида, маърифат илмида пешқадам эдилар. Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ ал-Калободийнинг суҳбатдошларидан<sup>23</sup>.

*Ал-Жунайдий* الجنيدي

**Жунайд** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Жунайдий* Бухоро аҳлидан бўлиб, машхур олимлардан. Ҳотам ибн Аҳмад ас-Сайрафий ал-Бухорий ва Абу Муҳаммад Абдурахмон ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар ва шундай деганлар: «Ҳижрий 357 (милодий 969) йили Бухорода ва Ҳижрий 360 (милодий 972) йили Самарқандда биз у кишидан ҳадис ёзиб олганмиз».

*Ал-Жуволиқий* الجوالقي

*Абу Исмаил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Жуволиқий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан машхур эдилар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Ал-Жизохиштий* الجيزاخشتي

**Жизохишт** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муслим Умар ибн Али ал-Бухорий ал-Жизохиштий* шу қишлоқдан. Бу киши ҳадис илмининг ҳофизларидан эдилар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Жибол ва Кур ал-Аҳводда бўлиб, у ердаги улуғ машойихлардан, Бухорода Абдулкарим ал-Калободий (Гулободий) ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим саҳиҳлари ўртасидаги ҳадисларни жамлаганлар. Бу тўплам 40 машраса бўлди. Бир машраса бир жилдга яқиндир.

<sup>23</sup> Турки жандий мозори Бухорода машхур бўлиб, ҳозир ҳам сақланган.

Ҳижрий 466 (милодий 1074) йили Кур ул–Аҳвозда вафот этганлар.

**Ал–Ҳозимий** الحازمي

Ҳозим – киши исмига берилган нисбат.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал–Муаззин ал–Бухорий ал–Ҳозимий* бухоролик олимлардан бўлиб, бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Бағдодга бориб, у ерда ҳадиси шарифдан дарс олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ ал–Ғунжор ал–Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ал–Ҳозимий Бухоронинг машойихларидан. Вазир Абу Али ал–Балъамийнинг маслаҳатчиларидан эдилар. Ҳижрий 289 (милодий 903) йилда туғилганлар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йилда ҳаж сафари ниятида Нишопурга келганлар ва одамлар у зотдан «Илми усул»ни ёзиб олганлар. Ҳижрий 373 (милодий 984) йили Нишопур йўлида вафот этганлар.

**Ал–Ҳаддодий** الحدّادي

Ҳаддод арабча сўз бўлиб, темирчи деган маънони англатади.

*Абу Абдуллоҳ Тоҳир ибн Муҳаммад ас–Суфий ал–Бухорий ал–Воиз* Бухоро аҳлидан бўлиб, *ал–Ҳаддодий* номи билан танилган эдилар. Нахшабнинг Базда қишлоғида яшаганлар. Ота–боболари темирчилик билан шуғулланганликлари сабабли «ал–Ҳаддодий» тахаллусини олганлар. Бу киши «аз–Зухд ват–тазқир» («Парҳезкорлик ва зикр») ва «Уюн ал–мажолис ва сурур ад–дорис» («Мажлислар кўзи ва мударрис шодлиги») китобларининг муаллифидирлар. Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал–Хайём, Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз–Зоҳид ва бошқа муҳаддислардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал–Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 406 (милодий 1016) йилда зулқайда ойига 17 кун қолганда, шанба куни Нахшабнинг Базда қишлоғида вафот этганлар.

**Ал–Ҳаззо** الحدّاء

*Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал–Муқри ал–Ҳаззо ал–Бухорий* Бухоро аҳлидан. Муҳаммад ибн Юсуф ал–Фарабрый, Абу Бакр Аҳмад ибн Абдулвоҳид ва Абу Саъид Бакр ибн Мунирдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Ғунжор ал–Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

**Ал–Ҳарбий** الحربي

Ҳарб – катта боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Наср Мансур ибн Муҳаммад ал–Ҳарбий ал–Бухорий ал–Муҳтасиб* Бухоро олимларидан. Фарғонада қозилик қилганлар, кейинчалик Бухорода муҳтасиб (шариатга хилоф ишларни текширувчи) бўлиб ишлаганлар. Муҳаммад ибн Юсуф, Абу Наим Абдулмалик ибн Муҳаммад ал–Астрободий, Аҳмад ибн Сулаймон ад–Димашқий ва Шом, Миср, Ироқ, Хуросоннинг бошқа олимларидан таълим олганлар. Бу киши кўп ҳадис билар эдилар. Кароматлари ҳам бор эди. Ҳижрий 381 (милодий 992) йил жумодул охир ойининг ўн еттинчисида, сешанба куни Бухорода вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал–Бухорий ал–Ҳарбий* ҳам Бухоро аҳлидан. Катта



боболарининг исмлари Ҳарб бўлганлиги учун бу кишига шу нисбат берилган. Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Фазл ибн Бисом ва Иброҳим ибн Маъқалдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 354 (милодий 966) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Ҳараший* الحرشي

*Абу Зайд Саъид ибн Рабиъ ал-Ҳараший* Бухоро шайхларидан. Муғира ибн Шуъбадан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Зайднинг боболари Зирора ибн Авфнинг котиби бўлганлар.

#### *Ал-Ҳарамий* الحرمي

Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларни ҳаром деб билганлари учун берилган нисбат.

Бухоролик *Абу Муҳаммад ал-Ҳарамий ал-Пайкандий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Балхда яшаганлар. Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Ҳасан ибн Умар, Қутайба ибн Саъид, Иброҳим ибн Мунзир ва Ханаш ибн Ҳарб ал-Пайкандийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Ҳассоб* الحسّاب

*Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳассоб ал-Бухорий ал-Фароизий* ҳисоб ва муқаддарот (математика) илмига моҳир эдилар. Шунинг учун ушбу нисбат берилган. Ҳижрий 339 (милодий 951) йилнинг зулкаъда ойида вафот этганлар. Бу киши ҳақларида маълумот Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофизнинг «Бухоро тарихи» китобида мавжуд.

#### *Ал-Ҳалвоий* الحلوائي

Ҳалво пишириб сотиб, тирикчилик қилиб юрганлари учун «ал-Ҳалвоий» деган нисбат берилган.

*Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Ҳалвоий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Бухоро ахлидан бўлиб, ўз замоналарининг ҳанафий мазҳаби пешволаридан, шайх, буюк муҳаддис ва фатво соҳиби эдилар. Лақаблари «Шамс ул-аимма» (Имомлар куёши) эди. Қози Абу Али Ҳусайн ибн Хизр ан-Насафийдан фикҳдан, Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий ва Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий бу кишининг охириги шогирдларидандир. Ҳижрий 449 (милодий 1058) йили Кешда оламдан ўтганлар. Тобутлари Бухорога олиб келиниб, Калободда (Гулободда) дафн қилинганлар. Мен у зотнинг қабрларини зиёрат этганман.

#### *Ал-Ҳалимий* الحلبي

*Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Ҳалимий ал-Фақиҳ аш-Шофеъий ал-Журжоний* ҳижрий 338 (милодий 950) йили Журжонда туғилганлар. Бухорога келиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад, Абу Аҳмад Бакр ибн Муҳаммад ас-Сайрафий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Жаббахонийдан ҳадис ёзиб олганлар. Абу Бакр ал-Авданийдан фикҳ

илмидан таълим олганлар. Мовароуннахрнинг буюк, одобли ва ибратли имоми бўлганлар. Бу киши «ат-Тасониф ал-ҳисон» («Ҳасан ҳадислар таснифи») китобининг муаллифидирлар. Бу киши ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоқим «Тарихи Нишопур» китобларида маълумот берганлар. Ҳижрий 403 (милодий 1013) йилнинг жумодул аввал ёки рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Ҳамидий* الحميدي

*Исҳоқ ибн Такинак ал-Ҳамидий* амир Исмоил Сомоний озод қилган куллардан. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад аш-Шиконий ал-Бухорий ва Абу Наср ибн Аҳмад Мурожий ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музоҳот» китобларида қайд қилганлар.

#### *Ал-Ҳавсалий* الحوصلي

Ҳавсала – куфалик бир кишининг исми. Бу киши Қутайба ибн Муслим билан бирга ғозий сифатида Бухорога келган. Кейинчалик Бухорода қолиб, шу ерда оилали бўлган. Ўғиллари *Абул Асад Аҳмад ибн Иброҳим Ҳавсала ал-Куфий ал-Ҳавсалий* Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий ва Ҳомид ибн Саҳлдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 354 (милодий 966) йилнинг зулқаъда ойида Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Хосса* الخاصة

Амир *Абул Ҳасан Фоиқ ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Андалусий ал-Хосса* Хуросон амири Абу Солиҳ Мансур ибн Нухнинг хос кишиларидан бўлганлари учун «ал-Хосса» деб аталганлар. Бухоро олимларидан. Хуросоннинг қирқдан ортиқ шаҳарларида волий вазифасида ишлаганлар. Илм аҳлини ҳурматлардилар, ўзлари ҳам илмга қизиқардилар. Хайрли ишлар қилганлар. Бу кишининг уйларида муҳаддислар ва олимлар йиғилар, ўзлари ҳам уларнинг сўзларини эшитар эдилар. Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмаддан ва Марв, Куфа, Макка муҳаддисларидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Баййиъ ва Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 389 (милодий 1000) йил рамазон ойида Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Хаббоз* الحَبَّاز

Нон пишириб, сотиб тирикчилик қилганлари учун «ал-Хаббоз» (новвой) деган тахаллусни олганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Хаббоз ар-Розий* Рай аҳлидан бўлиб, Бухорода яшаган олимлардан. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз, Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий таълим олганлар.

### *Ал-Хужодий* الحجاجي

**Хужодо** Бухоронинг катта ва обод кишлоқларидан. Бу кишлоқда жомеъ масжиди бор.

*Абу Али Муҳаммад ибн Али ал-Хужодий* шу кишлоқдан. Бу киши ниҳоятда ишончли, муҳаддис, фаҳмли ва зеҳнлари жуда ўткир олим эдилар. Аҳмад ибн Али ал-Устоз, Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлийдан ва бухоролик машойихлардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 417 (милодий 1027) йилда таваллуд топганлар.

### *Ал-Худободий* الخدابادي

**Худобод** – Бухородан беш фарсах узоқликдаги кишлоқ. Бу кишлоқ «Уммахот ул-қуро» (Кишлоқларнинг онаси – обод ва кўркам кишлоқ) деб ҳам айтилади. Бу кишлоқдан кўп олим етишиб чиққан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳамза ал-Худободий* шулар жумласидандир. Бу киши имом, фозил, солиҳ, тақводор ва илмига амал қилувчи олимлардан эдилар. Илм талабида ҳижрий 500 (милодий 1107) йилда Ҳижоз, Басра, Макка ва Мадина шаҳарларида бўлганлар. Кейинчалик ўғиллари Абул Макорим Ҳамза билан Мадинада яшаганлар. Ҳижрий 501 (милодий 1108) йили Мадинаи Мунавварада вафот этганлар.

Ўғиллари Абул Макорим Ҳамза Хуросонга қайтиб, Мовароуннаҳрда бўлиб, яна Хуросонга борганлар. Хуросонда шайх Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Бухорода Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Калободий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ас-Сусқоний ва Абу Али Тохир ибн Аҳмад ал-Исмоилийдан, Марвда Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Моҳиёний ва Абу Яъқуб Юсуф ибн Айюб ал-Ҳамадонийдан таълим олганлар. Абул Макорим жуда ахлокли, чиройли сийратли, доимо ибодат ва Қуръон тиловати билан машғул эдилар. Бухорода у кишидан ҳадислар эшитиб, таълим олдим. Ҳижрий 486 (милодий 1094) йили Бухорода таваллуд топганлар.

### *Ал-Худиманканий* الخديمكاني

**Худиманкан** – Карманадан икки фарсах узоқликдаги кишлоқ. Кўп муҳаддис етишиб чиққан бу кишлоқда жомеъ масжид ва минбар бор. Самарқандда бўлганимда шу кишлоқлик бир мусулмон, солиҳ кишини кўрдим ва у менга кишлоғи ҳақида гапириб берди.

*Абу Наср Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Худиманканий* бу нисбат билан машҳур бўлиб, шу кишлоқда имом-хатиб эдилар. Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз «Муъжам уш-шуоҳ» («Шайхлар қомуси») китобларида айтганлар: «Абу Аҳмад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Варқудий Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» тўпламларини шу китобнинг охирги ровийси ал-Фарабрийдан таълим олганлар. Ал-Худиманканий мазкур асарни ал-Варқудийдан таълим олганлар». Мен бу китобни ал-Худиманканийдан унинг кишлоғида таълим олдим. У кишида боболаридан қолган «Саҳиҳ ул-Бухорий»ни кўриб, зиёрат қилдим.

*Абу Умар Салим ибн Мужоҳид ал-Худиманканий* ҳам шу кишлоқдан. У киши Имом ал-Бухорий билан суҳбатдош бўлганлар.

*Ал-Харожарий* الخراجري

**Харожарий**<sup>24</sup> Бухородан бир фарсах узоқликдаги Фаровиз ул-улёга (Юқори Фаровизга) якин кишлокдир. Бу кишлокдан кўп фақиҳ етишиб чиққан. Уларнинг ҳаммаси Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг шогирдларидир.

*Ал-Хародиний* الخراديني

**Хародин** – Бухоро кишлокларидан.

*Абу Мусо Ҳорун ибн Аҳмад ал-Ҳофиз* Бухоро аҳлидан бўлиб, «ал-Хародиний» номи билан танилган эдилар. Муҳаммад ибн Айюб ар-Розий, Иброҳим ибн Юсуф ва Аҳмад ибн Умардан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 343 (милодий 955) йилнинг рабиъул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

*Ал-Харжуший* الخرجوشي

**Харжуш** (форсчада «Харгўш» деб ҳам айтилади) – Бухоро кишлокларидан<sup>25</sup>. Нишопурда «Харгўш» номли катта кўча бор.

*Абу Саъд ал-Харжуший* шу кишлокдан бўлиб, ҳижрий 407 (милодий 1017) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар. Қабрлари Харгўш кишлоғи хонақоҳида.

*Ал-Харъонкатий* الخرعانكي

**Харъонкат** – Бухоро кишлокларидан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Хизр ал-Харъонкатий* шу кишлокдан. Бу киши Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағавий, Абу Ҳомид Жибрил ибн Мажо ал-Кушоний, Таййиб ибн Муҳаммад ал-Иштиханий, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан таълим олганлар. Илм талабида Хуросон, Ироқда бўлганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 357 (милодий 969) йилнинг ражаб ойида Харъонкат кишлоғида вафот этганлар.

*Ал-Хурмитаний* الخرميتيني

**Хурмитан** – Бухоро кишлокларидан.

*Абул Фазл Довуд ибн Жаъфар ал-Хурмитаний* Бухоро аҳлидан.

*Ал-Хасравоний* الخسرواني

**Хасравон**<sup>26</sup> – Бухоро кишлокларидан.

*Абу Ало Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хасравоний ал-Бухорий* шу кишлокдан. Бу киши тўғри сўз (сиддик) эдилар. Тахминан ҳижрий 480 (милодий 1088) йилда вафот этганлар.

<sup>24</sup> Бухоро туманидаги Қоражери кишлоғи.

<sup>25</sup> Вобкент туманидаги Харгўш кишлоғи.

<sup>26</sup> Пешку туманидаги Кўсравон кишлоғи.

*Ал-Хушном* الحشنام

**Хушном** – боболарининг исмига берилган нисбат.

Имом *Умар ибн Муҳаммад Хушном ал-Бухорий ал-Хушномий* Бухоро олимларидан. Бу киши фозил имом, машхур фақиҳ ва такводор эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг зулқаъда ойида Бухорода вафот этганлар.

*Ал-Хизрий* الحضري

**Хизр** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Хизрий* – Бухоро аҳлининг ишончли муҳаддиси ва олими. Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Суламий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳорисий ва Абу Абдуллоҳ ал-Азҳарийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Комил ал-Басирий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ҳадис ривоят қилганлар. Тахминан ҳижрий 400 (милодий 1010) йилда вафот этганлар.

*Ал-Хумхисарий* الخمخيسري

**Хумхисар** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Хумхисарий* шу қишлоқдан бўлиб, фикҳшунос эдилар. Бу киши Бухоронинг «Рев дарвоза» маҳалласида яшаганлар. Абу Комил ал-Басирий ал-Ҳофиз бу кишидан таълим олганлар ва устозлари ҳақида «ал-Музоҳот» китобларида қайд этганлар.

*Ал-Хуноматий* الحنامي

**Хуноматий** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Солиҳ Таййиб ибн Муқотил ал-Хуноматий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийдан таълим олганлар.

*Ал-Ханбожзий* الحنباحي

*Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Ханбожзий* Бухоро олимларидан. Бухоронинг кўп олимидан таълим олиб шогирдлар чиқарганлар.

*Ал-Ханбий* الحنبي

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ханбий*нинг оталари бухоролик бўлиб, ўзлари Бағдодда туғилганлар. Бухорога қайтиб, вафотларига қадар шу ерда яшаганлар. Ҳадис илмига моҳир эдилар. Кўп ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда вафот этганлар.

*Ал-Хунбуний* الحنبوني

**Хунбун**<sup>27</sup> – Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. Хуросон чўли этагидаги бу қишлоқда бир неча кеча тунадим.

*Абул Қосим Восил ибн Ҳамза ас-Суфий ал-Хунбуний* шу қишлоқдан. Ҳадис илми талабида кўп сафарда бўлганлар. Ниҳоятда солих, ишончли муҳаддис эдилар, ҳадисларни яхши билиб, яхши тушунардилар. Бухорода Абу Саҳл Абдулкарим ал-Калободийдан, Насафда Абул Аббос Жаъфар ал-Мустағфирийдан таълим олганлар. Аҳмад ал-Хатиб ал-Бағдодий «Тарихи Бағдод» китобида ёзадилар: «Восил ибн Ҳамза ас-Суфий Бухородандир, ёдлаган ҳадислари ниҳоятда кўп ва хўбдир». Ҳижрий 467 (милодий 1075) йилда қишлоқларида вафот этганлар.

*Абу Раҷо Аҳмад ибн Довуд ал-Хунбуний* ҳам шу қишлоқдан. Хожа Ғунжор айтадилар: «У киши Юқори Хунбундан». Абу Бақр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Калободий бу кишидан таълим олганлар.

#### *Ал-Хунжий* الخنجي

*Абу Ҳафс Умар ибн Абул Ҳорис ал-Хунжий ал-Бухорий* Басрада яшаб, Бағдодда ҳадис илмидан таълим берганлар. Ҳижрий 250 (милодий 865) йилда Бағдодда вафот этганлар.

#### *Ал-Хуналиқий* الخنليقي

*Ҳаким ибн Иброҳим ал-Хуналиқий ад-Дарбандий* факих, фозил, ғамхўр олимлардан эдилар. Бағдодда Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий билан маслакдош бўлганлар. Кўп ҳадис билардилар ва ҳадисларни ўз қўллари билан кўчирадилар. Хаттот ҳам бўлганлар. Бухорода яшаганлар. Ҳижрий 538 (милодий 1144) йил шаввол ойининг ўн иккинчисида Бухорода вафот этганлар.

#### *Хоҳарзода* الخواهرزاده

Хоҳар – форс тилида сингил дегани. Бу кишининг оналари машҳур олимнинг синглиси бўлганлари учун шу нисбат берилган.

*Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Бухорий ал-Қудайдий* Бухоро олимларидан бўлиб, «Бақр Хоҳарзода» номи билан танилган эдилар. Бухоронинг маълум ва машҳур олими Хоҳарзоданинг авлодлари эканликлари учун шу нисбат берилган. Бу киши Бухоро қозиси Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг сингилларининг ўғли бўлиб, имом, фозил, Абу Ҳанифа мазҳабида, фикҳ илмида тенги йўқ денгиз эдилар. Бу киши фикҳий масалаларни жамлаб, ёдлардилар. Бухорода имло айтар эдилар<sup>28</sup>. Оталари Абу Алидан ва Мансур ибн Наср ал-Коғазий ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий бу кишидан таълим олганлар. Абу Бақр Хоҳарзода ҳижрий 483 (милодий 1091) йил жумодул аввал ойининг йигирма бешинчисида, жума куни кечаси Бухорода вафот этганлар.

<sup>27</sup> Жондор туманидаги Хумин қишлоғи.

<sup>28</sup> Ўрта асрларда устоз айтган дарсни шогирдларга ёздириш (*имло*) касби билан шуғулланган илмли кишилар бўлган.

### *Ал-Хайёт* الحيات

**Хайёт** арабча сўз бўлиб, кийим (либос) тикувчи деган маънони англатади.

*Абу Саъид Жобир ибн Исо ал-Хайёт ал-Бухорий* машхур кийим тикувчи бўлганлар. Исо ибн Мусо ал-Ғунжордан ҳадис илмидан таълим олганлар.

### *Ал-Хайём* الحيام

*Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, шу нисбат билан машхур эдилар. Ёддан кўп ҳадис билишларига қарамай, ҳадис илми талабида сафар этардилар. У кишидан Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз, Абу Саъд ал-Идрисий ал-Астрободий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 361 (милодий 973) йилнинг жумодул аввал ойида 86 ёшда Бухорода оламдан ўтганлар.

### *Ал-Хайрохарий* الخيراخري

**Хайрохари** – Бухородан беш фарсах узоқликдаги Занданига<sup>29</sup> яқин қишлоқ.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Фазл ал-Хайрохарий* шу қишлоқдан бўлиб, ушбу нисбат билан машхурдилар. Бу киши Бухорода муфтий бўлганлар. Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида имом-хатиблик қилганлар. Шайхларнинг хизматларини бажо этиб, уларнинг дуоларини олганлар. Шунинг шарофатидан Бухоронинг энг кўзга кўринган олими, муҳаддис, фикҳ илми бўйича мударрис, хушхат хаттот ва имом бўлганлар. Ал-Хайрохарий авлодлари Бухорода ҳозир ҳам бор.

### *Ад-Довуд* الداودي

Бу **Довуд** мазҳабига берилган нисбат бўлиб, тўлиқ исми *Абу Сулаймон Довуд ибн Али ал-Исфаҳоний*. Аммо бу кишининг боболарининг исми Довуд бўлганлиги учун шу нисбат берилган.

*Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Али ал-Куфий ал-Қози ад-Довудий* Хуросонда ўз асрининг фақиҳларидан эдилар. Ироқ ва Миср муҳаддисларидан кўп ҳадис тинглаганлар. Бағдод, Куфа, Миср ва Дамашқ уламоларидан таълим олганлар. Кейинчалик вафотларига қадар Бухорода яшаганлар. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ва Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 376 (милодий 987) йилнинг жумодул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

### *Ад-Дахфандуний* الدخفندوني

**Дахфандун** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Иброҳим Абдуллоҳ ибн Ханжа ад-Дахфандуний* шу қишлоқдан. Лақаблири «Жамук» эди. Лақабни бу кишига оналари берганлар. Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр, Аҳмад ибн Ҳафс, Муҳаммад ибн Салом ва Абу Жаъфар ал-Муснадийдан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Адиб ва Муҳаммад ибн Собир ал-

<sup>29</sup> ҳозирги Пешку туманида.

Бухорий хадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 273 (милодий 887) йилда вафот этганлар.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ад-Дахфандуний ал-Бухорий* ҳам шу қишлоқдан. Ҳижрий 371 (милодий 982) йилда вафот этганлар.

#### *Ад-Даъо* الدعاء

**Даъо** арабча сўз бўлиб, кўп дуо қилувчи деган маънони англатади.

*Абу Шуайб Солиҳ ибн Имрон ад-Даъо* асли бухоролик бўлиб, Абу Наим Фазл ибн Диккин, Сулаймон ибн Ҳарб, Муслим ибн Иброҳим ва Аффон ибн Муслимлардан таълим олганлар. Бу кишидан Яҳё ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Комил ва Абу Бакр аш-Шофеъий хадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 285 (милодий 899) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

#### *Ад-Дувайдий* الدويدى

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Саҳл ад-Дувайдий ал-Бухорий* Тамим қабиласи томонидан мусулмон қилинганлардан. Бухоро аҳлидан. Бағдодда яшаганлар. Ўз замоналарининг олимларидан таълим олиб, кўп шогирд чиқарганлар. Ҳижрий 251 (милодий 866) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

#### *Ад-Диймасий* الديمسي

**Диймас** – Бухородан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ<sup>30</sup>. Диймас – ҳаммом дегани. Бир хадисда шундай дейилган: «Ка аннамо хаража мин диймас» (гўё ҳаммомдан чиққандек).

*Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб ад-Диймасий ал-Бухорий ал-Ҳоким* шу қишлоқдан. Бу кишидан Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Хидомий хадис ривоят қилганлар. Тахминан Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда вафот этганлар.

#### *Аз-Заръайний* الذرعيني

**Заръайна** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Зайд Имрон ибн Мусо аз-Заръайний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши Даррон ибн Суфён ва Иброҳим ибн Фаҳддан хадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳид хадис ривоят қилганлар.

#### *Аз-Зибадвоний* الذبيدواني

**Зибадвон** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Абдулвоҳид аз-Зибадвоний ал-Бухорий* фозил ва солиҳ шайхлардан эдилар. Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ал-Фазлийдан таълим олганлар. Бу кишидан хадислар ёзиб олганман.

#### *Аз-Займуний* الذيموني

**Займун**<sup>31</sup> Бухородан икки ярим фарсах узоқликдаги қадимий ва серсув қишлоқлардан

<sup>30</sup> ҳозирги Демас қишлоғи.

<sup>31</sup> Жондор туманидаги Демун қишлоғи.



бўлиб, бу ердан кўп муҳаддис етишиб чиққан. Пайкандни зиёрат қилиш учун борганимда бир кеча шу қишлоқда тунаганман.

*Абу Муҳаммад Ҳаким ибн Муҳаммад аз-Займуний* шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Шофезий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан эдилар. Ҳижрий 375 (милодий 986) йили Марвада Имом Абу Абдуллоҳ ал-Хизрийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Калом илмидан эса устоз Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Исфароинийдан таълим олганлар. Ҳижрий 416 (милодий 1026) йилнинг рабиъул аввал ойида Бухорода вафот этиб, хонақоҳ рўпарасидаги «Раъсу сикка ас-суффа»да (Суфа кўчасининг бошида) дафн қилинганлар. Қабрлари таниқли ва табаррук. Бир неча бор зиёрат этганман. Ҳаким аз-Займуний ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «Музофот» китобларида шундай деганлар: «Абу Муҳаммад Ҳаким ибн Муҳаммад аз-Займуний «Имому аҳл ал-ҳадис» (муҳаддислар имоми) ва менинг шайхим эдилар. Калом илмида (Ашъарий таълимоти) тенги йўқ олим бўлиб, шу фандан дарс берардилар».

*Абул Қосим Абдулазиз ибн Абу Наср аз-Займуний ал-Бухорий* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, фозил фақиҳлардан эдилар. Бу киши Абу Амр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир, Абу Саъид Халил ибн Аҳмад, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абдуллоҳ ас-Соиф ва бошқалардан таълим олганлар. Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий бу кишидан таълим олганлар ва «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида устозлари ҳақида зикр қилганлар. Шофезий мазҳабидаги бу шайхнинг эшитган ҳадислари саҳиҳ эди.

*Ар-Ромуший* الزامشي

**Ромуш**<sup>32</sup> – Бухоронинг обод қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ар-Ромуший* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Романий* الزامني

**Романий** Бухородан икки фарсах узоқликдаги, Хунбунга<sup>33</sup> яқин жойлашган қишлоқдир. Ҳозир харобалари қолган.

*Абу Аҳмад Ҳаким ибн Луқмон ар-Романий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Бухорий ва Фатҳ ибн Абу Улвон ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Қози ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Ромитаний* الزاميتني

**Ромитан** (Армитана деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Иброҳим Рағх ибн Мустанир ар-Ромитаний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши Мухтор ибн Собиқ, Абу Ҳафс ал-Кабир ва Мусаййиб ибн Исҳоқдан ҳадис ривоят қилганлар.

<sup>32</sup> Жондор туманидаги Ромиш қишлоғи.

<sup>33</sup> Жондор туманидаги Хумин қишлоғи.

Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Ҳишом ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳошим ар-Ромитаний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Назр ибн Шумайл ва Аффон ибн Абдулжаббордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса неваралари Абу Амр Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Размонохий* الرزماناخي

**Размонох**<sup>34</sup> – Бухородан бир фарсах узокликдаги қишлоқ.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ар-Размонохий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Ҳотам Довуд ибн Абул Авом, Абу Солиҳ Халаф ибн Омир ва Жаҳон ибн Абул Ҳасан ал-Фарғонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 356 (милодий 968) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Абу Саъид Ҳотам ибн Муҳаммад ар-Размонохий ал-Бухорий* ҳам шу қишлоқдан. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳиравий, Халаф ибн Омир, Саҳл ибн Мутаваккилдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Руёний* الروياني

Руён – Табаристон ноҳиясидаги шаҳар.

*Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ат-Табарий ар-Руёний* асли Табаристоннинг Руён шаҳридан бўлиб, Бухорода яшаганлар. Бу киши имом, фозил ва Шофеъий мазҳабининг фақиҳи эдилар. Мазкур мазҳабда мумтоз бу зот Имом Абул Қосим ал-Фуроний ва Абу Саҳл Аҳмад ибн Али ал-Абивардийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий таълим олганлар. Ҳижрий 483 (милодий 1091) йилнинг рамазон ойида Бухорода вафот этганлар.

*Ар-Риғдамуний* الريغدموني

**Риғдамун**<sup>35</sup> – Бухородан тўрт фарсах узокликда жойлашган қишлоқ.

*Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон ар-Риғдамуний ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, «ал-Қози ал-жамол» (Чиройли қози) номи билан танилгандилар. Имом, фозил, оқил ва саҳий кишилардан эдилар. Бўш вақтларида Бухорога келиб, уламолардан таълим олардилар. Оталари Абдурахмон ибн Исҳоқ ар-Риғдамунийдан ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Хайроҳарийдан таълим олганлар. Ҳижрий 414 (милодий 1024) йилнинг шаввол ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 493 (милодий 1101) йилнинг рамазон ойида Бухорода вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ар-Риғдамуний* фозил кишилардан бўлиб, ёлғиз қолганларида сукунат ва виқорни яхши кўрардилар. Дину диёнатни ҳар хил гаплардан, тухматлардан ҳимоя қилардилар. Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида имом-хатиб эдилар. Боболари Абдурахмон ибн Исҳоқ ар-Риғдамуний ва Сулаймон ибн Иброҳим ас-

<sup>34</sup> Бухоро туманидаги Зарманок қишлоғи.

<sup>35</sup> Вобкент туманидаги Хайрхуш ҚФЙ ҳудудида жойлашган Реғдамунтепа.

Сарахсийдан таълим олганлар. У кишидан Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 518 (милодий 1125) йилнинг жумодул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

*Ар-Ривдий* الرّيوذي

**Ривда** – Бухоро қишлоқларидан.

Абу Саъид **Бишр** ибн Илс **ар-Ривдий** шу қишлоқдан. Ҳомид ибн Шубайб ал-Аздий, Таййиб ибн Муқотил ва бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Ривартуний* الرّيورتوني

**Ривартун** – Бухоро қишлоқларидан.

Абу Исҳоқ **Иброҳим** ибн Муҳаммад **ар-Ривартуний ал-Бухорий** шу қишлоқдан бўлиб, «Дибож ал-важх» (Ҳарир юзли) номи билан танилган эдилар. Илм талабида Хуросон, Ироқда бўлиб, қайтиб келгач, фақиҳ Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсий, Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Мутавассий ва бошқа уламолардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Бу кишидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ва Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ал-Фазлий таълим олганлар.

*Ар-Ревий* الرّيووي

**Рев** – Бухоро маҳаллаларидан. У Рев дарвозага<sup>36</sup> яқинлиги учун Рев маҳалласи дейилган.

Абу Исҳоқ **Иброҳим** ибн Аҳмад **аз-Зоҳид ар-Ревий** – шу маҳалладан. Уйлари Рев дарвозага яқин бўлган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ар-Розий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий, Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳид ва Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 417 (милодий 1027) йилнинг зулкаъда ойида Бухорода вафот этганлар.

*Аз-Зоҳирий* الزّاهري

**Зоҳир** арабча сўз бўлиб, равшан, порлоқ маъноларини англатади.

Абу Али **Ҳасан** ибн Яъқуб **ал-Бухорий аз-Зоҳирий** Бухоро аҳлидан. Катта боболарининг исми Зоҳир бўлганлиги учун бу кишига ушбу нисбат берилган. Абу Зарр Аммор ибн Мухлид ал-Бағдодий, Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ар-Розийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Бухорода Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар. Ҳижрий 449 ёки 459 (милодий 1058 ёки 1068) йилда вафот этганлар.

*Аз-Забағдувоний* الزّباغدواني

**Забағдувон** («Сабағдувон» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

<sup>36</sup> ҳозирги Намозгоҳ дарвозаси.

*Абу Муҳаммад Афлаҳ ибн Бисом аш-Шайбоний аз-Забагдувоний* шу қишлоқдан. Кўп хайрли ишлар қилардилар. Дуолари ижобат бўлувчилардан эдилар. Саъид ибн Мансур ва Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Минжоб ҳадис ривоят қилганлар.

*Аз-Зарахший* الزرخشي

**Зарахш** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Довуд Сулаймон ибн Саҳл аз-Зарахший ал-Бухорий* Зарахш қишлоғидан. Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабирдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 328 (милодий 941) йилда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Саъид аз-Зарахший* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Суламий ва Абу Ҳафс ал-Ижлийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 399 (милодий 1009) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

*Аз-Заранжарий* الزرنجري

**Заранжарий**<sup>37</sup> («Зарангарий» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Сулаймон Довуд ибн Талҳа аз-Заранжарий* шу қишлоқдан. Абу Имрон Мусо ибн Наср ал-Бағдодий, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий ва Абдуллоҳ ибн Абу Ҳанифа ад-Дабусийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ ибн Муҳтадий ибн Юнус ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий* ҳам шу қишлоқдан. Бу киши фозил имом бўлиб, Абу Ҳанифа мазҳабининг фикҳий масалаларини ёддан билар эдилар. Фатво беришда Абу Ҳанифанинг далил ва исботларига таянардилар. Узоқ умр кўрганлар. Ҳадис илмидан кўп таълим берганлар ва кўп шогирд ҳам тарбиялаганлар. Кўп устоздан таълим олганлар. Жумладан, шамс ул-аимма (имомлар қуёши) Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Ҳалвоий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Али ал-Абивардий, Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ал-Ҳофиз, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бужалий ал-Ҳофиз, Маймун ибн Али ал-Маймуний, Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кохуштувоний ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Хайроҳарий бу кишининг устозларидирлар. Менга ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Ҳофизга эшитган ҳадисларимизнинг барчасини ёйишга ижозат хати берганлар. У кишидан Косонда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Балхда Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳалимий, Самарқандда Абул Фазл Муҳаммад ибн Али аз-Замий ва Бухорода Абу Муҳаммад Абдулҳалим ибн Муҳаммад ал-Барроний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 427 (милодий 1037) йилда туғилиб, ҳижрий 512 (милодий 1119) йил рабиъул аввал ойининг ўн тўққизинчисида, пайшанба куни эрталаб Бухорода оламдан ўтганлар. Калобод қабристонида дафн этилганлар. Қабрларини зиёрат қилганман.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Талҳа аз-Заранжарий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Аҳмад Бухайр ибн Назрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Таййиб Тохир ибн

<sup>37</sup> Гиждувон туманидаги Зарангари қишлоғи.

Муҳаммад ҳадис ривоят қилганлар.

*Аз-Заррий* الزري

**Зарр** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад аз-Заррий* асли райлик бўлиб, Бухорода яшаб, шу ерда вафот этганлар. Кўп ҳадис ривоят қилганлар. Одам ибн Мусо ал-Хорий ва Абул Аббос Аҳмад ибн Жаъфар ар-Розий ал-Жамолдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Хожа Ғунжор, Абу Абдуллоҳ ал-Мустағфирий ва Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 374 (милодий 985) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар.

*Аз-Зиррий* الزري

Зирр ибн Абдуллоҳ – асли куфалик. У киши Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий билан бирга Бухорога келиб қолганлар ва шу ерда яшаб, бола-чақали бўлганлар.

*Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий аз-Зиррий* – шу кишининг авлодлари. Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бусанжийдан таълим олганлар. Ҳижрий 366 (милодий 977) йили Насафда вафот этганлар.

*Аз-Зандармитаний* الزندرميتاني

**Зандармитан** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Амр Муаббид ибн Амр аз-Зандармитаний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Муҳаммад ибн Зиёддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Ҳамдон ибн Муаббид ҳадис ривоят қилганлар.

*Аз-Занданий* الزنداني

**Зандана**<sup>38</sup> – Бухоро шаҳридан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. «Занданича» деган мато номи билан машҳур бўлган.

*Ғорим аз-Занданий ал-Бухорий* Ҳамдон ибн Ғоримнинг оталари шу қишлоқдан бўлиб, ота-боболари, ҳаммалари: авлоду аجدодлари – илм аҳлидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим аз-Занданий ал-Каробисий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Ҳорун ал-Астрободий ва Абул Ҳорис ал-Хаттобийдан ҳадис илмидан таълим олганлар.

*Абу Содиқ Аҳмад ибн Ҳусайн аз-Занданий* шу қишлоқнинг имом-хатиби бўлганлар. Бухоронинг кўпгина олимларидан илм ўрганиб, ёзиб олганлар. Бухоро машойихлари менга у киши ҳақларида гапириб берганлар. Ҳижрий 493 (милодий 1101) йилда вафот этганлар.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Саъид ал-Бухорий аз-Занданий* ҳам Зандана қишлоғидан бўлиб, Саъид ибн Масъуд ал-Бухорий, Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий, Абдусаммад ибн Фазл ал-Балхий, Ҳамдон ибн Зуннун ал-Балхий ва Аҳад ибн Ҳусайн ал-Балхийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Ҳам ал-Бухорий ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

<sup>38</sup> Пешку туманидаги Зандани қишлоғи.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Мусо ал-Баззор аз-Занданий* Абу Жаъфарнинг амакиларининг ўғли. Саҳл ибн Мутаваккил, Ҳамдон ибн Ғорим, Али ибн Ҳусайн, Халаф ибн Омир, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бушанжий ва Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Аз-Зандий* الزندي

**Занд** – икки нарсага берилган нисбат.

Биринчиси: Бухородаги қишлоқ<sup>39</sup>.

Иккинчиси: «Занд» – зардуштийларнинг китоби. Бу «зиндик» сўзига берилган нисбатдир. «Зандия» – зардуштийларнинг тоифасидир. Бу нисбат билан биринчи бўлиб Баҳром ибн Ҳурмуз ибн Собур замонида яшаган Моний ибн Фотик ибн Монон номланган. Мажусий Моний ибн Фотик ўзидан ном қолдириш учун бир дин яратди. Китоб жамлаб, «Занд» деб атади ҳамда уни чиройли нақшлар ва ранглар билан беади. Унинг асҳоблари бу асарни «Мусҳафи Моний» ҳам дейишарди. «Занд» сўзи зардуштий тилида тафсир (шарҳ, изоҳ) деган маънони англатади. Бу китоб «Авесто»нинг (Зардушт китобининг) тафсиридир. «Занда Авесто» – Авестонинг шарҳидир. «Занд» китобига кўра, икки илоҳий куч бор бўлиб, бири нурни ва иккинчиси зулматни яратиши ҳақида баён қилинади. Улар «Яхшилик – нур, ёмонлик эса зулматдир», дейишади. Бу китобда айтилишича, аёл билан жимоъ қилиш ҳаром. Чунки шаҳватнинг асли – шайтон. Агар бола шаҳватдан бўлса, у ёмон бола бўлиб туғилади. Яна айтиладики, ҳайвонларни сўйиш ҳаром. Ҳайвон ўлгандан кейингина унинг гўшти ҳалол.

Моний ибн Фотик ўзини ботинан Зиндик, зоҳиран эса Исо алайҳиссаломга эргашувчи деб даъво қиларди. Вақти келиб подшоҳ Баҳром ибн Ҳурмузга бу ҳақда хабар етганда, Моний ибн Фотикнинг тириклайин терисини шилишни буюради ва уни Нишопур шаҳри дарвозаси устига осиб кўяди. Монийга эргашган кавмлар Хитой атрофида, Туркда, Ирок атрофида, Кирмон ноҳияларида Ҳорун ар-Рашид давригача қолган эди. Ҳорун ар-Рашид улар кўлида сақланиб келган «Занд» китобини ёқиб юборади ва унга эргашувчиларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказдиради. Ҳикоя қилинишича, бир куни Ҳорун ар-Рашид «Занд» динига мансуб бир кишига: «Бу китобга тупургин», – деб айтган, у тупурмаган. Шунда унинг калласини танасидан жудо қилганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдон ал-Бухорий аз-Зандий* Бухоро аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан машҳурдирлар. Ҳотам ибн Аҳмад ал-Пайкандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳамдон ибн Ғорим аз-Зандий ҳақида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музофот» китобларида айтганлар: «Унинг авлодларининг ҳаммаси илм аҳлидан бўлишган».

#### *Аз-Зуший* الزوشي

**Зуш**<sup>40</sup> – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Нур яқинида жойлашган.

<sup>39</sup> Жондор туманидаги Лоло ҚФЙга қарашли Зандавоистепа қишлоғи.

<sup>40</sup> Нурота яқинидаги Жўш қишлоғи.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдусайид ас-Сурморий аз-Зуший ан-Нурий* шу кишлоқдан. Самарқандда Абу Аҳмад Абдурахмон ибн Исҳоқ ар-Риғдамунийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Аз-Зайний** الزينبي

*Аҳмад Восил ибн Абдушукур ал-Бухорий аз-Зайний* Бухоро аҳлидан бўлиб, Убайдуллоҳ ибн Восилнинг оталаридирлар. Суфён ибн Уяйна, Яҳё ибн Салим, Абдуллоҳ ибн Ваҳб, Умар ибн Ҳорун ал-Балхий ва Самарқанд қозиси Исҳоқ ибн Иброҳимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзлари ва оталари Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан таълим олганлар. Имом ал-Бухорий замонларида яшаганлар. Ниҳоятда шижоатли ва кўркмас эдилар. Турклар билан урушда Хуканжа деган жойда шаҳид бўлганлар. Хуканжа<sup>41</sup> Пайканд ва Фарабр оралиғида жойлашган. Аҳмад Восил аз-Зайний ҳижрий 201 (милодий 817) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 272 (милодий 886) йилнинг шаввол ойида Хуканжа урушида шаҳид бўлганлар.

#### **Ас-Соркуний** الساركوني

**Соркун** – Бухоро кишлоқларидан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Соркуний* шу кишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Бухорода Абу Убайд ибн Молик ал-Ханоматий ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Ас-Сомоний** الساماني

**Сомон** подшоҳлари жамоасига берилган нисбат. Уларнинг машҳурлари қуйидагилардир:

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний* адолатли амир, халқпарвар ва насихатгўй олим эдилар. Бу кишининг фарзандлари, қариндош-уруғлари, яқинларига «ас-Сомония» деб нисбат берилган. Ҳадислар ёзиб олганлар. Илм аҳлини ниҳоятда яхши кўрар эдилар. Исмоил Сомоний машҳур амир эдилар. Ҳижрий 234 (милодий 849) йилнинг шаввол ойида Фарғонада туғилиб, ҳижрий 295 (милодий 909) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар.

Оталари амир *Аҳмад ибн Асад ас-Сомоний* Суфён ибн Уяйна, Исмоил ибн Улайя, Язид ибн Ҳорун ва Мансур ибн Аммордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари амир Исмоил Сомоний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 250 (милодий 865) йилнинг шаввол ойида Фарғонада вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сомоний* Бухоро амири эдилар. Оталари Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмондан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Солиҳ ибн Абу Румайҳ ва Абдуллоҳ ибн Яҳё ал-Қози ҳадис ривоят

<sup>41</sup> Хуканжа – ҳозирги Қулончи деган кишлоқ.

қилганлар. Ҳижрий 301 (милодий 914) йил сафар ойига 9 кун қолганда, Бухоро қухандузида<sup>42</sup> махбусликда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад ас-Сомоний* амир Исмоил Сомонийнинг акалари. Оталари Аҳмад ибн Асад ас-Сомонийдан, Солим ибн Ғолиб ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Шозавайх ҳадис ривоят қилганлар. Наср ибн Аҳмад ас-Сомоний ҳижрий 279 (милодий 893) йил жумодул охир ойига 7 кун қолганда, душанба куни шом намозидан кейин вафот этганлар. Бухорода бу кишининг қариндош-уруғлари кўп ва машҳурдир. Мен шу ергача Сомоний амирларни зикр қилдим.

*Абу Муҳаммад Нух ибн Асад ибн Сомон* ҳижрий 225 (милодий 841) йилда Исбижобни (Исфижоб, Шарқдаги катта шаҳар) фатҳ қилганлар. Ҳижрий 227 (милодий 843) йилда вафот этганлар.

Укалари *Абул Аббос Яҳё ибн Асад* ҳижрий 241 (милодий 856) йил рабиъул охир ойига 5 кун қолганда пайшанба куни вафот этганлар.

*Абул Фазл Илёс ибн Асад* ҳижрий 242 (милодий 857) йил Ҳиротда вафот этганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил аш-Шаҳид* Амударё бўйидаги Фарабр шаҳрида ҳижрий 301 (милодий 914) йил жумодул охир ойига 7 кун қолганда якшанба куни куллари томонидан ўлдирилади.

*Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад* ҳижрий 331 (милодий 943) йил ражаб ойига 3 кун қолганда пайшанба кечаси вафот этганлар. Ўттиз йил 4 ой 4 кун ҳукмдорлик қилганлар.

*Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад* ҳижрий 343 (милодий 955) йил рабиъул охир ойига 5 кун қолганда душанба куни вафот этганлар.

*Абул Фаворис Абдулмалик ибн Нух ибн Наср* ҳижрий 350 (милодий 962) йил шаввол ойига 4 кун қолганда чоршанба куни вафот этганлар.

*Абу Солиҳ Мансур ибн Нух* ҳижрий 365 (милодий 976) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Абул Қосим Нух ибн Мансур ибн Нух* ҳижрий 387 (милодий 998) йил ражаб ойининг ўнинчисида, пайшанба куни вафот этганлар. Йигирма бир йил 9 ой ҳукмронлик қилганлар.

#### *Ас-Сиборий* السبوري

**Сиборий** – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, «Сабирий» ёки «Исбирий» деб ҳам айтилади.

Имом *Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Абдураҳмон ас-Сиборий* Бухоро аҳлидан. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофизнинг «Тарихи Бухоро» китобини ривоят қилганлар. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шуъабийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий (Зарангарий) ва Абул Фазл Муҳаммад ибн Али ал-Мутаҳҳарий ҳадис ривоят қилганлар.

<sup>42</sup> Қухандуз – ҳукмдор саройи атрофидаги мавзе, ички шаҳристон, арк.



*Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ас-Сиборий* Бухоронинг Сабирий қишлоғидан бўлиб, Али ибн Ҳажар, Юсуф ибн Исо, Муҳаммад ибн Ҳамид ар-Розий, Салама ибн Шубайбдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Абу Ҳафс Умар ас-Сабирий ҳижрий 294 (милодий 908) йилда вафот этганлар.

*Ас-Сибадмуний* السبدموني

**Сибадмун** («Сабадмун» деб ҳам айтилади) – Бухородан ярим фарсах узокликдаги қишлоқ<sup>43</sup>.

Фақиҳ *Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калободий ал-Бухорий ас-Сибадмуний* шу қишлоқдан бўлиб, «Устоз» номи билан танилган эдилар. «Устоз» – бу кишига берилган лақабдир. Кўп ҳадис билувчи ва шайх эдилар. Хуросон, Ироқ, Ҳижозда бўлиб, у ердаги машойихлардан таълим олганлар. Бу киши буюк амир Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг «Дор ас-султон»ида (саройида) фақиҳ эдилар. Сарой аҳли бу кишидан кўп маслаҳат олардилар. Берган маслаҳатлари бирор марта хато бўлмаганлиги учун «Устоз» деб танилганлар. Бу кишидан Али ибн Мусо Алқамий «Аҳком ал-Қуръон» (Қуръон ҳукмлари) китобларида, Абу Бакр ал-Мункадирий ва Абул Аббос ибн Уқда ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ас-Сибадмуний ҳижрий 258 (милодий 873) йилнинг рабиъул охир ойида чоршанба куни кечаси таваллуд топиб, ҳижрий 340 (милодий 952) йил шаввол ойининг бешинчисида жума куни кечаси Бухорода вафот этганлар.

*Абу Солиҳ Маъруф ибн Мансур ас-Сибадмуний* пешқадам олимлардан. Ироқ, Ҳижоз ва Шомда бўлиб, улуғ уламолардан таълим олганлар. Суфён ибн Уяйна, Марвон ибн Муовия, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Асбот ибн Ясаъ ва Аҳмад ибн Лайсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Аҳмад ибн Юнус ал-Бухорий, Абу Бакр Аҳмад ибн Асад ас-Сибадмуний ва Муҳаммад ибн Юсуф ҳадис ривоят қилганлар.

*Ас-Субизғукий* السببذغكي

**Субизғук** – Бухоро қишлоқларидан.

*Муҳаммад ибн Ҳотам ас-Субизғукий* шу қишлоқдан бўлиб, суннат аҳлидан эдилар. Муҳаммад ибн Мазоҳим ва Аҳмад ибн Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Шозавайҳ ҳадис ривоят қилганлар.

*Ас-Сабийий* السببيي

*Абу Али Ҳасан ибн Усмон ас-Сабийий ал-Бухорий* Ифриқияда (Африка) туғилиб, Ироқда ўсганлар. Ўзларидан неваралари Абу Закариё Яҳё ибн Исмоил ибн Ҳасан ва Яъқуб ибн Иброҳим ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 229 (милодий 845) йили Бухорода вафот этганлар.

*Ас-Сутифағний* الستيفغني

<sup>43</sup> Бухоро шаҳар, 5–кичик ноҳияси яқинидаги Сафедмўй қишлоғи. Шаҳарнинг Арабон кўчасида шу номли масжид бор бўлиб, хозир у «Хожа Абдуллоҳ Сафедмўйи» деб номланади.

**Сутифагна** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ужайф ал-Муаллим ас-Сутифағний* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Тохир Асбот ибн Яса, Яъқуб ибн Муаббид ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бамижкатий ал-Муқридан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 315 (милодий 928) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

**Ас-Сутиканий** السْتِيكِي

**Сутикан**<sup>44</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Заҳҳок Фазл ибн Ҳисон ас-Сутиканий* Бухоро аҳлидан. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Салом, Абдуллоҳ ибн Нобож, Бужайр ибн Назр ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Али Ҳасан ибн Шоҳавайҳ ал-Ҳаззо ҳадис ривоят қилганлар.

**Ас-Сижорий** السَّجَارِي

**Сижор** («Жижор» деб ҳам айтилади) – Бухородан йигирма фарсах узоқликдаги Нур<sup>45</sup> қишлоғи.

*Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ас-Сижорий* шу қишлоқдан бўлиб, солиҳ шайх, зоҳид ва фозил эдилар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом ва Мисрда бўлиб, Абул Қосим Абдулазиз ибн Али ал-Мисрий, Ҳорун ибн Муҳаммад ал-Анзий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий ҳамда бошқа уламолардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Қосим Маймун ибн Али ал-Маймуний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 404 (милодий 1014) йилда Бухорода вафот этганлар. Қабрлари Калободда. У машҳур бўлиб, зиёрат қилинади.

**Ас-Сардарий** السَّرْدَرِي

**Сардарий** – Бухоро қишлоқларидан. Бу қишлоқдан улуғ олимлар етишиб чиққанлар.

*Абу Убайда Усома ибн Муҳаммад ас-Сардарий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Солиҳ ибн Ҳамдон ал-Бухорий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз айтадилар: «Ҳижрий 357 (милодий 969) йили Бухорода у кишидан китоб ёзиб олганмиз». Бухорода вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Ҳоким ас-Сардарий* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, Насафда бир неча муддат қози эдилар. Абул Аббос Муҳаммад ибн Абдурахмон ад-Дағулий, Бакр ибн Мунир, Абул Аббос Маҳмуд ибн Абсар, Муҳаммад ибн Абу Саҳл ар-Работий ва Убайд ибн Муҳаммад ад-Донождан таълим олганлар. Ҳижрий 297 (милодий 910) йилда туғилиб, Ҳижрий 370 (милодий 981) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

**Ас-Сурморий** السُّرْمَارِي

**Сурморо** – Бухородан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Шайх Аҳмад ас-Сурморийни

<sup>44</sup> Бухоро туманидаги Суфикорган қишлоғи.

<sup>45</sup> Нурота.

зиёрат қилиш мақсадида шу қишлоққа борган эдим.

*Абу Аҳмад Ғолиб ибн Шуъба ас-Сурморий ал-Бухорий* шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, жуда кўп олимдан, жумладан, Абдуллоҳ ибн Мусо, Абу Наим Фазл ибн Диккин, Қубайса ибн Уқба, Ҳиббон ибн Ағлаб, Орим ибн Фазл, Умар ибн Авн ва бошқа кўп устоздан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Касир Сайф ибн Наср ҳадис ривоят қилганлар.

Машҳур имом *Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Исҳоқ ас-Сурморий аз-Зоҳид* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, шижоатлиликда ўз замоналарининг тенги йўқ олими эдилар. Бу киши ҳақларида ёзилган қиссалар ниҳоятда кенг тарқалган. Усмон ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Мусо, Амр ибн Осим, Яъло ибн Убайд ва Абу Наим Фазл ибн Диккиндан таълим олганлар. Ўзларидан эса Имом ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Майдоний, Убайдуллоҳ ибн Восил ва ўғиллари Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сурморий ҳадис ривоят қилганлар. Абу Исҳоқ Аҳмад ас-Сурморийнинг шижоатлари тўғрисида «Тарихи Бухоро» китобида уч варақ нақл бор. Ҳижрий 242 (милодий 857) йилнинг рабиъул охир ойида вафот этганлар. Мен қабрларини зиёрат қилганман.

Ўғиллари *Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сурморий ас-Сулабий* ҳадис илмида кучли эдилар. Оталари бу кишини ёшлик чоғларида Ироққа олиб борганлар ва у ерда Абу Осим Заҳҳок ибн Мухлид, Амр ибн Осим, Маккий ибн Иброҳим, Саъид ибн Омир ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз ва Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ал-Ҳофиз «ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларида у кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Сафвон айтадилар: «Жабалда бир шайх ҳадис ривоят қилар эдилар. Бир киши: «Бухородан Аҳмад ибн Ҳафс деган бир олим чиқибди», – деди. Мен у кишининг шогирди эканимни айтган эдим, мен билан тортишди. Мунозарада мен у кишидан ғолиб чиқдим». Абу Сафвон Исҳоқ ас-Сурморий ҳижрий 276 (милодий 890) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абу Талҳа Мансур ибн Салим ас-Сулабий ас-Сурморий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, номлари эслатилган Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Сурморийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Наср ас-Сурморий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Саъдоний* السعداني

**Саъдон** – кишининг исмига берилган нисбат.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Саъдоний ал-Бухорий* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Бухоро аҳлидандир. Убайдуллоҳ ибн Восилдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мукри ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Мансур Атиқ ибн Аҳмад ас-Саъдоний* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, бу кишидан Абу Солиҳ Назр ибн Мусо ал-Адиб ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Суфроданий* السفرداني

**Суфродан** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Маҳдий ас-Суфроданий ал-Бухорий* Суфродан қишлоғидан бўлиб, Абу Аҳмад Муниб ибн Наср ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу

Ҳафс Абдон ибн Юсуф ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Жамил ал-Адиб ас-Суфроданий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Амр Қайс ибн Аниф, Ҳусайн ибн Ҳомид ат-Тавовисий ва Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилда вафот этганлар.

*Ас-Сакбиёний* السكبياني

**Сакбиён** – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Бамижкат қишлоғи тарафда жойлашган.

*Абу Саъид Суфён ибн Аҳмад ас-Сакбиёний* Бухоро аҳлидан бўлиб, Яъқуб ибн Иброҳим ва Абу Тохир Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф ас-Саффор ас-Сикижкатий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ас-Сикижкатий* السكجكتي

**Сикичкат** Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ бўлиб, Самарқанд йўлидаги Жарх (Чарх) қишлоғи яқинида жойлашган. Бир кеча шу қишлоқда тунаганман.

*Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф ас-Саффор ас-Сикичкатий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Абу Саъид Суфён ибн Аҳмад ас-Сакбиёний ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ас-Сикичкатий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Марвазий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Муҳаммад ибн Аслам ас-Самарқандий ва Муҳаммад ибн Уббод ас-Самарқандий, Яхё ибн Суҳайл, Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ёддан кўп ҳадис билганлар ва ҳадисларни мохирлик билан ёзиб олганлар. Ўзларидан Абу Наср Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдурахмон ал-Боҳилий ва Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 315 (милодий 928) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

*Ас-Саканий* السكاني

**Сакан** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Ҳасан Амр ибн Исҳоқ ас-Саканий ал-Бухорий* ўз асрининг шайхи ва муҳаддис олими эдилар. Бухорода Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Саҳл ибн Шозавайх ал-Ҳофиз, Марвад Маҳмуд ибн Яхё ал-Мирмоҳоний, Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ас-Саъдий, Бағдодда Абдуллоҳ ибн Абу Довуд ас-Сижистоний, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағавий ва Куфада Абдуллоҳ ибн Зайдон ал-Бужалийдан таълим олганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким у кишидан таълим олганлар ва у киши ҳақларида «Тарихи Нишопур» китобларида шундай деганлар: «Ҳижрий 341 (милодий 953) йили Нишопурга келдилар. Шу санада у киши билан бирга ҳаж қилдик. Илм олиш ва таълим беришда ниҳоятда мурувватли эдилар. Ҳижрий 344 (милодий 956) йилда вафот этдилар».

Бу кишининг вафоти илм аҳли учун катта йўқотиш бўлган.

*Ас-Салмавайх* السلمويه

Бу – Сулаймон исмли кишиларнинг лақаби бўлиб, Салама деб ҳам айтилган.

**Салама ибн Нажм ибн Муҳаммад ан-Наҳвий** Бухоро аҳлидан бўлиб, лақаблари «ас-Салмавайх» эди. Араб тилшуноси ва адабиётшуноси эдилар. Абу Ҳотам ар-Розий, Ҳилол ибн Ало ар-Руқий ва Усмон ибн Харзод ал-Антокийдан таълим олганлар.

#### **Ас-Сулаймоний** السليمانى

**Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Ҳофиз ал-Пайкандий** Пайканд аҳлидан. Аҳмад ибн Сулаймон ал-Пайкандий она томондан боболари бўлганлари учун бу кишига «Ас-Сулаймоний» деб нисбат берилган. Кўп мамлакатда бўлиб, хофиз ал-ҳадис сифатида танилганлар. Ўз замонларида у киши ҳадисларнинг асосини (далилини) келтиришда, ҳадисларни ёддан билишда ва айтган ҳадисларининг тўғрилигини исботлашда тенги йўк эдилар. Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Ҳамдавайх ал-Марвазий, Али ибн Исҳоқ ал-Басрий, Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Асам ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Кўпгина кичик ва катта ҳажмли китоб таълиф қилганлар. Ҳар ҳафтада бир китоб ёзиб, Пайканддан Бухорога олиб келиб, Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида ўқиб берар эдилар. Ўзларидан Абу Зарр Муҳаммад ибн Жаъфар (ўғиллари) ва Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Абул Фазл Аҳмад ас-Сулаймоний ҳижрий 311 (милодий 924) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 404 (милодий 1014) йилнинг зулқаъда ойида Пайкандда вафот этганлар.

Ўғиллари **Абу Абдуллоҳ Фазл ибн Абул Фазл ас-Сулаймоний ал-Пайкандий** ҳам Пайканд аҳлидан. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида айтадилар: «Ҳижрий 405 (милодий 1015) йилнинг рамазон ойида Насафга келдилар. У киши мендан ҳадис ёзиб олдилар ва мен ҳам у кишидан икки ҳадис ва бир ҳикоя ёзиб олдим». Ҳижрий 413 (милодий 1023) йилнинг ражаб ойида Пайкандда вафот этганлар.

**Аҳмад ибн Қосим ал-Аъюн** ҳам «ас-Сулаймоний» номи билан танилгандилар. Чунки боболарининг исми Сулаймон эди. Абдурахмон ибн Солих, Ҳусайн ибн Ҳаммод ва Сажжодадан ҳадис илмидан таълим олганлар. Бу кишидан эса Муҳаммад ибн Мухлид ва Абул Ҳусайн Абдулбоқий ибн Қониъ ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Ас-Сунний** السّنّى

Бу «Сунна»га берилган нисбат бўлиб, бидъатнинг зиддидир (тескариси). Бидъат аҳли кўпайиб кетган вақтда бир гуруҳ уламолар шу нисбатни қўллашни маъқул кўришди. Бу нисбат билан машхурлар:

**Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ас-Сунний ал-Каробисий ал-Бухорий** Бухоро аҳлидан бўлиб, Убайдуллоҳ ибн Восил ва Муҳаммад ибн Исо ат-Тарсусийдан ҳадис илмидан таълим олганлар.

**Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сунний ад-Динурий** кози Абдурахмон ибн Ҳасан ал-Ҳамадоний, Абдулжавод ибн Муҳаммад ад-Дийнурий ва Ҳомид ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамадонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Яздий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 394 (милодий 1005) йили жума куни Бухорода вафот

этганлар.

**Ас–Сутханий** السَوْتَحْنِي

**Сутхан** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Касир Сайф ибн Ҳафс ас–Самарқандий ас–Сутханий* Бухоронинг Сутхан қишлоғида яшаганлар. Абу Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Мусо ал–Кушмиҳаний ва Али ибн Исҳоқ ал–Ҳанзалийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Наср аш–Шарғий ҳадис ривоят қилганлар.

**Ас–Сиёзий** السِّيَازِي

**Сиёза**<sup>46</sup> («Сиёзий» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ас–Сиёзий* шу қишлоқдан бўлиб, «Али ат–Тавил» (Али новча) номи билан танилган эдилар. Мусаййиб ибн Исҳоқ ва Аслам ибн ас–Санадийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. У кишидан эса Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал–Бухорий, Абу Аҳмад Хумайд ибн Мусо ал–Бухорий ас–Сиёзий ва Ҳабиб Куфий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳабиб Куфий Қутайба ибн Муслим билан бирга ғозий сифатида Бухорога келганлар.

**Ас–Симажурий** السِّيمَجُورِي

**Симажур** Амир Сомонийнинг қули бўлганлар. У кишининг авлодларидан амирлар ва фозиллар дунёга келган.

Амир *Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ас–Симажурий* ақлли инсон ва фозил амирлардан бўлиб, лақаблари «Носир ад–давла» (Давлат ёрдамчиси) эди. Бу киши таълимни Абу Қурайш Муҳаммад ибн Жума ал–Ҳофиз ал–Қухистоний ва Абу Туроб Муҳаммад ибн Саҳл ал–Воиз ал–Қаҳастонийдан олганлар. Бу зот ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал–Ҳофиз ал–Ҳоқим «Тарих» китобларида зикр қиладилар: «Амир ибн амир ибн амир «Носир ад–давла», яъни Абул Ҳасан донишманд ва ақлли амирлардан эдилар. Давлат сиёсатини қўллари, тиллари, қаламлари ва қиличлари билан юргизар эдилар. Нишопур, Ҳирот ва Сижистонда (Кобулдаги машҳур шаҳарда) ўттиз йилдан кўпроқ ҳукмдор ва султон хизматида бўлганлар. У кишидан рози одамлар: «Олимларнинг қалби – дунё сирларининг қабри» деб айтар эдилар».

Маккаи Мукаррамада ўз асрининг ягона ва улуғ олими бўлган Абул Ҳасан ал–Ҳошимий айтар эдилар: «Лақади манналлоҳу алайкум, ё аҳла Хуросон, бил–амир ал–одил Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ва жаъала лано фийҳи авфар ал–ҳузуз» (Эй Хуросон аҳли! Дарҳақиқат Аллоҳ сизларга одил амир – Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳимни тухфа қилди ва Аллоҳ уни биз учун Хуросонга бахтларнинг мукаммали қилди).

Абу Бакр ал–Қафғол аш–Шоший айтадилар: «Лав ла ал–амир Абул Ҳасан ламо истақарра лий ватаний биш–Шош» (Агар амир Абул Ҳасан бўлмаганларида эди, ватаним Шошда муқаррар яшай олмас эдим).

Қози Абу Саъид Халил ибн Аҳмад айтар эдилар: «Лав ла ал–амир Абул Ҳасан ма

<sup>46</sup> Когон туманидаги Сиёзпоён қишлоғи.

салима лий рухий инда хуружий мин Сижистон ва ма васалту ила Бухоро» (Агар амир Абул Ҳасан бўлмаганларида эди, Сижистондан чиқаётганимда кўнглим тинчимасди ва Бухорога етиб боролмасдим.)

Оталари **Иброҳим ибн Имрон ас-Симажурий** фозил амирлардан бўлиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ва Муҳаммад ибн Хурайс ал-Бухорийдан таълим олганлар. Бу киши адолатли амир, адиб ва олим эдилар. Хуросондан Райгача, Турк шаҳарларигача бинолар қурдирганлар. Бухорода ҳукмдорлик қилганлар. Шунингдек, Марв, Нишопур ва Ҳиротда ҳам ҳукмдор бўлганлар. Ҳижрий 336 (милодий 948) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

#### **Аш-Шомий** الشّامي

**Шом** – Жазира билан Соҳил оралиғидаги шаҳар. У Сом ибн Нуҳ номига «Шом» деб аталган бўлиб, сурёний тилда (Сурия тилида) «Сом», иброний (яхудий) тилда эса «Шом» дейилгани учун Суриянинг номи Шомдир. Исроил қавми Шом заминини ўн икки қисмга бўлиб олди. Шундан тўққиз ярим бўлаги Шомин шаҳри ҳудудида жойлашди. Бу Фаластин еридир. «Шомин»ни ҳам Шом деб атай бошладилар.

Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Бухорода бир масжид бор. Унинг номи «Масжид аш-Шом»дир. Масжиднинг фақиҳлари «Шомий» деб аталардилар».

#### **Аш-Шоважий** الشّواحي

**Шоваж** – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Исҳоқ **Иброҳим ибн Ужайф аш-Шоважий** Бухоро аҳлидан. Абу Тохир Асбот ибн Ясаъ, Яъқуб ибн Маъбад ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бамижкатий ал-Мукридан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 315 (милодий 928) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

#### **Аш-Шарғий** الشّرغي

**Шарғ** («Чарғ» деб ҳам айтилади) Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ бўлиб, Самарқанд йўлида жойлашган. Бу қишлоқдан илгари ҳам, ҳозир ҳам кўп илм аҳли етишиб чиққан.

Имом **Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим аш-Шарғий** шу қишлоқдан. Илм талабида Бухоро, Хуросон, Ироқ ва Ҳижозда бўлганлар. Абул Макорим Носир ибн Муҳаммаддан, у эса Ҳасан ибн Муҳаммаддан, у эса Абу Исҳоқ ал-Куфийдан, у эса Вакеъдан, у эса Аъмашдан, у эса Абу Солиҳдан, у эса Абу Хурайрадан куйидаги ҳадисни Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилганлар: «Иза суилтум ҳожатан фало тақулу «ла». Фаинналлоҳа таоло ябғузу «ла». Ва мин буғзиҳи «ла». Лам яхлуқ фил-жаннати «ла»» (Агар бирон киши сизлардан ҳожат сўраб келса, унга «йўқ» деманглар. Чунки Аллоҳ таоло «йўқ» лафзини ёмон кўради. Унинг ғазабини келтирувчи сўз «йўқ» сўзидир. Жаннатда ҳам «йўқ» нарсани яратмади).

Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Мендан ушбу ҳадисни бир гуруҳ илгариги ва ҳозирги фақиҳлар, машойихлар ва муҳаддислар ёзиб олдилар». «Ушбу ҳадис заиф бўлиб,

Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ ул-Муслим» китобларида ҳам, «Муснад» китобида ҳам йўқдир».

*Абу Ҳаким Шаддод ибн Саъид аш-Шарғий* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, Назр ибн Шумайл, Али ибн Ҳусайн, Салама ибн Ҳафс ва Муҳаммад ибн Қосим ал-Асадийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Амр Омир ибн Шаддод аш-Шарғийдан* (Шаддод аш-Шарғийнинг ўғилларидан) Абу Бакр Муҳаммад ибн Наср ибн Халаф ҳадис илмидан таълим олганлар.

*Абу Солиҳ Шуайб ибн Лайс аш-Шарғий ал-Қоғазий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Иброҳим ибн Мунзир ал-Ҳизомий, Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Абу Курайб ва Суфён ибн Вакеъдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ибн Ҳаммод ва Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мардак ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 272 (милодий 886) йилнинг ражаб ойида Самарқандда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан аш-Шарғий* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бамижкатий, Саҳл ибн Халаф, Саҳл ибн Мутаваккил ва Али ибн Абдулазиз ал-Бағавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Миср ва Шом машойихлари бу кишидан ҳадис ёзиб олардилар. Ҳижрий 323 (милодий 936) йилда вафот этганлар.

*Абу Усмон Саъид ибн Сулаймон ибн Довуд аш-Шарғий* ҳам Бухоронинг Шарф кишлоғидан бўлиб, Яхё ибн Жаъфар, Ҳоний ибн Назр, Муҳаммад ибн Муҳлаб ва Ҳотам ибн Мансурдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилда вафот этганлар.

Оталари *Абу Саъид Сулаймон ибн Довуд аш-Шарғий* Абу Ҳафс ал-Кабир ва Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Наср ибн Халаф ҳадис ривоят қилганлар.

### *Аш-Шарафданий* الشرفداني

**Шарафдан** («Ширафдан» деб ҳам айтилади, лекин Ибн Мокулонинг китобларида «**Шарафдан**» деб ёзилганини кўрганман) – Бухоро кишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад аш-Шарафданий* шу кишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Саҳл ибн Мутаваккил, Солиҳ ибн Муҳаммад ва Абу Бакр ибн Ҳурайсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фазл аш-Шарафданий* асли куфалик бўлиб, Шарафдан кишлоғида яшаганлар. Бу кишидан Бақийя ибн Валид, Ҳишом ибн Убайдуллоҳ ар-Розий, Исо ибн Мусо Ғунжор ва Муҳаммад ибн Қосим ал-Асадий таълим олганлар. Бухоронинг «Хашшобин» (ёғоч ва ўтинфурушлар) дарвозасида турар эдилар. Бу жой Шарафдан кишлоғидадир. Муҳаммад аш-Шарафданийдан Бухоро машойихлари таълим олардилар. Яхё ибн Яхё Исҳоқ ибн Роҳавайҳга: «Муҳаммад ибн Фазл аш-Шарафданийдан ҳадислар ёзиб олдим», деганлар. Исҳоқ айтдилар: «У киши ҳадис аҳлидан. Оталари Фазл ибн Атийя ал-Хуросоний ишончли ва кучли муҳаддислардан эдилар». Дор ул-марзо (шифоҳона) яқинида



дафн қилинганлар.

*Абу Имрон Ҳорун ибн Ашъас аш-Шарафданий* Шарафдан қишлоғида яшар эдилар. Бани Ҳошимнинг мавлолари Абу Саъиддан ва Абдуллоҳ ибн Валид ал-Абдийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Фазл ибн Муҳаммад ал-Байҳақий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Солиҳ Халаф ибн Солиҳ аш-Шарафданий* солиҳ шайх ва зоҳид эдилар. Саҳл ибн Мутаваккил ва Халаф ибн Иъздан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилда вафот этганлар.

#### *Аш-Шаъроний* الشَّعْرَانِي

«Шаър» арабча сўз бўлиб, соч деган маънони англатади. Шаърон – Бухоро қишлоқларидан.

*Хушном аш-Шаъроний аз-Зоҳид* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Муборақдан таълим олганлар.

#### *Аш-Шуъайбий* الشَّعْبِي

*Абул Ҳасан Али ибн Шуъайб аш-Шуъайбий ал-Бухорий* илм ва яхшилик аҳлидан эдилар.

*Абул Қосим аш-Шуъайбий* Бухоро аҳлидан. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Мен Абул Қосим аш-Шуъайбийдан «ал-Фараж баъд аш-шиддаҳ» («Қийинчиликдан кейинги енгиллик») китобидан таълим олганман. У кишининг уч ўғли бўлиб, уювлари ҳам фақиҳ эдилар. Улар биздан ҳадисдан таълим олганлар».

*Абу Муҳаммад ибн Шайба ибн Муҳаммад аш-Шуъайбий* такводор, парҳезкор ва солиҳ кишилардан эдилар. Бир гуруҳ машойихдан ҳадисдан таълим олганлар. Ҳижрий 395 (милодий 1006) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарих» китобларида у киши ҳақларида тўхталганлар.

#### *Аш-Шиконий* الشَّكَّانِي

**Шикон**<sup>47</sup> – Бухоро қишлоқларидан. «Ал-Қанд фи маърифати уламои Самарқанд», яъни «Самарқанд уламоларини билиш ҳақида қанд(дек ширин)» китобида Шикон Кеш қишлоқларидан деб ёзилганини ўқиганман. Бироқ ўша китобнинг ҳошиясида «Шикон – Бухоро қишлоқларидан» деган ёзув турибди. Ал-Ҳофиз ал-Қураший «ал-Жавохир ал-мазийя» («Ўтган жавохирлар») китобида уни Кеш қишлоқларидан эмас, балки – Бухоро қишлоқларидан деган. «Табсир ал-мунтабиҳ» («Огоҳлантирувчи кўзгу») китобининг 737-саҳифасида ҳам худди шундай: «Албатта, у – Бухоро қишлоқларидан», деб ёзилган<sup>48</sup>.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Салим аш-Шиконий* фақиҳ ва фозил имом эдилар. Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазлдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Абу Абдуллоҳ ар-Розий, Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Музаний ва Аҳмад ибн Саҳл ал-Бухорийдан ҳадис ёзиб олганлар. Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазлнинг имло мажлиси пешволаридан эдилар.

<sup>47</sup> Жондор тумани Ромиш ҚФЙга қарашли Ишконитепа қишлоғи.

<sup>48</sup> Абдуллоҳ Умар ал-Борудий.

Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий айтадилар: «Иброҳим аш-Шиконий Бухорода имло айтар эдилар. Ҳижрий 423 (милодий 1033) йилдан кейин вафот этдилар».

*Абу Бакр Абдулхолиқ ибн Муҳаммад аш-Шиконий* қози Муҳаммад ибн Абдулхолиқнинг отаси эдилар. Шамс ул-аимма номи билан танилган Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Ҳалвоийнинг Кешда айтганларини ёзиб борардилар. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йилдан олдин Кешда (Шахрисабзда) вафот этганлар.

Ўғиллари қози *Абул Муаййид Муҳаммад ибн Абдулхолиқ аш-Шиконий* Самарқандда бир неча муддат қози бўлганлар. Ундан кейин Кешда 30 йилдан ортиқроқ қозилик қилганлар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилдан бир-икки йил олдин таваллуд топиб, ҳижрий 520 (милодий 1127) йил ражаб ойининг йигирма учинчисида, якшанба куни Кешда вафот этганлар.

#### *Аш-Шанжсий* الشنجي

**Шанж** – боболарининг исми. Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг «Тарихи Насаф» китобларида шу қайднинг тўғрилигини кўрдим.

*Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али аш-Шанжсий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, «Аш-Шужоий» номи билан машҳур бўлганлар. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз бу кишидан таълим олганлар. Ҳижрий 415 (милодий 1025) йилдан кейин вафот этганлар.

#### *Аш-Шиёий* الشيبائي

**Шиё**<sup>49</sup> – Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Наим Абдусаммад ибн Али аш-Шиёий* бу нисбат билан машҳур бўлганлар. Зоҳид ва фақиҳ бу зот Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ас-Сижорий ва Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Хузоийдан таълим олганлар.

#### *Аш-Ширғовашуний* الشيرغواشوني

**Ширғовашун** – Бухоронинг обод қишлоқларидан.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Абу Бакр аш-Ширғовашуний* шу қишлоқдан бўлиб, илм талабида Хуросон ва Ироққа бориб, у ердаги машойихлардан таълим олганлар, кейин Бухорога қайтганлар. Абу Муслим Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Кажий, Абу Шуайб ал-Ҳарроний, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Муқри, Юсуф ибн Яъқуб ал-Қози ва Абу Аммора Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Кушмиҳанийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса жианлари Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Ширғовашуний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилда вафот этганлар.

#### *Аш-Ширавоний* الشيرواني

**Ширавон** – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Бамижкат қишлоғи яқинида жойлашган.

*Абул Қосим Бакр ибн Амр аш-Ширавоний* Бухоро аҳлидан. Закариё ибн Яҳё ал-

<sup>49</sup> Гиждувон туманидаги Ашё қишлоғи.

Марвазий, Муҳаммад ибн Исо ал-Мадоиний ва Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Саббоҳ ал-Жаржароидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 314 (милодий 927) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Нуҳ ат-Тамимий ал-Ҳанзалий аш-Ширавоний* ҳам шу кишлоқ аҳлидан бўлиб, Бағдод уламоларидан таълим олганлар.

#### *Ас-Собирий* الصّابري

*Абу Амр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ибн Котиб ал-Муаззин ас-Собирий* Бухоро аҳлидан. Боболарининг исми Собир эди. Шунинг учун «ас-Собирий» деб нисбат берилган. Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Ҳомид ибн Саҳл, Муҳаммад ибн Ҳурайс, Абу Саҳл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ат-Тоҷир ва Муҳаммад ибн Мунзир ал-Ҳиравийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 369 (милодий 980) йилнинг жумодул охир ойида Бухорода вафот этганлар.

Жиянлари *Абул Қосим Наср ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ас-Собирий* боболари Муҳаммад ибн Собирдан таълим олганлар. Абул Фазл ал-Осимий ва Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мардакийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йилда вафот этганлар.

#### *Ас-Сарром* الصّرّام

**Сарром** (форсчада «чарром») арабча сўз бўлиб, чарм тайёрловчи, тери ошловчи деган маънони англатади. «Чарм» сўзига берилган нисбатдир.

*Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Халаф ал-Фароизий ас-Сарром* Бухоро аҳлидан бўлиб, илм талабида Хуросонга келиб, сўнгра Ироққа кетганлар. Саҳл ибн Мутаваккил, Саҳл ибн Бишр, Қайс ибн Аниф, Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Муоз ибн Мусанно ва Бишр ибн Мусо ал-Асадийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бақр Муҳаммад ибн Фазл ал-Бухорий ва неваралари Абу Саъид Муҳаммад ибн Ҳасан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 316 (милодий 929) йилда вафот этганлар.

#### *Ас-Саффор* الصّفّار

**Саффор** арабча сўз бўлиб, мискара, мис буюмлар ясаш, уларни тузатиш ва сотиш иши билан шуғулланувчи деган маънони англатади.

Адиб *Абу Наср Исҳоқ ибн Аҳмад ас-Саффор ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан. Бухорода у кишининг уйлари – шу кунгача илмхона. У зотнинг кўп авлодларини кўрдим.

Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарихи Нишопур» китобларида айтадилар: «Абу Наср ас-Саффор фақиҳ, адиб эдилар. Ҳажга бирга борганмиз. Бухорода у кишининг ёшларида адабиёт ва фикҳни ёддан билувчи кишини кўрмаганман. Ҳадис илми ва бошқа илмларни ҳам билардилар. Менга ўзлари ҳақида айтган узун шеърнинг ҳар қитъаси 7 байтдан иборат эди». Абу Наср Маккада яшаганлар, кўп китоблар ёзиб, илм тарқатганлар. Тоифда вафот этганлар. Қабрлари ўша ерда.

Ўғиллари *Абу Иброҳим Исмоил ибн Абу Наср ас-Саффор* фозил имом, ҳақгўй бўлганлар. Ҳақ гапни айтишдан кўрқмаганлар. «Шамс ул-малик» («Подшоҳлар кўеши») лақаби билан танилган Бухоро хоқони Наср ибн Иброҳимни яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтарганлари учун ҳижрий 461 (милодий 1070) йили Бухорода қатл қилинганлар.

Ўғиллари *Абул Маҳомид Ҳаммод ибн Иброҳим ас-Саффор* адабиёт ва усул илмларини яхши билардилар. Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида имом эдилар. Жума кунлари кишиларга шу масжидда ўз рисоаларини ўқиб берардилар. Оталаридан ва Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Мен у кишидан таълим олмаган бўлсам ҳам, Бухорода учратганман. Ўғлим Абул Музаффар ас-Самъоний у кишидан таълим олган.

#### *Ат-Торобий* الطّاربي

**Тороб**<sup>50</sup> – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Хунбун<sup>51</sup> қишлоғи яқинида жойлашган.

*Абул Фазл Маҳдий ибн Ишқоб ат-Торобий* Тороб қишлоғида яшаганлар. Имом ал-Бухорийнинг устозлари Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан, Иброҳим ибн Ашъас ва Абу Солиҳ Муҳаммад ибн Исмоил ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳорис ва Убайдуллоҳ ибн Муниҳ ибн Сайф ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 265 (милодий 879) йилда вафот этганлар.

*Абу Раҷо Аҳмад ибн Яъқуб ал-Пайкандий ат-Торобий* Пайканд аҳлидан бўлиб, Тороб қишлоғида яшаганлар. Лайс ибн Саъд ва Абдуллоҳ ибн Луҳайбадан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ат-Тарозий* الطّرازى

**Тароз** Турк чегарасидаги шаҳар бўлиб, Исфижоб яқинида жойлашган. Илгари ҳам, ҳозир ҳам бу шаҳардан кўп имом ва уламолар етишиб чиққанлар. Улар Шофеъий мазҳабида бўлганлар. Исфаҳонда эса «Тароз» деган машҳур кўча ҳам бор. Назаримда, бу ерга Тароздан тижоратчилар келиб тургани учун кўчага шу ном берилган.

*Яъқуб ибн Иброҳим ат-Тарозий ал-Ҳажжжонинг* икки ўғиллари: Муҳаммад ва Маҳмуд ҳижрий 400 (милодий 1010) йилдан кейин Бухорода ҳадис ёзиб олганлар.

*Абу Амр Усмон ибн Муҳаммад ат-Тарозий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Балхнинг Роум масжидида имом-хатиб эдилар. Абул Маолий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайний ал-Бағдодийнинг «Шараф ал-авқот» («Вақтларнинг улуғи») китобларини ривоят қилганлар. Ҳижрий 520 (милодий 1127) йилдан кейин вафот этганлар.

Имом *Абул Қосим Маҳмуд ибн Али ат-Тарозий* фозил, фақиҳ ва назар илмида кучли эдилар. Чиройли сийратли, доимо Қуръон тиловат қилиб юрувчи солиҳ кишилардан эдилар. Абу Содиқ Аҳмад ибн Ҳусайн аз-Зандий ал-Бухорий ва Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан ҳадислар ёзиб олганлар. Ҳижрий 535 (милодий 1141) йили Бухорода вафот

<sup>50</sup> Жондор туманидаги Тороб қишлоғи.

<sup>51</sup> Жондор туманидаги Хумин қишлоғи.

этганлар. Имом, олим фарзандлари бўлиб, ханафий мазҳабида эдилар. Уларни Марв, Бухоро ва Самарқандда учратдим.

**Ат-Тархуний** الطَّرْحُونِي

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Суррий ат-Тархуний ал-Бухорий* Бухоро ахлидан. Тархун – боболарининг исмига берилган нисбат. Илм талабида Ҳижоз, Ироқ, Шомда бўлиб, Суфён ибн Уяйна, Яҳё ибн Салим, Марвон ибн Муовия, Абдулҳамид ибн Абдулазиз ва Исо ибн Мусо ал-Бухорий Гунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Бухорий эса у кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 247 (милодий 862) йилда вафот этганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳнаф ат-Тархуний* ҳам Бухоро ахлидан бўлиб, Абу Бакр ибн Абу Амрнинг боболари. Саъид ибн Жаноҳ, Ҳафс ибн Довуд ва Наср ибн Ҳусайндан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср Аҳмад ибн Абу Ҳомид ал-Боҳилий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Саҳл ал-Бонабий ат-Тархуний* Бухоронинг Понаб кишлоғидан. Абу Таййиб Жулвон ибн Самура ал-Понабий ва Ҳусайн ибн Яҳё ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр ибн Абу Амр ат-Тархуний* ҳам Бухоро ахлидан. Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад, Ҳомид ибн Саҳл ва Иброҳим ибн Маъқалдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

**Ат-Тарсусий** الطَّرْسُوسِي

**Тарсус** – Шомдаги шаҳар.

*Абул Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ ат-Тарсусий ас-Суфий* Бухорода яшаганлар. Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Халадийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдурахмон ас-Сулабий ва Абу Абдуллоҳ ал-Гунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йили Бухорода вафот этганлар.

**Ат-Турвохий** الطَّرَوَاحِي

**Турвохо** («Тарвохо» деб ҳам айтилади) – Бухородан тўрт фарсах узоқликда жойлашган кишлок. Бухоронинг авом (оддий) халқи уни «Турохий» дер эди.

Фақиҳ *Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳад ат-Турвохий* – шайх, шофеъий мазҳабининг фақиҳларидан ва ишончли муҳаддис, «Усули сихоҳ» китобининг муаллифи. Фақиҳ Саъид ибн Мусо ал-Каъбий ал-Хоразмий ва Абу Бакр ал-Қосимийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Комил ал-Басирий ал-Бухорий бу кишидан таълим олганлар. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз у киши ҳақларида «Муъжам уш-шууюх» («Шайхлар комуси») китобларида зикр қилиб, айтганлар: «Яъқуб ибн Суфённинг «Тафсир» китобларининг бир қисмини шу кишидан таълим олганман».

**Ат-Тағомий** الطَّغَامِي

**Тағомо** – Бухоронинг обод кишлокларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ат-Тағомий* шу қишлоқдан бўлиб, «соҳиб ал-авқоф» (вақфлар эгаси) эдилар. Саҳл ибн Бишр, Муҳаммад ибн Динор, Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз, Мусо ибн Афлаҳ ва Яҳё ибн Бадрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 349 (милодий 961) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Ат-Тавовисий* الطّوّاسِي

**Тавовис**<sup>52</sup> Бухоро – Самарқанд йўлида Бухородан саккиз фарсах узоқликда жойлашган таниқли қишлоқ. Кўпгина уламо ва муҳаддис шу қишлоқдан етишиб чиққанлар.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тавовисий* шулар жумласидан бўлиб, факих, фозил, парҳезкор, такводор, зоҳид, ишончли муҳаддис ва солиҳ бандалардан эдилар. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Китоб ал-икмол» («Мукамал китоб») китобларида зикр қилганлар. Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Абдуллоҳ ибн Ширавайҳ ан-Нишопурий ва Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Наср ал-Қойид аш-Шоший ва Абу Саъд ал-Идрисийнинг тоғалари Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 344 (милодий 956) йили Самарқандда ҳаммомда вафот этганлар.

*Ат-Тусаний* الطّوّسِي

**Тусан** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳафс Имрон ибн Ризвон ат-Тусаний* Бухоро аҳлидан. Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

*Ат-Таҳмоний* الطّهُمَانِي

**Таҳмон** Иброҳим ибн Таҳмонга берилган нисбатдир.

*Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ аш-Шайбоний ат-Таҳмоний ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, катта боболарига «ат-Таҳмоний» деб нисбат берилган. Илм талабида Ироқ, Ҳижоз, Миср, Шом, Жазоир ва Хуросоннинг шаҳарларига борганлар. Адолатли, тўғри сўз имом бўлганлар. Кўп китоб таълиф қилганлар. Оталаридан ҳамда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий, Аҳмад ибн Наср ал-Атакий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ва Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши – «ат-Тасониф ал-ҳисон» («Ҳасан ҳадислар таснифи») китобининг муаллифи. Ўзларидан Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Боҳилий ал-Варроқ, Абу Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Насафий ва Абу Амр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 307 (милодий 920) йилда жумодул охир ойига 8 кун қолганда, жума куни Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Одилий* العَادِلِي

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ал-Одилий* Бухоро аҳлидан бўлиб, боболарининг исмига берилган нисбатдир. Тоғалари Абу Муҳаммад Абдусамад ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз

<sup>52</sup> Навоий вилоятидаги Қизилтепа тумани Тавоис қишлоғи.

ал-Бухорийдан, Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Музанийдан ва Ҳиротда Абу Мансур Аббос ибн Фазл ал-Ҳиравийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ўзларидан эса Абу Туроб Исмоил ибн Тохир ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. У киши Сағониёнга (Чағониёнга) кетаётганда йўлда касал бўлиб, ҳижрий 409 (милодий 1019) йили Кешда вафот этганлар.

#### *Ал-Осимий* العاصمي

*Абул Фазл Яъқуб ибн Юсуф ал-Осимий ал-Бухорий* Бухоро ахлидан бўлиб, ўз шаҳрининг шайхи, ўз асрининг муҳаддиси эдилар. Ҳадис аҳлига ниҳоятда садоқатли бўлганлар. Ироқда Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Мунодо, Муҳаммад ибн Синон ал-Қаззо, Абдулмалик ибн Муҳаммад ар-Рақоший ва Аббос ибн Муҳаммад ад-Дурийдан таълим олганлар. Ўзларидан қози Яҳё ибн Мансур, Али ибн Исо ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳиро ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 314 (милодий 927) йилда Нишопурга келиб катта мажлис (йиғин) ўтказганлар. Ҳижрий 325 (милодий 938) йили Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Абиқий* العبي

*Абу Исҳоқ Исмоил ибн Умар ал-Абиқий ал-Бухорий* Бухоро ахлидан бўлиб, ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 337 (милодий 949) йилда туғилиб, ҳижрий 417 (милодий 1027) йили Бухорода 80 ёшда вафот этганлар. Бу киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий ал-Бухорий «Ал-Музофот» китобларида зикр қилиб, шундай деганлар: «У кишидан кўп ҳадислар таълим олдим». Жумладан, Суфён ас-Саврийнинг икки жилдлик «ал-Муснад» китобини тўлиқ шу кишидан таълим олдим. Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Абу Аҳмад Бишр ибн Абдуллоҳ ар-Розий ва Бакр ибн Саҳл ад-Димёттийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Иброҳим ибн Ҳамза ал-Ҳамадоний ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Аттобий* العتّابي

*Абу Абдураҳмон Ҳасан ибн Усмон ал-Аттобий ал-Бухорий* қози эмас эдилар. Убайда ибн Билол ал-Аммий ва Муҳаммад ибн Фазлдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Ҳафс ибн Довуд ар-Рабиъий ҳадис ривоят қилганлар.

Бағдоднинг ғарбий томонида «ал-Аттобин» деган маҳалла бор. Бироқ Ҳасан ал-Аттобий бунга дахлдор эмаслар.

#### *Ал-Ажаннасий* العجّاسي

**Ажаннас** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ажаннасий ал-Бухорий* Бухоро ахлидан бўлиб, насаблари Пайғамбар алайҳиссаломнинг боболари Маъад ибн Аднонга бориб тақалади. У зот Ироққа сафар қилиб, Басра ва Ҳижоз уламоларидан таълим олганлар. Бу киши – Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийнинг тоғалари. Ҳижрий 290 (милодий 904) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

Неваралари *Абул Ҳасан Аҳмад ибн Абдурахмон ал-Ажаннасий* боболари Абул Ҳусайндан ва Абу Яълодан фикҳ илмини ўрганганлар ва улардан ҳадислар ёзиб олганлар. Кейин Нишопурга бориб, Абул Аббос Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Асамдан таълим олганлар. Нишопурда йигитлик чоғларида вафот этганлар.

Оталари *Абу Абдуллоҳ Абдурахмон ибн Аҳмад ал-Ажаннасий* муаззин (азон айтувчи) эдилар. Оталаридан ва Бухоро машойихларидан таълим олганлар. Узумчилик, боғдорчилик, дарахт ўтказиш, девор қуриш ва иморат ишлари билан шуғулланганлар. Ҳадис илми билан машғул бўлмаганлар. Ҳижрий 364 (милодий 975) йилда вафот этганлар.

Фақиҳ *Абул Ҳусайн Али ибн Аҳмад ал-Ажаннасий* покиза, илмда мумтоз, тақводор ва фозил инсон эдилар. Шайх Абу Бакр ал-Авданийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳадис илмидан унчалик кўп хабардор бўлмаганлар. Ҳижрий 395 (милодий 1006) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Изорий* العذاري

Фақиҳ *Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Изорий* Бухоро аҳлидан. Фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Устоздан таълим олганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Асарий* العصري

*Абул Ҳисон Ҳулайд ибн Ҳисон ал-Асарий ал-Ҳажарий* Бухорода яшаганлар. Ҳасан ал-Басрийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Хозим ибн Хузайма ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Алоий* العلائي

**Ало** – Бухоронинг машҳур кўчаларидан.

*Абу Саъид ал-Котиб ал-Алоий* Бухоро ҳокимига «соҳиб ал-харита» (харита бошлиғи) эдилар. Бағдод машойихларидан ҳадис илмидан таълим олганлар.

*Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Алоий* имом, зоҳид, Бухоро аҳлининг воизи ва муфассири бўлганлар. Тафсир илмини билишда тенги йўқ, фасоҳат (чиройли сўзлаш) бобида ягона, одоблари гўзал, барча ишлари хос олдида ҳам, авом олдида ҳам макбул эди. Бухоро аҳли у киши ҳақларида яхши ривоятлар қилишарди. Бухорода у зотни тирикликларида учратмадим.

*Абу Абдурахмон Мусаййиб ибн Исҳоқ ал-Алоий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Ало кўчасида яшар эдилар. Улуғ уламолар: Суфён ибн Уяйна, Яҳё ибн Салим, Вакеъ ибн Жарроҳ, Умар ибн Ҳорун ва Салим ибн Солимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Ҳурайн ибн Руфайд ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 229 (милодий 845) йил муҳаррам ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

#### *Ал-Инабий* العنبي

**Инаб** арабча сўз бўлиб, узум деган маънони англатади.



Абу Комил ал-Басирий ал-Бухорий айтадилар: «Шайхимиз *Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Имрон ал-Инабий* узум сотар эдилар. Шунинг учун ушбу нисбат берилган. Бухоронинг пешқадам уламоларидан таълим олганлар».

*Ал-Унуқий* العنقي

**Унуқ** арабча сўз бўлиб, бўйин деган маънони англатади.

Абу Комил ал-Басирий «ал-Музофот» китобларида айтадилар: «Абу Наср **Аҳмад** ибн Аббос **ал-Ғози ал-Унуқий** ҳижрий 441 (милодий 1050) йилнинг шаввол ойида Бухорода вафот этганлар. У кишини сўраб уйларига биров келса, бўйинларини эшикдан чиқариб, ким келганини кўрар эканлар. Шунинг учун «ал-Унуқий» (бўйин) деган нисбат берилган.

*Ал-Ғиждувоний* الغجدواني

**Ғиждувон** (Ғиждувон) – Бухородан олти фарсах узоқликда жойлашган қишлоқ. Ғиждувонда бир бозор бор. Ҳафтада бир марта қишлоқ аҳли ўша бозорга савдо-сотик учун бориб келади.

*Абу Наср Аҳмад ибн Юсуф ал-Ғиждувоний* шу қишлоқдан бўлиб, «ас-Сийрат» (Хислат) номи билан танилган эдилар. Боболари Абу Бакр ал-Ғиждувонийдан, бу киши Ҳайсам ибн Аҳмад ал-Басрийдан, ал-Басрий Ибн Динордан, бу киши саҳоба Анас ибн Молик, разияллоху анҳудан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Саъид Ҳотам ибн Наср ал-Марвазий ал-Ғиждувоний*нинг оталари марвлик бўлиб, ўзлари Ғиждувонда яшаганлар. Абу Наим Фазл ибн Диккин, Аҳмад ибн Ҳафс ва Имом ал-Бухорийнинг устозлари Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Иброҳим ибн Ҳорун ибн Муҳлаб ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 264 (милодий 878) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Яъқуб Юсуф ибн Ҳотам ал-Ғиждувоний* асли Марвдан<sup>53</sup>. Оталари Ҳотам ибн Наср, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ва Асбот ибн Ясаъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Бакр Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғиждувоний ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Ғадоний* الغداني

**Ғадон**<sup>54</sup> – Бухоро қишлоқларидан. Аммо Насафда ҳам Ғадон номли қишлоқ бор.

*Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Ғадоний* Бухоронинг Ғадон қишлоғидан. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Биз билан бирга шайхимиздан ҳадислар ёзиб олардилар».

*Ал-Ғузаифардарий* الغذيفردري

**Ғузаифардар** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Умар Ҳафс ибн Умар ал-Ғузаифардарий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Мансур ал-Балхий ва Сулаймон ибн Довуд ал-Ҳиравийдан ҳадис

<sup>53</sup> ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мари шаҳри.

<sup>54</sup> ҳозирги Ғиждувон тумани Ф. Юнусов ҚФЙга қарашли Ғадонтепа қишлоғи.

ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Балхда Абу Ҳафс Аҳмад ибн Қосим ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 324 (милодий 937) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Ғашидий* الغشيدى

**Ғашид**<sup>55</sup> – Бухоро қишлоқларидан. Ғишатий деб ҳам айтилади.

Мен бу қишлоқ ҳақидаги маълумотни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бухорий ал-Ғунжор ал-Ҳофизнинг «Тарихи Бухоро» китобларида кўрган эдим.

*Абу Ҳомид Маҳмуд ибн Юнус ал-Ғашидий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Тохир Асбот ибн Ясаъ ва Абу Муқотил Ҳомид ибн Ғолиб ат-Тавовисийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Бакр ва Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ваззон ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ғашидий* шу қишлоқдан. Лақаблари – «Шом». Бухоро аҳлидан бўлиб, Марв ва Бухоро уламоларидан таълим олганлар. Абу Яъқуб Исроил ибн Самад, Абу Суҳайл Саҳл ибн Бишр ал-Киндий, Али ибн Хусайн ал-Пайкандий, Абдулазиз ибн Ҳотам ал-Марвазий ва Фазл ибн Аҳмад ал-Омулийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Толиб ал-Ғашидий* Бухоро аҳлидан. «Ар-Радд ала аҳл ал-ҳаво» («Кибру ҳаво аҳлига раддия») китобининг муаллифи. Абу Абдуллоҳ ибн Ҳошим, Муҳаммад ибн Зав ва Яҳё ибн Бадр ал-Қурашийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Ғунжор* الغنجار

**Ғунжор** арабча сўз бўлиб, ёноқлари қип-қизил киши деган маънони англатади. «Ғунжор» лақаби билан икки киши машҳур бўлган.

Биринчиси – *Абу Муҳаммад Исо ибн Мусо ал-Ғунжор* Бухоро аҳлидан бўлиб, фозил, олим, содиқ ва обид эдилар. Илм талабида Ироқ, Ҳижоз ва Мисрда бўлиб, ўша ердаги уламолардан, жумладан, Молик ибн Анас, Суфён ас-Саврий, Суфён ибн Уяйна, Лайс ибн Саъд ва Абдуллоҳ ибн Лухайъадан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Ҳизрабий, Одам ибн Абу Илёс ас-Асқалоний ва Исмоил ибн Саъид аш-Шоланжий ҳадис ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Восил айтадилар: «Исо ибн Мусо ал-Ғунжор ҳижрий 185 (милодий 802) йили Сарахсда вафот этганлар. Исо ибн Мусо Ғунжорнинг қабрларини Сарахсда кўрдим. Юзларидаги икки ёноқлари қип-қизил бўлганлиги учун «ал-Ғунжор» деб номланганлар».

Иккинчиси – *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Комил ал-Бухорий ал-Варроқ* бўлиб, «Ғунжор ал-Ҳофиз» лақаби билан танилган эдилар. Юз мингдан кўп ҳадисни ёддан билар эдилар. Ёшликларидан юқорида номлари зикр этилган Исо ибн Мусо Ғунжордан ҳадисларни вараққа ёзиб, у кишининг ҳадисларига эргашганлари учун «Ғунжор» деган лақаб олганлар. «Тарихи Бухоро» ва «Фазоил ус-саҳоба ал-арбаъа» («Тўрт саҳоба фазилатлари») китобининг муаллифи. Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём, Абу Амр

<sup>55</sup> ҳозирги Ғиждувон тумани Улфатбиби ҚФЙга қарашли Ғиштитапа қишлоғи.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Ҳамадоний ва бошқа жуда кўп уламодан таълим олганлар. Марвга бориб, у ернинг машойхларидан ҳадис ёзиб олганлар. Ўзларидан эса Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий, Абул Музаффар Ҳаннод ибн Иброҳим ан-Насафий, Абул Валид Ҳасан ибн Муҳаммад ад-Дарбандий, Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ал-Баззор, Абу Бакр Аҳмад ибн Абдурахмон ал-Ҳофиз аш-Шерозий ва Абу Тохир Ҳусайн ибн Али ал-Ҳамадоний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилда Бухорода вафот этганлар (қабрлари Исмоил Сомоний хиёбонининг ғарби-жанубий томонида).

**Ғундар** غندر – машҳур муҳаддиснинг исми бўлиб, «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобининг муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий шу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Ал-Форизий** الفاريزي

Фориз – маҳалла номи. Бухорода, Регистондан ташқарида «Қасри Фориза» деган маҳалла бўлган.

Абу Муҳаммад **Қутайба** ибн Ҳасан **ал-Форизий** шу маҳалладан бўлиб, Ҳамид ибн Қутайба ва Муҳаммад ибн Қутайбанинг оталари. Лақаблари «Ҳасан каж» эди. Уббод ибн Авом ва Мухлид ибн Умардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Иброҳимнинг оталари Муҳаммад ибн Ҳусайн ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Бакр **Ҳомид** ибн Убайдуллоҳ **ал-Форизий** ҳам «Қасри Фориза» маҳалласидан. Амакилари Муҳаммад ибн Қутайба ва Абу Сукайн Закариё ибн Яҳёдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Али Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Ал-Форжзий** الفارجي

**Форжак** – Форжак дарвозасига нисбат берилган Бухородаги катта маҳалла.

Абу Ашъас **Абдулазиз** ибн Абул Ҳорис **ал-Бухорий ал-Форжзий** Бухоро аҳлидан. Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ҳамда ҳоким ва имом Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳофиздан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар.

#### **Ал-Фошуқий** الفاشوقي

**Фошук**<sup>56</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

Абу Абдуллоҳ **Муҳаммад** ибн Сарвар **ал-Балхий ал-Фошуқий** шу қишлоқда яшаган. Тўқима ва ботил ҳадисларни жамлаб, «Китоб ул-канз» («Ҳазина китоби») деб номлаган.

#### **Ал-Фоминий** الفاميني

**Фомин** – Бухоро қишлоқларидан.

Абу Аҳмад **Муҳаммад** ибн Мардак **ал-Фоминий аш-Шайбоний** Фомин қишлоғидан.

<sup>56</sup> Бухоро туманидаги Фошун қишлоғи.

Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Жуъфий ал-Муснадий ва Абу Қудома ас-Сарахсийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Фоминий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Фарабрӣ* الغفرى

**Фарабр** – Жайхун<sup>57</sup> бўйидаги Бухорога яқин шаҳар. Мовароуннаҳрдан жўнаётганимда бир неча кун шу шаҳарда турганман.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрӣ* шу шаҳардан бўлиб, бу нисбат билан машхур эдилар. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобини ривоят қилганлар. Кўп киши келиб, бу зотдан ушбу китобни ёзиб олганлар. Али ибн Хушрум ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ас-Сарахсий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Мустамлий ва Абул Ҳайсам Муҳаммад ибн Маккий ал-Кушмиҳаний ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Фарабрӣдан мазкур «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини биринчи бўлиб ривоят қилган олим Абу Зайд Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фошонийдир. Охирги ровий эса Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушонийдир. Ал-Фарабрӣ Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини ҳижрий 254 (милодий 869) йилда 23 ёшларида таълим олганлар. Али ибн Хушрумдан эса Фарабрда ҳижрий 258 (милодий 873) йилда таълим олганлар. Ал-Фарабрӣ ҳижрий 231 (милодий 846) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 320 (милодий 933) йили шаввол ойига уч кун қолганда, якшанба куни вафот этганлар.

Неваралари *Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Фарабрӣ* Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини боболаридан ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 371 (милодий 982) йилда вафот этганлар.

*Абул Бишр Муҳаммад ибн Али ал-Фарабрӣ* ҳам шу шаҳардан бўлиб, «ас-Сағир» номи билан танилган эдилар. Бухорода Абул Хаттоб Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Табарий ва Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон ар-Риғдамунийдан ҳадислар ёзиб олганлар. Менга ижозат хати берганлар. Ҳижрий 550 (милодий 1156) йили Фарабрда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Муқри ал-Фарабрӣ* солиҳ шайх, ишончли муҳаддис ва Қуръони каримни ёддан билувчи қори эдилар. Фарабрда у кишидан шеърлар ёзиб олганман.

*Абу Мансур Ҳусайн ибн Али ал-Фарабрӣ* ҳам шу шаҳардан. Абу Али Ҳусайн ибн Исмоил ал-Форисий ва Абул Фазл ас-Суламийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 397 (милодий 1007) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Юсуф ал-Фарабрӣ* Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Абу Аҳмад ибн Адий ал-Журжоний ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Убайд Абдураззоқ ибн Абдулваҳҳоб ал-Фақиҳ ал-Фарабрӣ* ҳам шу шаҳардан. Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Пайкандий ал-Ҳофиз ва она томондан

---

<sup>57</sup> Амударё.

боболари Абу Мансур Ҳусайн ибн Али ал-Фарабрӣдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий Ҳофиз таълим олганлар.

*Ал-Фарахший* الأفرحشي

**Афрахша** («Фарахша» деб ҳам айтилади) – Бухоро кишлоқларидан<sup>58</sup>.

Фақиҳ *Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Аҳмад ал-Фарахший* шу кишлоқдан бўлиб, Абу Ражо Муҳаммад ибн Ҳамдавайх ал-Ҳофиз ал-Ҳурақоний, Абу Саҳл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Али ибн Мусо ал-Қумий, Муҳаммад ибн Мунзир ал-Ҳиравий ва Абдуллоҳ ибн Яхё ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ал-Бухорий таълим олганлар. Ҳижрий 355 (милодий 967) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

*Абу Мусо Имрон ибн Қутн ал-Фарахший* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, муҳаддис эдилар. Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абу Наим Фазл ибн Диккин, Яъқуб ибн Иброҳим аз-Зухрий, Ало ибн Абдулжаббор ал-Маккий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Мукри ва Али ибн Ҳасандан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Муаззин ал-Фарахший* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, Абу Амр Қайс ибн Аниф ва Абу Али Солих ибн Муҳаммад ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 363 (милодий 974) йил рамазон ойида ифтор пайти товада пиширилган калин куймоқсимон нон еганда томоқларига тикилиб қолиб, юз ёшга яқин умр кўриб, тўсатдан вафот этганлар.

*Ал-Фарманкий* الفرمنكي

**Фарманк** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Ҳумайд ибн Фарва ал-Варроқ ал-Фарманкий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишрнинг кўлёмаларини кўчирувчи эдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак, Хорижа ибн Мусъаб, Суфён ибн Уяйна ва Фузайл ибн Иёздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Маъшар Ҳамдавайх ибн Хаттоб ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳумайд ал-Фармандий* дир.

*Ал-Фасавий* الفسوي

*Абул Аббос Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Фасавий* асли Эроннинг Фасо (ёки Басо) шаҳридан бўлиб, вафотларига қадар Бухорода яшаганлар. Абу Аммор Ҳусайн ибн Ҳурайс ал-Хузойй, Муҳаммад ибн Рофий, Аҳмад ибн Ҳафс ас-Суламий ва Муҳаммад ибн Яхё аз-Зухлийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фасавий ал-Форисий* ҳам Фасо шаҳридан бўлиб, Бухорода яшаганлар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий ва Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳиддан таълим олганлар. Ҳижрий 340 (милодий 952) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд

<sup>58</sup> Жондор туманидаги Варахша кишлоғи.

топиб, ҳижрий 420 (милодий 1030) йилнинг рабиъул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

*Ал-Фашиий* الفشني

**Фашна** – Бухоро қишлоқларидан<sup>59</sup>.

*Абу Закариё Яҳё ибн Закариё ал-Фашиий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Суфён ибн Абдулҳаким, Иброҳим ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Лайс, Асбот ибн Ясаъ ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Фазлий* الفضلي

*Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ал-Бухорий ал-Фазлий* Бухоронинг имоми, солиҳ олим ва чиройли сийратли эдилар. Ҳижрий 426 (милодий 1036) йилнинг рамазон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 508 (милодий 1115) йилда Бухорода вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Усмон ал-Фазлий* Бухорода қози бўлиб, «ал-Қози ас-сайф» («Қиличдек ўткир қози») номи билан танилгандилар. Фозил ва саҳий эдилар. Қозилик даврларида халқ ҳурмати қозонганлар. Ҳижрий 515 (милодий 1122) йилда ҳаж қилганлар. Ҳижрий 533 (милодий 1139) йилнинг рабиъул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

Амакиларининг неваралари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Фазлий* Бухорода имом-хатиб бўлиб, пок, зоҳид, нур юзли ва чиройли сийратли эдилар. Оталарининг амакиларининг ўғли Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ал-Фазлийдан таълим олганлар. Бухорода ҳовлиларида ҳадис ёзиб олганман. Бу кишида Пайғамбар алайҳиссаломнинг кавушлари ва ҳассаларининг ярми бор эди. Уларни ҳар бир келган киши зиёрат қилар эди. Ҳижрий 549 (милодий 1155) йилда вафот этганлар.

*Ал-Фагондизий* الفغانديزي

**Фагондиза** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Нух ал-Фагондизий* Бухоро аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан машхур эдилар. Оталари Нух ибн Судайф ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мукридан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Абул Ҳусайн ал-Аздий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Фағдирий* الفغديري

**Фағдир** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Набҳон ибн Ҳасан ал-Фағдирий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машхурдирлар. Исо ибн Мусо Гунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Ваззоҳ бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Фағдиний* الفغديني

**Фағдин** – Бухоро қишлоқларидан.

---

<sup>59</sup> Бухоро туманининг Лоша яқинидаги Фошун қишлоғи.

*Абу Яхё Юсуф ибн Яъқуб ал-Фағдиний* шу қишлоқдан бўлиб, Али ибн Хушрум, Саъд ибн Муоз ва Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Ал-Фағиштий* الفغشي

Бу боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Умар Ҳафс ибн Мансур ибн Фағиш ал-Пайкандий ал-Фағиштий* Бухоро аҳлидан. Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Исмаат Нух ибн Жомеъдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий ҳадис ривоят қилганлар. Муҳаммад ибн Салом айтадилар: «Ма раайту ражулан онаса вараъан минху» (Ундан парҳезкор дўст кишини кўрмаганман). Ал-Фағиштийлар уч ака-ука бўлганлар: Ҳафс, Ҳавозан ва Ғолиб.

*Ал-Фағитусиний* الفغيطوسيني

**Фағитусин** («Фағитисин» деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳорун ал-Фағитусиний* Бухоро аҳлидан. Абу Иброҳим ал-Жўйборий, Иброҳим ибн Қурайш ас-Саббоғ ва Асбот ибн Ясаъ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Юсуф Яъқуб ибн Амр ал-Фағитусиний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 303 (милодий 916) йилда вафот этганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Наим ал-Фағитусиний* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, Хожа Ғунжор ал-Ҳофиз бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йилда вафот этганлар.

*Ал-Фаллос* الفلّاس

**Фаллос** арабча сўз бўлиб, майда танга (чақа) билан савдо қилувчи деган маънони англатади.

*Абу Солиҳ Омир ибн Фазл ал-Фаллос ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Исҳоқ ибн Ҳамза, Муҳаммад ибн Ҳусайннинг икки ўғиллари Иброҳим ва Умар ҳамда Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Фаллос ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Юз минг ҳадисни ёддан билар эдилар.

*Ал-Фуёзасуний* الفيّاذسوني

**Фуёзасун** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Солиҳ Салама ибн Нажм ал-Фуёзасуний ан-Наҳвий* Бухоро аҳлидан бўлиб, лақаблари «Салмавайх» эди. Абу Қарсоа Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ал-Асқалонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Қудайдий* القديدي

**Қудайд** – Маккаи мукаррама билан Мадинаи мунаввара оралиғидаги манзил.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Хусайн ал-Бухорий ал-Қудайдий* Бухоро аҳлидан. Кейинчалик Қудайдга бориб яшаганлар. Шунинг учун бу нисбат берилган. Фозил имом ва Абу Ҳанифа мазҳабининг фақиҳи эдилар. «Абу Бакр Хоҳарзода» номи билан танилган эдилар. Мен бу кишини «хо» ҳарфида тилга олдим.

#### *Ал-Қассор* القصار

*Абу Ҳотам Нух ибн Айюб ал-Қассор ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Ҳафс ибн Довуд ар-Рабиъий, Абдурахмон ибн Муҳаммад, Исҳоқ ибн Ҳамза, Валид ибн Исмоил ва Саъид ибн Жаноҳдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 293 (милодий 907) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Қухандузий* القهندوزي

**Қухандуз** – ички шаҳристон<sup>60</sup>. Самарқанд, Хирот ва Нишопурда ҳам мадина ад-доҳила бор.

*Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн Ҳорун ал-Қухандузий* Бухоро аҳлидан бўлиб, илм соҳиби эдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак, Суфён ибн Уяйна, Фузайл ибн Иёз, Муҳаммад ибн Муслим ат-Тоифий ва Исо ибн Мусо Гунжордан таълим олганлар. Илм талабида Ироқ ва Ҳижозда бўлганлар. Бу кишидан Саъид ибн Жаноҳ ва Асбот ибн Ясаъ ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Қухандузий* ҳам Бухоронинг «Қухандуз»идан бўлиб, муаззин эдилар. Абу Закариё Яҳё ибн Исмоил, Абу Зайд Имрон ибн Фарином, Саҳл ибн Мутаваккил ва Қайс ибн Унайфдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

*Абу Амр Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Қухандузий* «Муаззин ал-абяз» номи билан танилган эдилар. Бу киши Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Бакр ал-Мункадирий ва Абу Амр Саъид ибн Муҳаммад ал-Ахнафдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 369 (милодий 980) йилда вафот этганлар.

*Абул Аскар Кофур ибн Абдуллоҳ ал-Қухандузий* Бухоро «Қухандуз»идан. Бухоро амири Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний озод қилган қуллардан. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Азҳарий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Устоздан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 376 (милодий 987) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Қаллос* القالّاس

**Қалс** арабча сўз бўлиб, кема боғланадиган арқон маъносини англатади. Кема тўхтагач, у арқонга боғланади. Қаллос эса кема арқонини боғлаб қўювчи киши деган маънони билдиради.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ал-Қаллос* Бухоро аҳлидан бўлиб, Муҳаммад ибн Умайя ас-Совий, Каъб ибн Саъид ва Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандийдан ҳадис илмидан

<sup>60</sup> Ўрта асрларда ҳукмдор саройи, ички шаҳристон, Бухоро арки.



таълим олганлар. Ўзларидан эса Имрон ибн Мусо, Мусо ибн Исо ва Саҳл ибн Бишр ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Кохуштувоний* الكاخشتواني

**Кохуштувон**<sup>61</sup> – Бухоро қишлоқларидан. У ерда работ бор, унинг номи «Работи Кохуштувон».

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кохуштувоний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши ҳақларида Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз «Муъжам уш-шуоҳ» («Шайхлар қомуси») китобида зикр қилганлар. Бу зот Абу Зар ал-Бағдодийдан таълим олганлар. Абу Бакр ал-Исмоилий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ва Абу Саъид ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар. Муҳаммад ал-Кохуштувоний имом Абул Фазл аз-Заранжарийнинг устозларидирлар. Ҳижрий 449 (милодий 1058) йилда вафот этганлар.

*Ал-Коканий* الكاكاني

**Кокан**<sup>62</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Муҳаммад ибн Али ал-Коканий* ва ўғиллари *Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Коканий* шу қишлоқдан. Икковлари ҳам Юсуф ибн Ҳайдар ал-Хумитанийдан таълим олганлар.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Бакр ал-Коканий ал-Бухорий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Яҳё ибн Жаъфар, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Маккий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Комдидий* الكامددي

**Комдид**<sup>63</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Комдидий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Оталари Абу Ҳомид ал-Комдидий анча муддат Насафда қози лавозимида ишлаганлар. Ўзлардан Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Абу Наср ал-Комдидий ҳижрий 335 (милодий 947) йилда туғилиб, ҳижрий 412 (милодий 1022) йилда вафот этганлар.

*Ал-Кояшканий* الكايشكاني

**Кояшкан** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Қосим ибн Муҳаммад ал-Кояшканий ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад, Наср ибн Аҳмад ал-Киндий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Кўп олимлардан таълим олганлар.

*Ал-Кассавий* الكتوي

Касса – Бухородан тўрт фарсах узоқликда жойлашган қишлоқ. Сурмородан (Бухородан

<sup>61</sup> Рометан туманидаги Қоқиштувон қишлоғи.

<sup>62</sup> ҳозирги Когон.

<sup>63</sup> ҳозирги Вобкент туманидаги Хайрхуш ҚФЙга қарашли Комдитепа қишлоғи.

уч фарсах узокликдаги қишлоқ) Муғконга (Бухоро шаҳридан беш фарсах узокликдаги қишлоқ) кетаётганимда шу қишлоқда бўлганман.

**Абу Аҳмад ал-Кассавий** бу нисбат билан машҳур бўлиб, имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффолаш-Шошийдан таълим олганлар.

#### **Ал-Касирий** الكثيري

**Абул Фазл Жаъфар ибн Хусайн ал-Касирий ал-Биёрӣ** Бухорода яшаган олимлардан. Абул Қосим (она томондан боболари) шоҳ Маҳмуд ибн Сабуктегинга кўп арз қилганлари учун бу кишига «ал-Касирий» (кўп) деб нисбат берилган. Бу зот шайх, фозил, адабиётшунос ва шеършунос олим ва туш таъбирларини биладиганлардан эдилар. Ўзларидан олдин ўтган ва замондош шоирларнинг шеърларини жуда кўп ёдлар эдилар. У кишини аввал Марвда, сўнгра Бухорода, кейинчалик Самарқандда учратдим ва ўша ерда шеърларидан ёзиб олдим. Ҳижрий 471 (милодий 1079) йилнинг ражаб ойида Биёрда туғилиб, ҳижрий 553 (милодий 1159) йилда Бухорода вафот этганлар.

#### **Ал-Кассий** الكشي

**Касса** – Бухоро қишлоқларидан. Бу ердан кўп илм аҳли етишиб чиққан. Бу қишлоқда бўлганман.

**Абу Али Хусайн ибн Форис ал-Фақиҳ ал-Кассий** шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ олимлардан эдилар. Аҳмад ибн Саҳл ал-Бухорий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ар-Розий, Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва бошқа фақиҳлардан таълим олганлар. Ҳижрий 396 (милодий 1006) йилнинг зулқаъда ойида вафот этганлар.

#### **Ал-Каҳунӣ** الكحوني

**Каҳун** – Бухоро қишлоқларидан.

**Назр ибн Абдулазиз ал-Каҳунӣ** шу қишлоқдан. Хузайр ибн Назрнинг оталари Исо ибн Мусо ал-Гунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Хузайл ибн Назр ал-Каҳунӣ ҳадис ривоят қилганлар.

#### **Ал-Кирмонӣ** الكرماني

**Кирмония** – Бухоро қишлоқларидан. Аммо Нишопурда ҳам Кирмония номли катта маҳалла бор.

**Абу Амр Ҳафс ибн Амр ал-Бухорий ал-Кирмонӣ** ёки Кармонӣ Бухоронинг Кирмония қишлоғи аҳлидан. Ҳаж қилиб Бағдодга бориб, Шужо ибн Мажо ал-Кушонӣдан ҳадис ривоят қилганлар. Менимча, бу киши карминалик.

#### **Ал-Карминӣ** الكرميني

**Карминия** – Бухородан ўн саккиз фарсах узокликдаги шаҳар. У Бухоро ва Самарқанд Суғди оралиғида жойлашган.

Адиб **Абу Туроб Али ибн Тоҳир ал-Карминӣ** айтар эдилар: «Балдатуно Карминия.

Иннал араба фил футуҳи ламмо роавҳо қолу: ҳия ка Арминия. Шаббахуҳо фил ҳусни ва касратил миёҳи вал хазири би Арминия» (Араблар Карминияни фатҳ қилаётганда бу шаҳарни кўриб, ҳайратга тушиб, «Бу ер Армения каби гўзал, серсув, яшил майдонлари кўп экан», – деб Арманистонга ўхшатганлар). Гўёки шундан кейин унинг номи Кармина бўлиб қолган. Самарқандга кетаётганимда бир кеча–кундуз шу шаҳарда бўлганман. Бу ердан илгари ва ҳозир машҳур имомлар, олимлар ва муҳаддислар етишиб чикқанлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зав аш-Шайбоний ал-Карминий* шулар жумласидандир. Бу кишидан бир ҳадисни Абу Ҳомид Аҳмад ибн Лайс ал-Карминий ривоят қилганлар. Ўзлари эса Абу Убайд Қосим ибн Салом, Музоҳим ибн Саъид ал-Кушмиҳаний, Абу Амр ал-Ҳавзий ва бошқа муҳаддислардан таълим олганлар. Ҳижрий 282 (милодий 896) йилда вафот этганлар.

Акалари *Абу Бакр Аҳмад ибн Зав ал-Карминий* ҳам Кармана аҳлидан бўлиб, Исмоил ибн Маслама ва унинг укалари Абдуллоҳ ибн Маслама, Ҳакам ибн Муборак ва Маккий ибн Иброҳимдан ҳадис ривоят қилганлар. Али ибн Маҳмуд ал-Карминий айтадилар: «Мен уни тушимда кўрдим. Тушимда осмондан учиб келган бир саҳифа кўлимга тушди. Қарасам, унда шундай ёзилган экан: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ҳаза китобун миналлоҳи ал-Азиз ал-Алийм. Бароатун ли Аҳмад ибн Зав мин азобин алийм» (Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Бу мактуб Азиз ва Билгувчи зот Аллоҳдандир. Аҳмад ибн Зав аламли дўзах азобидан озоддир)». Аҳмад ибн Зав ҳижрий 265 (милодий 879) йил ражаб ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

Имом *Мусайяб ибн Муҳаммад ал-Карминий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Абул Муважжаҳ ал-Фазорийнинг «Мухтасар...» китобини Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Марвазий ва Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ал-Басрийдан ривоят қилганлар.

*Абул Фараж Азиз ибн Абдуллоҳ ал-Карминий* Шофеъий мазҳабининг йирик фақиҳларидан бўлиб, бу кишининг тавсифлари Бухоро ва Карманада машҳур эди.

Адиб *Абу Туроб Али ибн Тоҳир ал-Карминий* ўз замоналарининг тенги йўқ тилшуноси ва ниҳоятда зеҳни ўткир олими эдилар. У кишини Бухорода учратдим ва ҳадислар ёзиб олдим.

*Абу Сулаймон Муаммар ибн Жибрил ал-Карминий ал-Муаддиб* Самарқандда яшаганлар. Бу киши шайх, ишончли муҳаддис, диндор, «Усул илми»ни яхши билувчи ва сунна аҳлидан эдилар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Самарқандда биз у кишидан ҳадислар ёзиб олганмиз».

*Абу Муҳаммад Суҳайб ибн Осим ал-Карминий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, илм талабида Ироққа сафар қилганлар. Катта боболарининг амакиси Исмаил ибн Қайс саҳоба эдилар. Суфён ибн Уяйна, Фузайл ибн Йез, Бишр ибн Суррий, Вакеъ ибн Жарроҳдан таълим олганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ал-Яшкурӣ ал-Карминий* Шофеъий мазҳабининг фақиҳи эдилар.

*Ал-Кафсисавоний* الكفيسسواني

**Кафсисавон**<sup>64</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Фазл Ҳамдон ибн Яҳё ал-Кафсисавоний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Ҳумайд ибн Қутайба, Бужайр ибн Назр ва Муҳаммад ибн Солимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Муҳаммад ибн Забён ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Куфиний* الكفيني

**Куфин**<sup>65</sup> – Бухородаги қишлоқ ёки мавзе.

Имом *Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Куфиний ал-Ҳоким* фақиҳ ва фозил эдилар. Бу кишидан имом Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Аҳмад ал-Карминий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Каморий* الكماري

**Каморий** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Наср Лайс ибн Абдуллоҳ ал-Каморий* шу қишлоқдан. Илёс ибн Кидом ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан эса Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мукри ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 331 (милодий 943) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Фазл ал-Каморий* ҳам шу қишлоқдан. Исо ибн Мусо ал-Ғунжор ва Каъб ибн Саъиддан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Саҳл ибн Шозавайҳ ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Киноний* الكناني

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Киноний* Бухоро аҳлидан. Ҳадисни яхши тушунар эдилар ва уни ҳофиз ал-ҳадисдан ёдлаб олар эдилар. Бу киши Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад, Наср ибн Аҳмад ал-Бағдодий, Саҳл ибн Ҳизом ва Али ибн Ҳасан ан-Нажжордек ҳофизлардан ҳадисдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Аҳмад ибн Саҳл ал-Киндий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Кандасарвоний* الكندسرواني

**Кандасарвон** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Наср ибн Собир ал-Кандасарвоний ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ва Асбот ибн Ясаъдан таълим олганлар.

*Ал-Кузий* الكوزي

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Кузий ас-Саканий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан. Бу киши солиҳ шайх ва тўғри сўз муҳаддис эдилар. Бухорода Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Фазл ибн Аббос ал-Ҳиравий ва бошқа уламолардан таълим олганлар. Бу кишидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз ан-

<sup>64</sup> Бухоро туманидаги Каҳқашон қишлоғи.

<sup>65</sup> Вобкент туманидаги Куқин қишлоғи.

Нахшабий таълим олиб, устозлари ҳақида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар.

*Ал-Калободий* الكلابادي

**Калобод** – Бухоро шахрининг юқорисида жойлашган маҳалла. Бу маҳалла «Гулбод» деб ҳам айтилади. Ундан имомлар, олимлар ва ўз фанининг моҳир ва машҳур билимдонлари етишиб чиққанлар. «Калобод» номли маҳалла Нишопурда ҳам бор.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Калободий ал-Ҳофиз* Бухоронинг маълум, машҳур ва буюк муҳаддис олимларидан бўлиб, юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёддан билар эдилар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Устоз, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Али ибн Муҳтож ал-Кушоний ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Абу Саъид Халил ибн Аҳмад ас-Сижзийдан битта ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Калободий ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз «Тарих» китобларида куйидагича айтганлар: «Абу Наср ал-Калободий котиб, юз мингдан кўпроқ ҳадисни ёддан билувчи, фаҳм-фаросатли ва маърифатли олимлардан эдилар. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини билардилар. Шайхимиз Абул Ҳасан ад-Дорақутний ҳам у кишининг фаҳмларига, маърифатларига тан берган эдилар. Абу Наср ал-Калободий ҳижрий 360 (милодий 972) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 398 (милодий 1008) йил жумодул охир ойининг йигирма учинчисида шанба куни вафот этганлар».

*Абул Қосим Али ибн Абу Наср ал-Калободий* – бу кишининг ўғиллари.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Луълуий ал-Калободий* ҳам шу маҳалладан. Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий, Имрон ибн Фарином ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Абу Ражо ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калободий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 323 (милодий 936) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Абу Саҳл Абдулкарим ибн Абдурахмон ал-Калободий ал-Бухорий* ҳам Бухоронинг Калобод маҳалласидан. Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳид ва Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан таълим олганлар. Ривоят қилган ҳадислари саҳиҳдир. Бу кишидан кўп олим таълим олган. Бу зот ҳақларида Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар.

*Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Калободий* ҳам шу маҳалладан бўлиб, Хуросон қозисининг аъёнларидан эдилар. Кейинчалик Марв, Ҳирот, Самарқанд, Шош, Фарғона, Балхда, сўнг Бухорода қози бўлганлар. «Қози ал-қуззот» (Қозилар қозиси) унвонини олганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз «Тарихи Нишопур» китобларида бу киши ҳақларида маълумот берганлар: «Ҳижрий 355 (милодий 967) йили Бухорога келганимда, Абул Қосим ал-Калободий Бухоронинг қозиси эдилар. Оталари ҳам Бухорода етти йил қози лавозимида бўлганлар. Бухоро халқидан масжидларда, мажлисларда эшитардим. Улар шундай дуо қилишарди: «Аллоҳуммағфир лил-қози ал-Калободий Муҳаммад ибн Аҳмад яънуна абоҳу» (Аллоҳим, отасининг ўрнига ёрдамчи бўлган Калободнинг қозиси Муҳаммад ибн Аҳмаднинг гуноҳларини мағфират қилгайсан). Ўшанда баъзи бошлиқлар бу кишига

хасад этиб, ҳар хил бўҳтон қилганлар. Ҳижрий 369 (милодий 980) йилда Абул Қосим Бухородан Нишопурга чиқиб кетиб, у ерда қози бўлганлар».

#### *Ал-Лаббод* اللباد

**Лаббод** арабча сўз бўлиб, наMAT (кигиз) деган маънони англатади.

*Абу Али Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Муаззин ал-Лаббод ал-Бухорий* бу нисбат билан машҳурдилар. Юнгдан босиб тайёрланадиган кигиз сотиб, кун кечирганлари учун шу нисбат берилган. Али ибн Ҳакам ал-Марвазий ва Муҳаммад ибн Муқотил ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Саъдоний ва Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 271 (милодий 885) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Лайсий* الليثي

*Абу Муслим Умар ибн Али ал-Лайс ал-Ҳофиз ал-Лайсий* Бухоро аҳлидан бўлиб, хофиз ал-ҳадис эдилар. Ҳадис илми талабида кўп мамлакатда сафарда бўлиб, ҳадислар жамлаб, тўпламлар тузганлар. Бухоро, Хуросон, Ироқ олимларидан таълим олганлар. Қисқа муддат Исфаҳонда ҳам яшаганлар. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ ал-Халлол, Абу Наср ал-Муаззин ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 466 (милодий 1074) йили Хузистонда вафот этганлар.

#### *Ал-Мохакий* الماخكي

**Мохақ** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ас-Саффор ал-Мохакий* Бухоро аҳлидан. Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ал-Жўйборийдан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Мохий* الماخي

**Мох** исмли мажусий (оташпараст) бир киши мусулмон бўлиб, Бухорода масжид қуриб, унга «Мох» деб ном қўйди<sup>66</sup>. Масжиднинг эшиги ёнида катта маҳалла ва бозор бор эди. Бу маҳалла ва бозор «Мох масжиди дарвозаси» деб танилган эди.

Қори *Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мохий* ва ўғиллари шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муқри ал-Мохий шу маҳалладан бўлиб, Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Мен Қуръони каримни ўқишни «Дарб ал-ҳадид» (Темир дарвоза) масжидида Абу Амр Аҳмад ал-Мохийдан ўргандим».

Ўғиллари қори *Абу Ҳафс Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Мохий* ҳам шу маҳалладан бўлиб, зоҳид эдилар. Мен Аҳмад ал-Мохийдан кўп ҳадис тинглаганман. Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафснинг «Китоб ал-иймон»ларини шу кишидан таълим олганман. Бу киши жума куни вафот этдилар ва Бухородаги Масжиди Калон жомеъ масжидида жанозалари ўқилди. Мен бу масжидда жаноза намози ўқилишини биринчи марта кўрдим.

<sup>66</sup> ҳозирги Мағоки Атторий масжиди.

*Абу Муҳаммад Абрад ибн Холид ибн Абдурахмон ибн Мох ал-Бухорий ал-Мохий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Мох масжидини қурган кишининг чеварасидирлар. Исо ибн Мусо Гунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Муҳаммад ибн Абрад ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Мостиний* الماستيني

**Мостин** (ёки «Мостий» деб ҳам айтилади) – Бухородан тўрт фарсах узоқликдаги катта қишлоқ. Ҳозир харобалари қолган. Бу қишлоқ Хунбун билан Бухоро ўртасида жойлашган. Мен бу қишлоқда бўлганман. Бу ердан кўп олим чиққан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мостиний ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Али ибн Ҳажар, Али ибн Хушрум, Исҳоқ ибн Мансурдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мостиний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Ханаб номи билан танилган эдилар. Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 218 (милодий 834) йилда туғилиб, ҳижрий 301 (милодий 914) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мостиний* ҳижрий 307 (милодий 920) йилда Насафда ҳукумат тепасида эдилар. Кўп муҳаддис олимдан таълим олганлар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Абул Фазл Муҳаммад ибн Маҳмуд ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 384 (милодий 995) йилда вафот этганлар.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мостиний* Бухоро олимларидан. Абу Зарр Муҳаммад ибн Юсуф ал-Қози ва Абу Бақр ал-Осимийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 364 (милодий 975) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Момий* المامئي

**Момо** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз ал-Момий* асли исфаҳонлик бўлиб, Бухорода яшаб, шу ерда вафот этганлар. Бу киши юз мингдан ортиқ ҳадисни ёддан билар эдилар ва ҳадис илмига ниҳоятда кўп қизиқардилар. Ҳадисларни жамлаб, тасниф қилганлар. «Ал-Мухталиф вал-муъталиф фил-асмо» («Исмларда ихтилофли ва ихтилофсиз масалалар ҳақида») китобини таълиф қилганлар ҳамда Хожа Гунжорнинг «Тарихи Бухоро» китобларига қўшимчалар киритганлар. Бу зот кўп муҳаддис олимдан таълим олиб, ҳадислар ҳам ривоят қилганлар. Ибн Абу Ҳотамнинг «ал-Журху ват-таъдил» («Жароҳат ва адолат») китобининг юзида у киши ҳақларда маълумот ўқидим. Бу киши ҳижрий 436 (милодий 1045) йили шаъбон ойининг бешинчи куни Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Маттий* المتي

*Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Абул Ҳусайн ал-Бухорий ал-Маттий* солиҳ шайх бўлиб, эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Бухоро олимларидан. Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Фузайл ибн Аббос ал-Ҳиравий ва бошқа уламолардан таълим олганлар. Бу

кишидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар. Ҳижрий 431 (милодий 1040) йили ражаб ойининг ўн учинчисида, шанба куни вафот этганлар.

*Ал-Мажубсатий* المجسّتي

**Мажубсат** – Бухоро қишлоқларидан.

*Тоҳир ибн Ҳусайн ал-Воиз ал-Мажубсатий* ва оталари *Абу Али ал-Мажубсатий* шу қишлоқдан. Абу Комил ал-Басирий Тоҳир ибн Ҳусайн ал-Мажубсатийдан таълим олганлар. Бу қишлоқ ҳақида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музоҳот» китобларида зикр қилганлар.

*Ал-Мажубсий* المجسّي

**Мажубс** – Бухоро қишлоқларидан. Бу қишлоқ ҳақида Хожа Ғунжор «Тарихи Бухоро» китобларида зикр қилганлар. Мажубс билан Мажубсат бир қишлоқми ёки бир қишлоқ эмасми билмадим? Валлоҳу аълам.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мажубсий* Бухоронинг Мажубс қишлоғи аҳлидан бўлиб, Саъид ибн Айюб ал-Жўйборий ва Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Миждуний* المجدونى

**Миждун** – Бухоро қишлоқларидан. Авом (оддий) халқ уни Сурдун деб ҳам айтади.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Миждуний ал-Муаззин* Бухоронинг Калобод (Гулобод) маҳалласида яшардилар. Бу киши Сурдун қишлоғининг муаззини деб танилган бўлиб, фозил шайх эдилар. Абдуллоҳ Сибадмунийнинг шогирдларидан. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Ҳофиз ал-Ғунжор ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музоҳот вал-музофот» китобларида маълумот берганлар.

*Ал-Муҳтасиб* المحتسب

**Муҳтасиб** арабча сўз бўлиб, ҳисобчи, шариатга хилоф ишларни текширувчи, бозордаги тош-тарози ва нархларни назорат қилувчи деган маънони англатади.

Фақиҳ *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Муҳтасиб ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, «ал-Муҳтасиб» нисбати билан машҳур эдилар. Абу Собит ал-Бухорийнинг боболари. Инсонларни яхшиликка даъват қилиб, ёмон ишлардан қайтарар эдилар.

*Абу Наер Мансур ибн Муҳаммад ал-Муҳтасиб* ҳам Бухоро олимларидан. Бухорода анча муддат муҳтасиб бўлганлар. Бухоро ва Марвда ҳадислар ёзиб олиб, уларни жамлаб, тасниф этганлар. Шом ва Ироқ машойихларидан таълим олганлар. Такводор олимлардан бўлганлар. Шом, Ироқ, Хуросон, Мовароуннаҳр муҳаддисларидан ҳадислар ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз ва Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йили Бухорода вафот этганлар.



*Ал-Махмудий* المحمودي

**Махмуд** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Махмудий ал-Бухорий* Бухоро ахлидан. Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Мукри ас-Суғдийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 374 (милодий 985) йилда вафот этганлар.

*Абу Закариё Яҳё ибн Яҳё ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий* ҳам Бухоро ахлидан. Хуросон ва Ироқ муҳаддисларидан таълим олганлар. Бу кишидан эса Абу Абдуллоҳ ал-Ҳоким ал-Ҳофиз таълим олганлар ва устозлари ҳақида «Тарих» китобларида қуйидагича айтганлар: «Абу Закариё ал-Махмудий Бухорода ўз асрининг «Имому аҳл ал-ҳадис»и (Ҳадис ахлининг имоми) эдилар. Ҳижрий 384 (милодий 995) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар».

*Ал-Мудёнкатий* المديانكتي

**Мудёнкат** – Бухоро кишлокларидан.

*Абул Ҳизр Илёс ибн Ҳафс ал-Бухорий ал-Мудёнкатий* шу кишлокдан. Илм талабида Ироқда бўлганлар. Абу Муҳаммад Ҳорис ибн Абу Усома ат-Тамимий ва Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил ат-Термизийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Холид ибн Халил ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Мадиний* المدني

**Мадина** арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади. «Ал-Мадиний» шаҳарда муқим яшовчи, шаҳарлик демакдир. Бу Бухоро шаҳрига ҳам берилган нисбат. Бу шаҳардан кўпгина олим ва имомлар етишиб чиққанлар. «Мадина» сўзи 8 та шаҳарга берилган нисбатдир: 1) Мадинаи Мунаввара (кўпинча Мадина дейилганда шу шаҳар назарда тутилади); 2) Бағдод; 3) Исфаҳон; 4) Нишопур; 5) Марвдаги ички қалъа; 6) Бухоро; 7) Самарқанд; 8) Насаф.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Мадиний* Бухоро олимларидан. Солиҳ шайх, такводор, парhezкор, кундузлари рўздор бўлиб, кечаларини эса таҳажжуд ва нафл намозларини ўқиш билан ўтказар эдилар. Юсуф Ҳамадонийнинг суҳбатдошларидан. Абу Муҳаммад аз-Зубайрий, Абул Юср ал-Паздавий ва Абу Бакр ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар.

Укалари *Абу Ҳафс Умар ибн Абу Бакр ал-Мадиний ас-Собуний* саховатпеша шайх эдилар. Фақирларга мурувват кўрсатар эдилар. Бухоро шаҳрида бу кишидан таълим олдим.

Қариндошлари *Абу Аҳмад Махмуд ибн Абу Бакр ас-Собуний ал-Мадиний* ҳам солиҳ шайх, кўп хайру эҳсон қилувчи эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ас-Сиёбий ва Абул Қосим Али ибн Умар ал-Қоридан таълим олганлар. Ҳижрий 485 (милодий 1093) йилда туғилганлар. Бу кишидан Бухоро шаҳрида ховлиларида ҳадис илмидан таълим олганман.

*Ал-Мидёмажкатий* المديماجكتي

**Мидёмажкат** – Бухоро билан Самарқанд оралиғида, Бухородан ўн саккиз фарсах узоқликда бўлган Кармана яқинидаги серсув, сердарахт кишлок.

*Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мидёмажкатий*нинг эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Имом ал-Бухорийнинг дўстлари Абдуллоҳ ибн Мансур ал-Харъонкатийдан ҳадис ривоят қилганлар (Харъонкат – Бухоро қишлоқларидан.) Ҳижрий 357 (милодий 969) йилда Дабусияга (Суғддаги шаҳарга) келган эдилар ва одамлар у кишидан ҳадислар ёзиб олардилар. Ал-Мидёмажкатий ҳижрий 360 (милодий 972) йилда вафот этганлар.

*Ал-Мароғий* المرغوي

*Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Мароғий* Бухорода яшаган олимлардан. Ота-боболари Мароғадан (Озарбайжондаги шаҳар), ўзлари эса Балхдан. Бу киши ишончли муҳаддислардан бўлиб, кўп ҳадис билар эдилар. Оталаридан, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийдан ва бошқа муҳаддислардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийнинг «Муснад», Қутабийнинг «Ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар»), Абу Исо ат-Термизийнинг «Шамоил ан-набавийя» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») ва «Сунан ат-Термизий» китобларидан Балхда, Бухорода, Насафда ва Самарқандда таълим берганлар. Абул Қосим ал-Мароғий ҳижрий 326 (милодий 939) йилнинг ражаб ойида Балхда туғилиб, ҳижрий 411 (милодий 1021) йил сафар ойининг йигирма саккизинчисида, пайшанба куни Бухорода вафот этганлар.

*Ал-Маробитий* المرابطي

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Бақр ал-Маробитий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Маккий ибн Иброҳим ва Шаддод ибн Ҳақимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Марожилий* المرجلي

*Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Марожилий* Бухоро аҳлидан.

*Ал-Мурзибиний* المرزبني

**Мурзибин** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳафс Аҳмад ибн Фазл ал-Мурзибиний* шу қишлоқдан бўлиб, лақаблари «Ҳаббоб» (Кўза сотувчи) эди. Илм талабида Ҳижозга борганлар. Фузайл ибн Йез, Суфён ибн Уяйна ва Исо ибн Мусо Ғунжордан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Суфён Маҳбуб ибн Яъқуб ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 243 (милодий 858) йилда вафот этганлар.

*Ал-Марғабуний* المرغبوني

**Марғабун** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳафс Амр ибн Муғира ал-Марғабуний* шу қишлоқдан. Мусаййаб ибн Исҳоқ ва Бухайр ибн Назрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 273 (милодий 887) йилда Бамижкат қишлоғида ҳадисдан таълим берганлар. Бу кишидан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Нуҳ ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Марғабуний ал-Бухорий* ҳам шу қишлоқдан.

Муҳаммад ибн Исо ат-Тарсусийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Мазранкий* المزني

**Мазранкан**<sup>67</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Обид ал-Мазранкий* Бухоро аҳлидан. Абдусаммад ибн Фазл ва Ҳаммод (Ҳамдон) ибн Зуннундан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳафс ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 329 (милодий 942) йилда вафот этганлар.

*Ал-Музаний* المزني

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Музаний* асли ҳиротлик бўлиб, Бухорода яшаб, шу ерда вафот этганлар. Абдурахмон ибн Муғаффал ал-Музанийнинг авлодларидан бўлиб, Бухорода «Шайх ал-жалил» (Улуғ шайх) дер эдилар. Бу киши Хуросонда ўз асрининг ифтихори, илмда тенгсиз олими, нур юзли ва султонларнинг авлиёси эдилар. Ҳирот, Нишопур, Марв, Журжон, Бағдод, Куфа, Басра, Макка, Миср ва Шомда бўлиб, у ерлардаги муҳаддислардан ҳадислар ривоят қилганлар. Уч йил Мисрда яшаб, кейин ҳаж қилганлар. Маккаи Мукаррамада имом-хатиб эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шошийнинг суҳбатдошлари бўлиб, илмда у киши билан мунозара қилардилар. Ватанларига муҳаббат, ватан соғинчи бу кишини касал қилди. Ватанларини соғиниб кўп йиғлар эдилар. Ҳижрий 356 (милодий 968) йилнинг рамазон ойида Бухорода вафот этганлар. Вазир Абу Яъло ал-Балъамий томонидан тобутлари Ҳиротга олиб борилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

*Ал-Мусофирий* المسافري

**Мусофир** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тусий ан-Навқоний ал-Мусофирий* Туснинг Навқон шаҳри аҳлидан бўлиб, муҳаддислар авлодидан эдилар. Бухорода яшаб, шу ерда вафот этганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоқим шу кишининг шогирдларидан бўлиб, устозлари ҳақларида қуйидагича айтганлар: «Бухоро ва Нишопурда у киши билан бардавом суҳбат қилганмиз. Кейинчалик Бухорога келиб, вафотларига қадар шу ерда яшаганлар. Ҳижрий 357 (милодий 969) йил сафар ойининг ўн бешинчисида, жума куни кечаси Бухорода уйимда вафот этдилар. Жанозаларини фақиҳ Абу Бакр ал-Авданий ўқидилар. Кейин у кишини «Калобод»да дафн қилдик».

*Ал-Мустамлий* المستملي

*Ҳасан ибн Абдулмалик ал-Ансорий ал-Мустамлий ал-Яшкурый* Бухоро аҳлининг Бани Яшкур қабиласидан эдилар. Имом ал-Бухорий шайхларининг мустамлийсиси (котиби) эди. Ал-Мустамлий Бухоро шайхларидан бўлиб, ўз замоналарида қутб эдилар. Бухорода Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Музаний, Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ал-Бухорий ва Бағдод уламоларидан таълим олганлар. Кўп шогирдлар чиқарганлар. Ҳижрий 393 (милодий 1004)

<sup>67</sup> Гиждувон туманидаги Гиждувоний ҚФЙга қарашли Мазрангантепа қишлоғи.

йилнинг рабиъул охир ойида намоздан олдин Бухорода вафот этганлар.

*Абу Тохир Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мустамлий ал-Бухорий ат-Табиб* ҳам Бухоро шайхларидандилар. Имом ал-Бухорий шайхларининг мустамлийсиси (котиби) эди. Табобат илми билан ҳам шуғулланардилар. Оталари Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан ва Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Бухорийдан таълим олганлар. У кишидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Саҳл ибн Сухайл ибн Арзаҳ ал-Омулий ал-Мустамлий ал-Музаққир ал-Муфассир* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, муфассир эдилар. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Нақбуний, Қози Абу Саъид Халил ибн Аҳмад ас-Сижзийдан таълим олган. Бухорода кўп ўқилган «Муснад ус-сирож ал-қадар» асарини Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Соифдан таълим олган. Бу кишидан Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ҳадис ривоят қилганлар. Исмоил ал-Мустамлий ҳақида Абдулазиз ан-Нахшабий «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар. Бу киши Абу Бакр ибн Абу Исҳоқнинг «Китоб ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф» («Тасаввуф йўлини билиш ҳақида китоб») номли асарини тафсир қилганлар. Етмиш ёшларидан кейин Омур<sup>68</sup> шайхларидан ҳам таълим олганлар. Ҳижрий 434 (милодий 1043) йил зулқаъда ойининг ўн олтинчисида, душанба куни пешиндан кейин вафот этганлар.

#### *Ал-Муснадий* المسندي

*Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Муснадий ал-Жуъфий* Бухоро аҳлидан. Бу киши ҳар бир ҳадиснинг санадини сўраб эдилар. Ҳадисларнинг санадини кўп сўраганларидан бу кишига «ал-Муснадий» деб нисбат берилган. Кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Имом ал-Бухорий, Абу Зуръа ар-Розий, Абу Ҳотам ар-Розий, Аҳмад ибн Сайёр ва Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Муснадий ҳижрий 229 (милодий 845) йили зулқаъда ойига 6 кун қолганда, пайшанба куни вафот этганлар.

#### *Ал-Мутаввиъий* المطوّعي

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Холид ал-Мутаввиъий ал-Бухорий* машойихлар авлодидан бўлиб, Бухоро муҳаддисларидан эдилар. Бухорода Масих ибн Муҳаммад ва Абу Абдурахмон ибн Абу Лайсдан таълим олганлар. Марв, Нишопур, Бағдод, Хуросонда бўлиб, у ердаги муҳаддислардан ҳам ҳадис ривоят қилганлар. Муҳаммад ал-Мутаввиъийдан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким таълим олиб, «Тарихи Нишопур» китобларида у киши ҳақларида маълумот берганлар. Ҳаж ҳам қилганлар. Ҳижрий 362 (милодий 974) йилда Бухорода вафот этганлар.

#### *Ал-Мутаҳҳарий* المطّهري

**Мутаҳҳар** – боболарининг исмига берилган нисбат.

<sup>68</sup> ҳозирги Туркменистоннинг Чоржўй вилояти.

Қози *Абул Фазл Муҳаммад ибн Али ал-Мутаҳҳарий ал-Бухорий* Бухоронинг шайхларидан ва илм аҳлидан бўлиб, ниҳоятда серғайрат ва маърифатли кишилардан эдилар. Кўп олимдан таълим олганлар. Эшитган жами ҳадислари ҳақида менга Балхда ўз кўллари билан ижозат хати ёзиб берганлар. Ҳижрий 537 (милодий 1143) йили Бухорода вафот этганлар. Қабрларини зиёрат қилганман.

#### *Ал-Муаббир* المعبر

**Муаббир** арабча сўз бўлиб, тушлар таъбирини айтувчи киши деган маънони англатади.

*Абул Хаттоб Муҳаммад ибн Халаф ал-Мунажжим ал-Муаббир* асли балхлик бўлиб, Бухорода яшаган фақиҳ олимлардан эдилар. Балхда ўз замоналарининг ажойиб фақиҳларидан эдилар. У ерда аввал Абу Бакр ал-Форисийдан фикҳ илмидан таълим олиб, сўнгра Ироққа борганларида фикҳ илмини кўйиб илми нужум (астрономия) ва тушлар таъбирини билишга қизиққанлар. Кейинчалик Бухорони ўзларига ватан қилиб, Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимий ва Абул Фазл ал-Ҳалимийнинг уйида яшаганлар.

*Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Суррий ал-Муаббир ал-Бухорий* – бухоролик таъбиршунос. Ҳанаш ибн Ҳарб, Ҳониъ ибн Назр ва Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Ижлийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Сулаймон ибн Фарином таълим олганлар.

*Иброҳим ибн Ҳорун ибн Маҳлаб ал-Бухорий ал-Муаббир* ҳам – таъбиршунос. Наср ибн Муҳаммад ал-Қалонасийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Маъруфий* المعروفي

**Маъруф** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Маъруфий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Бухорода Ҳомид ибн Саҳл, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Саҳлдан ва Басра олимларидан таълим олганлар.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Маъруф ал-Маъруфий* Бухоро аҳлидан бўлиб, вақф эгаси эдилар. Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ва Абу Али Ҳусайн ибн Исмоил ал-Форисийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 384 (милодий 995) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Муғконий* المغكاني

**Муғкон**<sup>69</sup> – Бухоро қишлоқларидан. Бу қишлоқдан илгари ва ҳозир кўп илм аҳли етишиб чиққан. Шу қишлоқлик Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Жувайнийдан ҳадислар эшитганман ва шу қишлоқда тунаганман.

*Абу Голиб Зоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Муғконий* шу қишлоқдан бўлиб, чиройли киши, тўғри ва ишончли ҳадисларни ривоят қилувчи олимлардан эдилар. Тафсир илмини Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийдан тўлиқ ўрганганлар. Ироқ, Куфа, Хуросон, Мовароуннаҳр олимларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Али ибн Ҳасан ал-Фақиҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят

<sup>69</sup> Гиждувон яқинидаги қишлоқ.

қилганлар. Ҳижрий 321 (милодий 934) йилда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Исо ал-Музконий* бухоролик олимлардан. Бу кишидан Абул Аббос ал-Мустаффирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Малоҳимий* الملاحي

*Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ал-Малоҳимий* Бухоро аҳлидан. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий, Ҳотам ибн Ақийл ал-Бухорий, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Бағдодда Маҳмуд ибн Исҳоқ ал-Бухорийдан Абу Абдуллоҳ ал-Бухорийнинг «Рафъ ул-ядайн фис-салот» («Намозда икки кўлни кўтариш»), «ал-Қироату халф ал-имом» («Имом орқасида туриб қироат қилмоқ») китобларини таълим олганлар. Абу Наср ал-Малоҳимий «Аъёну асҳоб ал-ҳадис» ва «Хуффоз ал-ҳадис» унвонлари билан машҳур эдилар. Ҳижрий 312 (милодий 925) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 395 (милодий 1006) йили шаъбон ойининг еттинчи кунда вафот этганлар.

Неваралари *Абул Фатҳ Абдусамад ибн Али ал-Малоҳимий ал-Бухорий* солиҳ шайх эдилар. Боболари Абу Наср ал-Малоҳимийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар.

*Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Малоҳимий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ва Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Халафдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 362 (милодий 974) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Майдоний* الميداني

**Майдон**<sup>70</sup> – Бухородаги маҳалла. Бу маҳалладан муҳаддислар жамоаси етишиб чиққан.

*Муҳаммад ибн Исмоил ал-Майдоний* шу маҳалладандир.

Хожа Ғунжор «Тарихи Бухоро» китобларида айтадилар: «*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Майдоний* Майдон маҳалласидан. Саъид ибн Мансур, Яҳё ибн Яҳё, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий ва бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исмаил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Яшқурий ва Абу Али Ҳусайн ибн Ҳусайн ал-Баззоз ҳадис ривоят қилганлар. Рабиъул аввал ойига 3 кун қолганда, якшанба куни кечаси... (йили номаълум) вафот этганлар».

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фақиҳ ал-Бишр* Майдон маҳалласидан. Абу Бакр ибн Ҳурайс ва Али ибн Мусо ал-Қайсийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 339 (милодий 951) йилнинг зулқаъда ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Миғий* الميغي

**Миғ**<sup>71</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Миғий ал-Фақиҳ* Бухоро аҳлидан. Бу киши имом, ҳанафий мазҳабининг улуғ, такводор имомларидан бўлиб, муфтий ҳам эдилар. Ўз замоналарида Самарқандда бу кишидан фозил, фақиҳ, такводор зот йўқ эди.

<sup>70</sup> Бухоро шаҳридаги ҳозирги Куйи хонақоҳ маҳалласи.

<sup>71</sup> Рометан туманидаги Миғилар қишлоғи.

Эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Имрон ал-Бухорий ва Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 378 (милодий 989) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

*Абдулмажид ал-Мизий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Комил ал-Басирий ал-Бухорийнинг устозларидан.

#### *Ан-Нажсоҳий* التجاحي

**Нажсоҳ** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Пайкандий ан-Нажсоҳий*. Имом ал-Бухорийнинг дўстлари ва шогирдларидан. Бу кишидан Али ибн Ҳажар ас-Саъдий, Али ибн Хушрум ал-Марвазий ва Исҳоқ ибн Мансур ал-Кавсаж ал-Марвазий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ан-Наҳлий* التحلي

**Наҳл** – Бухоро қишлоқларидан.

*Маниҳ ибн Сайф ал-Бухорий ан-Наҳлий* шу қишлоқдан бўлиб, Мусаййаб ибн Исҳоқ, Аҳмад ибн Ҳафс, Мухтор ибн Собик, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий ва Ҳиббон ибн Мусодан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз «Тарихи Бухоро» китобларида зикр қилганлар. Ҳижрий 264 (милодий 878) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Маниҳ ан-Наҳлий* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, оталаридан ҳамда Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Абу Тоҳир Маҳдий ибн Ишқоб ва Саъид ибн Масъуддан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 317 (милодий 930) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

#### *Ан-Наршахий* الترشيحي

**Наршах**<sup>72</sup> – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Вобкент яқинида жойлашган.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Наршахий* шу қишлоқдан. Бу киши фозил, олим эдилар. Абу Комил ал-Басирийнинг оталари бу кишидан таълим олганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамдон ан-Наршахий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Яҳё ибн Суҳайлдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Довуд ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий* – «Бухоро тарихи» китобининг муаллифи ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Бакр ибн Ҳурайс, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 286 (милодий 900) йилда таваллуд топиб, Ҳижрий 348 (милодий 960) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

#### *Ан-Нақбуний* التقبوني

<sup>72</sup> ҳозирги Вобкент туманидаги Кўрғон Наршах бобо тепа.

**Нақбун**<sup>73</sup> (Нақбун деб ҳам айтилади) – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Нақбуний* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Холид ал-Пайкандий ва Абу Бакр ас-Саъдонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Хожа Ғунжор ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 374 (милодий 985) йил рамазон ойининг биринчи кунда вафот этганлар.

*Абу Закариё Яҳё ибн Жаъфар ал-Пайкандий ан-Нақбуний* Пайканд аҳлидан. Нақбун қишлоғида яшар эдилар. «Тафсир» ва «Мусаннафа фис-савми вас-салоти вал-маносики вал-буюъ» («Рўза, намоз, ҳаж ва савдо-сотик ҳақида китоб») асарининг муаллифи. Ироқ ва Ҳижозда бўлиб, Суфён ибн Уяйна, Муҳаммад ибн Фузайл, Вакеъ ибн Жарроҳ ал-Куфийдан таълим олганлар. Имом ал-Бухорий, Убайдуллоҳ ибн Восил ва Халаф ибн Омир шу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ан-Навжободий** التوجابادي

**Навжобод** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абул Маҳосин Муҳаммад ибн Абу Наср ан-Навжободий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Ғоним Аҳмад ибн Али ал-Куросийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 470 (милодий 1078) йилда вафот этганлар.

**Ан-Навхасий** النوخسي

**Навхас**<sup>74</sup> – Бухоро қишлоқларидан (рустоқларидан).

*Абу Аҳмад Аҳмад ибн Абдулвоҳид ан-Навхасий ал-Бухорий* Бухоро аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан машҳур эдилар. Куниялари «Абу Бакр» эди. «Абу Аҳмад» деб ҳам чақирилдилар. Абу Лайс Убайдуллоҳ ибн Шурайх ал-Бухорий ва Абу Абдуллоҳ ибн Ҳафс ал-Қабирдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 311 (милодий 924) йилнинг Ҳайит куни вафот этганлар.

Оталари *Абу Аҳмад Абдулвоҳид ибн Руфайд ан-Навхасий* ҳам Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс, Мусаййаб ибн Исҳоқ, Аҳмад ибн Жунайд ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ан-Нурий** النوري

**Нур**<sup>75</sup> – Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги тоғ яқинида жойлашган шаҳар. Бухоро шаҳарларидан. Бу ерда шаҳидлар мазори бор. Кишилар зиёратга келдилар.

*Али ибн Мусъида ан-Нурий, Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ас-Синжорий ан-Нурий* (Синжор Нурдан бир фарсах узоқликда жойлашган), *Абу Наср Аҳмад ан-Нурий*лар шу шаҳар аҳлидан.

Қози *Абу Али Ҳасан ибн Али ан-Нурий* ҳам шу шаҳар аҳлидан бўлиб, Абу Муҳаммад

<sup>73</sup> Бухоро туманидаги Ғурбун қишлоғи.

<sup>74</sup> ҳозирги Бухоро туманидаги Навхас қишлоғи.

<sup>75</sup> ҳозирги Навоий вилоятидаги Нурота.



Абдусамад ибн Иброҳим ал-Ҳанзалийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар ва айтадилар: «Ҳасан ан-Нурий хижрий 451 (милодий 1060) йилнинг сафар ойида таваллуд топиб, Нурда хижрий 518 (милодий 1125) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар».

*Абу Мусо Имрон ибн Абдуллоҳ ан-Нурий ал-Ҳофиз* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Аҳмад ибн Ҳафс, Абдон ибн Усмон, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Ҳиббон ибн Мусо, Муҳаммад ибн Ҳафс ал-Балхий ва Ҳасан ибн Сухробдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдулвоҳид ибн Руфайд ан-Навхасий ва Абдуллоҳ ибн Маниҳ ҳадис ривоят қилишган.

*Абу Муқотил Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нурий* Бухоро шайхларидан бўлиб, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Ҳиравийдан таълим олганлар. Бухорода имло мажлисининг раҳбари эдилар. Бу кишидан Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Хижрий 417 (милодий 1027) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

#### *Ан-Навдободий* التودابادي

**Навдобод** – Бухоро кишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъид ал-Хайёт ан-Навдободий* шу кишлок аҳлидан бўлиб, Исҳоқ ибн Ҳамза, Яҳё ибн Муҳаммад ал-Луълуийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Муҳаммад ибн Ҳам ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Хижрий 321 (милодий 934) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Вобканий* الوابكني

**Вобканти** – Бухородан уч фарсах узоқликдаги кишлок.

*Абу Юсуф Яъқуб ибн Фармул ал-Вобканий* шу кишлокдан бўлиб, Хуросон олимларидан таълим олганлар. Мусаййаб ибн Исҳоқ, Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Бухорий, Абу Муҳаммад Ҳиббон ибн Мусо ал-Кушмиҳаний, Ҳомид ибн Одам ал-Марвазий, Али ибн Ҳажар ас-Саъдий ва бошқа кўп устоздан таълим олганлар. Ўзларидан эса Шоҳид ибн Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳотам ал-Бухорий ва Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Сарром ал-Вобканий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Сарром ал-Вобканий* ҳам шу кишлокдан бўлиб, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабирдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Назр ал-Вобканий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Суфён ибн Абдулҳаким, Аҳмад ибн Зуҳайр, Аҳмад ибн Лайс, Асбот ибн Яса, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабир ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Довуд ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Воизий* الواعظي

**Воиз** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Воизий ал-Бухорий* бу нисбат билан машхур бўлиб, илм талабида Ироқда бўлганлар. Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Али ал-Азракёний,

Муҳаммад ибн Али ал-Жабохоний, Абу Бакр Аҳмад ибн Сулаймон ал-Аббодоний ва Аҳмад ибн Комил ал-Қозидан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан Хожа Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Вардоний* الورداني

**Вардона**<sup>76</sup> – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Идрис ибн Абдулазиз ал-Вардоний* Бухоронинг Вардона қишлоғидан. Исо ибн Мусо ал-Ғунжор ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Саломдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Саъд Ҳумом ибн Идрис ал-Вардоний ва Саҳл ибн Шозавайҳ ал-Боҳилий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Саъд Ҳумом ибн Идрис ал-Вардоний* шу қишлоқдан бўлиб, оталаридан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Шозавайҳ ал-Боҳилий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Вардоний* Бухоро аҳлидан бўлиб, Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ва Саҳл ибн Мутаваккилдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 333 (милодий 945) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Фатҳ ал-Вардоний* Бухоро аҳлидан. Асбот ибн Ясаъ ал-Боҳилий ва Яъқуб ибн Ғармул ал-Вобканийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Усмон ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Варқудий* الورقودي

**Варқуд**<sup>77</sup> – Кармана қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Варқудий ал-Карминий* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий»ларини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрийдан ривоят қилганлар. Карманада бу китобдан таълим берганлар. Бу кишидан Абу Наср Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Хатиб ал-Худиманканий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Варкий* الوركي

**Варка**<sup>78</sup> – Бухоро – Насаф йўлида, Бухородан икки фарсах узоқликда жойлашган қишлоқ. Нахшабдан Бухорога жўнаётганимда бир кеча шу қишлоқда тунадим. Бу қишлоқдан кўп олим чиққан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Бакр ал-Варкий ал-Мутававвий* солиҳ шайх эдилар. Варка аҳлидан. Кўп олим ва фозил шогирдлари бор. Бу кишидан Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилнинг рабиъул охир ойида вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳафс ал-Варкий ал-Бухорий* Варка қишлоғи аҳлидан. Хуросон, Ироқ, Ҳижозда бўлиб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Бу кишидан Абул

<sup>76</sup> Шофиркон туманидаги Вардонзе қишлоғи.

<sup>77</sup> Навоий вилояти Кармана тумани Жалойир ҚФЙга қарашли Бурқуд қишлоғи.

<sup>78</sup> Когон туманидаги Хўжа Барги қишлоғи.

Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йилнинг рабиъул аввал ойида Бухорода вафот этганлар.

*Абу Сулаймон Довуд ибн Ҳасан ал-Варкий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Шаҳоб Муаммар ибн Муҳаммад ал-Афвий, Исҳоқ ибн Ҳайёж ал-Жаҳдарий ва Муҳаммад ибн Ҳасандан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 305 (милодий 918) йил зулҳижжа ойининг охирида вафот этиб, муҳаррам ойининг биринчи кунинда дафн қилинганлар.

*Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Абдурахмон ал-Варкий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, имом, фақиҳ, зоҳид, узоқ умр кўрган ва серфарзанд олимлардан эдилар. Имло илмини Абу Зар Аммор ибн Муҳаммад ат-Тамимий, Исмоил ибн Ҳусайн аз-Зоҳид ал-Бухорий ва бошқа олимлардан таълим олиб, кўп ҳадислар ривоят қилганлар. Дунёнинг кўп жойидан бу кишидан таълим олиш учун келардилар. Ҳижрий 495 (милодий 1102) йилда 130 ёшда вафот этганлар. Қабрлари Варка қишлоғида. Қабрларини зиёрат қилганман.

#### *Ал-Вазвиний* الوزيني

**Вазвин** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Ҳожиб аз-Зоҳид ал-Вазвиний* шу қишлоқдан бўлиб, Исо ибн Мусо ал-Ғунжор, Каъб ибн Саъид ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Идрис ибн Ҳожиб ал-Вазвиний ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Ванандуний* الوندوني

**Ванандун** – Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Ҳаромком дарёси атрофида жойлашган. Мен шу қишлоқда бир соат бўлганман.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Ванандуний ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Убайдуллоҳ ибн Восил, Абу Сафвон ас-Суламий, Бакр ибн Саҳл ад-Димётийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 313 (милодий 926) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Вануфогий* الونوفاغي

**Вануфог** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Амр Қайс ибн Аниф ал-Вануфогий ал-Бухорий* шу қишлоқдан. Бу киши Қутайба ибн Саъид, Маҳмуд ибн Ғийлон, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Сувайд ибн Наср ал-Марвазий ва Муҳаммад ибн Восил ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср ибн Саҳл ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 288 (милодий 902) йилнинг зулҳижжа ойида ҳаж қилгандан кейин Маккаи Мукаррамада вафот этганлар.

#### *Ал-Вануфахий* الونوفاخي

**Вануфах** – Бухоро қишлоқларидан.

*Абу Ҳарра Абдуллоҳ ибн Офия ал-Вануфахий ал-Бухорий* шу қишлоқдан бўлиб, Мухтор ибн Собиқ ал-Ҳанзалийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Киндий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 280 (милодий 894) йилда вафот этганлар.

*Ал-Вибавдий* الوبيودي

**Вибавдий** – Бухоро қишлоқларидан.

Адиб *Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Вибавдий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрий ва Муҳаммад ибн Юсуф ибн Осимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 375 (милодий 986) йилда вафот этганлар.

*Ал-Ҳайзомий* الهيزامي

*Абу Ҳорун Саҳл ибн Шозавайҳ ал-Ҳайзомий ал-Бухорий* асли яманлик бўлиб, нодир, ажойиб ривоятлар айтар эдилар. Ҳафс ибн Довуд ар-Рабийъий, Яҳё ибн Жаъфар ал-Аздий ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийдан таълим олганлар. Ҳижрий 299 (милодий 912) йилнинг зулкаъда ойида вафот этганлар.

*Ал-Яздодий* اليزادي

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Яздодий* Бухоро аҳлидан. Муфассир ва Ҳанафий мазҳаби олимларидан бўлиб, «Ибн ал-Хаббоз» кунияси билан машҳур эдилар. Бағдод, Басра олимларидан таълим олганлар. Ҳижрий 280 (милодий 894) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар.

*Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ал-Яздодий* Бухоро аҳлидан бўлиб, кейинчалик Самарқандга чиқиб кетганлар. Ака-ука Абу Убайд Қосим ва Абдуллоҳ Ҳусайн ал-Маҳомийий ҳамда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Нишопурийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йилда Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Ясорагий* اليسارغي

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳунайф ал-Ясорагий* Бухоронинг Бамижкат қишлоғидан. Кўп олимдан, жумладан, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Асбот ибн Ясаъдан таълим олганлар.

*Ал-Юхашуний* اليوخشني

**Юхашун**<sup>79</sup> – Бухоро қишлоқларидан. Бу қишлоқ ҳақида Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар.

Қози *Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Юхашуний ал-Бухорий* Куфада қози эдилар. Фақиҳ, фозил, олим бу зот Макка, Бағдод олимларидан таълим олганлар. Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий шу кишининг шогирдларидан. Ҳижрий 438 (милодий 1047) йилда вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад ибн Ҳам ал-Юхашуний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларини Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрийдан ривоят қилганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йилда вафот этганлар.

<sup>79</sup> Бухоро туманидаги Юрун қишлоғи.

## **ТЕРМИЗЛИК ОЛИМЛАР**

**Ал-Андаробий** الأندرابي

**Андароб** («Андароба» деб ҳам айтилади) – Марв қишлоқларидан. Аммо Балхда ҳам Андароб деган шаҳар бор. Унинг тоғларида кумуш мавжуд.

**Абу Зар Аҳмад ибн Абдуллоҳ ат-Термизий ал-Андаробий** Термиз аҳлидан. Балхнинг Андароб шаҳрида қози бўлганлар. Шунинг учун бу кишига «ал-Андаробий» деб нисбат берилган. Илм талабида Ироқда бўлиб, у ерда Муҳаммад ибн Башшор, Муҳаммад ибн Мусанно, Амр ибн Али ас-Сайрафий, Наср ибн Али ал-Жаҳзамий ва Зиёд ибн Яҳё ал-Ҳисонийдан таълим олганлар. Бухоро ва Насаф муҳаддисларидан ҳадис илмини ўрганганлар. Ўзларидан эса Абу Али Аҳмад ибн Иброҳим ас-Сайравоний, Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Толиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ас-Суфёний ва Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ҳадис ривоят қилганлар.

**Ат-Термизий** الترمذي

**Термиз** – Амударё бўйидаги қадимий шаҳар. Бу шаҳардан кўп уламо, машойих ва фозиллар етишиб чиққан. Мен бу шаҳарда ўн икки кун бўлганман.

Бу шаҳарнинг машҳур олимлари қуйидагилар:

**Исҳоқ ибн Иброҳим ат-Термизий, Абу Аҳмад ибн Ҳасан ат-Термизий,** машойихлардан **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий** ва **Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий** дир.

**Холид ибн Зиёд ибн Жарв ал-Аздий ат-Термизий** Термизнинг пешқадам олимларидан. Термизда қози эдилар. Бу кишидан Қутайба ибн Саъид ва Ҳабаш ибн Ҳарб ал-Пайкандий дарс олганлар. 100 ёшга кириб вафот этганлар. Ўғиллари Абдулазиз ибн Холид Марвда қози эдилар.

**Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий** – зехнлари ўткир, етук муҳаддис, ҳадис илмининг имоми бўлиб, ҳар бир ҳадис ёки сўзни далил билан исботлаб беришлари одамлар оғзидан тушмас эди. Бу зот Имом ал-Бухорийнинг шогирдларидан. Имом ал-Бухорийдан, у кишининг шайхлари Қутайба ибн Саъид ал-Бағлоний, Али ибн Ҳажар ал-Марвазий, Ҳаннод ибн Суррий ал-Куфий, Абу Курайб Муҳаммад ибн Ало ал-Куфий, Муҳаммад ибн Башшор ал-Басрий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Басрий, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийдан ҳамда Ироқ ва Ҳижознинг бошқа машойихларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Саҳл ал-Ғаззол, Бакр ибн Муҳаммад ад-Дехқон, Абу Назр ар-Рушдий, Ҳаммод ибн Шожар ан-Насафий, Абул Аббос ал-Маҳбубий ал-Марвазий ва Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 270 (милодий 884) йили Термиздан олти фарсах узоқликдаги Буғ қишлоғида вафот этганлар.

**Абу Усмон Саъид ибн Холид ат-Термизий** илм талабида Бағдодда бўлиб, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалонийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳаж ҳам қилганлар.

**Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий** кўп ибодат қилувчи – обид эдилар. Ҳадис илми талабида ҳижрий 345 (милодий 957) йилда Нишопурга келганлар. Таълим

олгандан кейин ҳажга борганлар. Минода касал бўлиб, Маккаи Мукаррамага келганларида вафот этганлар. Таҳо деган жойда дафн қилинганлар. Жанозаларини Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ўқиганлар.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фақиҳ ат-Термизий* Термиз аҳлидан. Шофеъий мазҳабининг фақиҳи, фозил, тақводор, пархезкор ва чиройли сийратли эдилар. Бағдодда яшаб, у ернинг муҳаддисларидан таълим олганлар. Муҳаммад ибн Наср ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 200 (милодий 816) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, ҳижрий 295 (милодий 909) йилда вафот этганлар.

#### *Ад-Доразанжий* الدّارزنجي

**Доразанж** – Сағониён қишлоқларидан.

*Абу Шуайб Солиҳ ибн Мансур ад-Доразанжий ас-Сагоний* шу қишлоқдан. Абу Ражо Қутайба ибн Саъид ал-Бағлоний ва Муҳаммад ибн Шужоъдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ва Жаъфар ибн Муҳаммад ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилдан олдин ёки шу санада вафот этганлар.

#### *Ар-Рухшабудий* الرّخشبودي

**Рухшабуд** – Термиз қишлоқларидан.

*Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Каробисий ар-Рухшабудий* бу нисбат билан машҳурдилар. Абу Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Варроқ ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Сарминжиний* السّرمنجيني

**Сарминжин** Термиз ноҳияларидан бўлиб, ажамий тилда «Жарманкон» дейилади.

*Абу Муҳаммад Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ас-Сарминжиний* Сарминжин ноҳиясида имом-хатиб эдилар. Фақиҳ Абу Бақр Аҳмад ибн Муслимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Аш-Шайшақий* الشّيشقي

**Шайшақ** – Термиз қишлоқларидан.

*Абу Наср Аҳмад ибн Уҳайд аш-Шайшақий* шу қишлоқдан. Бу киши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «ан-Наводир» («Нодир ривоятлар») китобини ривоят қилганлар.

#### *Аш-Шумоний* الشّوماني

**Шумон** – Жайхун<sup>80</sup>нинг ортида жойлашган Сағониён<sup>81</sup>даги шаҳар. Заъфари

<sup>80</sup> Амударё

Исфаконнинг зафаридан яхшироқ. Бу ерда Молик ибн Анас ва Махдий ибн Маймундан ҳадис ривоят қилган имом Абу Лабид Муҳаммад ибн Ғиёс ас-Сарахсий аз-Зубайи шаҳид бўлганлар. Бу киши аҳли сунна ва ҳофиз ал-ҳадис эдилар. Ҳижрий 199 (милодий 815) йили душманлар билан урушда 48 ёшда ҳалок бўлганлар.

*Ас-Сагоний* الصّغاني

**Сағониён**<sup>82</sup> Амударё ортидаги шаҳар бўлиб, ажамий тилда «Чағониён», арабий тилда эса «Сағониён» дейилади. У катта ва кенг, серсув, сердарахт шаҳар бўлиб, аҳолиси кўп. Катта бозори ҳамда чиройли ва кенг масжиди бор.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Сагоний* шу шаҳардан бўлиб, Бағдодда яшаганлар. Абу Осим Заҳҳок ибн Маҳмуд, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Руёнийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ишончли муҳаддис ва тақводор эдилар. Кўп суннатга амал қилар эдилар. Илм талабида Бағдод, Басра, Куфа, Мадина, Макка, Шом ва Мисрда бўлиб, ҳадис ёзиб олганлар. Абу Абдурахмон ан-Насоийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 270 (милодий 884) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

*Абул Фазл Аббос ибн Жаъфар ас-Сагоний* шайх эдилар. Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Абдурахмон ибн Маъруф ва Муҳаммад ибн Имрон аш-Шаъронийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 275 (милодий 889) йилдан кейин вафот этганлар.

*Солиҳ ибн Ҳиббон ибн Сулаймон ас-Сагоний* Самарқанд аҳлидан бўлиб, Журжонда халифа эдилар. Ҳижрий 460 (милодий 1069) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 532 (милодий 1138) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

### **ХОРАЗМЛИК ОЛИМЛАР**

*Ал-Бофий* الباني

**Боф** – Хоразм қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Бофий* шу қишлоқдан. Асли бухоролик бўлиб, «ал-Бофий» номи билан танилганлар. Бағдодда яшаганлар. Шофеъий мазҳабининг фақиҳларидан. Нахв ва сарф илми билимдони, араб тили ва адабиётни яхши билардилар. Чиройли сўзловчи (балиғ ал-ибора), хозиржавоб (хозир ал-бадиҳа) эдилар. Китоблар ёзар ва қийналмасдан дархол шеърлар тўқирдилар. Бир куни дўстлари у кишини кўриш учун келганда уйларида егулик ҳеч нарса бўлмаган. Шунда унга қарата ўша заҳоти шеър тўқиганлар. Ҳижрий 398 (милодий 1008) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Ал-Барқоний* البرقاني

**Барқон** – Хоразм ноҳиясининг Кот қишлоғи. Ҳозир кўп жойлари хароба бўлиб, экинзорга айланган.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барқоний ал-Хоразмий* шу қишлоқдан бўлиб,

<sup>81</sup> Чағониён

<sup>82</sup> бугунги Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳри атрофлари.

фақиҳ, адиб, шоир ва ҳадисларни мукамал билувчи эдилар. Бу киши жуда тақводор, парҳезкор, фаҳм-фаросатли, Қуръони каримни ёддан биладиган, фикҳ илмидан бохабар, араб тилини яхши биладиган ва кўп ҳадис билувчи муҳаддис олимдан эдилар. Кўпгина муҳаддис уламолардан таълим олганлар. Бағдодда Абул Ҳасан ад-Доракутний, Журжонда Абу Бакр ал-Исмоилий шулар жумласидан. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ ул-Муслим» китобларини тасниф қилганлар. Илмга жуда чанқок эдилар. Абу Бакр ал-Хатиб ал-Ҳофиз «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи») китобларида ёзадилар: «Бир куни Абу Бакр Аҳмад ал-Барқоний бир фақиҳ олимга: «Мени дуо қил, эй фақиҳ! Аллоҳ қалбимдан ҳадисга бўлган муҳаббатни олиб ташласин. Чунки бу муҳаббат менинг устимдан ғалаба қилаяпти. Кечаю кундуз мен ўша муҳаббат билан», – деди. Бу киши хижрий 336 (милодий 948) йилда туғилиб, хижрий 425 (милодий 1035) йили ражаб ойининг биринчи кунда Бағдодда вафот этганлар. «ал-Жомеъ» қабристонидан дафн қилинганлар.

### *Ал-Барақий* البرقي

**Барақ** – Хоразмдаги катта мавзе. «Барақ» форсча сўз бўлиб, барра, яъни кўзичок деган маънони англатади. Ал-Барақийнинг ота-боболари кўзичок сотар эдилар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий ал-Барақий* Хоразм аҳлидан бўлиб, адиб, имом-хатиб, чиройли сўзловчи, хаттот ва фақиҳ олимлардан эдилар. Илм талабида Ироққа сафар қилганлар. Маккаи мукаррамада ҳам бўлиб, ҳаж қилганлар. Кейинчалик Бухорода муқим яшаганлар.

Икки ўғиллари *Абу Бакр Аҳмад* ва *Абу Ҳафс Умар* фақиҳ, ориф, тақводорлардан эдилар. Абу Бакр Аҳмад фозил, шоир, нахв, сарф (араб грамматикаси) илмини яхши билувчи ва тасаввуф илмининг пешқадам олимларидан эдилар. Бу кишининг кароматлари бор эди. Катта шеърӣ тўпламлари мавжуд. Хижрий 376 (милодий 987) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Оталари *Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ал-Бухорий* асли бухоролик бўлганлар. Фақиҳ, нахвшунос, маърифат илмини билувчи, шоир-адиб эдилар. Бухорода қози, сўнгра Тамғочхон вазирлигида, кейинчалик эса Бухоро раёсатида ишлаганлар. Бу киши муфтий, мударрис эдилар. Кўп ҳадисларни билардилар. Лақаблари «Шараф ар-русо» (Раисларнинг улуғи) эди. Ибни Мокуло айтадилар: «Абу Исо ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» ҳадисларини шу кишидан дарс олганман».

### *Ал-Беруний* البيروني

Ушбу нисбат Хоразм шаҳрининг ичкарасидан бўлмаган, яъни шаҳар ташқарисидан бўлган кишига қўлланилган ва у ҳақда: «Фалон беруний ҳаст» (Фалончи ташқаридан, яъни шаҳар ичидан эмас) деб айтилган.

Мунажжим (астроном) *Абу Райҳон ал-Беруний* бу нисбат билан машҳурдилар.

### *Ал-Билолий* البلالي

Бу – пайғамбар алайҳиссаломнинг муаззинлари Билолга берилган нисбат.



*Абу Солиҳ Яъқуб ибн Юсуф ал-Билолий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Хоразмнинг козиси бўлганлар. Табиатан оғир, сабрли, қўрқмас, шижоатли ва ҳаракатчан эдилар. Марвда кози Муҳаммад ибн Хусайн ал-Арсобандийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. У кишини Хоразмда учратдим ва оталари Абу Яъқуб Юсуф ибн Солиҳнинг ҳовлиларида ўн тўрт кун меҳмон бўлдим. Оталари ниҳоятда сахий, мурувватли, бағрикенг ва қалблари яхшилиқка мойил киши эдилар. Мендан ўзлари ва ўғиллари Абу Масъуд Аҳмад ибн Юсуф ал-Билолий ҳадис илмидан таълим олдилар. Абу Солиҳ Яъқуб ал-Билолий ҳижрий 470 (милодий 1078) йилда туғилганлар.

#### *Ал-Жаллобий* الجلابي

**Жаллоб** мол сотувчи деган маънони англатади.

*Абу Саъид Аҳмад ибн Али ал-Жаллобий*нинг оталари жаллоб бўлганлар. Бу киши Хоразмнинг Ҳазорасп яқинидаги Совкон қишлоғидан. Шайх, фақиҳ, фозил ва солиҳ кишилардан эдилар. Кейинчалик Хива шаҳрида яшаганлар. Мен у кишини Хивада учратдим. У зот: Мен «Китоб ул-одоб ал-музофату илас-сунан» («Суннатга асосланган одоб китоби») номли асарни шайх ал-қуззот (қозилар шайхи) Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақийдан дарс олдим. У кишидан Хивада уч ҳадис ёзиб олдим», – дедилар. Ҳижрий 471 (милодий 1079) йилда таваллуд топганлар.

#### *Ал-Ҳабобий* الحبابي

**Ҳабоб** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ал-Хоразмий ал-Ҳабобий* Хоразм аҳлидан бўлиб, Абу Абдуллоҳ ибн Убай ал-Қозидан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Барқоний ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Ҳижжзий* الحجزي

Ҳажга бориб келганлар ҳожи дейилади. Аммо Хоразмда уларни ҳижжзий дейишарди.

*Абу Осим Музаффар ибн Аҳмад ал-Ҳижжзий ал-Қотий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Хоразм аҳлидан бўлиб, фақиҳ, фозил, чиройли сийратли, хайрли ишларга бош-қош бўлувчи ва шариат қоидаларига риоя қилувчилардан эдилар. Илм талабида Бағдодда бўлиб, у ернинг машҳур олими Абул Қосим Ҳиббатуллоҳ ибн Муҳаммад аш-Шайбонийдан таълим олганлар. Хоразмда у кишидан ҳадис илмидан дарс олганман. Ҳижрий 496 (милодий 1103) йилнинг шаввол ойида таваллуд топганлар.

#### *Ал-Хосий* الحاشي

**Хос** – Хоразм қишлоқларидан.

*Муваффақ ибн Муҳаммад ал-Хосий ал-Хоразмий* шу қишлоқдан. Лақаблари – «Садр уд-дин» (Дин пешвоси). Бу киши фақиҳ олимлардан эдилар.

#### *Ал-Харурий* الخوري

**Харур** – Хоразмнинг Совкон ноҳиясидаги қишлоқ.

*Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Хусайн ал-Харурий ал-Хоразмий* шу қишлоқдан. Шоир бўлганлар.

*Ал-Хоразмий* الخوارزمي

**Хоразм** – Мовароуннахрнинг қадимий шаҳарларидан. Хоразмни Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий фатҳ қилган. Хоразмдан жуда кўп олим ва имомлар етишиб чиққан.

*Абу Юсуф Яъқуб ибн Жарроҳ ал-Хоразмий* пешқадам олимлардан. Аҳмад ибн Абу Таййибдан ҳадис ривоят қилганлар. Хоразмнинг кўп аҳли илмлари бу кишидан таълим олганлар.

*Абул Фазл Довуд ибн Рашид ал-Хоразмий* асли хоразмлик бўлиб, Бағдодда яшаганлар. Умрларининг сўнгида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 239 (милодий 854) йилда вафот этганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Бемор ал-Хоразмий* Хоразмда қози бўлганлар. Ниҳоятда адолатли, кўп ҳадис билувчи ва таниқли шоир эдилар. Балхда Али ибн Мусодан ҳадис илмидан таълим олганлар. Осим ал-Аҳвалдан эса ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларга ҳужжат-далил керак эмас эди.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий* шоир-адиб бўлганлар. Бу кишига «Табарий» деб ҳам нисбат берилган, чунки оталари Омуннинг Табаристонидан, оналари Хоразмдан. Абу Бакр ал-Хоразмий ўз асрининг ягона тилшуноси, шоири ва ниҳоятда зехни ўтқир кишиларидан эдилар. Шеърлари қисқа бўлса-да, аммо сермазмун эди. «Девони Абу Бакр ал-Хоразмий» номли китоблари бор. Бунда ўз ҳаётлари, шеърлари, замондошлари ва Сомонийлар давлати ҳақида маълумот берадилар (Бу девон ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, 1997 йили Эронда нашр қилинган).

Абу Бакр ал-Хоразмий ҳақларида Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарихи Нишопур» китобларида ҳам зикр қилганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йил рамазон ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

*Абу Али Мужоҳид ибн Мусо ал-Хоразмий* Бағдодда яшаганлар. У ерда Ибн Уяйна, Яҳё ибн Салим ат-Тоифий, Ҳошим ибн Башир, Абдуллоҳ ибн Идрис, Қосим ибн Молик ал-Музаний ва бошқа муҳаддислардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Яҳё аз-Зухалий, Абу Зуръа Абу Ҳотам ар-Розий, Иброҳим ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Абдурахмон ан-Насойй ва Абул Қосим ал-Бағавий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 158 (милодий 776) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 244 (милодий 859) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Абу Абдуллоҳ Солиҳ ибн Молик ал-Хоразмий* Бағдодда яшаганлар. «Мустақим ал-ҳадис» (Ишончли ҳадислар ровийси) эдилар. Иброҳим ибн Саъддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Яъло ал-Мавсилий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Хивий* الخيوي

**Хива** – Хоразмдаги ноҳия.

*Абул Жанноб Аҳмад ибн Умар ал-Хивий ас-Суфий* Хоразмда яшардилар. Хивада сўфи ва шайх эдилар. Ишончли муҳаддис ва аҳли сунна бу зот ҳаж ҳам қилганлар. Маккаи муқаррамада Муборак ибн Таббоҳдан, Искандарияда Абу Тоҳир ас-Салафий ал-Ҳофиздан, Ҳамадонда Абул Фазл Муҳаммад ибн Бунаймон ал-Ҳамадонийдан ҳамда Исфаҳон ва Нишопур уламоларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ал-Андалусий ва Абдулазиз ибн Ҳилола ал-Андалусий таълим олишган.

#### *Ал-Хайёт* الحيات

*Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Хайёт* Хоразмда яшаганлар. Боболари тикувчилик қилиб кун кечирганлари учун «Хайёт» (тикувчи) деган тахаллус олганлар. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 353 (милодий 965) йилнинг зулқаъда ойида Самарқандда вафот этганлар.

#### *Аз-Замахшарий* الزمخشري

**Замахшар** Хоразмнинг катта қишлоқларидан бўлиб, шаҳарча кабидир. Хоразмга бораётганимда ва у ердан жўнаётганимда шу қишлоқда икки кеча тунаганман.

*Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий ал-Луғавий* шу қишлоқнинг машҳур ва забардаст олимларидан. Унинг таниқли араб тилшуноси ва адиби эканлиги ҳақида зарбулмасаллар айтилган. Илм талабида Ироққа борганлар. Бир неча йил Маккада Каъбанинг ёнида мужовир бўлиб яшаганлар. Таниқли муҳаддислардан ҳадис тинглаганлар. Тафсир, ҳадис, нахв ва бошқа соҳалар бўйича асарлар битганлар. Шеърый девонлари ҳам бор. Менинг замонимда аз-Замахшарий Марвга келган эдилар. Аммо у кишини кўриш ва у зотдан иқтибос олиш менга насиб этмади. Кўпгина дўстлари ва шогирдлари бор. Менга бу аллома ҳақларида шогирдлари: Табаристонда Абул Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ, Абивардда Абул Маҳосин Абдурахим ибн Абдуллоҳ ал-Баззор, Замахшарда Абу Амр Омир ибн Ҳасан ас-Симсор, Самарқандда Абу Саъд Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шоший, Хоразмда машҳур фақиҳ Абу Тоҳир Сомон ибн Абдулмалик ва бошқалар маълумот бердилар. Маҳмуд аз-Замахшарий ҳижрий 467 (милодий 1075) йилнинг ражаб ойида Замахшарда таваллуд топиб, ҳижрий 538 (милодий 1144) йилнинг арафа кечаси Хоразмнинг Журжониясида<sup>83</sup> вафот этганлар.

#### *Ас-Совконий* السواكاني

**Совкон** – Хоразмнинг Ҳазорасп яқинидаги қишлоқларидан.

*Абу Саъид Аҳмад ибн Али ас-Совконий* шу қишлоқдан бўлиб, фозил, имом, чиройли сийратли, камтарин эдилар. Хивада яшаганлар. Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақийдан илм ўрганганлар. Хивада у кишидан баъзи масалалардан таълим олганман. У киши ҳижрий 471 (милодий 1079) йил рабиъул аввал ойининг ўнинчисида Совкон қишлоғида таваллуд топганлар.

<sup>83</sup> ҳозирги Туркменистоннинг Кўхна Урганж шаҳри.

### *Ас-Сафардарий* السفردري

**Сафардар** – Хоразм йўлида, Жайхун дарёси бўйида Омулга яқин жойлашган қишлоқ.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Довуд ас-Сафардарий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Абу Илёсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

### *Аш-Шахрастоний* الشهرستاني

**Шахрастон** – Хоразм яқинидаги шаҳарча. У «Работи Шахрастона» деб ҳам айтилади. Бу шаҳарчани Маъмун халифалиги даврида Хуросон амири Абдуллоҳ ибн Тохир курганлар. Бу ердан кўп олим етишиб чиққан.

*Абул Қосим Мансур ибн Нуҳ аш-Шахрастоний* шу шаҳарчадан. «Шайх ул-хуффо» (Ҳадис ҳофизларининг шайхи) унвони билан машҳур Абул Ҳасан Умар ибн Абдулкарим ар-Раввосий ва Абул Хайр ибн Рифоа ал-Ҳошимий аз-Зайнабийдан ҳижрий 483 (милодий 1091) йилнинг шаъбон ойида таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Мансур Муҳаммад таълим олганлар.

### *Ат-Табархазий* الطبرخزي

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий ат-Табархазий* таниқли шоирлардан. Оталари Табаристондан, оналари Хоразмдан. Шунинг учун икки нисбат бир қилиниб, қисқартма шаклда «Ат-Табархазий» дейилган. Бу нисбат билан ҳам шуҳрат қозонганлар. Мен бу зотни «хо» ҳарфида эслатган эдим. Лекин бу нисбат билан ҳам танилганлари учун яна «итки то» ҳарфида зикр қилдим. Бу Абу Бакр ал-Хоразмийдир.

Араб тилшунослиги ва унинг усулларини ёддан билардилар. Забардаст шоир эдилар. Бағдодда Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ас-Саффор, Абу Бакр Аҳмад ибн Комил ал-Қози ва бошқалардан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг рамазон ойида Нишопурда вафот этганлар.

### *Ал-Атакий* العنكي

Фақиҳ *Саъид Усмон ал-Хоразмий ал-Атакий* Хоразм аҳлидан бўлиб, Журжонда Исмоил ибн Муҳаммад ас-Саффордани ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр ал-Исмоилийнинг ўғиллари Абу Наср ва Абу Саъд ҳадис ёзиб олганлар.

### *Ал-Ғазинизий* الغزيني

**Ғазиниз** Хоразм қишлоқларидан бўлиб, Мароғард ноҳиясида.

*Абул Осим Музаффар ибн Аҳмад ал-Ғазинизий ал-Котий* шу қишлоқдан. Фақиҳ, фозил, чиройли сийратли ва шарият қоидаларига риоя қилувчи эдилар. Абул Қосим Ҳиббатуллоҳ ибн Муҳаммад аш-Шайбонийдан таълим олганлар. У зотни Хоразмда учратдим ва баъзи нарсаларни ёзиб олдим. Ҳижрий 499 (милодий 1106) йилнинг шаввол ойида таваллуд топганлар.

*Ал-Фуровий* الفراوي

**Фурова** Хоразм яқинидаги шаҳарча бўлиб, «Работи Фурова» деб айтилади. Бу шаҳарни Маъмун халифалиги даврида Хуросон амири Абдуллоҳ ибн Тоҳир бино қилган. Бу ердан кўп муҳаддис ва уламолар етишиб чиққанлар.

*Абу Наим Муҳаммад ибн Қосим ал-Фуровий* шу шаҳарчадан бўлиб, Фууролада работ бино қилганлар. Хумайд ибн Занжавайҳидан таълим олганлар. Кўп ибодат қилар эдилар. Такводорликларидан кўп йиғлардилар.

*Ал-Фарнифасоний* الفريفتاني

**Фарнифасон** Хоразм қишлоқларидан бўлиб, Мадро Кот қишлоғидан икки фарсах узоқликда жойлашган. Шу қишлоқда бир ёш фақиҳни кўрдим. У менга шеър ёзиб берди.

*Ал-Қассорий* القصري

*Абу Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қассорий ал-Хоразмий* хоразмлик бўлиб, Бағдодда яшаганлар. Ғазнада халифа томонидан тайинланган элчи бўлганлар. Абул Қосим Исмоил ибн Ҳасан ас-Сарсарийдан «ас-Сарсариёт» номли машхур ҳадис китобидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Қосим ас-Самарқандий, Абдулвахоб ал-Ҳофиз ал-Бағдодий, Муфлиҳ ибн Аҳмад ал-Варроқ ал-Бағдодий ва Абдулхолиқ ибн Бадан ал-Бағдодий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 395 (милодий 1006) йилда таваллуд топганлар. Ҳижрий 474 (милодий 1082) йил зулҳижжа ойининг ўн иккинчисида, шанба куни вафот этиб, «Маъруф Кархий» қабристонида дафн қилинганлар. Бу қабристон «Боб ад-дайр» деб ҳам номланади.

*Ал-Қурконжий* الكركنجي

**Қурконж**<sup>84</sup> («Қурконжия» деб ҳам айтилади) – Хоразмдаги шаҳарнинг номи.

*Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муқри ал-Қурконжий* бу нисбат билан машхурдилар. Қуръон илмини ўрганиш учун дунё мамлакатлари, жумладан, Шом, Ҳижоз, Ироқда бўлиб, бу ердаги имомлардан таълим олганлар. Китоблар ҳам таълиф қилганлар. Ҳижрий 481 (милодий 1089) йили Марвда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Қурконжий* Қуръон илми ва кироатда тенги йўқ қори ва имом эдилар. Кўп муҳаддисдан ҳадис илмини ўрганганлар. Бобомдан Қуръондан махсус таълим олганлар.

*Ан-Наққол* النقال

**Наққол** арабча сўз бўлиб, нақл қилувчи, нусха кўчирувчи, ҳадислар ривоят қилувчи маъноларини англатади.

*Абу Умар Ҳорис ибн Сурайж ан-Наққол* асли хоразмлик бўлиб, Бағдодда яшаганлар. Имом Шофеийнинг «ар-Рисола» китобларини Абдурахмон ибн Маҳдий (Аллоҳ раҳмат қилсинга нақл қилганлари учун ушбу нисбат билан машхур бўлганлар. Муътамир ибн Сулаймон ва Ироқ уламоларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн

<sup>84</sup> ҳозирги Урганч.

Ҳасан ас-Суфий, Абул Қосим ал-Бағавий ва Ҳасан ибн Суфён таълим олганлар. Ҳижрий 230 (милодий 846) йили Бағдодда вафот этганлар.

**Ал-Васий** الوسي

**Али ибн Аҳмад ал-Васий ал-Хоразмий** Хоразм аҳлидан бўлиб, амир Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг мансабдор кишиларни тайинлайдиган вакили эдилар. Хоразмда Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳофиз, Яъқуб ибн Жарроҳ, Абдуллоҳ ибн Абдулвахҳоб ал-Ахнафий, Абу Али Ҳусайн ибн Тохир ал-Абивардийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 310 (милодий 923) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

**Ал-Ҳазорасбий** الهزارسي

**Ҳазорасп** – Хоразмдаги катта қалъа.

**Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Хоразмий ал-Ҳазорасбий** Хоразм аҳлидан бўлиб, Фарабрда яшаганлар. Абу Лайс Убайдуллоҳ ибн Сурайж ва Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафсдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср Аҳмад ибн Саҳл ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

## САМАРҚАНДЛИК ОЛИМЛАР

*Ал-Абгарий* الأبعري

**Абгар** – Самарқанд ноҳияларидан.

*Абу Язид Халид ибн Карда ал-Абгарий ас-Самарқандий* шу ноҳиянинг Тахсиж қишлоғидан.

*Ал-Арбинжаний* الأربنجاني

**Арбинжан** («Рабинжан») – Самарқанднинг Суғд шаҳарларидан. Бухородан Самарқандга кетаётганимда бир кеча шу ерда бўлдим ва олимларидан ҳадисдан дарс олдим.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Арбинжаний* шу ердан бўлиб, оталаридан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад, Абул Аббос Идрис ал-Арбинжаний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 369 (милодий 980) йил рабиъул охир ойининг охирида вафот этганлар.

*Абу Муслим Омир ибн Муқотил ал-Ҳамадоний ал-Арбинжаний* ҳам шу қишлоқдан. Абу Салама Яҳё ибн ал-Муғира, Ҳошим ибн Қосим ал-Ҳарроний, Ҳорун ибн Мусо ал-Фаравий ва Салама ибн Шубайбдан ҳадис ривоят қилганлар. У зотдан Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, Абдурахмон ибн Фатх, Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Омир ал-Арбинжаний фозил, тўғри ривоят қилувчи, кўп ҳадис ёд олган киши бўлганлар. Ҳижрий 293 (милодий 907) йилда вафот этганлар.

*Ал-Урухсий* الأرخسي

**Урухс** – Самарқанд қишлоқларининг Шовзар ноҳияси. Самарқанддан тўрт фарсах тоққа яқин. Шу қишлоқдан чиққан уламоларга «ал-Урухсий» деб нисбат берилади.

*Аббос ибн Абдуллоҳ ал-Урухсий* шу қишлоқдан. Бишр ибн Убайд ад-Дорасий ва Муҳаммад ибн Убайддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Иброҳим ибн Ҳамдавайх ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Аргийний* الأريجاني

**Аргийн** – Нишопурдаги бир неча қишлоқни ўз ичига олган катта ноҳия.

*Абу Амр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муаззин ал-Аргийний* пешқадам муҳаддис олимлардан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Саҳиҳ ҳадислар ровийси, ишончли ва фозил муҳаддис. Самарқандда Абул Аббос Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож ва Али ибн Фазл ал-Балхийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар. У киши айтадилар: «Ҳижрий 369 (милодий 980) йилнинг зулқаъда ойида Самарқандда вафот этганлар».

*Ал-Изажсий* الإزجي

**Изаж** номли икки жой бор: бири – Кур ул-Аҳвоздаги шаҳар (Эрон); иккинчиси – Самарқанднинг Шовзар ноҳиясидаги тоққа яқин Изаж қишлоғи.

*Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Изажий* Самарқанднинг Изаж қишлоғидан бўлиб, ҳикмат илми соҳиби Абул Қосим ал-Ҳакимнинг суҳбатдош дўсти эдилар. У кишининг кўпгина ҳикматли сўзларидан баҳраманд бўлганлар. Абу Саъд ал-Идрисий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 387 (милодий 998) йилда вафот этганлар.

*Ал-Исбискатий* الإسبكتي

**Исбискат** – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳомид ал-Исбискатий* шу қишлоқдан. Фатҳ ибн Муҳаммад ал-Жавҳарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тузий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Истоний* الإستاني

**Исто** – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Нисбат берилганда нун (харф) орттирилади.

*Абу Шуайб Солиҳ ибн Умар ал-Истоний* шу қишлоқдан. Исо ибн Умар ал-Истонийнинг укалари. Исҳоқ ибн Иброҳим ад-Дабарий, Абу Яҳё Закариё ибн Яҳё ан-Ноқид, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Журжоний ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Усрушаний* الأسروشي

**Усрушана** – Самарқанд ортидаги Сайхун<sup>85</sup> яқинида жойлашган катта шаҳар. Бу шаҳардан кўп уламо етишиб чикқан.

*Абу Талҳа Абдулҳаким ибн Наср ал-Усрушаний* Усрушана аҳлидан. Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхий, Ҳилол ибн Ало ар-Рақий, Муҳаммад ибн Маслама ал-Воситий, Қосим ибн Ибод ат-Термизий, Убайдуллоҳ ибн Ғоз ал-Асқалоний, Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Барқий ва Абу Зуръа Абдурахмон ибн Амр ад-Димашқийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Зоҳир ал-Муғконий ва Абу Зар Аммор ибн Муҳаммад ат-Тамимий ал-Бағдодий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Саъид Юнус ибн Фазл ал-Фақиҳ ал-Усрушаний* фозил, фақиҳ, мумтоз олим эдилар. Самарқандга келиб, Абдуллоҳ ибн Айюб ал-Махзумийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса фақиҳ Абу Наср Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ал-Усрушаний* Бухорода қози эдилар ва мумтоз олим ҳам эдилар. Амакилари Лукмон ибн аш-Шуабий ал-Усрушаний, Саҳл ибн Ҳорун ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Абу Саъид Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий ва Муҳаммад ибн Музаффар ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Кейинчалик Самарқандда қози бўлганлар ва қозилик даврларида ҳижрий 404 (милодий 1014) йилнинг сафар ойида

<sup>85</sup> Сирдарё



Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Исфаранжий* الإسفرائنجي

**Исфаранж** – Самарқанд ноҳиясидаги Суғд қишлоқларидан.

*Абу Зайд Муҳаммад ибн Исмоил ал-Исфаранжий* шу қишлоқдан. У киши ёш фақиҳ, фозил, чиройли сўзловчи, зехнлари ўткир олим ва шоир эдилар. Ҳижрий 550 (милодий 1156) йили ўз қишлоқларида вафот этганлар.

*Ал-Искораний* الإسكارني

**Искоран** – Самарқанднинг Суғд қишлоқларидан. Дабусиядан бир-икки фарсах узоқликдаги Кушония қишлоғи.

*Бакр ибн Ҳанзала ал-Искораний ас-Сугдий* шу қишлоқдан. Шуайб ибн Лайс ал-Коғазий, Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид ас-Самарқандий, Яҳё ибн Бадр ал-Қураший, Абу Ҳафс Амр ибн Аслам ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилдан кейин вафот этганлар.

*Ал-Усмандий* الأسمندي

**Усманд** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий* шу қишлоқдан. Бу киши фақиҳ, муҳаддис, фозил ва олим эдилар. Абул Ҳасан Али ибн Умар ал-Харротдан таълим олганлар. Муҳаммад ал-Усмандийни Самарқандда бир неча марта учратдим ва менга у киши: «Дарс олиш учун Марвга бориб, Қози ал-Арсобандийни тополмаганимдан кейин отангиз Муҳаммад ибн Мансур ас-Самъоний раҳимахуллоҳдан «Байъ ул-лаҳми биш-шот» (Кўй гўшти сотиш) масаласини сўрадим. Сўнгра Марвдан жўнаб кетдим», – дедилар. Ўғлим Абул Музаффар ас-Самъоний у кишидан таълим олган.

*Ал-Исмитаний* الإسميتني

**Исмитан** – Кушония қишлоқларидан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Назр ал-Исмитаний* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний ал-Балхий ва Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан олдин вафот этганлар.

*Ал-Уштобдизий* الأشتابديزي

**Уштобдиза** – Дастон маҳалласи билан ёпишган Самарқанд кўчасидаги катта маҳалла.

*Абу Муҳаммад Сайхон ибн Ҳусайн ас-Самарқандий ал-Уштобдизий* шу маҳалладан бўлиб, адиб эдилар. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Исо ал-Варроқдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ад-Доримий ас-Самарқандий ал-Уштобдизий* ҳам шу маҳалладан. Абдуллоҳ ибн Ҳаммод ал-Омулий ва Ҳотам ибн Мансур аш-Шошийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ал-Коғазий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Каробисий ал-Уштобдизий* Самарқанд аҳлидан. Фозил, ишончли муҳаддис ва кўп ҳадислар ровийси. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий, Абу Ҳафс Умар ибн Ҳузайфа ал-Каробисий ал-Боҳилий, Шуайб ибн Лайс ал-Коғазий, Яъқуб ибн Юсуф ал-Луълуй, Али ибн Довуд ал-Қантарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 322 (милодий 935) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Иштиханий* الإشتيخاني

**Иштихон** – Самарқанддан етти фарсах узоқликдаги Суғд қишлоқларидан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мат ал-Иштиханий* бу нисбат билан машҳурдилар. Фақиҳ ва муҳаддис эдилар. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрыйдан ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ушбу китобни Абу Наср ад-Довудий ривоят қилганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар. Абу Комил ал-Басирий фақиҳ Абу Наср ад-Довудийдан эшитганлар: «Шайх Абу Бакр ал-Иштиханийнинг ҳузурларига ҳадисдан таълим олиш учун борган эдим. У киши мендан: «Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларини таълим олганмисан?» – деб сўрадилар. «Ҳа», – деб жавоб бердим. «Кимдан?» – деб сўрадилар. «Исмоил ал-Ҳожибийдан», – дедим. Айтдилар: «Энди у китобни мендан сабоқ ол, чунки мен Имом ал-Фарабрыйдан ушбу китобни таълим олганимда катта ёшли фақиҳ эдим. Исмоил ал-Ҳожибий эса ҳали ёш бола эди. У олган билим билан менинг олган билимим тенгми?!» Ўшандан кейин мен бу кишидан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларидан таълим олишни бошладим». Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида айтадилар: «Абу Бакр ал-Иштиханий шайх, фозил, зоҳид, фақиҳ эдилар. Иштихонда у кишидан бир неча марта ҳадислар ёзиб олганмиз. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрый ва Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шошийдан ҳадис ривоят қилганлар». Ҳижрий 388 (милодий 999) йилнинг ражаб ойида Иштихонда вафот этганлар.

*Абу Лайс Наср ибн Фатҳ ал-Иштиханий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Изухий* الإيدوحي

**Изух** («Изаж» деб ҳам айтилади) – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги Шовзар (Совдор) тоғи яқинидаги қишлоқ.

Абул Ҳусайн *Муҳаммад* ибн Ҳусайн *ал-Изухий аш-Шовзарий* шу қишлоқдан. Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ас-Самарқандий ва Самарқанд қозиси Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Андоқий* الأنداقى

**Андоқ** – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Марвда ҳам шу номда қишлоқ бўлиб, у Марвдан икки фарсах узоқликда жойлашган.

*Абу Али Ҳасан ибн Али ас-Самарқандий ал-Андоқий* Самарқанднинг Андоқ қишлоғидан. «Ибн Абул Ҳасан ал-Андоқий» номи билан танилган эдилар.

*Абу Мансур Муҳаммад ибн Ҳасан ад-Дехқоний ал-Андоқий* – ишончли муҳаддис. Наср ибн Фатҳ ал-Иштиханийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Ҳижрий 370 (милодий 981) йилдан олдин у кишидан ҳадис ёзиб олганмиз. Шу санадан кейин вафот этдилар».

#### *Ал-Бобидастоний* البابدستاني

**Бобидастон** – Самарқанддаги таниқли маҳалла (Ўрта асрларда Самарқанддаги маҳалла номи).

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Бобидастоний* шу ердан. Бу киши фозил, тўғри сўз, ишончли муҳаддис, Шофеъий мазҳаби фақиҳқи, илм ва ҳадисга қизиқувчилардан эдилар. Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Каробисий, фақиҳ Бакр ибн Аҳмад ал-Жайидий ас-Самарқандий, Иброҳим ибн Ҳамдавайҳ ас-Самарқандий ва Зоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Муғқонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий таълим олганлар ва айтадилар: «Боби дастонда имло мажлисларида узоқ муддатдан бери қатнашаман. Ҳижрий 368 (милодий 979) йилнинг сафар ойида Самарқандда вафот этдилар. Жанозаларини фақиҳ Абдулкарим ибн Муҳаммад ўқидилар».

#### *Ал-Бобикиссий* البابكسي

**Боби Кис** (Кеш дарвоза) – Самарқанднинг чиройли маҳаллаларидан бўлиб, «Дарвозаи Кис» деб ҳам юритилади.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Исмоил ал-Бобикисий ас-Самарқандий* шу маҳалладан. Самарқандда тўртта рабоб бино қилганлар. Маъруф ибн Ҳисон, Масъуд ибн Бухайра, Аҳмад ибн Муовиядан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 259 (милодий 874) йил рамазон ойининг ўн биринчисида, жума куни аср намозидан кейин вафот этганлар. Эртаси куни дафн қилинганлар. Жанозаларини Бухоро амири Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний ўқиганлар.

#### *Ал-Бутайтиний* البتيتي

**Бутайтин** – Дабусиядан ярим фарсах узоқликдаги қишлоқ. У Самарқанднинг Суғд қишлоқларидан бўлиб, Дабусия билан Арбинжан оралиғида жойлашган.

*Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Бутайтиний* шу қишлоқдан. Ҳотам ибн Ҳошим ал-Кушоний, Мунзир ибн Яҳё ад-Дабусий, Ҳозир ибн Лайс ад-Дабусий, Имрон ибн Абдуллоҳ ан-Нурий ва Жибрил ибн Саҳл ас-Самарқандийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Қосим ибн Жаъфар ал-Бутайтиний ад-Дабусий Дабусияда ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Қосим ибн Жаъфар ал-Бутайтиний* ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида маълумот берганлар.

#### *Ал-Боркатий* البارکتي

**Боркат** – Усрушана қишлоқларидан. Кейинчалик Самарқандга ўтган.

*Абу Саъид Уҳайд ибн Ҳакам ал-Боркатий* шу қишлоқдан бўлиб, Самарқанднинг

Вараснин маҳалласида яшаганлар. Мусо ибн Ҳорун ал-Фаравий, Абул Қосим Ҳаммод ибн Аҳмад ас-Суламий, Абдуллоҳ ибн Саҳл ал-Варасниний ва Иброҳим ибн Наср ал-Кабузанжакасийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Музоҳамий ва Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Форисий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Бужайрий* البجيرى

*Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ал-Хушуфағний ас-Сугдий ал-Бужайрий* Самарқанднинг Иштихон билан Кушония оралиғида жойлашган Хушуфағн қишлоғидан. Ҳозир бу қишлоқ «Раъс ул-қантара» деб номланади. Бу киши – «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобининг муаллифи. Оталари Муҳаммад ибн Бужайрдан, Муҳаммад ибн Абдулаъло ас-Санъонийдан, Муҳаммад ибн Башшор ал-Басрий ва Муҳаммад ибн Мусанно ал-Басрийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср ал-Карминий, Муҳаммад ибн Аҳмад ва Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Ҳиббон ал-Бустий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 213 (милодий 829) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 311 (милодий 924) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Умар ал-Бужайрий* оталаридан ва Исҳоқ ибн Иброҳим ад-Дабарий, Али ибн Абдулазиз ал-Бағавий, Бишр ибн Мусо ал-Асадий, Яъқуб ибн Юсуф ал-Қози ва Умар ибн Ҳафс ас-Судусийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 345 (милодий 957) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

Неваралари *Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бужайрий* боболарининг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларини ривоят қилганлар. Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шоший ва Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ва Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 372 (милодий 983) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Бардодий* البردادي

**Бардод** – Самарқанддан уч фарсах узоқликда, Иштихон йўлида жойлашган қишлоқ.

*Абу Салама Назр ибн Расул ал-Бардодий ас-Самарқандий* шу қишлоқдан. Аҳмад ибн ал-Ҳаназий, Саъид ибн Хушном, Солиҳ ибн Саъид ат-Термизий ва Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Али ал-Кабузанжакадий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Бардаий* البردعي

**Бардаъа** – Озарбайжондаги шаҳар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Яҳё ал-Бардаий* асли шу шаҳардан бўлиб, Бағдодда яшаганлар. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда Самарқандга келганлар. У кишидан ҳадислар ёзиб олганмиз. Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ат-Табарий ва Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ғозий ат-Табарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Маккий ибн Аҳмад ал-Бардаий* Самарқанд муҳаддисларидан таълим

олганлар. Самарқандда имло мажлисининг иштирокчиларидан эдилар. Ҳадис илми талабида кўп сафарда бўлган машҳур муҳаддислардан. Ҳижрий 302 (милодий 915) йилда Нишопурга, Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда Мовароуннахрга келганлар. Ҳижрий 354 (милодий 966) йили Шошда вафот этганлар.

*Абу Аҳмад Мунаббих ибн Абдулмажид ал-Бардаий* Самарқандда яшаганлар. Фозил киши ва аҳли сунна эдилар. Абу Наим ал-Астрободий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳдий ал-Ихмимийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Ҳижрий 370 (милодий 981) йилдан олдин Самарқандда у кишидан ҳадис ёзиб олганман».

*Абу Али Ҳусайн ибн Али ал-Бардаий* Самарқандда яшаб, шу ерда улғайганлар. Ҳадис хофизи эдилар. Илм талабида Ироқ ва Хуросонда бўлганлар. Улуғ муҳаддислардан таълим олганлар. Ўзларидан Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 349 (милодий 961) йилда таваллуд топиб, Ҳижрий 406 (милодий 1016) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этганлар.

#### *Ал-Бурсоний* البرساني

**Бурсон** – Самарқанд ноҳиясидаги қишлоқ.

*Аҳмад ибн Халаф ал-Бурсоний* шу қишлоқдан. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шоҳавайх ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фазл ал-Адавий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Бурнамадий* البورغندي

**Бурнамад** – Самарқанд қишлоқларидан. У Самарқанд билан Усрушана оралиғида жойлашган.

*Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ал-Бурнамадий* шу қишлоқдан. Али ибн Нуъмон ал-Кабузанжакатий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Муоз ал-Бурнамадий аз-Зоҳид* ҳам шу қишлоқдан. Бу киши зоҳид, парҳезкор, тақводор бўлганлар. Узоқ умр кўрганлар. Яҳё ибн Муоз ар-Розий, Жибрил ибн Саҳл ас-Самарқандийдан таълим олганлар; Соҳиб ибн Силм аз-Зоҳид ал-Балхийнинг дўстларидан бўлганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Бастий* البستي

**Паст** сўзига берилган нисбат бўлиб, бўйи паст деганидир.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бастий ад-Дехқон* Самарқанд аҳлидан бўлиб, бўйлари паст эди. Дехқончилик билан шуғулланардилар. «Ибн Абу Саъид» номи билан танилган эдилар. Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузанжакатий бу кишидан таълим олганлар. Эшитган ҳадислари саҳиҳ эди.

#### *Ал-Банжхиний* البنجيني

**Банжхин** – Самарқанднинг катта маҳаллаларидан. Бу ердан кўп муҳаддис етишиб

чиққан.

*Али ибн Муҳаммад ал-Каробисий ал-Банжхиний* муҳаддис ва фақиҳ олимлардан эдилар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилда вафот этганлар.

*Ал-Банжий* البنجي

**Банж** (Панж) – Самарқанд ноҳиясидаги Рудак деган жой. Панж – Рудакнинг машҳур қишлоғи.

Таниқли шоир Абу Абдуллоҳ ар-Рудакий шу қишлоқдан. Бу кишининг қабрлари «Панж Рудак»даги боғнинг орқасида бўлиб, зиёрат қилинади. Мен қабрларини зиёрат этганман.

*Ал-Бунжикатий* البنجيكتي

**Бунжикат** – Самарқанддан олти фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Муслим Муъмин ибн Абдуллоҳ ал-Бунжикатий* шу қишлоқдан. Муҳаммад ибн Наср ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Ҳамдон ал-Марвазий ҳадис ёзиб олганлар.

*Ал-Бандимаший* البنديمشي

**Бандимаш** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Ассор ал-Бандимаший* шу қишлоқдан. Қози ва имом эдилар. Силм (Тинчлик) кўчасида яшардилар. Бу кишидан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

*Ал-Бинкатий* البنكتي

**Бинкат** – Самарқанд Суғдидаги Иштихон қишлоғи.

*Абул Ҳасан Али ибн Юсуф ал-Бинкатий* шу қишлоқдан. Бу киши фақиҳ, солиҳ, қори ва ҳожи эдилар. Маккаи Мукаррамада Абу Муҳаммад Абдулҳолик ибн Муҳаммад аз-Зубайдий ал-Мукридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар.

*Ат-Тахсонжкатий* التّخسانجكتي

**Тахсонжкат** – Самарқанднинг Суғд қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Тахсонжкатий* шу қишлоқдан.

*Ат-Тахсижий* التّخسيجي

**Тахсижа** – Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги Абғар ноҳиясида жойлашган қишлоқ.

*Абу Язид Холид ибн Казда ас-Самарқандий ат-Тахсижий ал-Абғарий* шу қишлоқдан. Бу киши олим ва ҳофиз ал-ҳадис эдилар. Абдулкарим ибн Ҳабиб ал-Бағдодий ва Исҳоқ ибн Яъқуб ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ат–Турбоний** التراباني

**Турбон** – Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги қишлоқ. У Фаранкадда жойлашган.

*Абу Али Мухаммад ибн Юсуф ат–Турбоний* шу қишлоқдан бўлиб, машхур мухаддис ва фақиҳ эдилар. Ҳижрий 323 (милодий 936) йилда вафот этганлар.

**Ат–Тузижий** التوذيجي

**Тузиж** – Сирдарё ортида жойлашган Рудбор ноҳиясидаги қишлоқ.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳамза ар–Рудборий* шу қишлоқдан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Оталари Ҳамза ибн Мухаммад ат–Тузижийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ан–Насафий ва Абу Бакр Мухаммад ибн Мухаммад аз–Зухрий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 526 (милодий 1133) йил рамазон ойининг ўн иккинчисида, Амударё бўйида жойлашган Термиз яқинидаги Боткарқалъада вафот этганлар.

**Ат–Тавзий** التّوّذي

**Тавз** – Самарқанддан уч фарсах узоқликда жойлашган Шовзар яқинидаги қишлоқ.

*Мухаммад ибн Иброҳим ибн Хаттоб ат–Тавзий ал–Варасний* шу қишлоқдан. Бу киши Самарқанднинг Вараснин қишлоғида яшар эдилар. Кейинчалик Тавз қишлоғига кўчиб бориб яшаганлар. Аббос ибн Фазл ан–Надабий, Мухаммад ибн Ғолиб ас–Самарқандий ва Аҳмад ибн Бакр ас–Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Жаъфар Мухаммад ибн Маккий ан–Навоий ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абул Лайс Наср ибн Мухаммад ат–Тавзий* Абу Ҳанифа мазҳабининг машхур фақиҳи бўлиб, мунозара ва жадал илмида тенги йўқ олим эдилар. Абу Иброҳим ат–Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда яшаб, шу ерда вафот этганлар.

**Ат–Тускосий** التّوسكاسي

**Тускос** – Самарқанддан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Абдуллоҳ ат–Тускосий ас–Самарқандий* шу қишлоқдан. Яхё ибн Язид ас–Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса фақиҳ Бакр ибн Мухаммад ал–Варасний ҳадис ривоят қилганлар.

**Ас–Соботий** السّاباتي

**Собот** – Самарқанддан йигирма фарсах узоқликда жойлашган Усрушана яқинидаги таниқли шаҳар. Усрушана Мовароуннахрнинг катта шаҳарларидан. Самарқанд билан Сирдарё оралиғида.

*Абул Ҳасан Бакр ибн Аҳмад ас–Соботий ал–Усрушаний* фақиҳ эдилар. Самарқандда Фатҳ ибн Убайд ас–Самарқандийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ўзларидан эса Абу Зар Аммор ибн Мухаммад ат–Тамимий ал–Бағдодий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Жокардизий* الجاكرديزي

**Жокардиза** (Чокардиза) – Самарқанддаги маҳалла. Бу ерда машхур катта қабристон бўлиб, кўп таниқли олимлар шу жойда дафн қилинганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Жокардизий ас-Самарқандий* бу нисбат билан машхурдилар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз ва Мисрда бўлганлар. Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Фарёбий, Абу Алоса Муҳаммад ибн Амр ал-Мисрий ва Аҳмад ибн Тоҳир ал-Мисрийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Жахзаний* الجخزي

**Жахзан** – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абул Ҳасан Аъюн ибн Жаъфар ал-Жахзаний ас-Самарқандий* шу қишлоқдан. Бу киши шайх, фозил, сахий ва факирларга меҳрибон эдилар. Кеш йўлида чиройли работ курганлар. Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Хужандий, Муҳаммад ибн Хузайма ал-Балхий, Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ва Иброҳим ибн Наср ал-Кабузанжакасийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Али ибн Исҳоқ ас-Самарқандийнинг «ал-Мушофиҳот» («Оғзаки сўзлашгич») китобини Аъюн ал-Жахзанийдан дарс олганман. Ҳижрий 354 (милодий 966) йилда вафот этганлар».

*Ал-Жаъфарий* الجعفري

*Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Жаъфарий* Самарқанд аҳлидан. Бу киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакиларининг ўғли Жаъфар ибн Абу Толиб ат-Тайёрнинг авлодларидан бўлганликлари учун ушбу нисбат берилган. Абу Имрон Мусо ибн Аҳмад ал-Фарёбийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Ҳасан ибн Мансур ал-Мукри ал-Исфижобий ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абу Абдуллоҳ Қосим ал-Жаъфарий* Муаммар ибн Абдурахмондан таълим олганлар. Ўзларидан эса Иёш ибн Омир ал-Ақимий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Жикилий* الجكلي

**Жикил** – Тароз яқинидаги Турк шаҳарларидан.

*Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Яҳё ал-Жикилий* Самарқандда имом-хатиб эдилар. Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Кушонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 516 (милодий 1123) йил шаъбон ойининг саккизинчи куни Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Жунбазий* الجنبذي

**Жунбаз** форсчада «Гунбаз» дейилади.

Адиб *Абул Фазл Муҳаммад ибн Умар ал-Иштиханий ал-Жунбазий* «Адиб Гунбаз» номи билан танилган эдилар. Кейинчалик Самарқандда яшаганлар. Ёш болаларга адабиётни ўргатар эдилар. Масъуд ибн Хусайн ал-Кушонийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Бу киши шайх, солиҳ, ҳофиз ал-Қуръон ва муҳаддис, кўп хайрли иш қилувчи ва унга ёшларни



хам даъват этувчи эдилар. Ҳадислар ҳам ривоят қилганлар.

*Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Жунбазий ас-Самарқандий* Самарқандда қориларнинг шайхи эдилар. Мендан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари қори Абу Маҳмуд Муҳаммад ал-Ғаззол таълим олганлар. «Ҳижрий 606 (милодий 1210) йилда вафот этганлар» (Абдуллоҳ Умар ал-Борудий).

*Ал-Жўйборий* الجويباري

**Жўйбор** – Самарқанд қишлоқларидан. Ҳиротда ҳам шу номда қишлоқ бор. Насафда эса Жўйбор номли маҳалла мавжуд.

*Абу Али Ҳасан ибн Али ас-Самарқандий ал-Жўйборий* Самарқанднинг Жўйбор қишлоғидан.

*Ал-Ҳожибий* الحاجبي

*Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушоний ал-Ҳожибий* Самарқанд ноҳиясидан ўн икки фарсах узоқликда жойлашган Кушония<sup>86</sup> шаҳридан.

*Ал-Ҳосиб* الحاسب

**Ҳосиб** арабча сўз бўлиб, ҳисобчи, ҳисобни билувчи деган маънони англатади.

*Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ҳосиб* бу нисбат билан машҳурдилар. У киши Самарқанд аҳлидан. Бухоро амири Наср ибн Аҳмад Сомонийнинг девонида ҳисобчи бўлганлар. Ишончли муҳаддислардан эдилар. Абу Исҳоқ ат-Толиконийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Ҳажжом* الحجاج

**Ҳажжом** арабча сўз бўлиб, ҳижома қилувчи, яъни қон олувчи табиб деган маънони англатади.

*Абу Саъд ал-Ҳажжом* Самарқанд аҳлидан. Мовароуннаҳрнинг машҳур имоми Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийнинг қон олувчи табиби эдилар ва ад-Доримийдан ҳадис илмидан таълим олардилар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Каробисий ҳадис ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий шогирдлари Абу Саъд ал-Ҳажжомга қарата айтган эканлар: «Кимки инсонлар билан мулоқот қиладиган бўлса, инсонга инсонларча муомала қилиш лозимдир».

*Ал-Ҳисримий* الحصري

**Ҳисрим** – оталарининг исми.

*Ғурак ибн Ҳисрим ас-Сугдий ал-Ҳисримий* Самарқанд Сугдидан бўлиб, насл-насаблари Бану Саъдга бориб тақалади. Бу киши Жобир разияллоҳу анҳудан, Жобир эса пайғамбар алайҳиссаломдан закотга оид қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар: «Ликулли фарасин дирҳамун» (Ҳар бир от учун бир дирҳамдир). Бу кишидан эса Абу Ҳанифа

<sup>86</sup> ҳозирги Каттақўрғон.

рахматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари қози Абу Юсуф таълим олганлар.

*Ал-Ҳаким* الحکيم

*Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Ҳаким ас-Самарқандий* Самарқанд олимларидан. Бу киши Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бўлиб, ҳалимликда, ҳикматда, донишмандликда, чиройли сийратда тенги йўқ олим ҳамда кўп мақол ва масал айтувчи кишилардан эдилар. Анча муддат Самарқандда қозилик қилганлар. Ахлоқи ҳамида (мақтовли хулқ) ва ҳикмат (донишмандлик), таъсирчан ваъзалари билан Шарқу Ғарбда «Абул Қосим ал-Ҳаким» номи билан шуҳрат қозонганлар. Бу зотдан Абу Жаъфар ас-Самарқандий ва Абдулкарим ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 342 (милодий 954) йилнинг муҳаррам ойида Самарқандда оламдан ўтиб, Чокардиза қабристонида дафн этилганлар. Мен қабрларини бир неча марта зиёрат қилганман.

*Ал-Ҳалбасий* الحلبي

**Ҳалбас** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Марвазий ал-Ҳалбасий* Самарқандда яшаганлар. «Аъмаш» (Шилпик) номи билан танилганлар. Абу Яъқуб Юсуф ибн Али, Бакр ибн Мафтуна, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Ҳофиз ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Тоҳир ас-Самарқандий ва Муҳаммад ибн Абд ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши кўп ҳадис ёзиб олганлар.

*Ал-Ҳамдавайҳ* الحمدويه

*Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Суламий ал-Ҳамдавайҳ ал-Иштиханий* Самарқанднинг Иштихон аҳлидан. Иштихонда имом-хатиб эдилар. Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Абдурахмон ал-Асирийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг зулқаъда ойида Иштихонда 113 ёшда вафот этганлар.

*Ал-Хохсарий* الخاوسري

**Хохсар** – Самарқанддан икки фарсах узоқликда жойлашган Дарғам ноҳиясидаги қишлоқ.

*Абул Қосим Саъд ибн Саъид ал-Хохсарий* шу қишлоқдан. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абдулқодир ибн Аҳмад ал-Хохсарий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, қози эдилар. Оталаридан ҳамда Абул Қосим ал-Кушоний ва Абул Маолий ал-Балхийдан таълим олганлар. Ҳижрий 463 (милодий 1071) йилнинг ражаб ойида таваллуд топиб, ҳижрий 527 (милодий 1134) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Ал-Ховасий* الخاوسي

**Ховас**<sup>87</sup> Амударё ва Сирдарё оралиғидаги Усрушанадаги шаҳар. Бу ердан кўп олимлар,

<sup>87</sup> ҳозирги Сирдарё вилоятидаги Ховос.

зоҳидлар етишиб чиққанлар.

*Абу Аҳмад Мусо аз-Зоҳид ас-Самарқандий ал-Ховасий*ни Самарқандда бўлганимда учратдим. Бу киши фақиҳ, такводор, парҳезкор, инсонларни яхшиликка даъват қилувчи ва ёмонликдан қайтарувчи эдилар. Самарқанддан етти фарсах узоқликдаги Қатавон қишлоғида рабоб бино қилганлар. Бу киши асли бухоролик бўлганлар. Ховосда вафот этганлар. Қабрлари Самарқанддан ўн икки фарсах узоқликдаги Бурнамад қабристонида.

*Ал-Ховусий* الخاوصي

**Ховус** – Самарқанд юқорисидаги шаҳарча.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Ховусий* шу шаҳарчадан бўлиб, имом эдилар. Самарқанд олимларидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Бу кишидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Худфироний* الخدفراني

**Худфирон** – Самарқанд Суғдидаги қишлоқ.

Муфтий *Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Худфироний* шу қишлоқдан. Бу зот муфтий, имом, фақиҳ, мударрис ва кишиларни ҳажга юборувчи эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ал-Қатавонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Боболари ҳижрий 483 (милодий 1091) йилнинг шаввол ойида таваллуд топганлар.

*Ал-Худисарий* الخديسري

**Худисар** – Самарқанднинг Усрушана яқинидаги қишлоқларидан.

*Абул Форис Аҳмад ибн Ҳумайд ал-Худисарий* шу қишлоқдан. Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Яҳё Аҳмад ибн Яҳё ал-Фақиҳ ас-Самарқандий ва Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Харрот* الخراط

**Харрот** арабча сўз бўлиб, дарахт шохларидан ҳар хил нарсалар тўқийдиган (ясайдиган) киши деган маънони англатади.

*Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал-Харрот* Самарқанд аҳлидан. Бу киши имом, фозил, парҳезкор, такводор бўлиб, нима есалар, ўз қўл меҳнатлари ва касбларидан ер эдилар, пахтани тозалайдиган асбоб – ҳалложи (тароқ) ясардилар. Самарқандда бирорта харрот уни бу кишиникидай ясай билмасди. Кишилар бошқа харротлардан ҳалложи ясаб беришни илтимос қилишса, улар: «Имом Абул Ҳасан яхши ҳалложи ясаб берадилар, чунки у кишининг кароматлари бор», – дейишарди. Бу зот Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкбосийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Самарқандда бўлганимда йигирмага яқин муҳаддис шогирдларидан ҳадис ёзиб олдим. Ҳижрий 500 (милодий 1107) йили Самарқандда вафот этганлар.

### *Ал-Хартанкий* الخرتنكي

**Хартанк** (Хартанг) – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганлар. Бу кишини зиёрат қилиш учун тўрт марта шу қишлоқда бўлганман.

*Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил ал-Хартанкий* шу қишлоқнинг машҳур олимларидан. Имом ал-Бухорий шу кишининг уйларида яшаб, шу ҳовлида ҳижрий 256 (милодий 871) йилнинг Рамазон ҳайити кечаси вафот этганлар. Бу киши – «Хикоёт фи маноқиб ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорийнинг ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоялар») китобининг муаллифи. Имом ал-Бухорийдан озгина кейинроқ оламдан ўтганлар, «Мени Имом ал-Бухорийнинг ёнларига дафн этинглар», деб васият қилганлар.

### *Ал-Харъуний* الخرعوني

**Харъун** – Самарқанднинг Абғар ноҳиясидаги қишлоқ. Ака-ука ал-Харъунийлар шу қишлоқдан.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Харъуний* шу қишлоқдан. Бу киши Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий ас-Самарқандий, Абу Ражо Қутайба ибн Саъид ал-Бағлоний ва Ҳоруд ибн Муоз ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 301 (милодий 914) йилда вафот этганлар.

Укалари *Аҳмад ибн Ҳомид ал-Харъуний* ҳижрий 233 (милодий 848) йилдан ҳижрий 235 (милодий 850) йилга қадар акалари Муҳаммад билан бирга Абул Ҳусайн Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий ас-Самарқандийнинг «Тафсир» ва «Мушофихот» китобларини уч йил давомида таълим олганлар. Оналари сурп тўқиб, шунинг пулига ўғилларини ўқитганлар.

### *Ал-Харқоний* الخرقاني

**Харқон** – Самарқанд қишлоқларидан. У ерда работ бор. Унинг номи Работи Харқондир.

Қози *Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Харқоний* шу қишлоқдан. Бу киши «Моҳ андар жубба» (Кўйлак ичидаги ой) лақаби билан машҳурдирлар. Бу араб тилида «ал-қамару фил-жубба» дейилади. Бу зот воиз эдилар. Абул Ҳасан Муҳаммад ал-Улуввийдан ҳадисдан таълим олганлар. Ҳижрий 499 (милодий 1106) йил рамазон ойининг охирида Журжон ноҳиясининг Форёб қишлоғида вафот этганлар.

*Бакр ибн Абдуллоҳ ал-Харқоний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, имом эдилар. Бу киши ҳақларида Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ўзларининг «ал-Қанд» китобларида зикр қилганлар. Ҳижрий 525 (милодий 1132) йил зулқаъда ойининг ўн саккизинчисида, сешанба куни аср намозида вафот этиб, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Ҳусайн ибн Абу Шаҳоб ибн Аҳмад ал-Алавий ал-Харқоний* ҳам шу қишлоқдан. Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Зухрийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг ражаб ойида 76 ёшда Самарқандда вафот этганлар. Самарқанднинг жомеъ масжиди қибласида дафн қилинганлар.

*Абу Али Хусайн ибн Юсуф ал-Харқоний* ҳам шу қишлоқдан. Имом-хатиб, фақих, фозил кишилардан бўлиб, Самарқанднинг «Раъсу сиккату умур» мадрасасида мударрис эдилар. Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Зухрий ал-Харқонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 434 (милодий 1043) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 505 (милодий 1112) йил рабиъул аввал ойининг йигирма иккинчисида, шанба куни Самарқандда вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Жибрил ал-Харқоний* шу қишлоқнинг имом-хатиби эдилар. Бу кишидан Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 452 (милодий 1061) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг зулқаъда ойида вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Абу Муҳаммад Масъуд ибн Маҳмуд ал-Харқоний аз-Зухрий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, олим, фозил эдилар. Оталари Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Зухрийдан кейин Харқон қишлоғида имом-хатиб бўлдилар. Аҳмадхон замонида кози Аҳмад ибн Сулаймон бу кишининг ноиб ал-қози (қозининг ўринбосари) бўлишларини хоҳлайди. Аммо бу зот рози бўлмаганларидан кейин қасд қилиб, бу кишини Кошғарга ҳайдайди. Шу ерда вафот этганлар.

#### *Ал-Хузондий* الخزاندي

**Хузонд** – Самарқанддан ўн беш фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хузондий* шу қишлоқдан. Бу киши Саъид ибн Мансурдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Усома ибн Масъуд ат-Тамимий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Китоб ал-икмол» («Мукамал китоб») номли китобларида зикр қилганлар.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хузондий ал-Мукри* шу қишлоқда яшар эдилар. Бу киши Куръони каримни ёддан билувчи (хофиз ал-Куръон), солих шайх эдилар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Хушуфағний* الخشوفغني

**Хушуфағн** Суғд қишлоқларидан. Иштихон билан Кушония<sup>88</sup> оралиғида жойлашган катта ва баракали қишлоқдир. Ҳозир у «Раъс ал-қантара» деб номланади. Суғднинг энг яхши қишлоғи.

*Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ал-Хушуфағний* шу қишлоқдан. Бу киши имом, хофиз ал-ҳадис (юз минг ҳадисни ёддан билувчи) ва такводор олимлардан эдилар. Бир куни Абу Ҳафс ал-Хушуфағний ҳовлиларидаги дарахтнинг тагидаги сояда дўстлари билан ўтирганда уларга: «Сизлар дунёнинг энг тоза, хушбўй, соф ҳаволи ва ям-яшил жойида дам олаяпсизлар. Жаҳонда Самарқанд Суғдидагидек, Суғдда Хушуфағн қишлоғидаги каби, қишлоқда эса менинг боғимдай, боғимда эса мана бу дарахтнинг сояси сингари энг тоза, хушбўй, соф ҳаволи, ям-яшил жой йўқ», – деб айтган эканлар. Бу киши ҳижрий 372 (милодий 983) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

<sup>88</sup> ҳозирги Каттакўрғон.

Неваралари *Абул Аббос Аҳмад ибн Абул Ҳасан ал-Ҳушуфазний* боболаридан у киши таълиф қилган «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») ва «Китоб ас-сафина» («Илм дарёсида сузувчи кема») китобини таълим олганлар.

#### *Ал-Хатибий* الخطيبي

*Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ал-Хатибий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Боболари имом-хатиб бўлганлар. Шунинг учун «ал-Хатибий» тахаллусини олганлар. Хуросонга бориб, у ернинг машҳур муҳаддис олимларидан таълим олганлар. У кишидан менинг бобом Абул Музаффар Мансур ибн Муҳаммад ас-Самъоний ҳадис ривоят қилганлар. Умар ибн Муҳаммад ан-Насафийнинг айтишларича, Абул Ҳасан ал-Хатибий ҳижрий 440 (милодий 1049) йилда ҳажга кетаётганларида Карбало яқинида туядан йиқилиб вафот этганлар.

#### *Ал-Хамоний* الحماني

*Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушоний ал-Хамоний* Самарқанд олимларидан. Бу киши – Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабрийдан, «Саҳиҳ ул-Бухорий»ни ривоят қилган охириги муҳаддис. Ҳижрий 390 (милодий 1001) йили Кушонда вафот этганлар.

#### *Ал-Хумитаний* الحميتي

**Хумитан** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Ҳайдар ал-Хумитаний* Самарқанд аҳлидан. Бу киши имом, фозил, фарзларга ва илмига амал қилувчи олимлардан эдилар. Абул Фазл Абдусалом ибн Абдусаммад ал-Баззордан таълим олганлар. Ўғиллари Муҳаммад ибн Юсуф ал-Хумитаний ўзларидан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Хавстий* الخوستي

**Хавст** («Хаст» деб ҳам айтилади) – Андароба билан Тахористон оралиғида жойлашган шаҳар.

*Абу Али Ҳасан ибн Абу Али ал-Хавстий* – Самарқандда яшаган олим. Бу кишидан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 518 (милодий 1125) йил зулҳижжа ойининг биринчи куни, жума кечаси вафот этганлар.

#### *Ал-Хайдаштарий* الخيدشترى

**Хайдаштар** – Самарқанд Суғдининг Иштихондаги қишлоғи. Бу қишлоқ ҳақида Абу Саъд ал-Идрисий «Китоб ал-икмол фи маърифа ар-рижол би Самарқанд» (Самарқанднинг маърифатли кишилари ҳақида мукамал китоб) номли китобларида маълумот берганлар.

*Абу Бакр Билол ибн Ризо ал-Иштиханий ал-Хайдаштарий* шу қишлоқдан. Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ар-Рабинжанийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сарахсий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Хайшоний* الخيشاني

**Хайшон** – Самарқанддаги мавзе.

*Абул Ҳасан ал-Хайшоний ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Бу киши Исо ат-Термизийнинг «Сунан ат-Термизий» ҳадисларини Абу Бакр Аҳмад ибн Исмоил ас-Самарқандийдан ривоят қилганлар.

*Ал-Хиний* الخيني

**Хин** – Тусдаги шаҳар.

*Абул Фазл Музаффар ибн Мансур ал-Хиний* асли Туснинг Хин шаҳридан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Бу киши факих, фозил, адиб ва шоир эдилар. Биз билан бирга Аъюн ибн Жаъфар ас-Самарқандийнинг «Китоб ул-мушофиҳот» («Оғзаки сўзлашгич китоби») асарини Али ибн Исмоил ал-Хўжандий ва Али ибн Исҳоқ ас-Самарқандийдан таълим олганлар. Имом ал-Бухорийнинг «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби») асарини Абул Фазл ал-Қуроб ал-Ҳиравийдан таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилдан олдин Самарқанддан Журжонга кўчиб кетдилар. Астрободда вақф ишлари бўйича ишладилар. У ердан Табаристонга кетиб, шу ерларда вафот этадилар. Биз у кишидан, у киши эса биздан хикоя ва шеърлар ёзиб олар эдик.

*Ад-Доримий* الدّارمي

**Бану Дорим** қабиласига берилган нисбат. Дорим ибн Молик ибн Ҳанзала пайғамбар алайҳиссаломнинг котиблари эдилар.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ас-Самарқандий ад-Доримий* – Самарқанд аҳлидан бўлиб, Бану Дорим ибн Молик қабиласига мансуб. Бу киши ниҳоятда ақлли, фазилатли, дину диёнатли, муомалада мулойим, тиришқоқ, кўп ибодат қиладиган зоҳид эдилар. «Муснад», «Тафсир» ва «Сунан»ларни таълиф этганлар. Ироқ, Шом ва Мисрда бўлиб, бу ернинг машҳур муҳаддис олимларидан таълим олганлар. Зеҳнлари ниҳоятда ўткир бўлган. Ҳадис илми талабида сафарлар қилганлар. Ҳадисларни жамлаш, ишончли ҳадисларни ёдлаш, тўғри сўзлик, тақводорлик ва зоҳидлик хислатларига эга бўлганлар. Самарқанд амири козиликка сайламоқчи бўлади, аммо бу киши кўнмайдилар. Амир ғазабланиб, бошқа кишини кози қилиб сайлайди. Ўшанда амирдан узр сўраганлар. У кечирган. Бу кишидан Муслим ибн Ҳажжож ва Абу Исо ат-Термизий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 181 (милодий 798) йили Абдуллоҳ ибн Муборак вафот этган санада таваллуд топганлар. Ҳижрий 255 (милодий 870) йилда арафа куни Самарқандда вафот этганлар.

*Ад-Добавайҳ* الدّابويه

**Добавайҳ** – боболарининг исми.

*Абу Саъид Ҳасан ибн Али ал-Форисий ад-Добавайҳи* фозил, аҳли сунна ва мутасаввиф эдилар. «Ибн Добуя» номи билан танилгандилар. Ҳадислар ёзиб олардилар. Муҳаммад ибн Абул Фатҳ ал-Карминийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Аҳмад аз-Зоҳид аз-Зарир ал-Форисийнинг шеърларини ёд олардилар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йил муҳаррам ойининг

биринчи кунни Самарқандда 90 ёшдан ўтиб вафот этганлар.

*Ад-Дабусий* الدَّبُوسِي

**Дабусия** – Самарқанд билан Бухоро оралиғидаги Суғддаги шаҳарча.

*Аҳмад ибн Амр ибн Фануий ад-Дабусий*нинг боболарининг исмлари Дабуса эди. Дабуса ҳижрий 93 (милодий 713) йилда Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий қўлида мусулмон бўлганлар. (Бу қалъа Дабуса номига «Дабусия» деб аталган.)

*Абул Ғушайм Зулайм ибн Ҳутайт ад-Дабусий* асли пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига амал қилувчи араб бўлганлар. Дабусия аҳлидан. Кунялари – «Абул Ғушайм». Бу киши фозил, аҳли сунна ҳамда ишончли ва кучли муҳаддислардан эдилар. Ҳадис илми талабида Ироқда бўлиб, анчагина ҳадислар ёзиб олганлар. Имом ал-Бухорий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 252 (милодий 867) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Қози *Абу Зайд Абдуллоҳ ибн Умар ад-Дабусий* соҳиб ал-асрор, далил билан гапирувчи, назарлари ўткир ва ҳар бир масалага асосли жавоб берувчи зот эдилар. Самарқанд ва Бухоронинг йирик олимлари билан мунозара қилардилар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йили Бухорода вафот этиб, Имом Абу Бакр ибн Тархон ёнларида дафн қилинганлар. Қабрларини бир неча марта зиёрат қилганман.

*Абу Усмон Саъид ибн Аҳвас ал-Аздий ад-Дабусий* Али ибн Ҳажардан ва Хуросон, Ироқ, Шом, Миср муҳаддисларидан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Амр Усмон ибн Ҳусайн ад-Дабусий* кўпгина уламодан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз Дабусияда таълим олганлар.

*Абул Фатҳ Маймун ибн Муҳаммад ад-Дабусий* Дабусия аҳлидан. Марвда яшаганлар. Солиҳ шайх, тақводор, парҳезкор ва сидқ аҳлидан эдилар. Абдурахмон ибн Муҳаммад ас-Сарахсийдан фикҳ ва ҳадис илмларидан таълим олганлар. Мен у кишидан таълим олганман. Ҳижрий 535 (милодий 1141) йилда вафот этиб, Марвда «Шаждон»да дафн қилинганлар.

Ўғиллари *Абул Қосим Маҳмуд ибн Маймун ад-Дабусий* фозил фақиҳлардан эдилар. Юсуф ибн Айюб ал-Ҳамадоний ва Абу Мансур Муҳаммад ибн Али ал-Каройидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Нишопурда кўрганимда у киши бемор эдилар. Кейин Марвда учратдим. Ҳижрий 530 (милодий 1136) йилда Марвда вафот этдилар.

*Абул Қосим Али ибн Абу Яъло ад-Дабусий* ўз асрида фикҳ, усул илмида ягона, нахв илми соҳиби, араб тили билимдони эдилар. Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида дарс берганлар. Жадал илмида тенги йўқ олим ва назаркарда бу киши душманга қарасалар, душман йўқ бўларди. Бу зот пок, саҳий эдилар. Абу Саҳл Абдулкарим ибн Абдурахмон ал-Калободий, Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Астрободий ва бошқа машҳур олимлардан таълим олганлар. Ҳижрий 482 (милодий 1090) йил шаъбон ойида Бағдодда вафот этганлар.

*Ад-Дарзивий* الدَّرْزِيوي

**Дарзива** – Самарқанддан уч фарсах узокликдаги Қатавон йўлидаги қишлоқ. Нисбат берилганда нун ҳарфи қўшилиб, «Дарзиваний» деб айтилади.



*Абул Фазл Аббос ибн Қаср ад-Дарзиваний* шу қишлоқдан. Наим ибн Ноим ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ад-Дарғамий* الدّرغمي

**Дарғам** – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги ноҳия. Бир неча қишлоқни ўз ичига олган. Самарқандга кетаётганимда бир соат шу ерда бўлганман.

*Собир ибн Аҳмад ад-Дарғамий ас-Санқдизавий* шу қишлоқдан бўлиб, воиз эдилар. Абу Наср Аҳмад ибн Фазл ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 528 (милодий 1134) йили чоршанба куни Санқдиза қишлоғида вафот этганлар. Санқдиза – Самарқанд қишлоқларидан. «Санқдиза» деб ҳам айтилади. Форсчада эса «Санқдира» дейилади.

*Ад-Дайзакий* الدّيزكي

**Дайзак** – Самарқанд қишлоқларидан. Форсчада «Дайза» деб ҳам айтилади.

*Абдулазиз ибн Муҳаммад ад-Дайзакий* шу қишлоқдан. Самарқандда ваъз айтардилар. Фозил кишилардан эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Саъид ал-Бухорий ал-Воиздан таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилда ҳажга бориб, ҳаждан қайтишда вафот этганлар.

*Абул Маҳомид Муҳаммад ибн Али ад-Дайзакий* ҳам Самарқанд аҳлидан. Бу киши факих, фозил, солиҳ, пок ва жуда кўп хайрли ишлар қилувчи эдилар. Абул Ҳасан Али ибн Умар ал-Харротдан таълим олганлар. Самарқандда у кишидан баъзи нарсаларни ёзиб олганман. Манора масжидида ҳозир бўладиган мажлис аҳли учун ваъз қилардилар. Ҳижрий 489 (милодий 1097) йилнинг сафар ойида таваллуд топганлар.

*Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ад-Дайзакий* ҳам шу қишлоқдан. Бу кишидан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 511 (милодий 1118) йил рамазон ойининг ўн бешинчи куни вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Ад-Динорий* الدّيناري

*Абул Аббос Аҳмад ибн Баннос ад-Динорий* Самарқанд аҳлидан. Самарқанднинг машҳур олимларидан ва муҳаддисларидан таълим олганлар, ҳадислар ривоят қилганлар.

*Аз-Захинавий* الدّخينيوي

**Захинаво** – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Ашъас аз-Захинавий* шу қишлоқдан бўлиб, ҳадис илми талабида Ироққа сафар қилганлар ва шу ерда муҳаддис Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий, Али ибн Довуд ал-Қантарий, Ҳасан ибн Арафа ал-Абдий ва бошқалардан ҳадис ёзиб олиб, ҳадис илмини ўрганганлар. Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Ашъас, Али ибн Нуъмон ал-Кабузанжакатий ва Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилдан олдин вафот этганлар.

*Аз–Заммий* الذّمّي

**Замма** – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Аҳмад ибн Муҳаммад ад–Дехқон аз–Заммий* шу қишлоқда дехқон эдилар. Муҳаммад ибн Фазл ал–Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса фақиҳ Муҳаммад ибн Маккий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар–Рогиний* الرّاغيني

**Рогин** – Самарқанд Суғдидаги қишлоқ.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ар–Рогиний ад–Дабусий* шу қишлоқдан. Бу киши Муҳаммад ибн Аҳмад ал–Корзаний, Мансур ибн Муҳаммад ал–Ҳарлосий, Аҳмад ибн Исмоил ал–Исмоилий, Муҳаммад ибн Фазл ва бошқа уламолардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абдулазиз ибн Муҳаммад ан–Нахшабий ал–Ҳофиз ҳадис ривоят қилиб, устозлари ҳақларида «Муъжам уш–шуюх» («Шайхлар комуси») китобларида қуйидагича зикр қилганлар: «Мен бу киши билан бирга Дабусияда 15 кун яшадим ва у зотдан «Мағози ал–Воқидий» («Воқидийнинг жангнома китоби») асаридан таълим олдим».

*Ар–Ромий* الرّامي

**Ромий** – камон тахловчи дегани.

*Абу Саъид Муҳаммад ибн Аббос ал–Ғозий ар–Ромий* Самарқанд аҳлидан. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал–Идрисий ал–Ҳофиз «Тарихи Самарқанд» китобларида қуйидагича айтганлар: «Муҳаммад ибн Аббос ал–Ғозий ар–Ромий фозил, такводор, парҳезкор бўлиб, камон яшашда мохир эдилар. Олим ва фозилларни жуда яхши кўрардилар. Самарқандда мерганлик бўйича кўп шогирд чиқарганлар. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абул Фазл ас–Самарқандийдан «Фазл ур–рамий вал–жиход» («Мерганлик ва урушнинг фазилати») ҳақидаги ҳадислардан таълим олганлар». Ҳижрий 373 (милодий 984) йилда вафот этганлар.

*Ар–Рабинжаний* الرّبنجاني

**Рабинжан** («Арбинжан» деб ҳам айтилади) – Самарқанд Суғдидаги шаҳар. Мен унинг саҳросида бир кун турганман ва унинг дарахтлари соясида дам олганман. Бу шаҳардан кўп олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ар–Рабинжаний ас–Сугдий* шу қишлоқдан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас–Самарқандий, Саъид ибн Ҳош ал–Қоғазий, Аҳмад ибн Айюб ал–Базаший ва бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Али ас–Сайравоний ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Саъд Муҳаммад ибн Ҳишом ар–Рабинжаний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, кейинчалик Бухорода яшаганлар. Муҳаммад ибн Салом ал–Пайкандий, Ҳасан ибн Ҳарб, Аҳмад ибн Абу Абдуллоҳ ат–Таййимий, Фазл ибн Довуддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Юсуф ибн Райҳон ҳадис ривоят қилганлар.

### *Ар-Рахҳол* الرّحّال

**Рахҳол** арабча сўз бўлиб, ҳадис илми талабида кўп сафар қилувчи, рихлат этувчи маъноларини англатади.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Козазий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидандир. Илм талабида бир неча йил сафарда бўлиб, хабар ва ҳикоятлар йиғишда кўп машаққат чекканлари учун «Рахҳол» деган ном берилган бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида зикр қилганлар. Бу зот – нодир ҳикоятлар соҳиби. Ёшлиқларидан қарилик даврларигача ҳадислар ёзиб олганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Абдулваҳҳоб ар-Райхоний, Иброҳим ибн Абдусалом, Муҳаммад ибн Закариё ал-Кулобий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Барбарий, Ҳорис ибн Усома ва бошқа кўп муҳаддисдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузанжакатий, Иброҳим ибн Язид ал-Марвазий ва Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ҳадис ривоят қилганлар.

### *Ар-Рахинавий* الرّحينيوي

**Рахинаво** – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абдулваҳҳоб ибн Ашъас ал-Ҳанафий ар-Рахинавий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Али Ҳасан ибн Али ал-Андокий ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар ва шу кишидан ҳадис илмидан таълим олганлар.

### *Ар-Размозий* الرّزمازي

**Размоз** – Самарқанд ноҳиясининг Суғд қишлоқларидан. Бу қишлоқ Иштихон билан Кушония<sup>89</sup> оралиғида бўлиб, Самарқанддан етти фарсах узоқликда жойлашган.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ар-Размозий ас-Суғдий* шу қишлоқнинг машҳур олимларидан. Бу киши Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шоший, Абдулмалик ибн Муҳаммад ал-Астрободий, Зоҳир ибн Абдуллоҳ ас-Суғдий ва бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилиб, қуйидагича айтганлар: «Мен эшитган ҳадисларнинг ҳаммаси ҳасан эди». Ҳижрий 377 (милодий 988) йилда вафот этганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Зуннун ар-Размозий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Солим Ало ибн Маслама ва Маҳмуд ибн Хаддош ат-Толиконийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Муҳаммад ар-Размозий ас-Суғдий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Исҳоқ ал-Кеший ва Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ар-Рабинжанийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Киром, Абу Абдуллоҳ ар-Размозий ас-Суғдий ва Юсуф ибн Маъруф ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

### *Ар-Растағфарий* الرّستغفري

**Растағфар** – Самарқанд Суғдидаги Иштихон қишлоқларидан.

<sup>89</sup> ҳозирги Каттақўрғон.

*Довуд ибн Амр ар-Растағфарий ал-Иштиханий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштиханийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Рустуфағний* الرستفغني

**Рустуфағн** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Саъид ар-Рустуфағний* шу қишлоқдан. Ҳикоят қилинади: «Бир куни солиҳ бир киши тушида Абу Наср ал-Иёзийни кўради. У зотнинг бир қўлларида бир даста атиргул, иккинчи қўлларида эса бир коса хурмо бор эди. Бир даста атиргулни Абул Қосим ал-Ҳакимга берадилар. Бир коса хурмони эса Абу Мансур ал-Мотуридийга бердилар. Икковлари ҳам Абу Наср ал-Иёзийнинг шогирдларидан эдилар. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақиқат илмидан баҳраманд бўлдилар. Абул Қосим ал-Ҳаким эса ҳикмат илмига эришдилар».

*Ар-Рашиодий* الرشادي

**Рашиод** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Назр Муҳаммад ибн Исҳоқ ар-Рашиодий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исо ат-Тарсусий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Зав ал-Карминий ва Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Кўпгина катта ёшлилар у кишидан ҳадис илмидан таълим олардилар. Ишончли муҳаддис, фазилатли, тақводор ва парҳезкор эдилар. Ҳижрий 339 (милодий 951) йилда вафот этганлар».

*Ар-Разрозий* الرضراضي

**Разроза** – Самарқанддаги мавзе. Ажамий тилда «Сангрезистон» дейилади.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ар-Разрозий* шу мавзедан бўлиб, Аҳмад ибн Нажд ал-Ҳиравий, Муоз ибн Нажд ал-Ҳиравийдан ва Аҳмад ибн Ҳамдавайҳдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Солиҳ аз-Заҳабий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Руфуний* الرفوني

**Руфун** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ар-Руфуний* шу қишлоқдан. Муҳаммад ибн Бужайр ал-Бужайрийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Коғазий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ар-Рақундий* الرقندي

**Рақунд** – Самарқанд ноҳиясидаги қишлоқ.

Имом ва ҳожи *Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмунъим ар-Рақундий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Шужонинг дўстларидан эдилар. Абу Аммора ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят

қилганлар. Ҳижрий 510 (милодий 1117) йил ражаб ойининг ўн тўртинчисида, чоршанба куни 74 ёшда вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

#### *Ар-Рудафазкадий* الرودفغكدي

**Рудафазкад** – Самарқанд ноҳиясидаги қишлоқ.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Ҳанифа ал-Усурианий ар-Рудафазкадий* шу қишлоқдан. Самарқанднинг Дарбу Ғазад маҳалласида яшаганлар. Қози Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Қассор ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 508 (милодий 1115) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

#### *Ар-Рудакий* الرودكي

**Рудак** – Самарқанддаги ноҳия. Шу ноҳияда бир қишлоқ бор. Унинг номи «Панж» бўлиб, Самарқанддан икки фарсах узоқликда жойлашган. «Панж» – Рудакнинг таниқли қишлоғи.

Машҳур шоир, гўзал ва ҳикматли сўзлар соҳиби, ажам диёрида «ас-Соиру девона» (Сайёҳ девона) лақаби билан машҳур *Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ар-Рудакий ас-Самарқандий* шу қишлоқдан. Абу Абдуллоҳ Рудакий ўз замоналарининг форсийда яхши шеърлар битувчи забардаст шоирларидан эдилар. Бу киши ҳақларида шундай дейилган: «Инна аввала ман қола аш-шеър ал-жаййида бил-форсия – ар-Рудакий» (Албатта, форсийда биринчи бўлиб яхши шеър айтган Рудакийдир). Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Абу Абдуллоҳ Рудакий форсийда шеър ёзишда ўз замоналарининг пешволаридан эдилар». Бухоро амири Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг вазири Абул Фазл ал-Балъамий айтардилар: «Лайса ли ар-Рудакий фил-араби ва ла фил-ажами назийр» (Араб ва ажам диёрида Рудакийга тенг келадигани йўқ). Рудакий ҳижрий 329 (милодий 942) йилда Рудакда вафот этганлар.

*Мусо ибн Фазлавайҳ ар-Рудакий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Қабиса ибн Уқба ас-Сивой, Абдулмунъим ибн Идрис, Яхё ибн Муаййин, Яхё ибн Муоз ар-Розий ва Муҳаммад ибн Ҳумайд ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ар-Рихшаний* الربخشني

**Рихшан** – Самарқанд қишлоқларидан.

Имом *Али ибн Абу Таййиб ар-Рихшаний ал-Муборакий* Самарқанд ахлидан. Самарқандда Абу Али Ҳусайн ибн Салмон ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 520 (милодий 1127) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

#### *Ар-Ривдадий* الربوددي

**Ривдад** – Самарқанддан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ. Баъзи вақтларда бу қишлоққа Самарқанд аскарлари келиб турар эди.

*Абу Мансур Наим ибн Муҳаммад ар-Ривдадий* ҳам шу қишлоқнинг машҳур олими бўлиб, Исҳоқ ибн Наср аш-Шовзарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий

айтадилар: «Биз у кишидан ҳадислар ёзиб олардик. Улар саҳиҳ эди. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилда Самарқандда вафот этганлар».

#### *Аз-Зорий* الزّاري

**Зор** – Самарқанд Суғдидаги Иштихон қишлоқларидан.

**Яҳё ибн Ҳузайма аз-Зорий ал-Иштиханий** шу қишлоқдан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Таййиб ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Аз-Зоминий* الزّاميني

**Зомин**<sup>90</sup> («Зомиж» деб ҳам айтилади) – Самарқанд ноҳиясидаги шаҳарча. Бу ерда янтоқдан (таранжабин) олинадиган шакар тайёрланади.

**Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий** бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши тасаввуф шайхи ва зоҳид эдилар. Муҳаммад ибн Ҳамдавайҳ ас-Самарқандийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Фақиҳ ҳадис ривоят қилганлар.

**Абу Бақр Жамоҳир ибн Али аз-Зоминий** Зоминнинг қозиси ва шайхи эдилар. Самарқандга келганлар. Шайх Бишр ибн Мусодан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар ва илм ўрганиб, Зоминда ҳадислар ёзиб олганлар.

**Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ар-Розий аз-Зоминий** асли Рай аҳлидан бўлиб, Зоминда яшаб, шу ерда вафот этганлар. Муҳаммад ибн Айюб ва Ҳусайн ибн Аҳмаддан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 302 (милодий 915) йилда Зоминда вафот этганлар.

**Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад аз-Зоминий** ҳам шу шаҳарчадан бўлиб, Абул Аббос ал-Мустаффирийнинг дўстларидан эдилар. Улар илм талабида Хуросонга бирга сафар қилганлар. Кейинчалик бир ўзлари Ҳижоз ва Ироқда бўлиб, илм ўрганганлар. Зоминда Абул Фазл Илёс ибн Холид аз-Зоминийдан, Марв ва Сарахс уламоларидан таълим олганлар. Ҳижрий 415 (милодий 1025) йилда Бухорода вафот этганлар.

**Абул Ҳасан Али ибн Абу Саҳл аз-Зоминий** имом, зоҳид ва фозил кишилардан эдилар. Самарқандга келиб уламолардан дарс олганлар. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкбосийдан таълим олганлар. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йили жумодул охир ойининг охирида Самарқандда вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

#### *Аз-Зоварий* الزّاوري

**Зовар** – Суғддаги Иштихон қишлоқларидан.

**Абу Лайс Наср ибн Сайёр аз-Зоварий ас-Самарқандий** шу қишлоқдан. Кўп илм ўрганганлар. Ҳадислар жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Миср ва бошқа шаҳарларда бўлганлар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий, Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший, Саъид ибн Абу Зайдун, Аҳмад ибн Синон ал-Қаттон

<sup>90</sup> Жиззах вилоятидаги Зомин.

ва Юнус ибн Абу Лаъл ас-Садафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий, Абу Яҳё Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Каробисий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 294 (милодий 908) йилда вафот этганлар.

#### *Аз-Забибий* الزبيبي

**Забиб** арабча сўз бўлиб, майиз деган маънони англатади.

*Абул Ҳасан Али ибн Умар аз-Забибий* Самарқанд аҳлидан. Ота-боболари майиз сотишарди. Шунинг учун «аз-Забибий» деб нисбат берилган. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилларда Хуросон, Бухоро ва Самарқанд машойихларидан ҳадислар ёзиб олиб, уларни жамлаганлар. Абу Комил ал-Басирий «ал-Музофот» китобларида айтадилар: «Али ибн Умар аз-Забибий Самарқанд аҳлидан. Биз билан бирга ҳадислар ёзиб олардилар».

#### *Аз-Заргароний* الزكراني

**Заргарон** – Самарқанднинг Бузмохур қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Ҳусайн аз-Заргароний* шу қишлоқдан бўлиб, «Алп Арслон» номи билан танилган эдилар. Бу кишидан Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Наср ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳасан аз-Заргароний ҳақларида Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий куйидагича айтганлар: «У киши умрларининг охирида Самарқандда имом эдилар. Ҳижрий 519 (милодий 1126) йил рабиъул охир ойининг ўн тўққизинчисида, шанба кечаси Заргарон қишлоғида 139 ёшда вафот этганлар».

#### *Аз-Зармоний* الزرمانى

**Зармон** – Самарқанддан етти фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Мусо аз-Зармоний* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Мусаббиҳ ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Зармон қишлоғида Муҳаммад ибн Наср ал-Комаржий ас-Суғдий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Аз-Зарудизакий* الزروديزكى

**Зарудиза** – Самарқанддан тўрт фарсах узоқликда Кешнинг ортида жойлашган қишлоқ.

*Абу Яҳё Аҳмад ибн Саъид ал-Хайёт аз-Зарудизакий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Муоз ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Аз-Зағримоший* الزغرماشى

**Зағримош** (Зағримож) – Самарқанднинг катта маҳаллаларидан бири.

Имом *Умар ибн Муҳаммад аз-Зағримоший* шу маҳалладан. Бу киши Самарқанд аҳлидан бўлиб, Абдак кўчасида яшардилар. Халифа Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор замонларида Самарқандда имом-хатиб эдилар. Тохир ибн Абдулвоҳид ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 453 (милодий 1062) йилнинг зулқаъда ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 523 (милодий 1130) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

### *Аз–Законий* الزكّاني

**Закон** Самарқанд Суғдидаги қишлоқ бўлиб, Размоз билан Комаржа оралиғида жойлашган.

*Абу Бакр Мухаммад ибн Мусо аз–Законий* шу қишлоқдан бўлиб, Мухаммад ибн Мусаббиҳ ал–Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан эса Мухаммад ибн Наср ал–Комаржий ҳадис илмидан таълим олганлар.

### *Ас–Соғаржий* السّاغري

**Соғарж** Самарқанддан беш фарсах узоқликда жойлашган Суғддаги қишлоқ бўлиб, Иштихон ноҳиясида.

*Абу Назр Мухаммад ибн Хотам ас–Соғаржий ас–Сугдий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Бакр Мухаммад ибн Абдуллоҳ ал–Мустамлий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

*Яъло ибн Анас ас–Соғаржий* ҳам шу қишлоқдан. Абу Саъд ал–Идрисий айтадилар: «Биз билан бирга Абу Жаъфар Мухаммад ибн Иброҳим ал–Фарғонийдан ва Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан–Насафийдан таълим олардилар».

*Абу Наср Аҳмад ибн Фараж ас–Соғаржий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ, фозил ва солиҳ кишилардан эдилар. Ҳамма фарзандлари олим эди. Юсуф ибн Солиҳдан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг рабиъул аввал ойида Самарқандда вафот этиб, Чоркардиза қабристонидан дафн қилинганлар.

Ўғиллари *Абул Маҳомид Маҳмуд ибн Аҳмад ас–Соғаржий* Самарқанднинг шайх ал–исломи эдилар. Бу киши фозил, муфтий, иқтидорли, фикҳий масалаларни теран англовчи ва кўп ибодат қилувчи эдилар. Бухоро муҳаддислари ва фақиҳларидан ҳадис ва фикҳ илмидан таълим олганлар. Самарқандда Абу Муин Макхул ибн Мухаммад ан–Насафий ва Мухаммад ибн Абу Бакр ал–Аттобийдан таълим олганлар. Самарқандда у кишидан Абул Лайс ас–Самарқандийнинг «Танбиҳ ул–ғофилин» («Ғофилларга танбех») китобларидан таълим олганман. Бизнинг ўртамизда жуда яқин улфатлик ва дўстлик ришталари бор эди. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йилнинг жумодул охир ойида таваллуд топганлар.

*Юсуф ибн Солиҳ ас–Соғаржий* имом–хатиб эдилар. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас–Санкбосийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ан–Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда вафот этиб, «ал–Имом ал–фарро» қабристонидан дафн қилинганлар.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Бахтиёр ас–Соғаржий* Самарқанднинг Солиҳ кўчасида яшар эдилар. Самарқанднинг «Раъсу сиккати ҳоити ҳайён» (Ҳайён кўчаси боши) мадрасасида дарс берардилар. Ҳижрий 502 (милодий 1109) йил сафар ойининг учинчи куни, жума кечаси вафот этганлар. «Раъсу қантарату Ғатфар» қабристонидан дафн қилинганлар.

### *Ас–Сибоий* السّباعي

**Сибо** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Али Ҳасан ибн Али ибн Сибо ас–Самарқандий* «Ибн Абул Ҳасан ас–Сибоий ал–



Андоқий» номи билан танилган эдилар. Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштиханий ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Наср ибн Фатҳ ва Иброҳим ибн Ҳамдавайҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Сурхакатий* السرخكتي

Садр ул-афозил (фозилларнинг пешвоси) Қосим ибн Ҳусайн ал-Хоразмий «Салот ар-райёҳин» («Хушбўй салавот») китобларида айтишларича: «Мовароуннаҳрда «Сурхакат» номли иккита қишлоқ бор: биринчиси Хузор ноҳиясида, иккинчиси эса Усрушана ноҳиясида». Сурхакат – Самарқанддаги шаҳарча.

Имом *Маждуддин ас-Сурхакатий* Хузор<sup>91</sup> ноҳиясидаги Сурхакат қишлоғидан.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурхакатий* аввал Самарқанд фақиҳларидан, кейинчалик Бухорога келиб, бу ернинг фақиҳларидан таълим олганлар. Назарлари ўткир, ҳар бир саволга хужжат-далил билан жавоб берар эдилар. Абул Маолий Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайнийдан таълим олганлар. Ҳижрий 518 (милодий 1125) йил зулҳижжа ойининг биринчисида, жума куни Самарқандда вафот этиб, жанозалари хайит намози куни ўқилган. Тобутлари Бухорога олиб келиниб, шу ерда дафн қилинганлар.

#### *Ас-Суғдий* السغدي

**Суғд** – Самарқанд ноҳияларидан. Бу ноҳия жуда серсув, дарахтлари чиройли, боғ ва яшил ўсимликлари кўпдир. Бу ернинг гўзаллиги ҳақида бир қатор ҳикоятлар ёзилган. Бу макондан кўплаб олимлар етишиб чиққанлар.

Қози *Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ас-Суғдий* Бухорода яшаганлар. Гўзал мунозара килувчи фозил имом эдилар. Кўпгина уламодан таълим олганлар. Ҳижрий 461 (милодий 1070) йили Бухорода вафот этганлар.

#### *Ас-Саконий* السكاني

**Сакон** – Суғднинг Арбинжан (Рабинжан) қишлоқларидан.

*Абу Али ас-Саконий* шу қишлоқдан. Номлари ва насаблари ҳақида маълумот берилмаган. Саъид ибн Мансурдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса фақиҳ Иброҳим ибн Ҳамдавайҳ ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Самъоний* السمعاني

**Самъон** – боболарининг исмига берилган нисбат. Уларнинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Фақиҳ *Абул Аббос Муҳаммад ибн Самъон ас-Самъоний* Самарқанд аҳлидан. Оталарининг исми Самъон бўлганлиги учун бу кишига «ас-Самъоний» деб нисбат берилган. Бу киши машҳур фақиҳлардан эдилар. «Наводир ва мазох» («Нодир аскиялар») китобининг муаллифи. Муҳаммад ибн Зав ал-Карминий, Саҳл ибн Мутаваккил ал-Бухорий, Юсуф ибн Али ал-Аббор ва Наим ибн Ноим ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 348

<sup>91</sup> Қашқадарёдаги Ғузор.

(милодий 960) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

*Абу Али Наср ибн Усмон ал-Боҳилий ас-Самарқандий* ҳам «Ас-Самъоний» номи билан машҳур бўлганлар. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида зикр қилганлар ва айтганлар: «Абу Али фозил киши, ишончли олим эдилар, ханафий мазҳабида эдилар. «Ас-Самъоний» номи билан танилгандилар. Илм аҳлини жуда яхши кўрариб, уларга илтифот кўрсатардилар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йили рабиъул охир ойига 10 кун қолганда, жума куни Самарқандда вафот этганлар».

#### *Ас-Самижаний* السَّمِجَانِي

**Самижан** Самарқанд қишлоқларидан бўлиб, Музн қишлоғи яқинида жойлашган.

*Ҳасан ибн Ҳусайн ас-Самижаний ал-Музний* шу қишлоқдан бўлиб, Фазл ибн Ҳасан ал-Аздийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад ал-Боҳилий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ас-Санжадизакий* السَّنْجَدِيكِي

**Санжадиза** (Санкадиза деб ҳам айтилади) – Самарқанд маҳаллаларидан. Бир ривоятда «Самарқанд қишлоқларидан» дейилган.

Қози *Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб ас-Санжадизакий* шу қишлоқдан бўлиб, парҳез ва тақво соҳиби эдилар. Умар ибн Абу Муқотил вафотларидан сўнг у кишининг ўринларига қози бўлдилар. Абу Муқотилнинг икки ўғли – Солим ва Умардан; Исо ибн Язид ал-Фарро, Абу Исҳоқ ат-Толиқоний, Исмоил ибн Абу Увайс ҳамда Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса қози Муҳаммад ибн Жаноҳ ас-Санжадизакий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 240 (милодий 855) йилнинг шаъбон ёки шаввол ойида вафот этганлар.

*Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Холид ас-Санжадизакий* асли марвлик бўлиб, Санкадиза қишлоғида яшаганлар. Шунинг учун бу нисбат берилган. Муҳаммад ибн Жаҳон ал-Марвазий, Хорижа ибн Мусъаб ас-Сарахсий, Мансур ибн Абдулҳамид, Абдуллоҳ ибн Муборак ва Нух ибн Абу Марям ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Лайс ибн Таййиб, Осим ибн Абдураҳмон ал-Хузойй ва Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар. Санкадиза қишлоғида вафот этганлар. Қабрлари ҳам ўша ерда.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Жаноҳ ас-Санжадизакий* ҳам шу маҳалладан. Бу киши Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги Катта Қатавон қишлоғида работ курганлар. Абу Аҳмад аз-Зоҳид ал-Мутаввиъийнинг опаларининг ўғли. Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб ас-Санжадизакий, Ҳайсам ибн Жунайд ал-Қози ва Солиҳ ибн Мисмор ал-Кушмиханийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 305 (милодий 918) йили сафар ойига уч кун қолганда вафот этганлар.

#### *Ас-Санжуфиний* السَّنْجَفِيي

**Санжуфин** – Самарқанд яқинидаги Усрушана қишлоқларидан.

Фақиҳ *Абу Али Исмоил ибн Абдураҳмон ас-Санжуфиний* Самарқанднинг

фақиҳларидан эдилар. Бу кишидан Муҳаммад ибн Ислом ал-Қатавоний ва Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ас-Санкабосий* السَّنْكَابِيُّ

**Санкабос** – Самарқанднинг Арбинжан қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Аҳмад ибн Раби ас-Санкабосий* шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ Абдусамад ибн Абдулазиз ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 406 (милодий 1016) йилда вафот этганлар.

*Аш-Шобжаний* الشَّابِجِيُّ

**Шобжан** – Самарқанд ноҳиясидаги Суғд қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Мансур аш-Шобжаний ал-Мухтасиб* шу қишлоқдан бўлиб, лақаблари «Чопон» эди. Шу лақаб билан шуҳрат қозонгандилар. Саъид ибн Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафийнинг суҳбатдошларидан.

*Аш-Шоҳиний* الشَّاهِينِيُّ

**Шоҳин** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад аш-Шоҳиний ас-Самарқандий* асли форс бўлиб, Самарқандда туғилиб, шу ерда ўсганлар. Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий, Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушонийдан таълим олганлар. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ва Самарқанднинг бир гуруҳ уламолари бу кишидан таълим олганлар. Кўп хайрли ишлар қилардилар. Фақиҳларга кўп хайру эҳсон берардилар. Ҳижрий 454 (милодий 1063) йил зулқаъда ойининг ўнинчисида вафот этганлар.

*Аш-Шоҳавайҳ* الشَّاهَوِيَه

**Шоҳавайҳ** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Муҳаммад ибн Иброҳим аш-Шоҳавайҳ ас-Самарқандий* машҳур муҳаддис Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандий ва Аҳмад ибн Мансур ар-Рамодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Амр ал-Усфурий ас-Самарқандий ва Аҳмад ибн Солих ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 297 (милодий 910) йилда вафот этганлар.

*Аш-Шиблий* الشَّيْبَلِيُّ

**Шиблия** – Усрушана қишлоқларидан.

Сўфий, шайх *Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар аш-Шиблий* шу қишлоқдан.

*Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шовзон аш-Шиблий* Усрушана аҳлидан. У ерда бир қишлоқ бор, номи – Шиблий. У кишининг тоғалари амир ал-умаро (амирларнинг амири) бўлганлар. Искандарияда аш-Шиблий тасаввуфда машойихларнинг билимдони эдилар. Ҳижрий 334 (милодий 946) йили Бағдодда вафот этганлар. Қабрлари машҳур бўлиб, зиёрат қилинади. Қабрларини бир неча марта зиёрат қилганман.

### *Аш-Шикистоний* الشكستاني

**Шикистон** – Иштихон қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ аш-Шикистоний ал-Ҳофиз* юз минг ҳадисни ёддан билар эдилар.

### *Аш-Шалжикатий* الشلجكتي

Имом *Абдулмажид ибн Юсуф ас-Шалжикатий* Самарқанд фақиҳларидан таълим олганлар. Устозлари Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Футухийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўғиллари Али ибн Абдулмажид ўзларидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 457 (милодий 1066) йилнинг жумодул охир ойида Самарқандда 80 ёшда вафот этганлар.

### *Аш-Шалжий* الشلجي

*Юсуф ибн Яҳё аш-Шалжий* фозил имом эдилар. Абу Али Ҳусайн ибн Сулаймон ал-Балхийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Абдуллоҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Абдулмажид аш-Шалжий* ҳижрий 442 (милодий 1051) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 523 (милодий 1130) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

### *Аш-Шухнокий* الشوخنائي

**Шухнок** – Самарқанд қишлоқларидан. «Менинг кўлимдаги «Луб ал-лубоб» («Оқилларнинг оқили») китобининг нусхасида «Шухнока» дейилган. Аммо «Муъжам ал-булдон» («Шаҳарлар қомуси») китобида эса «Шухнон» дейилган» (Абдуллоҳ Умар ал-Борудий).

*Абу Бакр Аҳмад ибн Халаф аш-Шухнокий* шу қишлоқдан. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийдан, Ҳомид ибн Халаф ал-Қаттондан, Яъқуб ибн Исмоил ал-Хаффофдан ва Ҳотам ибн Равҳ ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Муҳаммад ибн Аҳмад, Бакр ибн Муҳаммад ал-Варасиний ва Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кушоний ҳадис ривоят қилганлар.

### *Аш-Шамидизакий* الشميديزكي

**Шамидиза** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шамидизакий* шу қишлоқдан бўлиб, Ҳасан ибн Али ал-Ҳаллол ва Муҳаммад ибн Яҳё ал-Аданийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳасан ҳадислар ровийси бўлганлар.

### *Ас-Соғаржий* الصاغري

**Соғарж** Суғднинг мусаффо ҳаволи катта қишлоқларидан бўлиб, бу ердан илгари ва ҳозир жуда кўп олим ва имомлар етишиб чиққанлар.

*Абу Аҳмад Ҳасан ибн Али ас-Соғаржий ад-Дехқон* Абу Ҳанифа мазҳабининг олими бўлиб, чиройли хулқли, фазл ва карам соҳиби эдилар. Ҳадис ривоят қилмаганлар. Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштиханий ва Абу Умайя Аббос ибн Таййиб ас-Соғаржийдан «Китоб ат-тафсир»ни ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Ҳижрий 360 (милодий 972) йили у кишидан шу китобни ёзиб олдик, икки йилдан сўнг вафот этдилар».

*Ас-Сайрафий* الصيرفي

**Сайраф** – сарроф, пул алмаштирувчи дегани.

*Абул Қосим Али ибн Аҳмад ас-Сайрафий ал-Форисий* Самарқандда вафотларига қадар яшаганлар. Ишончли шайх ва тўғри сўз муҳаддис эдилар. Абу Усмон Саъид ибн Абу Саъид ас-Суфий ва Абу Бакр Аҳмад ибн Мансур ал-Мағрибийдан таълим олганлар. 113 йил умр кўрганлар. Ҳижрий 515 (милодий 1122) йилнинг жумодул аввал ойида Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристониде дафн қилинганлар.

*Ат-Тоҳирий* الطاهري

*Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Таййиб ат-Тоҳирий* Самарқанд аҳлидан бўлиб, амир Тоҳир ибн Ҳусайннинг авлодларидан. Самарқандда узоқ муддат халифа ва имом-хатиб эдилар. Шофеъий мазҳабида бўлганлар. Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Каробисий ва Абу Назр ар-Рашодийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз айтадилар: «Бир куни у кишининг қўлларида Абу Муҳаммад ал-Боҳилийнинг «Фазоилу Самарқанд ва машойихуҳо» («Самарқанд ва унинг машойихларининг фазилатлари») китобида у киши ривоят қилган ҳадисни кўрдим. Ҳижрий 389 (милодий 1000) йилда вафот этганлар».

*Ал-Усфурий* العسфري

**Усфур** арабча сўз бўлиб, рангрез, мато бўёвчи маъноларини англатади.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий* Самарқанд аҳлидан. Фозил, илмга тиришқоқ, бу йўлда қийинчиликдан қўрқмайдиган ва сафар қилувчилардан эдилар. Буюк уламолардан, жумладан, Абу Ҳотам ар-Розий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исо ат-Тарсусий, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Басрийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муътамар ибн Жибрил ал-Карминий таълим олганлар.

Акалари *Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий* Аллоҳнинг солиҳ, фозил, такводор ва парҳезкор бандаларидан эдилар. Илм олишга ниҳоятда қизиқардилар. Ироқда бўлиб, Иброҳим ибн Исҳоқ ал-Ҳарбий ва Муҳаммад ибн Юнус ал-Кудаймийдан ҳадис ёзиб олганлар. Самарқанд жомеъ масжидида жума намозига йиғилар эдилар. Абу Саъд ал-Идрисий ва Абул Фазл Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Коғазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 348 (милодий 960) йилда вафот этганлар.

*Ал-Аллуий* العلوي

*Абу Назр Муҳаммад ибн Бакр ал-Аллуий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Катта боболарининг исмлари – Аллуя. Шунинг учун бу кишига «ал-Аллуий» нисбати берилган.

Умар ибн Муҳаммад ибн Бужайр ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 337 (милодий 949) йилда ҳаж қилгандан кейин Бағдодга келганлар.

*Ал-Уннобий* العنّابي

*Абу Зуръа Муҳаммад ибн Саҳл ал-Астрободий* Астробод аҳлидан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. «Ал-Уннобий» нисбати билан машҳур бўлганлар. Вафотларига қадар Самарқанд муҳаддисларидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилдан олдин Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Иёзий* العياضي

**Иёз** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Иёзий* – Самарқанд аҳлидан бўлиб, Абу Аҳмад ибн Абу Наср ал-Иёзийнинг акалари. Бу киши Самарқанд шаҳрининг раиси ва кучли фақиҳи эдилар. Халқ у зотни яхши кўрар эди.

*Ал-Ғотфарий* الغاتفري

**Ғотфар** – Самарқанддаги мавзе. Шаҳар ичида у ер «Раъсу қантарату ғотфар» дейилар эди. У Самарқанд маҳаллаларидан бўлиб, катта ва чиройли.

*Абул Фазл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ғотфарий ас-Саффор* шу маҳалладан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандийдан ҳадис илмидан кўп таълим олганлар. Хос муҳаддислардан бўлиб, ривоят қилган ҳадислари ишончли эди. Абу Саъд ал-Идрисий шу зотдан таълим олганлар. Ҳижрий 310 (милодий 923) йилнинг рабиъул охир ойида таваллуд топиб, ҳижрий 378 (милодий 989) йилда вафот этганлар.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғотфарий* ҳам шу маҳалла аҳлидан бўлиб, Аҳмад ибн Али ал-Афлаҳдан ҳадис ривоят қилганлар. Ривоят қилган ҳадислари тўғри эди. Ўзларидан эса Иброҳим ибн Ҳамдавайҳ ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

*Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Ғотфарий* имом, фозил, солиҳ, кўп ибодат қилувчи ва тиришқоқ эдилар. Абу Бакр ал-Баладий ва Абу Муҳаммад ал-Қатавонийдан таълим олганлар. Самарқандда у кишидан таълим олганман. Ҳаж қилганимиздан сўнг Марвга келдик. Ҳижрий 549 (милодий 1155) йилнинг муҳаррам ойида Ҳижоздан қайтаётганимизда Файдда (Ироқ ноҳиясидаги Наждга яқин қалъада) вафот этганлар.

*Ал-Ғудовадий* الغداودي

**Ғудовад** – Самарқанддан бир фарсах узоқликдаги маҳалла.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ғудовадий* шу маҳалладан бўлиб, Имрон ибн Мусо ас-Сижистоний ал-Журжонийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Ғурминавий* الغرمينوي

**Ғурминаво** – Самарқанддан икки-уч фарсах узоқликда жойлашган Моймарғдаги қишлоқ (рустоқ).

*Абу Саъид Мухаммад ибн Шибл ал-Фурминавий* шу қишлоқдан.

*Ал-Ғушдоний* الغشدياني

**Ғушдон** – Самарқанд қишлоқларидан бўлиб, Шовзар тоғи яқинида жойлашган.

*Абу Мансур Ғолиб ибн Ҳасан ал-Ғушдоний* шу қишлоқдан бўлиб, Исмоил ибн Ҳотам ал-Арбинжаний ал-Каробисийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Биз Самарқандда у кишидан ҳадис ёзиб олганмиз. Самарқандда вафот этганлар».

*Ал-Ғунжирий* الغنجيري

**Ғунжир** – Самарқанд Суғдидаги қишлоқ.

*Абул Фазл Мухаммад ибн Муъзил ал-Ғунжирий* фақиҳ эдилар. Бу кишидан Абу Мухаммад Абдулазиз ибн Мухаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз таълим олганлар ва устозлари ҳақида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб ал-Кушоний ал-Ғунжирий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ, фозил, чиройли сийратли, муфассир, воиз ва камтарин эдилар. Кушония билан Самарқанд оралиғидаги масофа ўн икки фарсахдир. Кушонияда Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Хатибдан, Самарқандда Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал-Харротдан ва Бухорода Абу Бакр Мухаммад ибн Ҳасан ан-Насафийдан таълим олганлар. Шайх ул-ислом Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Соғаржийнинг ўринларига Самарқанд жомеъ масжидида имом-хатиб бўлганлар. Ҳижрий 478 (милодий 1086) йилнинг зулқаъда ойида Ғунжир қишлоғида таваллуд топиб, ҳижрий 553 ёки 554 (милодий 1159 ёки 1160) йилда вафот этганлар.

*Ал-Ғурашкий* الغوراشكي

**Ғурашк** – Самарқанд ноҳиясидаги қишлоқ.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Шоҳак ал-Ғурашкий* имом-хатиб эдилар. Самарқандда яшардилар. Қози Абу Наср Мансур ибн Аҳмад ал-Ғазакийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 521 (милодий 1128) йилнинг жумодул аввал ойида 83 ёшда вафот этганлар.

*Ал-Фороний* الفاراني

**Форон** икки жойга берилган нисбат: бири Ҳижоздаги Форон тоғи, иккинчиси эса Самарқанддаги Форон қишлоғи. Бу қишлоқ Самарқанд билан Иштихон оралиғида бўлиб, Самарқанддан тўрт фарсах узоқликда жойлашган.

*Абу Мансур Мухаммад ибн Бакр ас-Самарқандий ал-Фороний* шу қишлоқдан бўлиб, Мухаммад ибн Зав ал-Карминий ва Наср ибн Аҳмад ал-Киндий ал-Ҳофиз ал-Бағдодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳасан Мухаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қоғазий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Форёбий* الفاريابي

**Форёб** (ажамий тилда «Борёб» деб айтилади) Хуросондаги машҳур шаҳар бўлиб, Балх

ноҳиясида Амударёнинг ғарбий томонида жойлашган<sup>92</sup>.

*Абу Имрон Мусо ибн Аҳмад ал-Форёбий* Самарқандда яшаганлар. «Ибн Абу Ҳотам» номи билан танилган эдилар. Кўп уламодан таълим олиб, Суфён ибн Уяйна ва Ваки ҳамда бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Исом ал-Қатавоний, Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Фогий* الفاغيس

**Фог** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Али ибн Олим ал-Фогий ас-Самарқандий* шу қишлоқнинг ҳокими ва имоми эдилар. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкбосийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 511 (милодий 1118) йилнинг сафар ойида вафот этганлар. Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

Акалари *Абу Ҳафс Умар ал-Фогий* ҳижрий 493 (милодий 1101) йилнинг зулкаъда ойида вафот этганлар.

*Ал-Фаробий* الفرائي

**Фароб** Самарқанддан саккиз фарсах узоқликдаги қишлоқ бўлиб, Сакий қишлоғи яқинида жойлашган.

*Абул Фатҳ Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Фаробий* шу қишлоқда яшаганлар. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Форисий ва Абул Маолий Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайний ал-Ҳофиздан таълим олганлар. У кишига Абул Маолий томонидан берилган ижозат хатини кўрганман. Устозлари томонидан таълиф қилинган тахминан ўнта китобни шу кишида ўқидим. Насафда бўлганимда менга у зот 550 (милодий 1156) йилнинг арафа куни Фароб қишлоғида вафот этганлари ҳақида хабар келди. Ҳижрий 465 (милодий 1073) йили Самарқанднинг Харкон қишлоғида таваллуд топган эдилар.

*Ал-Фаржой* الفرجائي

**Фаржаё** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Фаржой* шу қишлоқдан. Бу кишидан Абул Ҳасан Али ибн Абдурахмон ал-Омулий таълим олганлар.

*Ал-Фардадий* الفرددي

**Фардад** Самарқанд қишлоқларидан бўлиб, Музн (Самарқанддан уч-тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ) яқинида жойлашган.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мансур ал-Фардадий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Айюб ар-Розий, Муҳаммад ибн Усмон ва Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбалдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Али ал-Кабузанжакатий ҳадис ривоят қилганлар.

---

<sup>92</sup> Ҳозир Хайробод деб номланади. Уни ўраб турувчи қадимий қалъа бор. «Булдон ал-хилофа аш-шарқийя» (Шарқ мамлакатларининг харитаси) китоби, 467–468-бетлар.



*Ал-Фарзомитаний* الفرزاميتي

**Фарзомитан** – Самарқанд маҳаллаларидан.

*Абу Мусо Исо ибн Абдак ал-Фарзомитаний* асли шошлик бўлиб, шу маҳаллада яшаганлар. «Жаллоб» (Одамларни ўзларига жалб этувчи) номи билан танилган эдилар. Ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 310 (милодий 923) йилдан кейин вафот этганлар.

*Ал-Фаранкадий* الفرانكدي

**Фаранкад** («Афранкад» деб ҳам айтилади) – Самарқанддан беш фарсах узоқликда жойлашган Иштихон қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Бакр ибн Масъуд ал-Фаранкадий ас-Сугдий* шу қишлоқдан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Ҳаммод ал-Омулий, Абдусамад ибн Фазл ал-Балхий, Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ал-Боҳилий ва Саъд ибн Хушном ас-Самарқандийдан таълим олганлар.

*Аҳмад ибн Абдулвоҳид ибн Мансур ал-Афранкадий* фақиҳ, фозил, мударрис ва Фаранкад қишлоғининг муфтийси эдилар. Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бамижкатийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 527 (милодий 1134) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

*Ал-Фағидизий* الفغيدزي

**Фағидиза** – Самарқанд маҳаллаларидан.

*Абул Аббос Фазл ибн Мансур ал-Фағидизий* шу маҳалладан бўлиб, буюк уламолардан таълим олганлар.

*Абу Тоҳир Усмон ибн Абу Аҳмад ал-Кушоний ал-Фағидизий* Кушония аҳлидан бўлиб, Самарқанднинг Фағидиза маҳалласида яшаганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий шу кишидан ҳадис ривоят қилганлар ва айтганлар: «Ҳижрий 514 (милодий 1121) йилнинг ражаб ойида 76 ёшда вафот этиб, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар».

*Ал-Фуқоий* الفقاعي

Қози *Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Фуқоий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ал-Касбавийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 507 (милодий 1114) йили Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Фанакий* الفنكي

**Фанак** – Самарқанд шаҳридан ярим фарсах узоқликдаги кўча.

*Абул Фазл Аббос ибн Фазл ал-Фанакий* шу кўчадан бўлиб, кўп олимдан таълим олганлар.

*Ал-Фурфорий* الفورفاري

**Фурфора** – Самарқанддан бир ярим фарсах узоқликдаги Арбинжан (Рабинжан)

ноҳиясидаги қишлоқ.

*Сулаймон ибн Муоз ас-Сугдий ал-Фурфорий* шу қишлоқдан. Муҳаддис олимлардан эдилар. Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Кеший ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Арбинжаний ал-Фурфорий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фозил ва муҳаддис эдилар. Муҳаммад ибн Башшор, Солиҳ ибн Мисмор ал-Кушмиҳаний ва Ҳусайн ибн Ҳорис ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмаил ал-Мукри ас-Самарқандий таълим олганлар.

*Ал-Файйи* الفَيّي

**Фай**<sup>93</sup> Самарқанд Суғдидаги қишлоқ бўлиб, Иштихон билан Кушония<sup>94</sup> оралиғида жойлашган.

*Сароб ал-Файйи* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Имом ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса шайх Муҳаммад ибн Ҳасан ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Китоб ал-икмол» («Мукаммал китоб») асарида зикр қилганлар.

*Ал-Қибобий* القَبَابِي

**Қибоб** – Самарқанддаги мавзе. Нишопурда ҳам шу номда мавзе бор.

*Аҳмад ибн Луқмон ас-Самарқандий ал-Қибобий* Самарқанд аҳлидан. Рай муҳаддисларидан таълим олганлар.

*Ал-Қузғундий* القَزْغُنْدِي

**Қузғунд** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Қосим ибн Саҳл ал-Қузғундий* шу қишлоқдан. Ҳорис ибн Асад ал-Атакий ад-Дабусийдан ҳадис ёзиб олганлар.

*Ал-Қатавоний* القَطَاوَانِي

**Қатавон** – Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги катта қишлоқ. Бу ерда жомеъ масжиди, минбар ҳамда шаҳидлар зиёратгоҳи бор. Самарқанд аҳли «Қатвон» дейди. Менимча, «Қатавон» бўлиши керак. Зиёратга борганимда икки кеча шу қишлоқда тунадим.

*Абу Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қатавоний* шу қишлоққа мансуб бўлиб, машҳур имом, муфассир, муфтий ва воиз эдилар. Жума намозидан келаётганларида туяларидан йиқилиб тушиб, бўйинлари синиб, эртаси куни вафот этганлар. Бу воқеа ҳижрий 506 (милодий 1113) йилда бўлган экан.

*Исмоил ибн Муслим ал-Қатавоний* шайх эдилар. Қатавонда Муҳаммад ибн Умар ал-Муқаддаимийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аббос ибн Фазл ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар. «Тарихи Самарқанд» китобининг муаллифи Абу Саъд

<sup>93</sup> ҳозирги Нарпай.

<sup>94</sup> ҳозирги Каттақўрғон.

ал-Идрисий: «У шу қишлоқ аҳлиданми ёхуд шу қишлоқда яшовчими, билмадим», – деганлар.

*Абу Али Ҳасан ибн Али ал-Қатавоний ал-Ҳофиз* Самарқанднинг Қатавон қишлоғидан бўлиб, Абул Қосим Ҳамза ибн Муҳаммаддан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Оталари *Али ибн Муҳаммад ал-Қатавоний* ҳижрий 484 (милодий 1092) йил рамазон ойининг охирларида вафот этганлар.

Имом *Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Қатавоний ас-Самарқандий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 513 (милодий 1120) йил рабиъул охир ойининг охирларида вафот этиб, Самарқанддаги катта маҳалла Чокардизанинг «Машҳад ул-аимма» (Имомлар қабристони) олдида дафн қилинганлар.

#### *Ал-Қухандузий* القهندوزي

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Қухандузий ас-Самарқандий* Самарқанд «кухандуз»идан. Бу киши ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Самарқанд» китобларида зикр қилганлар ва айтадилар: «Маъруф ибн Ҳассон ва Аммор ибн Насрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Саҳл ибн Халаф ва Исмаил ибн Масъуд ҳадис ривоят қилганлар».

#### *Ал-Қайсарий* القيصري

*Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қайсарий* Самарқанд аҳлидан бўлиб, фозил, зўр илмли, тўғри сўз, ҳадис ривоят қилувчи эдилар. Ҳижрий 301 (милодий 914) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Корзаний* الكارزي

**Корзан**<sup>95</sup> – Самарқанддаги қишлоқ ёки ноҳия. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Корзан – Самарқанд Суғдидаги Арбинжан яқинидаги қишлоқ».

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Корзаний ал-Арбинжаний* бу нисбат билан машҳурдилар. Бу киши Корзан қишлоғининг раиси эдилар. Ота-боболари муҳаддис бўлиб, улардан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Арбинжан қишлоғида бу кишидан ҳадис ёзиб олганмиз. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилда Арбинжан қишлоғида вафот этганлар».

#### *Ал-Қоғазий* الكاغذي

Қоғоз тайёрлаб, уни сотиш Шарқда илгари фақат Самарқандда йўлга қўйилган.

*Абу Тавба Саъид ибн Ҳошим ал-Қоғазий ас-Самарқандий* бу нисбат билан машҳурдилар. У киши – ҳадис жамлаган муҳаддис. Амр ибн Осим ал-Килабий ва Қабиса ибн Уқбадан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 259 (милодий 874) йилда вафот этганлар.

---

<sup>95</sup> Ҳозирги Хўжа Корсон.

*Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Коғазий* ҳам Самарқанд аҳлидан. Хуросонда «Коғаз ал-Мансурий» номи билан машхур бўлганлар. Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший, Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Жамол ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ ал-Исфохоний, Абу Бакр Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Бухорий таълим олганлар. Ҳижрий 423 (милодий 1033) йилнинг зулқаъда ойида Самарқандда вафот этганлар.

*Абу Али Ҳасан ибн Носир ал-Коғазий* ҳам Самарқанд аҳлидан. «Ад-Дехқон» номи билан танилган эдилар. Бу кишига «Коғаз ал-Ҳасаний» деб нисбат берилган эди. Тайёрлаган қоғозлари ниҳоятда чиройли, оппоқ ва сифатли эди. Ўзлари ҳам мохир уста эдилар. Самарқанд имло мажлисларида бу кишининг қоғозларидан фойдаланиларди. Ҳасан Коғазий одобу ахлоқда ягона, тўғри сўз, фақиҳ олим ҳам эдилар. Бу кишидан кўп олимлар таълим олганлар.

#### *Ал-Кабузанжакатий* الكبودنجکتی

**Кабузанжакат** (Кабуданжакат) – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги шаҳар. Бу ердан кўп олим етишиб чиққан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Кабузанжакатий* шу шаҳардан. Бу киши шу шаҳарнинг ишончли ҳукмоларидан (донишмандларидан) эдилар. Абу Саъд ал-Идрисий бу зотдан таълим олганлар. Ҳижрий 377 (милодий 988) йилда Кабузанжакасда вафот этганлар.

Сингиллари *Фотима бинт Али ибн Нуъмон ал-Кабузанжакатия* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Назр ибн Расул ал-Яздодийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Саъд ал-Идрисий айтадилар: «Биз Фотимадан Кабузанжакатда ҳадис ёзиб олганмиз. У кишининг эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Ҳижрий 380 (милодий 991) йили Кабузанжакатда вафот этганлар»<sup>96</sup>.

#### *Ал-Кабудий* الكبودی

**Кабуд** – Самарқанддан тўрт фарсах узоқликда жойлашган Суғд ноҳиясидаги Форонга яқин машхур қишлоқ.

*Саъид ибн Ражаб ал-Кабудий* шу қишлоқдан бўлиб, муҳаддис олимлардан эдилар. Муҳаммад ибн Ҳамза ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Аҳмад ибн Солиҳ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Кадакий* الكدکي

**Кадак** – Самарқанддаги ноҳия.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ал-Кадакий* Самарқанд аҳлидан. Ҳофиз ал-Қуръон ва имом эдилар. Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али ал-Ҳофиз ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 471 (милодий 1079) йилнинг шаъбон ойида вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинганлар.

#### *Ал-Каданий* الكدنی

<sup>96</sup> Биби Кабўтпўш қабристонига дафн қилинганлар.

**Кадан** – Самарқанд қишлоқларидан.

Имом *Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Али ал-Каданий* шу қишлоқдан бўлиб, фозил имом эдилар. Бир йили Самарқандга қурғоқчилик келади. Ўшанда Абдуллоҳ ал-Каданий жамоа билан истиско (сув ва ёмғир сўраш) намозини ўқиб, шундай дуо қилганлар: «Эй Парвардигор! Биз гуноҳкор бандаларингга хазоини ғайбингдан ёмғир ёғдиргин. Чунки мажусийлар жамланишиб, бизни масхара қилишиб, бизга қараб ўтиришибди. Улар биз истиско намозини ўқиётганимизни билишади. Парвардигоро! Душманлар олдида бизни хижолат қилмагин. Агар ёмғир ёғдирмасанг, биз нажот топмаймиз». Дуо қилишлари билан ёмғир ёққан.

Абдуллоҳ ал-Каданий ҳижрий 402 (милодий 1012) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 483 (милодий 1091) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

*Ал-Касоданий* الكسادي

**Касодан** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Суфён ал-Касоданий* шу қишлоқдан. Бу кишидан Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ўзлари эса боболари Суфён ибн Рамазон ва Муҳаммад ибн Суфёндан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Кушоний* الكشاني

**Кушония**<sup>97</sup> – Самарқанд ноҳиясидан ўн икки фарсах узоқликда жойлашган Суғддаги шаҳар. Бу шаҳардан кўп олим, фақиҳ, фозил ва муҳаддислар етишиб чиққанлар.

*Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушоний ал-Ҳожибий* Кушония аҳлидан. Дунёда Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобларини Абу Абдуллоҳ ал-Фарабрийдан ривоят қилган охириги муҳаддис олим. Жаҳонда Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларини Абу Абдуллоҳ ал-Фарабрийдан ривоят қилган бирорта ҳам ровий қолмаган вақтда – ҳижрий 316 (милодий 929) йилда оталари билан Фарабрга (Амударё бўйидаги Бухорога яқин шаҳарга) бориб, ал-Фарабрийдан Имом ал-Бухорийнинг мазкур китобларини таълим олганлар. Бу киши – кушониялик солиҳ шайх, ишончли ва машҳур муҳаддис. Бу зотдан таълим олиш учун кўп киши келарди. Абул Аббос ал-Мустағфирий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Али ал-Абивардий, Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Абу Наим Абдулмалик ибн Муҳаммад ал-Астрободий ва Муҳиб ибн Салим шулар жумласидандир. Бухородан қайтгач, икки кундан кейин ҳижрий 391 (милодий 1002) йили Кушонияда вафот этганлар.

*Абул Фатҳ Маймун ибн Тоҳир ал-Кушоний ал-Ҳожибий* ҳам Кушония аҳлидан. Бу киши қози, раис ва имом-хатиб эдилар. Оталари Абу Аҳмаддан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Кушоний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йили Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар. Ёки ҳижрий 391 (милодий 1002) йилда вафот этганлар (китобнинг асл нусхасида шундай берилган).

---

<sup>97</sup> ҳозирги Каттақўрғон.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаззаб ал-Кушоний* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Наср ибн Муҳаммад ал-Ғунжирийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари имом Абул Вараъ Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Кушоний ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 493 (милодий 1101) йилнинг зулкаъда ойида 78 ёшда вафот этганлар.

Қози *Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кушоний* имом эдилар. Самарқандга келиб «Дор ул-Жузжония»да Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Хуснихатга муҳаббатлари ниҳоятда кучли бўлганидан ҳатто кечқурунлари ҳам ой нурида хуснихат машқ қилиб, дарс тайёрлар эдилар. Кўриш қобилиятлари жуда яхши эди. Ҳижрий 443 (милодий 1052) йили 120 ёшда вафот этганлар.

*Абул Маолий Масъуд ибн Ҳасан ал-Кушоний* имом, фозил, чиройли сийратли ва кўп хайрли иш қилувчи кишилардан эдилар. Самарқандда анча муддат имом-хатиб эдилар. Қусам разияллоҳу анҳу номли мадрасада дарс берганлар. Ҳижрий 540 (милодий 1146) йилда Самарқандда вафот этганлар. Қабрлари «Машҳади Қусам»нинг (Шоҳизинда қабристонининг) кираверишида.

Ўғиллари *Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Масъуд ал-Кушоний* Бухорода қози бўлганлар. Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Калободийдан таълим олганлар. Ҳижрий 552 (милодий 1158) йил рамазон ойининг тўртинчи кечасида, таровеҳ намозини ўқигандан кейин тўсатдан вафот этганлар.

Жиянлари *Абул Ҳасан Али ибн Мавжуд ал-Кушоний* имом, фозил, воиз ва ҳақгуй эдилар. Амакилари Масъуд ибн Ҳасандан ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурхакатийдан таълим олганлар. Марвда яшаганлар, у ердаги «Хокония» мадрасасида дарс берганлар. У кишини Марвда учратдим. Кейинчалик Бухоро ва Самарқандда ҳамда Марвда бўлганимда у зотдан баъзи нарсаларни ёзиб олдим. Мен билан Абул Ҳасан дўст эдик. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йил рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси (яъни Лайлат ул-кадр кечаси) таваллуд топиб, ҳижрий 557 (милодий 1163) йил рабиъул аввал ойининг ўн еттинчисида, сешанба куни кечаси Марвда вафот этганлар.

#### *Ал-Каший* الكشي

**Каш** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ал-Лайсий аш-Шерозий ал-Каший* хофиз, фақиҳ бўлиб, кўп ҳадис билар эдилар.

#### *Ал-Камаржий* الكمرجي

**Камард** (ёки Камаржа) – Самарқанд Суғдидаги қишлоқ. Самарқандга кетаётганимда бир кун шу қишлоқда яшадим.

*Абу Муҳаммад Наср ал-Камаржий* шу қишлоқдан бўлиб, Самарқанд уламоларидан таълим олганлар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилдан кейин вафот этганлар.

*Абу Жаъфар ал-Камардий* ҳам шу қишлоқдан.

#### *Ал-Кандукиний* الكندكيي

**Кандукин** – Суғд қишлоқларидан. Дабусиядан бир ярим фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Кандукиний* бу нисбат билан машҳурдирлар. Оталари Кандукин қишлоғининг қозиси эдилар. Ўзлари кейинчалик қарилик чоғларида Бухорога келганлар. Бухорода у кишини учратдим. Бу зот ҳадислар ривоят қилганлар. Ривоят қилган ҳадислари Ҳасан ибн Суфённинг «ал-Ҳуруф» («Ҳарфлар») китобида зикр этилган. Ҳижрий 448 (милодий 1057) йилда таваллуд топганлар.

*Ал-Кундикатий* الكنديكي

**Кундикат** – Самарқанддаги Дарғамга яқин қишлоқ.

*Умар ибн Саъид ал-Кундикатий ас-Самарқандий* шу қишлоқдан. Имом Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Қассор ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Хоқон Иброҳим ибн Наср Тамғочхон вафот этган йили Самарқандда туғилганлар. Ҳижрий 525 (милодий 1132) йилнинг сафар ойида Борийда (Самарқанд ноҳиясидаги тоғ) вафот этганлар.

*Ал-Кундий* الكندي

**Кундий** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абул Маҳомид Муҳаммад ибн Абдулҳолиқ ал-Кундий* Самарқанд аҳлидан. Бу киши фақих, фозил, тақводор имом ва чиройли сийратли олимлардан эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий ан-Насафийдан таълим олганлар. Жума кунлари жомеъ масжидида мавъиза қилар эдилар. У кишидан ҳадис эшитганман. Ҳижрий 551 (милодий 1157) йил рабиъул охир ойининг ўн учинчисида, душанба куни вафот этиб, Чорқардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Ал-Канваний* الكنوني

**Канван** – Самарқанддаги маҳалла.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Канваний* шу маҳалладан. Бу киши фақих, зоҳид бўлиб, Абул Ҳасан Муҳаммад аз-Зайд ал-Ҳусайнийдан таълим олганлар. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йили Канван маҳалласида вафот этганлар.

*Ал-Лаббодий* اللبّادي

**Лаббод** арабча сўз бўлиб, кигизчи, наmatчи деган маънони англатади. Самарқанд маҳаллаларида «Сиккат ул-лаббодин» (Кигизчилар кўчаси) бўлган. Бу жойни «Кўйи наmatкунон» дер эдилар.

*Муҳаммад ибн Тоҳир ас-Самарқандий ал-Лаббодий* қози, имом эдилар. «Сиккат ул-лаббодин»да турардилар. Устозлари Абул Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Баздавийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 515 (милодий 1122) йил сафар ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

*Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Каробисий ал-Лаббодий* ҳам Самарқанднинг шу кўчасидан. Ҳижрий 523 (милодий 1130) йил рамазон ойининг еттинчисида, жума куни кечаси

вафот этиб, Чокардиза қабристониди дафн қилинганлар.

*Ал-Мотуридий* المتريدي

**Мотурид** (Мотурит) – Самарқанддаги маҳалла. Бу ердан кўп олим ва фозиллар етишиб чиққанлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий* шу маҳалладан бўлиб, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Қози *Абул Ҳасан Али ибн Ҳасан ал-Мотуридий* имом эдилар. Бу кишининг оналари шайх ва имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг қизлари бўлганлар. Оталаридан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Абул Ҳасан ал-Мотуридий ҳижрий 511 (милодий 1118) йил рабиъул аввал ойида вафот этиб, Самарқанддаги Чокардиза қабристониди дафн қилинганлар.

*Ал-Можармий* الماجرمي

**Можарм** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Асад ибн Али ал-Можармий* ва амакиларининг ўғиллари *Абу Саъд Бакр ибн Марзабон ал-Можармий* шу қишлоқдан бўлиб, икковлари ҳам Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Можандий* الماجندي

**Можанд** – Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Маҳмуд ибн Одам ал-Можандий ас-Самарқандий* шу қишлоқдан бўлиб, «Каъбон» таҳаллуси билан танилганлар. Каъб ибн Саъид ал-Бухорийдан таълим олганлар. Аҳмад ибн Халаф аш-Шуҳнокий бу кишидан ҳадис ёзиб олганлар.

*Ал-Моймарғий* المايغرغي

**Моймарғ** – Самарқанддан икки-уч фарсах узоқликдаги қишлоқ. Насафда ҳам шу номда қишлоқ бор.

Фақиҳ *Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ ал-Моймарғий* Самарқанднинг Моймарғ қишлоғидан бўлиб, Бухоро машойихларидан таълим олганлар. Ҳижрий 396 (милодий 1006) йил жумодул аввал ойининг ўнинчи куни Бухорода вафот этиб, тобутлари Моймарғ қишлоғига кўтариб олиб борилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

*Ал-Мадиний* المديني

**Мадина** арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади. «Ал-Мадиний» шаҳарда муқим яшовчи, шаҳарлик демакдир. «Мадина» сўзи саккизта шаҳарга нисбат берилган: 1) Мадинаи Мунаввара (кўпинча Мадина дейилганда шу шаҳар назарда тугилади); 2) Бағдод; 3) Исфаҳон; 4) Нишопур; 5) Марвдаги ички қалъа; 6) Бухоро; 7) Самарқанд; 8) Насаф. (Кўринадик, Самарқанд шаҳрига ҳам «Мадина» деган нисбат берилган.)

*Абу Муҳаммад Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Мадиний ас-Самарқандий* Абу Саъд ал-



Идрисийнинг устозларидан.

**Муҳаммад ибн Исо ал-Мадиний ас-Самарқандий** Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Шайх *Абул Маолий* **Муҳаммад ибн Наср ал-Мадиний ас-Самарқандий** мартабалари улуғ инсон эдилар. Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ва Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавийдан таълим олганлар. Самарқандда ҳовлиларида анчагина таълим олганман. Ҳижрий 454 (милодий 1063) йилда таваллуд топганлар. Ҳижрий 550 (милодий 1156) йилнинг шаъбон ойида вафот этиб, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар. Жанозаларида иштирок этганман. Одам ниҳоятда кўп эди.

**Ал-Музний** المرزني

**Музн** («Музна» деб ҳам айтилади) – Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ.

**Аҳмад ибн Иброҳим ал-Музний** шу қишлоқдан. Али ибн Хусайн ал-Пайқандий ва Жаъфар ибн Мусъида ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузанжакатий ва Муҳаммад ибн Фазл ибн Абдуллоҳ ан-Нишопурий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Аббос* **Фазл ибн Аҳмад ал-Музний** ҳам шу қишлоқдан.

**Ал-Марзубоний** المرزباني

**Марзубон** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Солиҳ* **Аҳмад ибн Абдулазиз ал-Марзубоний** Самарқандда амир бўлганлар. Ҳижрий 352 (милодий 964) йили Самарқандда амир Бектошнинг халифаси эдилар. Оталари Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Марзубондан таълим олганлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йили ҳаждан жўнаб кетаётганларида Бухорода вафот этганлар. Тобутлари Самарқандга олиб кетилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

**Ал-Мураббаий** المرعي

**Мураббаъа** – Самарқанддаги работ. Бу работ яқинида яшаган кишига шу нисбат берилган.

*Абу Мансур* **Наср ибн Фатҳ ал-Мураббаий** Самарқанд ахлидан. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Солиҳ ат-Термизий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Сағоний, Муҳаммад ибн Исо ат-Тарсусий ва бошқа муҳаддислардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Коғазий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 316 (милодий 929) йилда вафот этганлар.

**Ал-Музконий** المغكاني

*Абу Али* **Исмоил ибн Имрон ал-Музконий** Самарқанд ахлидан. Бу киши фақиҳ, фозил ва тилшунос олим эдилар. Хуросон, Ироқда бўлиб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилда вафот этганлар.

**Ал-Миганий** الميغني

**Миған** – Самарқанд қишлоқларидан.

Қози *Абу Ҳафс Умар ибн Абу Ҳорис ал-Миганий* шу қишлоқдан бўлиб, Абул Маолий Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳусайнийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

**Ал-Муфлиҳий** المنفليحي

*Абу Бакр Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Форисий ал-Муфлиҳий* – Самарқандда яшаган ишончли ва одил муҳаддис. Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий, Абдураззоқ ибн Муҳаммад ал-Форисий ва Муҳаммад ибн Язид ал-Қаттон ал-Форисийдан ҳадис ривоят қилганар. Бу кишидан эса Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 364 (милодий 975) йилнинг зулҳижжа ойида Самарқандда вафот этганлар.

**Ал-Муқотилий** المقاتلي

*Абу Муҳаммад Абдулжаббор ибн Аҳмад ал-Муқотилий* Самарқанднинг Мукотил кўчасида яшардилар. Фозил, имом эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Шохиндан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 514 (милодий 1121) йил ражаб ойининг ўнинчи куни кечаси вафот этганлар.

**Ан-Нофаҳасий** النافحسي

**Нофаҳас** – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нофаҳасий* асли нишопурлик бўлиб, Самарқанднинг Нофаҳас қишлоғида яшаганлар. Абу Ғиёс ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ан-Нужоникатий** التجانيكتي

**Нужоникат** Самарқанд чеккасидаги Усрушана яқинидаги шаҳарча.

*Абу Муҳаммад Юсуф ибн Али ан-Нужоникатий ал-Усрушаний* Самарқандда муқим яшар эдилар. Бу киши фозил, фақиҳ бўлиб, «Масжид ул-атторин»да дарс берардилар. У зотдан муфассир Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 527 (милодий 1134) йилнинг рабиъул аввал ойида Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонининг шаҳидлар эшиги ёнида дафн қилинганлар.

Ўғиллари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Юсуф ан-Нужоникатий ал-Усрушаний* солиҳ ва сокин фақиҳлардан эдилар. Абул Ҳасан Али ибн Усмон ал-Харротдан таълим олганлар. Самарқандда бу кишидан ҳадис ёзиб олганман.

**Ан-Навоий** النوائى

**Наво** – Самарқанддан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Мен бу қишлоқда бўлганман.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Маккий ан-Навоий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн

Иброҳим ибн Хаттоб ал-Вараснинийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саъид ан-Навоий* ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Абу Назр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баззоздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар ва: «Ҳижрий 370 (милодий 981) йилда Самарқандда у кишидан ҳадис ёзиб олдик», – деганлар.

#### *Ал-Навкадакий* التوكدي

**Навкадак** – Самарқанднинг Иштихон қишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштиханий ан-Навкадакий* шу қишлоқдан бўлиб, кўп ҳадис ёзиб, тафсирни тасниф қилганлар. Ироқ, Хуросонда бўлиб, Қабийса ибн Уқба, Бадал ибн Муҳаббир, Абдуллоҳ ибн Усмон ад-Дабусий ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Ўзларидан эса Аббос ибн Таййиб ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ан-Навкандий* التوكندي

**Навканд** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Наср Аҳмад ибн Абдулвоҳид ан-Навкандий* шу қишлоқдан. Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Яъқуб ар-Ришдонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 524 (милодий 1131) йилнинг жумодул охир ойида Самарқандда вафот этганлар.

#### *Ан-Нундий* التوندي

**Нунд** – Самарқанднинг маълум маҳаллаларидан. Нишопурда ҳам шу номда кўча бор.

*Аҳмад ан-Нундий ас-Самарқандий* Самарқанд аҳлидан. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ас-Самарқандийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан Иброҳим ибн Ҳамдавайҳ ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Возизий* الوازي

**Возиз** Самарқанддан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ бўлиб, Шовзар яқинида жойлашган.

*Абу Муҳаммад Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Возизий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ал-Боҳилий, Саъид ибн Ҳошим ал-Коғазий, Савоба ибн Дуҳайм ал-Басрий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Бакр ибн Масъуд ал-Фаранкадий ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Вазорий* الوازي

**Вазор** («Зовзо» деб ҳам айтилади) – Самарқанддан тўрт фарсах узоқликдаги катта қишлоқ. Бу қишлоқда қалъа, жомеъ масжиди ва минора бор. Абу Музоҳимнинг қабрларини зиёрат қилиш учун ва масжид имом-хатиби солиҳ шайх Иброҳимдан ҳадис тинглаш учун борган эдим. У кишининг уйларида бир кеча тунадим. У зот билан бирга Хартангга

(Самарқанддан уч фарсах узоқликдаги қишлоқ) бориб, Имом ал-Бухорийнинг қабрларини зиёрат қилдик. Бу қишлоқдан илгари кўп олим чиққан.

*Абул Музоҳим Сибоъ ибн Назр ал-Вазорий* шу қишлоқда жомеъ масжиди қурганлар. Бу киши Самарқанднинг фозил, дину диёнатда машҳур, хайру саховатли, буюк олимларидан эдилар. Али ибн Абдуллоҳ ал-Мадиний ва Яхё ибн Муин билан суҳбатдош дўст бўлиб, улардан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Ҳофиз ас-Самарқандий, Ҳасан ибн Али ат-Тусий, Муҳаммад ибн Мунзир ал-Ҳиравий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Абу Музоҳим ал-Вазорий ҳижрий 203 (милодий 819) йилда Ироқдан қайтиб, ҳижрий 269 (милодий 883) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар. Вазор қишлоғига бориб, қабрларини зиёрат қилиб, қишлоқ яқинидаги масжидда намоз ўқидим.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Сибоъ ал-Вазорий* – юқорида исмлари зикр қилинган Абул Музоҳимнинг ўғиллари. Оталаридан ва амир Наср ибн Аҳмад ас-Сомонийдан, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ас-Самарқандий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 290 (милодий 904) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абу Али Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Вазорий* Вазор қишлоғининг ҳокими эдилар. Фақиҳ Абу Амр Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Фақиҳ ал-Вазорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Умар ал-Вазорий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Салмон ибн Аҳвас ад-Дабусий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Вазорий ал-Муаддиб ҳадис ривоят қилганлар.

*Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Вазорий* Вазор қишлоғининг солиҳ ва тақводор имом-хатиби эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ал-Ҳофиздан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Умар ан-Насафий шундай деганлар: «Аҳмад ал-Вазорий менинг кўшним эдилар. Менинг имло мажлисимда иштирок қилардилар. Ҳижрий 503 (милодий 1110) йилнинг барот кечасида Самарқандда вафот этиб, Сангдиза ёки Санждиза (Самарқанддаги маҳалла) қабристонида дафн қилинганлар».

Ўғиллари *Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Вазорий* солиҳ шайх, чиройли сийратли, тақводор ва сахий олимлардан эдилар. Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Кушоний ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Самарқандда у кишидан ҳадис ёзиб олдим ва у зотни Вазор қишлоғида учратиб, бир кеча уйларида тунадим. Ҳижрий 480 (милодий 1088) йилда таваллуд топганлар.

### *Ал-Варсиноний* الورسيناني

**Варсинон** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Аҳмад Бакр ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ас-Самарқандий ал-Варсиноний* шу қишлоқдан бўлиб, у кишидан Абу Лайс Фатҳ ибн Убайд ас-Самарқандийнинг икки ўғиллари, яъни Абу Убайда ва Абу Абдурахмон ҳамда Рабиъқ ибн Ҳисон ал-Кеший ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 351 (милодий 963) йилда Бухорода вафот этганлар. Самарқандга тобутларини кўтариб борганлар ва шу ерда дафн қилганлар.

**Ал-Варасний** الورسنينى

**Варасний** («Вараснон» деб ҳам айтилади) – Самарқанд маҳаллаларидан.

Абу Аҳмад **Бакр ибн Муҳаммад ал-Варасний** шу маҳаллада яшаганлар. Бу буюк фақиҳ ханафий мазҳабида бўлганлар. Самарқандда бу кишининг имло мажлиси ва мунозаралари бор эди. Оталаридан ҳамда Фатҳ ибн Убайд ал-Каробисий, Аббос ибн Фазл ас-Самарқандий ва Иброҳим ибн Наср ас-Самарқандийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Муҳаммад ибн Бакр ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 352 (милодий 964) йили Самарқандда вафот этганлар.

**Ал-Варағсарий** الورغسري

**Варағсар** – Самарқанддан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ.

Абу Закариё **Яҳё ибн Муҳаммад ал-Варағсарий** бу нисбат билан машҳур, обид ва зоҳид эдилар. Самарқанддан беш фарсах узоқликдаги Варағсар работининг хўжайини эдилар. Чиройли ёдгорлик мерос қолган. Бу кишидан кўп муҳаддис ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 230 (милодий 846) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

**Ал-Вазоғарий** الوزاغري

**Вазоғар** – Самарқанд қишлоқларидан.

Абу Усмон **Саъид ибн Усмон ал-Вазоғарий ас-Самарқандий** шу қишлоқдан. Самарқандда пахтадан тўқилган юпка мато сотар эдилар. Абу Ҳанифа Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Толиқонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар ва айтадилар: «Самарқандда у кишидан ҳадис ёзиб олганмиз. Ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг шаввол ойида Самарқандда вафот этганлар».

**Ал-Лаолий** اللائلي

«Ал-Луълуий» деб ҳам айтилади. Иккала нисбатнинг маъноси бир. Бу киши марварид-гавҳар сотганлар.

Абу Исҳоқ **Яъқуб ибн Юсуф ал-Лаолий ас-Самарқандий** Самарқанд аҳлидан бўлиб, «ал-Жавҳарий» куняси билан машҳур эдилар. Муслим ибн Абу Муқотил ал-Фазорий, Азҳар ибн Юсуф ал-Абдий, Исом ибн Хусайн ас-Самарқандий, Холид ибн Муҳаллад ал-Қатавоний, Маккий ибн Иброҳим ал-Балхий ва бошқа Макка ҳамда Ироқ уламоларидан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Мусо ибн Шуайб, Муҳаммад ибн Саҳл, Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Илмга ниҳоятда чанқоқ, анча ҳадис жамлаган ва тўғри йўлда юрувчи олим бўлганлар. Ҳижрий 265 (милодий 879) йил шаввол ойининг ўн саккизинчисида, якшанба куни кечаси вафот этганлар. Жанозаларини амир Наср ибн Аҳмад ас-Сомоний ўқиганлар.

**Ал-Ёркатий** الباركتي

**Ёркат** – Усрушана қишлоқларидан.

*Абу Саъид Аҳад ибн Ҳакам ал-Ёркасий ал-Муаллим* Мусо ибн Ҳорун, Ҳаммод ибн Аҳмад ас-Суламий, Абдуллоҳ ибн Саҳл ал-Варасний, Иброҳим ибн Наср ал-Кабузанжакасийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Музоҳимий ва Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Форисий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ёркасий* фақиҳ ва қори эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий айтадилар: «Муҳаммад ал-Ёркасий Самарқанд аҳлидан бўлиб, қози ва имом Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хаффофнинг шогирдларидан эдилар. Ҳижрий 510 (милодий 1117) йил шаввол ойининг йигирманчи куни кечаси вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинганлар».

*Ал-Яздодий* اليزدادي

**Яздод** «Аллоҳ берган» деган маънони англатади.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Яздодий* Самарқандда кўп йил яшаган олимлардан бўлиб, у ернинг қозиси эдилар. Кейинчалик Мансур ибн Нуҳ замонида Хуросонда хазиначи лавозимида ишлаганлар. Сўнгра Бухорога келганлар. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «Бухорода ҳижрий 357 (милодий 969) йилда ҳадис ёзиб олганмиз. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилда Самарқандга келганлар. Бу ерда аҳли оилалари ва ховлилари бор эди. Кишилар у зотдан ҳадислар ёзиб олардилар. Кейинчалик Фарғонада қози бўлганлар ва шу ерда ҳижрий 361 (милодий 973) йилнинг сафар ойида вафот этганлар. Тобутлари Самарқандга олиб келиниб, Чокардиза қабристонига дафн қилинганлар».

*Ал-Ясиркатий* اليسيركتي

**Ясиркат** – Самарқанддан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Исом ибн Фатҳ ал-Ясиркатий* шу қишлоқдан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийдан ҳадис ёзиб олганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ибод ал-Ясиркатий* ҳам шу қишлоқдан. Ҳижрий 268 (милодий 882) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Юғанакий* اليوغناكي

**Юғанак** – Самарқанд қишлоқларидан.

*Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал-Юғанакий* бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Самарқанд аҳлидан. Соҳиб ибн Муслим ал-Балхий, Абдурахим ибн Ҳабиб ал-Бағдодий ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар.

## ШОШЛИК ОЛИМЛАР

### *Ал-Одамий* الأدمي

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Одам ал-Одамий аш-Шоший* Шош аҳлидан. Боболарининг исмлари Одам бўлганлиги учун бу кишига «ал-Одамий» нисбати берилган. Илм талабида Ироқ ва Ҳижозда бўлганлар. Ҳабиб ибн Муғира аш-Шоший, Ҳомид ибн Довуд аш-Шоший, Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мукридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шоший, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ал-Ғаззол ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Иштиханий ҳадис ривоят қилганлар.

### *Ал-Усбоникатий* الأسيبانيكي

**Усбоникат** Мовароуннаҳрдаги шаҳар бўлиб, Исфижоб яқинида жойлашган.

*Абу Наср Аҳмад ибн Зоҳир ал-Усбоникатий* шу шаҳардан бўлиб, адиб, фозил, ишончли муҳаддис эдилар, қалблари яхши амаллар қилишга мойил эди. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Устоздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар ва: «Аҳмад ал-Усбоникатий Самарқандда яшар эдилар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилдан кейин Самарқандда вафот этганлар», – деганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ал-Усбоникатий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, юқорида номлари зикр қилинган адибнинг жиянлари. Бу киши фақиҳ, фозил ва ҳисоб (математика) илмига моҳир эдилар. Самарқанд олимларидан таълим олиб, фақиҳ бўлганлар. Кейинчалик ўз шаҳарлари Усбоникатга жўнаб кетганлар. Самарқандга келиб, тижорат билан ҳам шуғулланар эдилар. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилдан кейин Усбоникасда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Саъид ибн Ҳотам ал-Фақиҳ ал-Усбоникатий* Самарқандда яшардилар. Шайх, фозил, такводор, парҳезкор ва фақиҳ эдилар. Самарқандда узоқ муддат истиқомат қилганлар. Ўғиллари Ҳасан шу ерда туғилган. Самарқандда Шофееий мазҳаби фақиҳи Абул Ҳасан ар-Раҳбийдан таълим олганлар. Шайх Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдурахмон ал-Идрисий таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилдан олдин турк юртларига чиқиб кетиб, кейинчалик Усбоникатга қайтиб келганлар ва шу ерда вафот этганлар.

*Зафар ибн Лайс ал-Усбоникатий* Исфижоб шаҳридан. Фақиҳ ва муҳаддис эдилар. Қози Муҳаммад ибн Асламдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан кейин вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Суфён ал-Усбоникатий ал-Фақиҳ аш-Шофееий* Насафда анча муддат ҳоким бўлганлар. Парҳезкор, такводор, покиза ва фозил ҳоким эдилар. Бу киши

ҳақларида Абу Саъд ал-Идрисий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилиб, шундай деганлар: «У киши фикҳ илмини Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳасан ал-Форисийдан таълим олганлар. Шофезий мазҳабининг йирик фақиҳларидан эдилар. Шош муфтийси фақиҳ Абул Ҳасан Али ибн Закариёдан эшитдим. У: «Абу Бакр ал-Форисийнинг бирорта шогирди ундан фикҳ ва калом илмини Абу Бакр ал-Усбоникатийдай яхши ўрганган эмас. Агар кишилар девор орқасидан Абу Бакр ал-Усбоникатийнинг овозини эшитсалар, Абу Бакр ал-Форисий гапиряпти деб ўйлар эдилар», – деган эди. Ҳижрий 375 ёки 376 (милодий 986 ёки 987) йили Суғдда вафот этганлар.

#### *Ал-Ийлоқий* الإيلاقي

**Ийлоқ**<sup>98</sup> – Шошдан ўн фарсах узоқликдаги шаҳар. Бу ерга келганлар бундан сўлим ва тоза шаҳарни кўрмаганлар. Сув водийдан келган. Унинг тоғларида тилла ва кумуш бор. Бу ердан кўп олим ва имомлар етишиб чиққанлар. Уларнинг машхурларидан:

*Абу Рабиъ Тоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Ийлоқий* буюк фикҳшунос эдилар. Марвда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Марвазий, Нишопурда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн-Маҳмаш аз-Зиёдий ва Бухорода олим Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Ҳалиймий кўлларида фикҳ илмидан таълим олганлар. Шош аҳли бу кишидан фикҳ илмидан таълим олган. Абу Наим Абдулмалик ибн Ҳасан ал-Азҳарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 465 (милодий 1073) йили 96 ёшда вафот этганлар.

Фақиҳ *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд ал-Ийлоқий* Ийлоқ аҳлидан. Хуросонда Ҳасан ибн Масъуддан, Марвда Ар-Равздан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳёдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Чиройли сийратли бу киши кўп хайрли иш қилар, кишиларнинг ҳожатларини чиқаришга доимо мойил эдилар. Биз билан Марвга келиб, менинг мадрасамда бир неча муддат яшадилар. Мен у кишидан ҳадисдан дарс олгандим. Ҳижрий 539 (милодий 1145) йилда вафот этганлар ва Синждонда дафн қилинганлар.

Яна шу қишлоқлик *Абу Салама Наср ибн Муҳаммад аш-Шоший ас-Суфий ал-Ийлоқий* Шошда турардилар. Фозил, яхши хулқли, ҳожи, муҳаддис эдилар. Кишилар бу зотдан ҳадис ёзиб олардилар. Имом ал-Бухорийнинг дўстлари Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Борискатий* البارسكتي

**Борискат** – Шош шаҳарларидан.

*Абу Аҳмад аш-Шоший ал-Борискатий* шу шаҳардан. Абд ибн Ҳумайд ал-Кешийдан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Абул Фазл ибн Муҳаммад аш-Шоший ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Боробий* البارابي

**Бороб** («Фороб» деб ҳам айтилади) – Сирдарё ортидаги ноҳия.

<sup>98</sup> Оҳангарон водийси.



*Абу Закариё Яхё ибн Аҳмад ал-Адиб ал-Боробий* Бороб аҳлидан. Бу киши нахв илми сохиби, араб тили билимдони ва адиб эдилар. «Ал-Масодиру фил-луға» («Луғатдаги ўзақлар») китобининг тузувчиси. Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Исбижобда Ҳасан ибн Мансур ал-Мукри ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Бискабий* البسكي

**Бискат**<sup>99</sup> – Шошдаги таниқли шаҳар. Бу шаҳардан бир гуруҳ уламо етишиб чиққан.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ал-Бискабий аш-Шоший* фақиҳ эдилар. Илм талабида Марвга келиб, Абу Наср Аҳмад ал-Анмотий ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Туроб Исмоил ибн Тохир ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилдан кейин вафот этганлар.

*Ал-Бинкатий* البنكي

**Бинкат** – Шош қишлоқларидан<sup>100</sup>.

*Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший ал-Бинкатий* шу қишлоқдан. Бу киши асли термизлик бўлиб, кейин Бинкат қишлоғида яшаб, шу ерда қолиб кетганлар. Шунинг учун шу нисбат берилган. У киши адабиётни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қутабийдан ўрганган бўлиб, энг яхши шеърларни ёдлар эдилар. «Ал-Муснад ал-кабир» китобини жамлаганлар. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дуварий, Исо ибн Аҳмад ал-Аскалоний каби Хуросон ва Ироқ олимларидан дарс олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Қоғазий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда вафот этганлар.

*Ат-Тункатий* التنكي

**Тункат** – Шош шаҳарларидан. Сирдарё ортида жойлашган. Бу шаҳардан кўп илм аҳли етишиб чиққан.

*Абу Лайс Наср ибн Ҳасан ат-Тункатий* шу қишлоқдан. У кишини «Абул Фатҳ» деб ҳам айтганлар. Фарб мамлакатларида бўлганлар ва Андалусда бир неча муддат яшаганлар. Машҳур тижоратчи ҳам эдилар. У киши ўша ерлик олимлардан дарс олардилар ва Муслим ибн Ҳажжожнинг «Саҳиҳ ул-Муслим» китобидан дарс берардилар. Ўзларидан кўп олимлар дарс олганлар. Умрларининг охиригача Нишопурда яшаганлар. Одамлар сув ичсинлар деб жомеъ масжидида қудуқ қазганлар. Кўп хайрли ишларга бош-қош бўлганлар. Наср ибн Ҳасан аш-Шоший айтадилар: «Бир кун кемада денгизда сайр қилдим. Денгизнинг қирғоғига етиб борганимда, тошдан ясалган, сувдан кўтарилган, аммо кўли эгри бир суратга дуч келдим. Унда: «Бу ердан ўтма, чунки сени чумолилар ейди», – деб ёзилган эди». У киши Ҳижрий 406 (милодий 1016) йилда туғилиб, Ҳижрий 486 (милодий 1094) йилнинг зулкаъда

<sup>99</sup> ҳозирги Пискент.

<sup>100</sup> Бинкат – Шошнинг ўрта асрлардаги (9–12-асрлар) пойтахти. Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги бинолар тагида қолиб кетган шаҳар харобаси деб ҳисобланади (В.В.Бартольд, М.Е.Массон).

ойида Нишопурда вафот этганлар ва «Ҳайрат» қабристонида дафн қилинганлар.

*Абу Жаъфар Ҳалим ибн Умар ал-Бухорий ат-Тункатий* Бухоро аҳлидан бўлиб, Тункат қишлоғида яшаганлар. Имом ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 313 (милодий 926) йилда вафот этганлар.

*Ал-Харашкатий* الخرشكتي

**Харашкат** – Шош шаҳарларидан. Бу шаҳардан кўп олим чиққан.

Булардан *Абу Саъид Саъд ибн Абдурахмон ал-Харашкатий* Юсуф ибн Яъқуб ал-Қози, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазрабийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 340 (милодий 952) йилда вафот этганлар.

*Ал-Хумракий* الخمركي

**Хумрак** – Шош шаҳарларидан.

*Абу Раҷо Муаммил ибн Масрур аш-Шоший ал-Хумракий* шу шаҳардан. Бу киши бобом Абул Музаффар ас-Самъонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 516 (милодий 1123) йили Марвда вафот этганлар. «Наҳру розиқ» қабристонида дафн қилинганлар.

*Ад-Дизақий* الدزقي

**Дизак**<sup>101</sup> – Самарқанддан Шошга кетиш йўли юқорисидаги катта қишлоқ. Бу қишлоқ Дизак ёки Собот деб ҳам айтилади. Бу қишлоқдан кўп олим чиққан.

*Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Дизақий* шулар жумласидандир. Бу киши «Ибн Абу Шуайб» номи билан машҳур бўлганлар. Али ибн Хушрум ал-Мобарсомий ва Абдулмажид ад-Дизақийдан таълим олганлар.

*Аз-Захкатий* الذحكتي

**Захкат** Шош шаҳрининг ортида Сирдарё яқинида жойлашган.

*Абу Наср Аҳмад ибн Усмон аз-Захкатий* шу шаҳарнинг имомларидан эдилар. Кейинчалик Самарқандда яшаб, у ерда Абу Наср Муҳаммад ибн Али ал-Бағдодийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда ҳижрий 506 (милодий 1113) йилда вафот этганлар.

*Аш-Шоший* الشاشي

**Шош** (Тошкент) – Сайхун (Сирдарё) ортидаги шаҳар. Бу шаҳардан кўп мусулмон имом етишиб чиққан.

*Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший* ҳижрий 287 (милодий 901) йили Нишопурда Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Юсуф ат-Тамомий ва Абу Рабиъ Холид ибн Юсуф ас-Самтий, Яъқуб ибн Хумайд, Исо ибн Ҳаммод ва Абу Тохир Аҳмад ибн Амр ас-Сарҳдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яъқуб ал-

<sup>101</sup> ҳозирги Жиззах.

Ҳофиз ва Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Бир куни бир киши Абу Муҳаммад Жаъфар аш-Шошийдан: «Ас-сафъу ҳоррун ав-боридун?» (Юзга шапалоқ уриш иссиқми ёки совуқми?) – деб сўрабди. У киши: «Мо дома фил каффи фахува боридун ва изо вақаъа алал важҳи фахува ҳоррун» (Модомики кафтингда бўлса, у совуқдир. Агар юзга тегса, унда иссиқ»), – деб жавоб берибдилар.

*Абу Саъид Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший ал-Адиб* адиб эдилар. Асли марвлик бўлиб, Бухорога келганлар. Ҳижрий 234 (милодий 849) йили Бухорода Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Исҳоқ ибн Иброҳим ат-Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ва Аббос ибн Муҳаммад ад-Дуварийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. «Муснад» китобининг муаллифи. Ироқ уламоларидан ҳам таълим олганлар. Ўзларидан Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Қоғазий ҳадис ривоят қилганлар. Бухородан Шошга келиб, ҳижрий 335 (милодий 947) йилда Шошда вафот этганлар.

*Абдуллоҳ ибн Абу Авона аш-Шоший* ҳам Шош аҳлидан бўлиб, Имом ал-Бухорий ва Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Фарёбий шу кишидан таълим олганлар.

Жиянлари *Абу Али Фазл ибн Аббос аш-Шоший* илм олиш мақсадида Марв ва Ироқда бўлиб, Али ибн Ҳажар ва Аҳмад ибн Ҳанбалдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Шош аҳли таълим олган. Ҳижрий 286 (милодий 900) йилда вафот этганлар.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафқол аш-Шоший* ҳам Шош аҳлидан бўлиб, «Аҳаду аиммат уд-дунё фит-тафсир вал-ҳадис вал-фикҳ вал-луға» (тафсир, ҳадис, фикҳ ва тилшуносликда дунё имомларининг бири) эдилар. Ҳижрий 291 (милодий 905) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 366 (милодий 977) йилда вафот этганлар. Бу киши ҳақидаги маълумотни «қоф» ҳарфида ҳам зикр қилдим.

*Абу Мусо Ҳорун ибн Ҳумайд аш-Шоший* забардаст фақиҳ эдилар. Абул Валид ат-Таёлисий ва Сулаймон ибн Ҳарбдан ҳадис ривоят қилганлар. Шош аҳли у кишидан таълим олган. Абу Ҳотам ибн Ҳиббон айтадилар: «У фақиҳ ул-бадан (жисму жони фақиҳ) эди». «Фақиҳ ал-бадан»нинг маъноси: «Аннаш шахса тамкуну фил-фикҳи ҳатта ихталата билаҳмиҳи ва дамиҳи ва сора сажийтан фийҳи» (Бир киши фикҳни қалбига шундай жо қилади. Ҳатто шундай бўладики, фикҳ унинг жону дили бўлиб қолади). Абу Мусо Ҳорун аш-Шоший ҳижрий 266 (милодий 880) йилда вафот этганлар.

*Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад аш-Шерозий* ҳам фақиҳ ул-бадан мақомига эга бўлганлар. Бу киши ҳақларида айтилган экан: «Лав фасада Умару лажаро минҳ ал-фикҳу макона ад-дами» (Агар Умарнинг қон томири очилса, томиридан қон ўрнига фикҳ илми оқади) «Муъжам ал-булдон».

*Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шоший* кўп ҳадислар билувчи ишончли муҳаддис эдилар. Илм талабида Хуросон, Жибол, Ироқ, Ҳижоз, Кур ал-Ахвон, Жазира ва Шошда бўлиб, ҳадислар ёзиб олганлар. Али ибн Хушрум, Исҳоқ ибн Мансур, Ҳасан ибн Муҳаммад ас-Саббоҳ, Амр ибн Абдуллоҳ ал-Удий, Абу Зуръа ар-Розий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мукри ва Юнус ибн Абдулаълодан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 314 (милодий 927) йили Шошда вафот этганлар.

*Аш-Шовкатий* الشاوكتي

**Шовкат** – Шош шаҳарларидан.

Имом-хатиб *Абул Қосим Абдулвоҳид ибн Абдурахмон аш-Шовкатий* Самарқанд аҳлидан бўлиб, Шовкатда яшаганлар. «Ҳаким аш-Шовкатий» номи билан машҳур эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Абдулазиз ал-Бухорий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йилнинг жумодул охир ойида 87 ёшдан ўтиб вафот этганлар.

*Аш-Шахохий* الشخاخي

**Шахох** – Шош қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Бухорий аш-Шахохий* Шошнинг Шахох қишлоғида яшар эдилар. Имом ал-Бухорийдан, Ужайф ибн Одам ва Убайдуллоҳ ибн Восилдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 323 (милодий 936) йил рабиъул охир ойида Шошда вафот этганлар.

*Ал-Ғанножий* الغناجي

**Ғаннож** – Шош четидаги шаҳар. Шош Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, Самарқанднинг шарқи-шимолида жойлашган.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Журжоний ал-Ғанножий* асли Журжондан бўлиб, Шошнинг Ғаннож шаҳрида яшаганлар. Шунинг учун «ал-Ғанножий» деб танилганлар. Бу киши ҳақларида Ҳамза ибн Юсуф ас-Саҳми ал-Ҳофиз «Тарихи Журжон» китобларида зикр қилганлар. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбалдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Форобий* الفارابي

**Фороб**<sup>102</sup> – Шош юқорисидаги Болосоғун (Сирдарё ортидаги катта шаҳар бўлиб, Кошғар йўлида жойлашган)га яқин шаҳар. Фороб аҳли имом Шофеий мазҳабида эди.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Форобий* бу нисбат билан машҳурдирлар. «Девон ул-адаб» китобининг муаллифи. Бу киши тилшунос бўлиб, тасниф этган китоблари дунёда машҳурдир.

*Ал-Қаффо* الغفّال

**Қаффо** арабча сўз бўлиб, қулф ясовчи деган маънони англатади.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффо* Шош аҳлидан бўлиб, «ал-Қаффо ал-кабир» деб айтилардилар. Ўз асрининг имоми, тилшуноси, усулшуноси, муҳаддиси ва шоири эдилар. Умрларини илм ўрганиш ва олган билимларини ёйишга сарфлаганлар. Номлари Шарку Ғарбда маълум ва машҳур бўлиб, санади ҳасан бўлган ҳадисларни тасниф қилганлар. Жумладан, «Далоил ун-нубувва» («Пайғамбарлик далиллари») ва «Маҳосин уш-шариат» («Шариат чиройи») китобларини таълиф этганлар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз ва

<sup>102</sup> Фороб ҳозирги кунда Ўтрор деб номланади. У Хазар денгизининг шарқий томонида. (Абдуллоҳ Умар ал-Борудий.)

Шомда бўлганлар. Абул Аббос Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Саррож, Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағавий, Абу Аруба Ҳусайн ибн Абу Маъшар ас-Суламий ва Абул Жаҳм Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Машғароидан таълим олганлар. Бу кишидан эса Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоқим, Абу Абдуллоҳ ибн Манда ал-Ҳофиз, Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз, Абу Абдурахмон ас-Суламий ва Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Қаффол аш-Шоший ҳақларида айтилган экан:

هذا أبو بكر الفقيه القفال  
يفتح بالفقه صعاب الأفعال

*Ҳаза Абу Бакр ал-Фақиҳ ал-Қаффол  
Яфтаҳу бил фиқҳи сиоб ал-ақфол*

Яъни:

Бу киши фақиҳ Абу Бакр Қаффол  
Фиқҳий жумбоқларни ечарди дарҳол.

Бу зот ҳижрий 291 (милодий 905) йилнинг барот кечасида таваллуд топиб, ҳижрий 366 (милодий 977) йилнинг зулҳижжа ойида Шошда вафот этганлар.

**Ат-Тарсусий** الطرسوسي

Абул Ҳасан **Али** ибн Абдуллоҳ **ат-Тарсусий** Шошнинг Тарсус шаҳридан бўлиб, Бухорода яшаганлар. Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Хулдийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Абдурахмон ас-Суламий, Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йили Бухорода вафот этганлар.

**Ал-Косоний** الكاساني

**Косон** – Шош ортидаги шаҳар. Бу шаҳарда катта қалъа бор.

Абу Наср **Аҳмад** ибн Сулаймон **ал-Косоний** шу шаҳардан. Шамс ул-маликнинг (подшоҳлар қуёшининг) акаси хоқон Абу Шужо Хизр ибн Иброҳим замонларида қози ул-куззот (қозиларнинг қозиси) эдилар. Самарқандда ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Самарқанд имом-хатиби Абул Маолий Муҳаммад ибн Наср ал-Мадиний ҳадис ривоят қилганлар. Хоқон Аҳмад ибн Хизр замонларида вазир лавозимида ишлаганлар. Ҳижрий 488 (милодий 1096) йилда Аҳмадхон замонларида шаҳид бўлганлар.

**Бакр** ибн Сулаймон **ал-Косоний** ҳам шу шаҳардан. Самарқандга келиб, бу ернинг фақиҳ олимларидан таълим олганлар. Кейин Косонга қайтиб борганлар. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исҳоқ ал-Воғирийдан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 513 (милодий 1120) йили Косонда вафот этганлар.

Абул Жуд **Ато** ибн Аҳмад **ал-Холидий ал-Косоний** ҳам шу шаҳардан бўлиб, қози ва имом эдилар. Холид ибн Валид авлодларидан. Самарқандда узоқ муддат яшаб, кейин Косонга қайтиб борганлар. Ўша ерда шаҳид бўлганлар.

*Ан-Наққоз* التَّقَاض

**Наққоз** арабча сўз бўлиб, тугунларни очувчи деган маънони англатади.

*Абу Шурайх Исмоил ибн Аҳмад ан-Наққоз аш-Шоший* Шош аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан танилганлар. Шайх, олим, зоҳид, фозил, ишончли, тўғри сўз ва машҳур муҳаддис ҳам эдилар. Хуросонга келиб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Ҳижрий 470 (милодий 1078) йилдан олдин вафот этганлар.

## **ФАРҒОНАЛИК ОЛИМЛАР**

*Ал-Ахсикатий* الأَخْسِيكِي

**Ахсикат**<sup>103</sup> – Фарғонанинг сўлим ва тоза шаҳарларидан. Бу ердан ҳадис илмининг пешқадам олимлари етишиб чиққанлар.

Улардан *Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Қосим ал-Ахсикатий* тилшунос, гўзал шеърлар ёзувчи, такводор, виқорли, чиройли сийратли киши эдилар. Тарих ҳақида китоблар таълиф қилганлар. Ахсикатда Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад ас-Суфийдан дарс олганлар. Ақсода ҳижрий 520 (милодий 1127) йилда вафот этганлар.

Укалари *Абу Рашид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қосим ал-Ахсикатий* адиб, фозил, гўзал шеърлар ёзувчи эдилар. Хуросонда кўпгина фозил шогирд чиқарганлар. Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий ас-Суфий ва Абул Музаффар ас-Самъонийдан ҳадис илмидан таҳсил олганлар. Халил ибн Аҳмаднинг «Китоб ал-одоб»ларини шу кишидан таълим олганман. Ҳижрий 530 (милодий 1136) йилда вафот этиб, акаларининг ёнларида дафн қилинганлар.

Шу кишлоқдан яна *Наср ал-Фарғоний ал-Ахсикатий* Насафда Абул Аббос ал-Мустағфирийдан, Абул Фазл ас-Сулаймонийдан ва бухоролик шайх Абу Бакр ал-Ҳофиздан ҳадис илмидан таҳсил олганлар. Кейин ҳадис илми талабида Ироққа кўчиб кетганлар.

#### **Ал-Андуконий** الأندكاني

**Андукон** – Фарғона қишлоқларидан. Сарахсда ҳам Андукон қишлоғи мавжуд бўлиб, Аҳмад ал-Ҳаммодийнинг қабрлари шу ерда.

*Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Андуконий ал-Фарғоний* Фарғонанинг Андукон қишлоғидандирлар. Бу киши катта шайх, сўфий, чиройли сийратли, Қуръони каримни ёддан билувчи қори эдилар. Яхши қироат қилардилар. Хуросонда бўлганлар ва шу ерда сўфийларга боғланиб, уларнинг хизматларини қилиб, маслаҳатларига қулоқ тутардилар. Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарий ва Абу Ражо Муаммил ибн Масрур аш-Шошийдан таълим олганлар. Ҳижрий 545 (милодий 1151) йилнинг жумодул аввал ойида Марвнинг Фошон қишлоғида вафот этганлар.

#### **Ал-Ўший** الأوشي

**Ўш** – Фарғонанинг кўпчиликка маълум шаҳарларидан.

*Масъуд ибн Мансур ал-Ўший* Ўш шаҳридан. Кейинчалик Самарқандда яшаганлар. «Работи Ҳамза»да дарс берар эдилар. Факих, фозил кишилардан бўлиб, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ас-Симнонийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Умар ибн Аҳмад ан-Насафийнинг таъкидлашларича, Масъуд ибн Мансур ал-Ўший аҳли оилалар билан ҳижрий 519 (милодий 1126) йилнинг зулҳижжа ойида бир кечада вафот этганлар.

#### **Ал-Ҳарамий** الحرمي

Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларни фарзандлари, ҳаммалари ҳаром деб билганлари учун берилган нисбат.

*Абу Тохир ал-Ҳарамий* бу нисбат билан машҳурдилар. У киши Фарғонада яшардилар.

<sup>103</sup> Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг ҳозирги Аҳси қишлоғи.

Ниҳоятда тақводор ва парҳезкор шайх эдилар.

*Ал-Хозин* الخازن

**Хозин** арабча сўз бўлиб, хазиначи деган маънони англатади.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хозин* Сомоний амирларининг хазиначиси эдилар. Фарғона аҳлидан. Бу киши ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан. Ўн йилдан кўпроқ қози бўлганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз айтадилар: «Бу киши хазиначи, ҳанафий мазҳаби фақиҳи, жуда чиройли сўзловчи, одобли ва хушхат хаттот эдилар. Бағдодда Али ибн Исо девонини чиройли хат билан кўчирганлар. Сунгра Хуросонга қайтиб, Ҳирот қозиси бўлганлар. Кейинчалик Самарқанд ва Фарғонада ҳам қози лавозимида фаолият кўрсатганлар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилнинг рамазон ойида қозилик вақтларида Фарғонада вафот этганлар».

*Ал-Хуқандий* الخواقندي

**Хуқанд**<sup>104</sup> – Фарғона шаҳарларидан.

*Абу Таййиб Тохир ибн Муҳаммад ал-Хуқандий ал-Махзумий* шу шаҳардан бўлиб, машҳур адиб ва қори эдилар. Самарқандда яшаганлар. У кишидан ўғиллари Муҳаммад ибн Тохир ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 501 (милодий 1108) йилнинг сафар ойида вафот этганлар. Чокардиза қабристонида «Машҳад ас-содат»нинг (Саййидлар қабристонининг) қибласида дафн қилинганлар.

*Ал-Хайлохий* الحياخي

**Хайлох** – Фарғона шаҳарларидан бири.

*Ҳамза ибн Али ал-Хайлохий* шу шаҳардан бўлиб, улуғ имом, фақиҳ, фозил киши ва Жузжония халифаси эдилар. Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон ар-Риғдамунийдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан эса Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 523 (милодий 1130) йил зулҳижжа ойининг ўн тўртинчисида Самарқандда вафот этганлар.

*Ал-Ғазақий* الغزقي

**Ғазақ** – Фарғона қишлоқларидан. Марвда ҳам Ғазақ қишлоғи бор.

Қози *Абу Наср Мансур ибн Аҳмад ал-Ғазақий* Фарғонадаги Ғазақ қишлоғидан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Имом, фозил, буюк фақиҳ, зоҳид ва тақводор эдилар. Фарзандлари у кишидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 465 (милодий 1073) йил сафар ойининг йигирма олтинчисида, якшанба кечаси вафот этганлар. Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Абул Ҳусайн ал-Ғазақий* ҳам Фарғонанинг Ғазақ қишлоғидан бўлиб, юқорида номлари зикр қилинган қози Абу Наср Мансур ал-Ғазақийдан дарс олганлар. Фақиҳ, фозил, зоҳид, ақлан ва жисмонан етук, фикҳда, панду насихатда буюк

---

<sup>104</sup> ҳозирги Қўқон.



эдилар. Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси таровех намозида, Куръон хатм қилингандан кейин қавмга қарата: «Қаруба раҳилий» (Вафотим яқинлашди) деб айтганлар. Ҳижрий 462 (милодий 1070) йилда вафот этганлар. Чокардиза қабристонининг «Машҳад ас-содот» деган жойида дафн қилинганлар.

#### *Ал-Ғандобий* الغنڊايي

**Ғандоб** – Марғилон шаҳридаги маҳалла.

*Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад ал-Ғандобий ал-Марғиноний* шу маҳалладан бўлиб, «ал-Фарғоний» номи билан танилганлар. Самарқандда муфтий эдилар. Фикҳ илмини кози Маҳмуд ал-Узжандийдан таълим олганлар. Кучли фақиҳ эдилар. Қулоқлари яхши эшитмасди, бироқ баланд овозни эшитардилар. Балхда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Хусайн ас-Саминжоний, Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Хатибдан таълим олганлар. Самарқандда у кишидан ҳадисдан таълим олдим. Ҳижрий 485 (милодий 1093) йили Ғандоб маҳалласида таваллуд топганлар.

#### *Ал-Фарғоний* الفرغاني

**Фарғона** Шош ортидаги вилоят бўлиб, Жайхун (Амударё) ва Сайхун (Сирдарё) ортида жойлашган. Бу ердан кўп илм эгалари шуҳрат қозонганлар. Эронда ҳам Фарғон деган кишлок бор.

*Абул Музаффар Муштиб ибн Муҳаммад ал-Фарғоний* Фарғона ахлидан бўлиб, мунозарада, назар ва жадал илмида кучли эдилар. Абул Вафо Муҳаммад ибн Бадиъ ал-Ҳожиб, Абу Масъуд Сулаймон ибн Иброҳим, Абу Саъд Собит ибн Аҳмад ар-Розий ва Абу Убайд Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Карвонийдан таълим олганлар. Бағдодда ҳижрий 486 (милодий 1094) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамдавайҳ ал-Фарғоний* Фарғона уламоларидан.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фарғоний ас-Суфий* Фарғонадан бўлиб, Бағдодда Жунайд Бағдодийдан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Абул Аббос Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хашшоб: «Абу Жаъфар: «ат-Таваккулу бил-лисон юрисуд-даъво ват-таваккулу бил-қалби юрисул-ғино (Тил билан қилинган таваккулдан даъво, қалб билан қилинган таваккулдан эса бойлик қолади)», – деб айтардилар», – деганлар.

*Абу Солиҳ Абдулазиз ибн Уббод ал-Фарғоний* Язид ибн Ҳорун ва Яъқуб ибн Муҳаммад аз-Зухрийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 269 (милодий 883) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

*Абу Саъид Мусъида ибн Бакр ал-Фарғоний* Фарғонадан. Ҳаж қилгандан кейин Бағдодга келиб, Ҳасан ибн Суфён ан-Насавийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абул Ҳасан ат-Дорақутний ва Юсуф ибн Умар ал-Қаввос бу муҳаддисдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 341 (милодий 953) йилдан кейин вафот этганлар.

*Абу Абдурахмон Қосим ибн Муҳаммад ал-Фарғоний* Қабиса ибн Уқба, Абу Осим ан-Набийл, Абдуллоҳ ибн Юсуф ва Абу Ҳузайфа ан-Нахдийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 261 (милодий 876) йили Исфаройинда вафот этганлар.

Ал-Фарғоний Бишр ибн Ҳорис ал-Ҳофийдан шундай ҳикоя қиладилар: «Бишр ал-Ҳофий: «Алҳамдулиллоҳ из лам ярзукний зухда Аби Зарр. Ва лам яжъалний фил-жаҳли ка Аби Жаҳл» (Аллоҳим, Сенга шукур: мени Абу Зарнинг тақвосидан насибадор қилмадинг, аммо жоҳилликда Абу Жаҳл каби жоҳилу нодон ҳам қилмадинг), – деб айтар эдилар».

*Абул Аббос Ҳожиб ибн Молик ал-Фарғоний* юз минг ҳадисни ёддан билганлар. Дамашқда яшаганлар. Ҳижрий 296 (милодий 910) йили Дамашқда вафот этганлар.

*Ал-Қубовий* القباوي

**Қубо**<sup>105</sup> – Фарғонадаги катта шаҳар. Шу шаҳарлик кишига нисбат берилганда «вов» харфи орттирилади.

*Халил ибн Аҳмад ал-Қубовий* фақиҳ ва зоҳид эдилар. Бухорода ҳадис илмидан таълим олганлар.

*Усмон ибн Мусо ал-Қубовий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Бухорода ҳадис илмидан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурхакатий таълим олганлар.

*Довуд ал-Қубовий* фақиҳ ва қори эдилар. Ўғилларининг исми – Сулаймон. Абу Комил ал-Басирий ал-Бухорий айтадилар: «Булар Фарғонанинг Қубо шаҳри аҳлидан бўлиб, биз билан биргаликда ҳадис ёзиб олардилар».

Адиб *Абул Макорим Ризқуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қубовий* ҳам шу шаҳардан бўлиб, Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад аз-Заранжарийдан таълим олганлар. Бухорода бу кишидан ҳадисдан таълим олганман. У зот ёш болаларга адабиётни ўргатар эдилар.

*Абу Бакр Мусъида ибн Асфа ал-Фарғоний ал-Қубовий* Қубонинг пешқадам уламоларидан. Асли марвлик бўлиб, Қубода яшаганлар. Самарқандга келиб, шу ерда ҳадисдан таълим олганлар. Муҳаммад ибн Жаҳм ас-Симмарий, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Абасий ва Яҳё ибн Фазл ал-Хужандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмаил ал-Мукри ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Карвоний* الكرواني

**Карвон** – Фарғона қишлоқларидан.

*Абу Убайд Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Карвоний* шу қишлоқдан бўлиб, Ахсиқасда (ҳозирги Асака) яшаганлар. Бу киши «ад-Даъавот вал-одоб вал-мавоиз» («Даъват, одоб ва ваъзлар») китобининг ровийсидир. Бу асарнинг муаллифи қози Абу Саъид Халил ибн Аҳмад ас-Саждийдир. Муҳаммад ал-Карвонийдан Абул Музаффар Муштиб ибн Муҳаммад ал-Фарғоний ва Абул Қосим Муҳаммад ибн ас-Суфи ал-Ахсиқатий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ал-Ломиший* اللامشي

**Ломиш** – Фарғона қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳусайн ибн Али ал-Ломиший* фозил ва ҳақгўй имомлардан эдилар. Ҳақ гапни подшоҳларнинг юзига айтардилар. Фикҳ илмини Абу Шужоъ ал-Алавийдан таълим олганлар. Ҳадис илмини эса қози Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Қассор ал-Ҳофиз, қози

---

<sup>105</sup> ҳозирги Кува.

Муҳаммад ибн Ҳасан ан-Насафий, қози Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ва Аҳмад ибн Абдурахмон ар-Риғдамунийдан таълим олганлар. Хокон Муҳаммад ибн Сулаймоннинг Марвдаги элчиси бўлганлар.

Мажлисларида қатнашганимда Ибн Динор Анас разияллоху анҳудан ал-Ломиший ривоят қилган ҳадисларни бу кишидан эшитдим. Бу воқеа ҳижрий 516 (милодий 1123) йилда бўлган эди. Ҳусайн ал-Ломиший ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этиб, «Раъсу қантарату ғотфар» қабристонидан, Форис ал-Бағдодийнинг ёнларида дафн қилинганлар. Қабрларини бир неча марта зиёрат қилганман.

*Ал-Марғиноний* المرغيناني

**Марғинон**<sup>106</sup> – Фарғонанинг машхур шаҳарларидан. Бу шаҳардан кўп илм аҳли етишиб чиққан.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Аҳмад ал-Марғиноний* Фарғонанинг Марғилон шаҳридан. Маккаи Мукаррамада Абу Али Ҳасан ибн Абдурахмон аш-Шофеъийдан таълим олганлар.

*Абул Музаффар Баҳром ибн Ҳамза ал-Марғиноний* ҳам шу шаҳардан бўлиб, бу киши ҳақларида Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий «ал-Қанд» китобларида зикр қилганлар. Ҳижрий 516 (милодий 1123) йилда вафот этганлар.

Имом *Абдулазиз* ибн Абдураззоқ *ал-Марғиноний* ҳам шу шаҳардан. Олтита ўғиллари бор эди. Уларнинг ҳаммаси олим ва солиҳ фарзандлардан бўлиб, мударрис ва фатво соҳиблари эдилар. Абдулазиз ал-Марғиноний олти ўғиллари билан чиқсалар, одамлар: «Қаранглар! Бир ховлидан етгита муфтий чиқди», – деб айтардилар. Абдулазиз ал-Марғиноний устозлари имом Абул Ҳасан Наср ибн Ҳасан ал-Марғинонийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда ҳадис илмидан дарс берганлар. Кейинчалик Марғилонга қайтиб борганлар. Ҳижрий 477 (милодий 1085) йили Марғилонда 68 ёшда вафот этганлар.

Амир *Абул Маолий Қайс ибн Исҳоқ ал-Марғиноний* фозил имом эдилар. Бир неча муддат Самарқандда яшаб, у ерда дарс берганлар. Маҳмуд ибн Абдуллоҳ ал-Журжонийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Қайс ал-Марғиноний ҳижрий 526 (милодий 1133) йил шаввол ойининг ўн тўққизинчисидан, жума куни Самарқанднинг жомеъ масжидида ваъздан кейин, рўзадор ҳолларида вафот этганлар. Тобутлари уйларига олиб борилиб, шанба куни Чокардиза қабристонидан «Шаҳид имомлар» қибласида дафн қилинганлар.

Имом *Абул Ҳасан Наср ибн Ҳасан ал-Марғиноний* машхур имом ва олим бўлиб, такво ва ҳикмат ҳақида чиройли шеърлар ёзганлар. Дунёнинг кўпгина мамлакатада бўлганлар. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарабийнинг дўстлари Аҳмад ибн Муҳаммаддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса имом Абдураззоқ ибн Масъуд ҳадис ривоят қилганлар.

*Ан-Нуқодий* النوقادي

**Нуқода** – Фарғона қишлоқларидан.

---

<sup>106</sup> ҳозирги Марғилон.

Имом **Умар ибн Хусайн ан-Нуқодий ал-Фарғоний** шу қишлоқдан бўлиб, Кеш шаҳрида яшар эдилар. Бу кишидан Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 525 (милодий 1132) йилнинг зулқаъда ойида пайшанба куни Кешда вафот этганлар.

**Ал-Ядухкатий** اليدخكتي

**Ядухкат** – Фарғона қишлоқларидан.

Адиб **Абу Муҳаммад Абдулжалил ибн Муҳаммад ал-Ядухкатий** Самарқандда Журжония саройининг халифаси эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ал-Баззо ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 435 (милодий 1044) йилнинг арафа кунида таваллуд топиб, ҳижрий 498 (милодий 1105) йилда вафот этганлар.

## КЕШЛИК ОЛИМЛАР

*Ал-Хушминжакатий* الحشمنجکتي

**Хушминжакат** – Кеш қишлоқларидан.

**Яхё ибн Ҳорун ал-Хушминжакатий ас-Сарром** шу қишлоқдан бўлиб, ёшлиқларидан ҳадис илмига қизиқар эдилар ва аҳли сунна муҳаддисларидан ҳадис ёзиб олардилар. Насафга икки-уч марта келганлар. Бу киши Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг «Тафсир ал-Килабий» ва «Китоб уд-далоил вал-муъжизот» («Далиллар ва муъжизалар китоби») номли асарларини муаллифнинг ўзларидан таълим олганлар. Ҳижрий 420 (милодий 1030) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

**Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ал-Хушминжакатий ал-Кеший** ҳам шу қишлоқдан. Самарқанднинг ишончли қозиларидан эдилар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилда таваллуд топганлар.

*Ал-Хушунанкат* الحشوننکت

**Хушунанкат** – Кеш қишлоқларидан. У Самарқанд қишлоқлари билан туташган. Илгари Хушунанкас Самарқанд қишлоқларидан эди.

**Абу Аҳмад ал-Хушунанкатий** шу қишлоқдан бўлиб, исмлари ва насаблари тўғрисида маълумот йўқ. Абу Аҳмад Ҳозир ибн Ҳасан ас-Самарқандий бу кишидан ҳадис ёзиб олганлар.

*Аз-Зодакий* الذادکي

**Зодак** – Кеш қишлоқларидан.

*Абу Саъид Масъуд ибн Лисавайх аз-Зодакий* шу кишлоқдан бўлиб, Туфайл ибн Зайд ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мустамлий ҳадис ривоят қилганлар.

*Ас-Субахий* السوبحي

**Субах** – Насафдан олти фарсах узокликдаги Ҳирор кишлоқларидан.

*Али ас-Субахий* исмли шайх шу кишлоқлик бўлиб, Абу Бакр ал-Баладийдан Имом ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ» китобларидан таълим олганлар.

Имом *Муҳаммад ибн Али ас-Субахий ал-Кеший* Кешда яшаганлар. Кешдаги мадрасада дарс берганлар. Бу кишидан таълим олиш учун Фарғона ва Мовароуннаҳрдан келганлар. Бу киши қози Абу Али Ҳусайн ибн Хизр ан-Насафийнинг шогирдларидан бўлиб, шу зотдан таълим олганлар. Имом Абдулҳолиқ ибн Муҳаммад аш-Шиконий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонининг «Боб ул-машҳад» деган жойида дафн қилинганлар. Қабрлари табаррук зиёратгоҳдир. Уни зиёрат қилганлар шифо топади. У зот ҳақларида: «У кишининг оғизларида пайғамбар алайҳиссаломнинг сочлари бор», – деб айтилган.

Фақиҳ *Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Субахий* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, «ал-Луълуий» (Гавҳарчи) номи билан танилган эдилар. Гавҳар сотиб тижорат қилиб юрганлари учун шу нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Кейинчалик Бухорода яшаганлар. Ҳовлилари тижоратчилар тўпланадиган жой (мажмаъ ат-тужжор) эди. Мен Бухорода ал-Луълуийдан ҳадис илмидан таълим олганман ва у кишидан бу нисбат ҳақида сўраганимда: «Бизнинг ота-боболаримиз гавҳар сотардилар», – деб айтганлар. Ҳижрий 553 ёки 554 (милодий 1159 ёки 1160) йили Бухорода вафот этганлар.

*Аш-Шурабоний* الشورباني

**Шурабон** – Кеш кишлоқларидан.

*Абу Бакр Абдурахмон ибн Маҳмуд ал-Кеший аш-Шурабоний* шу кишлоқдан. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

*Ал-Ғардиёний* الغرديانى

**Ғардиён** – Кеш кишлоқларидан.

*Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ғардиёний* шу кишлоқдан.

*Ал-Ғазнаёний* الغزنيانى

**Ғазнаён** – Кеш кишлоқларидан.

*Абу Умар Ҳафс ибн Абу Ҳафс ал-Кеший ал-Ғазнаёний* шу кишлоқ аҳлидан бўлиб, Яҳё ибн Абдулғаффор, Абу Саъид Ато ибн Мусо ал-Журжоний ва Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳ ас-Самарқандий ва «Китоб ул-бўстон» («Бўстон китоби») асарининг

муаллифи Абу Аҳмад Исо ибн Хусайн ал-Касбавий<sup>107</sup> ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилдан олдин 100 ёшга кириб вафот этганлар.

*Сиддиқ ибн Абу Бакр ал-Ғазнаёнӣ ал-Кешӣ* ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, имом ва фақиҳ эдилар. Самарқандда яшаганлар. Абул Фатҳ Муборак ибн Исмоил ал-Боҳилийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 568 (милодий 1173) йилнинг шаъбон ойида Самарқандда вафот этиб, «Қантарату ғотфар» қабристониде дафн қилинганлар.

#### *Ал-Кешӣ* الكشي

**Кеш**<sup>108</sup> – Насаф шаҳарларидан. Мен ўн икки кун шу шаҳарда яшаганман. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарих» китобларида зикр қилишларича, бу шаҳарнинг номи аслида Кес бўлса ҳам, лекин у Кеш номи билан танилган. Кеш шаҳри Нахшаб яқинида. Кешнинг таниқли олимларидан:

*Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ал-Кешӣ* шу шаҳардан. «Абд Ҳумайд» лақаби билан танилган эдилар. Бу киши буюк имомлардан бўлиб, ҳадис жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Язид ибн Ҳорун ва Абдураззоқ ибн Ҳаммомдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муслим ибн Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий, Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ва бошқа улуғ муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар. Дунёнинг кўп мамлакатидан бу зотдан таълим олиш учун келганлар. Ҳижрий 249 (милодий 864) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

*Абул Фазоил Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Кешӣ* ҳам шу шаҳардан бўлиб, ҳижрий 487 (милодий 1095) йили таваллуд топганлар. Аждодлари насафлик бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Самарқандда бўлганимда у кишидан таълим олганман.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Кешӣ* Кешнинг пешқадам олимларидан. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким айтадилар: «Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Кешӣ шайхларимиз Абд ибн Ҳумайд ал-Кешӣ ва Фатҳ ибн Амр ал-Кешӣдан ҳадис илмидан таълим олар эдилар. Бу икки шайх ҳам ҳижрий 250 (милодий 865) йилда 118 ёшга кириб вафот этганлар». Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Кешӣ ҳижрий 339 (милодий 951) йилнинг шаввол ойида ҳажга кетаётганларида Ҳамадонда вафот этганлар.

*Абу Наср Муҳаммад ибн Таййиб ал-Кешӣ аз-Зоҳид* фақиҳ, зоҳид, обид ва ҳадис илмини ўрганиш учун кўп сафар қилган олимлардан. Қатор муҳаддис олимлардан таълим олганлар. Райда Муҳаммад ибн Айюб, Бағдодда Юсуф ибн Яъқуб ал-Қозидан таълим олганлар. Кўп нарсадан парҳез қилар эдилар ва кийинчиликларга сабрли, озгина егулик бўлса ҳам, қаноатланардилар. Сафарда бўлсалар ҳам, муқим бўлсалар ҳам, кўп рўза тугар эдилар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилда вафот этганлар. Хусайн қабристониде дафн қилинганлар.

#### *Ал-Марғабонӣ* المرغاباني

**Марғабон** – Кеш қишлоқларидан.

<sup>107</sup> Касба Насаф қишлоқларидан бўлиб, Самарқанд яқинида жойлашган.

<sup>108</sup> ҳозирги Шаҳрисабз.

*Абу Амр Аҳмад ибн Абул Бахтарий ал-Марвазий ал-Марғабоний* асли марвлик бўлиб, Марғабон қишлоғида яшаганлари учун шу нисбат берилган. Марвда Абул Аббос Аҳмад ибн Саъид ал-Маъдоний, Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Ҳаддодий, Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Исмоилий ва Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилдан кейин вафот этганлар.



## НАСАФЛИК ОЛИМЛАР

*Ал-Офуроний* الأفرايى

**Офурон** – Насафдан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан илгари ва ҳозир буюк олимлар ва муҳаддислар етишиб чиққанлар.

*Абу Мусо Васир ибн Мунзир ал-Офуроний ан-Насафий* шу қишлоқдан бўлиб, зоҳид эдилар. Бу киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музофот» китобларида маълумот берганлар.

*Абу Бақр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Офуроний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ эдилар. Бухорода яшаганлар ва бухоролик олимлар Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 413 (милодий 1023) йилнинг шаввол ойида 80 ёшда Бухорода вафот этганлар.

*Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Офуроний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Лайс ибн Наср ал-Кожарийдан таълим олганлар. Ҳижрий 422 (милодий 1032) йили Офурон қишлоғида вафот этганлар.

*Абул Фазл Шубий ибн Абдуллоҳ ал-Офуроний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, «Шох» лақаби билан танилган эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Муҳаммад ибн Маҳмуд, Муҳаммад ибн Закариё ва Муҳаммад ибн Бужайрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад Жибрил ибн Авн ал-Офуроний* исломнинг пешқадам олимларидан. Имом ал-Бухорийнинг дўстларидан. Имом ал-Бухорий Насафда яшаганларида бу киши у зот билан бирга бўлганлар. Жибрил ал-Офуроний Абдулазиз ибн Ҳотам ал-Офуроний ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Таййиб Абдулмалик ибн Исҳоқ ал-Офуроний* адиб ва шоир эдилар. Аҳмад ибн Ҳомид ал-Муқри, Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий ва Лайс ибн Наср ал-

Кожарий ан-Насафийдан таълим олганлар. Илм ўрганиш учун Марвда бўлиб, у ернинг фақиҳларидан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Маъдоний, Абул Ҳасан ал-Махмудий ва фақиҳ Абу Зайд ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ҳижрий 388 (милодий 999) йили шаъбон ойининг ўнинчисида вафот этганлар.

*Абу Тамом Абдусалом ибн Исҳоқ ал-Офуроний* фақиҳ, адиб ва шоир эдилар. Юқорида номлари зикр қилинган Абдулмалик ал-Офуронийнинг укалари. Акаларининг шайхларидан таълим олганлар. Бу киши Шофеъий мазҳабининг фақиҳи эдилар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Ажир* الأجير

Бу киши ҳақда Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

*Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий ал-Ажир* Насаф аҳлидан. Имом ал-Бухорий Насафга келганларида шу кишининг уйларида бўлганлар. Туфайл ал-Ажирдан Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф «Ҳикоёту ат-Туфайл ибн Зайд» («Туфайл ибн Зайд ҳикоялари») китобини ривоят қилганлар. Аҳад ал-Ажирнинг айтишларича, боболари Туфайл ибн Зайд Имом ал-Бухорийдан: «Намозда рукуъ ва саждада неча марта тасбеҳ айтиш керак?» – деб сўраганлар. Имом ал-Бухорийнинг устозлари Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий: «Янбағи салосу тасбийҳот фис-салоти яъни фир-рукуи вас-сужуд» (Намозда рукуъ ва саждада уч марта тасбеҳ айтиш дуруст), – деганлар. Имом ал-Бухорий эса: «Менда: «Изо вазаъа раъсаҳу лис-сужуди вастамкана жоза» (Агар бошини саждага қўйиб, жим турса ҳам жоиз), деган бир ҳадис бор», – деб жавоб берганлар».

#### *Ал-Утшундий* الأتشندي

**Утшунд** – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Музаффар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Утшундий ан-Насафий* чиройли сўзловчи, адиб ва шоир эдилар. Бу киши Абу Бакр ал-Бухорий, Абул Фазл ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. «Ҳадис ур-рубоиёт» («Тўртлик ҳадислар») китобининг муаллифи.

#### *Ал-Устуғдодизий* الأستغداديزي

**Устуғдодиза** – Насафдан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. Насафдан Бухорога сафар қилаётганимда шу қишлоқда бўлганман. Бу ердан буюк муҳаддислар етишиб чиққанлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Осим ал-Устуғдодизий* Насаф аҳлидан. Фақиҳ, фозил ва солиҳ олимлардан эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад, Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо аз-Зарир ар-Розий ва Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд ас-Симнатийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Тоҳир ан-Насафий ва ўғиллари таълим олганлар. Ҳижрий 378 (милодий 989) йили зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Устуғдодизий* оталаридан ҳамда Абу Муҳаммад Исмоил ибн Ҳусайн аз-Зоҳиддан ва бухоролик машойихлардан таълим

олганлар. Ўзларидан ўғиллари Абдулазиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 425 (милодий 1035) йилда ёш вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Устугдодизий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, «Абдулазиз ан-Нахшабий» номи билан танилган эдилар. Ҳофиз ал-ҳадис (ҳадисни ёддан билувчи) эдилар. Илм талабида Ирок, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, санади саҳиҳ кўп ҳадисни ўз кўллари билан насх хатида кўчирганлар. Узоқ муддат сафарда бўлганлар. Исфаҳонда кўпроқ турганлар. Кейинчалик ватанларига қайтиб келганлар. Насафда оталаридан ва Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийдан, Самарқандда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Журжонийдан, Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Варроқдан, Марвда Абул Қосим Ҳасан ибн Исмоил ал-Маҳмудийдан, Маккада Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Али ал-Аздийдан ҳамда Бағдод, Шероз, Байт ал-Мақдис, Миср, Искандария ва Тунис уламоларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳусайн Муборак ибн Абдулжаббор ат-Туюрий ва Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 408 (милодий 1018) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 456 ёки 457 (милодий 1065 ёки 1066) йили Нахшабда вафот этганлар.

*Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Устугдодизий* солиҳ шайх, адабиётшунос олим бўлиб, камгап эдилар. Ҳазнага борганлар ва султон Маҳмуд ибн Сабуктегиннинг фарзандларига адабиётдан таълим берганлар. Кейинчалик ватанларига қайтиб, доимо ибодат билан машғул бўлганлар. Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Бакр ар-Розийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ан-Нахшабий таълим олганлар. Ҳижрий 439 (милодий 1048) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар. Жанозаларида Насафнинг кўп қишлоқ аҳли ҳозир бўлган.

#### *Ал-Андадий* الأنددي

**Андад** – Насаф қишлоқларидан.

*Муҳаммад ибн Фазл ал-Андадий* шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Маҳмуд ан-Насафий ва Абу Али ал-Ҳофиз ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари ва неваралари ҳадис ривоят қилганлар.

#### *Ал-Аншамисний* الأنشمثني

**Аншамисн** – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Ҳумайд ибн Наим ал-Фақиҳ ал-Аншамисний* шу қишлоқдан. Бу киши солиҳ, фақиҳ, зоҳид ва такводорлардан эдилар. Асад ибн Ҳамдавайҳ ан-Насафийдан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий айтадилар: «Ҳижрий 376 (милодий 987) йилнинг шаввол ойида у киши билан бирга Зухход масжидида бир кун ўтирган эдим».

#### *Ал-Ибсаний* الإبسنني

**Ибсан** – Насафдан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ.

*Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр ал-Ибсаний* шу қишлоқдан. Бу киши шайх, фозил, кори, чиройли сийратли ва кўп ибодат қилувчилардан эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ал-

Баладийдан таълим олганлар. Насафда бўлганимда ал-Азракийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобини шу кишида ўқиганман. Ҳижрий 478 (милодий 1086) йилнинг сафар ойида туғилиб, ҳижрий 552 (милодий 1158) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Акаларининг ўғли *Абул Муаййин Маймун ибн Аҳмад ал-Ибсанний* ҳам шу қишлоқдан. Абу Бакр ал-Баладий ривоят қилган Имом ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-сахих» («Ишончли тўплам») китобининг ўн бир жузини шу кишидан таълим олганман.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Фоним ал-Ибсанний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Масъуд ал-Кешийдан таълим олганлар. Ҳижрий 425 (милодий 1035) йил жумодул охир ойининг ўн тўққизинчи куни, шанба кечаси вафот этганлар.

### *Ал-Идрисий* الإدريسي

Бу боболарининг исмига берилган нисбатдир.

*Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ал-Идрисий* шу нисбат билан машҳурдирлар. Астрободлик бўлиб, кейинчалик вафотларига қадар Самарқандда яшаганлар. «Тарихи Астробод» ва «Тарихи Насаф» китобларининг муаллифи. Бу зот юз минг ҳадисни ёддан билардилар. Мартабалари улуғ олим эдилар. Ҳадис илмини ўрганиш мақсадида Хуросон ва Ироқда бўлиб, у ернинг муҳаддисларидан кўп ҳадис ёзиб олганлар. Китоб ҳам таълиф қилганлар. Журжонда Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ал-Исмоилий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Ҳофиз, Бағдодда Абул Ҳасан Али ибн Умар ад-Доракутний ал-Ҳофиз, Марвда Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Умар ал-Жавҳарий ва Абул Ҳорис Али ибн Қосим ал-Хаттобийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Ало Муҳаммад ибн Али ал-Мукри ал-Воситий, Абул Қосим Али ибн Муҳсин ат-Танухий, Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Атикий ал-Бағдодий, Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Азҳарий ал-Бағдодий, Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Молиний ва Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Варроқ ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 405 (милодий 1015) йилнинг зулҳижжа ойида Самарқандда вафот этганлар.

*Абул Қосим Маҳмуд ибн Исмоил ал-Идрисий ат-Тараблусий* имом, фозил, муфтий ва чиройли сийратли эдилар. Умрларини илм ўрганиш ва уни ёйиш билан ўтказганлар. Отам Муҳаммад ас-Самъонийдан таълим олганлар. Абу Бакр Абдулғаффор ибн Муҳаммад аш-Ширавийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Марв ва Нишопурда у кишидан баъзи нарсаларни ёзиб олдим. Ҳижрий 470 (милодий 1078) йилдан кейин таваллуд топганлар.

### *Ал-Боёнӣ* الباياني

**Поён** – Насафнинг маълум ва машҳур маҳаллаларидан. Бу маҳаллада Имом ал-Бухорий бўлганлар. Мен бу қишлоқда кўп бўлдим ва Имом ал-Бухорий намоз ўқиган масжидда намоз ўқидим.

*Абу Яъло Муҳаммад ибн Абу Таййиб Аҳмад ал-Боёнӣ* шу қишлоқдан бўлиб, имом эдилар. Араб тили ва адабиётини жуда яхши билардилар. Ҳижрий 367 (милодий 978) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

**Ал-Батхудоний** البتخداني

**Батхудон** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Батхудоний ан-Насафий* шу қишлоқдан. Бу киши шайх, фозил, солиҳ, ҳалолу покиза, чиройли сийратли қори эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Ҳижрий 491 (милодий 1099) йил муҳаррам ойининг биринчисида Батхудон қишлоғида туғилиб, ҳижрий 551 (милодий 1157) йили Насафда вафот этганлар.

**Ал-Баздавий** البزدوي

**Базда** (Пазда) – Насафдан олти фарсах узоқликда Бухоро йўлида жойлашган катта қалъа.

*Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий* бу нисбат билан машҳурдирлар. «Фақиҳу Мовароуннаҳр» (Мовароуннаҳрнинг фақиҳи) ва «Устоз ул-аимма» (Имомларнинг устози) унвонларининг соҳиби. Тарикатда шайх бўлиб, Абу Ҳанифа мазҳабида эдилар. Ўғиллари Абу Собит Ҳасан ибн Алидан Али ибн Абдулазиз ал-Бағавийнинг «Муснад» китобларини ёзиб олганман. Ўғиллари ушбу китобни Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан ривоят қилганлар.

Укалари *Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Баздавий* «Қози ас-садр» (Қозиларнинг пешвоси) номи билан танилганлар. Бухорода имло ва фикҳдан дарс берганлар. Ўғиллари Абул Маолий Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баздавий Марвда қози эдилар.

*Абу Абдуллоҳ Убайдуллоҳ ибн Амр ал-Баздавий* пешкадам муҳаддис олимлардан. Каъб ибн Саъид ал-Қози, Аҳмад ибн Ҳафс ал-Ижлий ва Абу Ваҳб Муҳаммад ибн Музоҳимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Сулаймон Довуд ибн Нусайр ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Наср ал-Баздавий, Убайдуллоҳ ибн Амр, Исо ал-Асқалоний ва Абу Исо ат-Термизийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Убайдуллоҳ ибн Амр ҳижрий 323 (милодий 936) йилда вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Баздавий* – юқорида номлари зикр қилинган Абул Ҳасан ал-Баздавийнинг боболари. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

**Ал-Бадёнавий** البديانوي

**Бадёна** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Салама ал-Бадёнавий* шу қишлоқдан бўлиб, зоҳид ва ориф эдилар.

**Ал-Бузғомий** البزغامي

**Бузғом** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Тохир Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Бузғомий* шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ уламолар Абу Тохир ал-Қалонисий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ал-Бухорийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилнинг рамазон ойида ёш вафот этганлар.

**Ал-Баштоний** البشتاني

**Баштон** – Насаф қишлоқларидан. Бу ердан улуғ олимлар етишиб чиққанлар.

**Бишр ибн Имрон ал-Баштоний** кироатлари жуда чиройли қори бўлганлар. Ҳижрий 401 (милодий 1011) йилнинг ражаб ойида Баштон қишлоғида вафот этганлар.

**Ал-Баладий** البلدي

**Балад** арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади.

Машҳур муҳаддис олим **Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий** Насаф аҳлидан. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ва ўғиллари Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Мустағфирийдан, Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Моймарғийдан ва оталари Абу Наср ал-Баладийдан таълим олганлар. Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Моймарғда бу зот ҳақларида менга йигирмадан кўпроқ киши маълумот берди. Неваралари Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладийдан бу нисбат ҳақида сўрадим. У зот айтдилар: «Конат ал-уламоу фи замони жаддий ал-аъло Абу Наср аксарухум би Насаф минал-қуро ван-ноҳия. Ва кона жаддий мин аҳлил-балад. Фаурифа би Ал-Баладий. Фабақо алайно ҳазал исм» (Катта бобом Абу Насрнинг замонларида аксарият уламолар Насафнинг қишлоқ ва ноҳияларидан эдилар. Бобом эса шаҳар аҳлидан бўлганлар. Шунинг учун «Ал-Баладий» нисбати билан танилганлар. Шундай кейин бизга бу исм қолди). Абу Бакр ал-Баладий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳих» китобларидан дарс берганлар. Ҳижрий 504 (милодий 1111) йилда вафот этганлар.

Неваралари **Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладий** солиҳ шайх, чиройли сийратли, Насафнинг таниқли ва кўзга кўринган олими эдилар. Абу Ҳафс Умар ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳих»ларини шу кишидан таълим олганман. Ўғлим Абул Музаффар ас-Самъоний ҳам ушбу китобнинг айрим жузидан таълим олганлар. Ҳижрий 551 (милодий 1157) йилда у кишининг ёнларидан кетганимда тирик эдилар.

Боболари **Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баладий** қози, ҳадисни яхши кўрувчи муҳаддис эдилар. Абу Муҳаммад ат-Тарсусий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ва Абу Бакр ибн Идрис ал-Жаржаройидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар ва устозлари ҳақида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида маълумот қолдирганлар.

**Ат-Тадёний** التدياني

**Тадёна** – Насаф қишлоқларидан.

**Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий ат-Тадёний** шу қишлоқдан. Бу кишидан Насаф машойихлари таълим олганлар. Ҳижрий 366 (милодий 977) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

**Иброҳим ибн Набҳон ат-Тадёний** ҳам шу қишлоқдан. Ҳижрий 392 (милодий 1003) йил рабиъул аввал ойининг еттинчисидан, яқшанба куни Тадёна қишлоғида ёш вафот этганлар.

**Ат-Тубиний** التّوئيني

**Тубин** – Насаф кишлоқларидан.

*Абу Бакр Мухаммад ибн Мухаммад ибн Жаъфар ат-Тубиний* шу кишлоқдан бўлиб, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилда Хузорнинг (Ғузорнинг) Камсара кишлоғида вафот этганлар. Тобутлари Тубин кишлоғига олиб борилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

*Абул Фазл Жаъфар ибн Мухаммад ат-Тубиний* шу кишлоқда дехкон эдилар. Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларидан таълим олганлар. Бу киши – Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ривоят қилган охириги ровий. Ҳижрий 278 (милодий 892) йилдан кейин вафот этганлар.

**Ал-Жавбақий** الجوابيقي

**Жавбак** – Насафда одамлар тўпланиб турадиган мавзе.

*Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ал-Жавбақий ан-Насафий* шу нисбат билан машҳурдилар. Бу киши Насаф аҳлидан бўлиб, ҳофиз ал-Қуръон, фозил ва кўп ҳадис билувчи эдилар. Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ва Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йил зулҳижжа ойининг йигирма еттинчисида вафот этганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Жавбақий* ҳам шу кишлоқдан. Бу киши адиб ва шоир бўлиб, «Абу Ҳомидот» лақаби билан машҳур эдилар. Илм талабида ҳижрий 320 (милодий 933) йилда Ироққа сафар қилиб, Ироқ ва Хуросон машойихларидан таълим олганлар. Фикҳ илмини Абу Исҳоқ ал-Марвазийдан ўрганганлар. Кейинчалик Насафга келиб, шу ерда яшаганлар. Ҳаж қилиб қайтаётганларида ҳижрий 340 (милодий 952) йилда вафот этганлар.

*Абу Иброҳим ибн Аҳмад ал-Жавбақий* Насаф аҳлидан. Абул Фаворис Аҳмад ибн Мухаммад, Абу Наср Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан таълим олганлар. Ҳижрий 410 (милодий 1020) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

**Ал-Жувикий** الجويكي

**Жувик** – Насаф кўчаларидан.

*Мухаммад ибн Ҳайдар ал-Жувикий* шу кўчадан. Мухаммад ибн Толиб ан-Насафий ва Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ал-Жуйборий** الجويباري

**Жўйбор** – Насафдаги маҳалла. Самарқанд ва Ҳиротда шу номда кишлоқлар бор.

*Абу Бакр Мухаммад ибн Суррий ал-Жуйборий* Насафнинг Жўйбор маҳалласидан. «Ҳам» лақаби билан танилганлар. Мен бу маҳаллада бўлганман. Бу киши солиҳ шайх ва ғассол (ўлик ювувчи) бўлганлар. Имом ал-Бухорий билан учрашганлар. Иброҳим ибн

Маъқал ва Муҳаммад ибн Мусодан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Аҳмад ва Абу Бакр Аҳмад ибн Абдулазиз таълим олганлар.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Жўйборий* асли бухоролик бўлиб, Насафнинг Жўйбор маҳалласида яшаганлар. Фақиҳ эдилар. Жомеъ масжидида Абу Ҳафс аз-Зоҳид ал-Фардадий ўтирадиган жойда ўтирар эдилар. Абдусаммад ибн Фазл ал-Балхий ва Абу Шаҳоб Муаммар ибн Муҳаммад ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абу Али Ҳусайн ал-Кеший* ҳам фақиҳ эдилар. Исо ибн Ҳусайндан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан кейин вафот этганлар.

#### *Ал-Жийлоний* الجيلاني

**Жийлон** – ток шохлари. Ундан сават ва бошқа ҳар хил нарса тўқувчи (ясовчи) киши «Жийлоний» дейилади. Табаристоннинг ортида машҳур Жийлон шаҳри ҳам бор.

*Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Жийлоний* шу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Насаф аҳлидан бўлиб, кейинчалик Бухорода яшаганлар. Фикҳ илмининг пешқадам олимларидан ва фозил кишилардан эдилар. Насафда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Ал-Азракийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») ва Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳих» («Ишончли тўплам») китобининг баъзи жузларини шу кишидан таълим олганман. Ҳижрий 485 (милодий 1093) йилда Насафда таваллуд топганлар.

#### *Ал-Ҳотимий* الحاتمي

*Абул Муаййид Маймун ибн Абул Ало ал-Ҳотимий ан-Насафий* насафлик олимлардан. Бу киши Насафда узоқ муддат қози бўлганлар. Боболари Абу Али Ҳасан ибн Ади ал-Ҳотимийдан таълим олганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилда туғилиб, Ҳижрий 513 (милодий 1120) йил ражаб ойининг ўн тўққизинчисида, жума куни кечаси Насафда вафот этганлар.

#### *Ал-Ҳомидий* الحامدي

**Ҳомид** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад Ҳомид ал-Ҳомидий* шу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Насаф олимларидан бўлиб, ёш фақиҳ, такводор, зоҳид, диндор ва фозил эдилар. Илм ўрганиш учун Марвга сафар қилиб, Абул Фазл ал-Ҳаддодийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ҳижрий 396 (милодий 1006) йили Марвда вафот этганлар. Абу Амр ал-Камонийнинг ёнларида дафн қилинганлар.

#### *Ал-Ҳузорий* الحذاري

**Ҳузор**<sup>109</sup> – Насафга яқин ноҳия. Бу ердан кўп олим чикқан.

*Абу Ҳорун Мусо ибн Жаъфар ал-Ҳузорий ал-Кеший* Ҳузор аҳлидан. Илм ўрганиш мақсадида Ироқ, Ҳижозда бўлиб, кейинчалик Хуросонга қайтиб, Аҳмад ибн Солиҳ ал-

<sup>109</sup> ҳозирги Ғузор.



Маккий ва Муҳаммад ибн Занбур ал-Маккийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

**Ал-Ҳаштиёрий** الخشتياري

Абу Ҳусайн **Тоҳир** ибн Маҳмуд **ал-Ҳаштиёрий ан-Насафий** Насаф аҳлидан. Бу киши буюк имом, фозил ва олимлардан эдилар. Илм талабида Ироқ, Шомда бўлганлар. Ҳижрий 289 (милодий 903) йили Насафда вафот этганлар.

**Ал-Ҳушном** الخشنام

Абу Али **Муҳаммад** ибн **Ҳушном ал-Ҳушномий** Насаф аҳлидан. Исҳоқ ибн Амр ва Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 334 (милодий 946) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 406 (милодий 1016) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

Ўғиллари **Абул Ҳасан Тоҳир** ибн **Муҳаммад ал-Ҳушномий** Насаф аҳлидан. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилда илм талабида Хуросон, Ҳирот ва Сижистонда бўлиб, ўша мамлакатларда анча йил яшаганлар. Тасаввуф машойихларининг хизматларини қилиб, уларнинг панду насихатларини ёзиб олар эдилар. Кейинчалик ўз шаҳарларига қайтиб, Шош, Суғд ва Самарқанд уламоларидан таълим олганлар. Ҳижрий 397 (милодий 1007) йил жумодул аввал ойининг жума кечаси ёш вафот этганлар.

**Ал-Ҳашяндизий** الخشينيديري

**Ҳашяндиза** – Насаф қишлоқларидан.

**Исмоил** ибн **Меҳрон ал-Ҳашяндизий** – шу қишлоқдан бўлиб, Абул Ҳасан ал-Омирийнинг куёвлари. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

**Ал-Ҳузёний** الخوزياني

**Ҳузён** – Насаф ноҳиясининг Губдин қишлоғидаги қаср.

Абул Аббос **Маҳдий** ибн **Самъон ал-Ҳузёний** Губдин қишлоқларидаги Ҳузён қасрида яшар эдилар. Доимо зоҳидлар ҳақида гапирардилар. Ҳижрий 398 (милодий 1008) йил шаъбон ойининг ўн учинчисида, чоршанба куни вафот этганлар. Жанозаларини Абул Аббос ал-Мустағфирий ўқиганлар. Пайшанба куни куёш ботишидан олдин дафн қилинганлар.

**Ад-Дорий** الدّاري

Абу **Муҳаммад Абдураҳим** ибн **Зайд ад-Дорий ан-Насафий** Насаф олимларидан. Хуросонга бораётганларида Абул Аббос ал-Мустағфирий билан бирга сафарда бўлганлар. Насафда Абу Аҳмад Қосим ибн Муҳаммад ал-Қантарийдан, Иштихонда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Иштиханийдан, Кушонияда Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушонийдан, Бухорода Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Исмоилийдан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий айтадилар: «Мен у кишидан битта ҳадис ёзиб олганман. Ҳижрий 396

(милодий 1006) йилнинг ражаб ойида 30 ёшда вафот этганлар».

**Ад-Дужоканий** الدجواني

**Дужокан** – Насаф қишлоқларидан.

**Исмоил ибн Яъқуб ад-Дужоканий ан-Насафий** шу қишлоқдан бўлиб, шайх ва хофиз ал-Қуръон эдилар. Самарқандга келиб, у ернинг машойихларидан таълим олганлар. Ҳижрий 482 (милодий 1090) йилнинг шаъбон ойида Насафда вафот этганлар.

**Ад-Дириздаҳий** الدريزدهي

**Диризда** – Насаф қишлоқларидан.

**Абу Али Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Фақиҳ ад-Дириздаҳий** шу қишлоқдан. Фиқҳ ва ҳадис илмларини Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий ва Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Бакр ал-Фақиҳдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Иброҳим ибн Али ан-Насафий таълим олганлар.

**Абу Саъид Халаф ибн Сулаймон ад-Дириздаҳий** ҳам Диризда қишлоғидан. Шайх ва ишончли муҳаддис эдилар. Илм ўрганиш учун Ироқ, Шомда бўлиб, Ҳишом ибн Аммор ад-Димашқий, Суфён ибн Вакеъ, Муҳаммад ибн Башшор, Муҳаммад ибн Мусанно ва бошқа уламолардан таълим олганлар. Бу киши – Иброҳим ибн Маъқалнинг қариндошлари. «Муснад»ни таълиф қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

**Ар-Роғсараний** الراغسارني

**Роғсарсан** – Насафдан ярим фарсах узокликда жойлашган қишлоқ.

Имом **Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Насафий ар-Роғсараний** шу қишлоқдан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайний ал-Алавийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

**Ар-Роҳибий** الراهي

**Роҳиб** – боболарининг исмига берилган нисбат.

**Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Бакр ар-Роҳибий ал-Фароизий** Насаф ахлидан. Бу киши Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Муҳаммад ибн Толиб ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Маҳмуд ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ал-Хофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 385 (милодий 996) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Ўғиллари **Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ар-Роҳибий** Насаф шаҳрининг фахрли адиб ва шоири эдилар. Боболари Абу Амр ар-Роҳибийдан, Абул Фаворис Аҳмад ибн Жумъа, Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абу Бакр Исмоил ибн Муҳаммад ал-Фарротийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 347 (милодий 959) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 426 (милодий

1036) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Баззор ар-Роҳибий* шайх эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йил зулкаъда ойининг душанба куни аср вақтида вафот этганлар.

*Аз-Зоғарсараний* الزّاغرسرسي

**Зоғарсарсан** (Зоғарсарсий деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Али Бакр ибн Абдуллоҳ аз-Зоғарсараний ан-Насафий* шу қишлоқдан бўлиб, Самарқандда Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Форисийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 525 (милодий 1132) йилнинг шаввол ойида 88 ёшда вафот этганлар. Боболари Мусо аз-Зоғарсараний бир юз ўн тўрт йил, оталари тўқсон олти йил умр кўрганлар.

*Аз-Зикуний* الزّيكوني

**Зикун** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Ҳам ибн Мустағфир аз-Зикуний* шу қишлоқдан бўлиб, Ражо ибн Сувайд ал-Балхий ва Абу Суҳайл Имрон ибн Абу Имрондан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Муҳаммад ибн Ҳам аз-Зикуний ва Муҳаммад ибн Қора ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилдан кейин вафот этганлар.

*Аз-Занданаёй* الزّندناي

**Занданаё** (Зандон деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Фаворис Абдулмалик ибн Муҳаммад ан-Насафий аз-Занданаёй* Занданаё қишлоғидан. Самарқандда яшаганлар. Қози Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баладийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 428 (милодий 1038) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 495 (милодий 1102) йилдан кейин вафот этганлар.

*Ас-Сокабадэзавий* الساكباديازوي

**Сокабадэз** – Насаф қишлоқларидан.

*Муҳаммад ибн Ато ан-Насафий ас-Сокабадэзавий* шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ, адиб ва олимлардан эдилар. Абу Ражо Қутайба ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 482 (милодий 1090) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

*Ас-Сонжаний* السانجاني

**Сонжан** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқал ас-Сонжаний ан-Насафий* шу қишлоқдан бўлиб, Насаф аҳлининг машҳур имоми эдилар. Насафда Туфайл ибн Зайддан кейин қози бўлганлар. Бу киши ҳадис ва фикҳ илмларини яхши билувчи, пок ва ғамхўр кишилардан эдилар. Ҳадис

жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, у ердаги уламолардан таълим олганлар. Анча машаққат тортиб Аҳмад ибн Ҳанбалга йўликқанлар, аммо у кишидан таълим ололмаганлар. Бу зот Имом ал-Бухорийдан «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобидан таълим олганлар. Ушбу китобни Имом ал-Бухорийдан ривоят қилган охирги муҳаддис. Ҳижрий 295 (милодий 909) йилнинг зулқаъда ойида 85 ёшда вафот этганлар.

#### *Ас-Сунний* السُّنِّي

**Суннага** берилган нисбат бўлиб, бу бидъатнинг зиди, мухолифи деган маънони англатади. Бидъат аҳли кўпайиб кетган бир вақтда бир гуруҳ уламолар шу нисбатни кўллашни маъқул кўрганлар.

*Абу Салама Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сунний* бу нисбат билан машҳурдирлар. Насаф аҳлидан. У ернинг – Насафнинг шайхларидан эдилар. Бу киши аввал мўътазилий, кейин сунний бўлганлар. Абу Салама Ҳусайн ибн Аҳмад ас-Сунний исмли бир фарзандлари шайх эдилар. «Ад-Дехқон» номи билан танилган эдилар. Бу зот Имом ал-Бужайрийнинг «ас-Сунан» («Суннатлар») китобларидан таълим олиб, уни Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан ривоят қилганлар. Насафда бўлганимда бу кишидан шу китобдан таълим олганман.

#### *Ас-Суводий* السُّوَادِي

**Суводиза** – Нахшаб кишлокларидан. Насаф аҳли бу кишлоклик кишиларга нисбат берганда «ас-Сувоий» дер эди. Аммо тўғриси «ас-Суводий»дир.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Луқмон ас-Суводий* шу кишлокдан бўлиб, Муҳаммад ибн Ақийл ал-Балхий, Аҳмад ибн Ҳам ас-Саффор, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Боҳилий, Солиҳ ибн Абу Румайҳ ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ишончли муҳаддис эдилар. Ҳижрий 371 (милодий 982) йилда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ақийл ал-Балхийнинг «ал-Жомеъ» китобларини шахсан муаллифдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 374 (милодий 985) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

#### *Ас-Саломий* السَّلَامِي

*Абу Наср Муҳаммад ибн Яъқуб ас-Саломий ан-Насафий* Насаф аҳлидан. Кучли шайх, тўғри сўз олим ва кўп ҳадис билувчи эдилар. Абу Наср ас-Саломийнинг фарзандлари бўлмаган. Насафда минора қурганлар ва: «Ҳазал буржу лий би манзилат ал-валад» (Бу минора менинг учун фарзанд ўрнидадир), деганлар. Насафда оталаридан ва Абу Амр Бакр ибн Муҳаммад ан-Насафийдан, Бухорода Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ар-Розийдан, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Соифдан, Кармана ва Сарахс уламоларидан таълим олганлар. Бу кишидан Абул Аббос Жаъфар ал-Мустағфирий ва Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладий ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Карминийдан Абу Ҳафс Умар ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларидан таълим олганлар. Ҳижрий 430 (милодий

1039) йили Насафда вафот этганлар.

**Аш-Шовхароний** الشَّوْخَرَانِي

**Шовхарон** – Насаф қишлоқларидан. Иморатлари кўп бўлиб, кейин харобага айланган. Унинг номигина қолган.

*Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Жаъфар аш-Шовхароний* Абу Амр ибн Абу Комилнинг суҳбатдоши бўлган. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

**Аш-Шоҳидий** الشَّاهِدِي

**Шоҳид** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абдулваҳҳоб ан-Насафий аш-Шоҳидий* Насаф аҳлидан. Дастлаб оталари Абдулваҳҳоб аш-Шоҳидийдан, кейин Абу Наср Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилнинг жумодул аввал ойида Кешда вафот этганлар. Насафда дафн қилинганлар.

**Аш-Шарғиёний** الشَّرْغِيَانِي

**Шарғиён** – Бухородан беш фарсах узоқликдаги Шарғ (Чарх) қишлоғи. Насафда ҳам Шарғиён деган кўча бор. У «Кўйи Чарғиён» дейилади. Бухоронинг Шарғ (Чарғ) қишлоғидан шу кўчага кўчиб келган кишиларга «аш-Шарғиёний» деб нисбат берилган.

*Абу Наср Аҳмад ибн Али аш-Шарғиёний ан-Насафий* Насаф аҳлидан бўлиб, ушбу маҳаллада яшаганлар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 403 (милодий 1013) йил рамазон ойининг ўн олтинчисида вафот этганлар.

**Аш-Ширакатий** الشَّيْرَكِي

**Ширакат** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Наср Аҳмад ибн Аммор аш-Ширакатий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Муҳаммад Наср ибн Муҳаммад аш-Ширакатийдан Имом ат-Термизийнинг «Сунани Абу Исо» китобларидан таълим олганлар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилнинг шаъбон ойида Ширакат қишлоғида вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад аш-Ширакатий* ишончли шайх бўлганлар. Абу Мансур Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Карминий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафқол аш-Шошийдан таълим олганлар. Ҳижрий 408 (милодий 1018) йилнинг шаввол ойида Ширакат қишлоғида вафот этганлар.

*Абу Аҳмад Толиб ибн Али аш-Ширакатий* – ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Толибнинг оталари. Имом ал-Бухорийдан ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Муқридан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 288 (милодий 902) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

**Ас-Соигий** الصائغى

**Соиг** арабча сўз бўлиб, заргар деган маънони англатади. Насафда «ас-соға» (Заргарлар) кўчаси бор.

*Абу Али Муҳаммад ибн Усмон ас-Соигий ан-Насафий* шу кўчадан эдилар. Аммо заргар эмасдилар. Насафга илк бор келганимда шу кўчада бўлганман. Абу Али ас-Соигий фозил, илмга чанқоқ эдилар. Илм талабида Ироқ, Миср, Хижоз, Бағдодга бўлиб, у ерларнинг уламоларидан таълим олганлар. Кейин ватанлари Насафга қайтиб, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Хижрий 344 (милодий 956) йилдан кейин денгизга ғарқ бўлганлар.

**Ас-Садиқий** الصّدِيقِى

**Садиқ** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Фазл Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Садиқий ан-Насафий* Насаф ахлидан. Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағавийдан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ат-Толибий** الطّالِبِى

*Абу Яъмар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Толибий* Насаф ахлидан. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Толиб ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Хижрий 386 (милодий 997) йилнинг шаъбон ойида Насафда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Толибий* Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариядан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз уч ҳадис ривоят қилганлар. Хижрий 386 (милодий 997) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

**Ат-Турхорий** الطّرخارِى

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Али ан-Насафий ат-Турхорий* Насаф ахлидан. Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз у кишидан «Муснади Усмон ибн Аффон» китобини ва Иброҳим ибн Маъқалнинг «Муснад» китобини таълим олганлар.

**Ал-Имроний** العِمْرانِى

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Қосим ал-Имроний ал-Касбавий* Касба ахлидан. Касба Насаф қишлоқларидандир. Катта боболарининг исми Имрон бўлганлиги учун «ал-Имроний» деб нисбат берилган. Самарқандда раис ва вазир лавозимларида ишлаганлар. Кейинчалик ҳамма ишларини кўйиб, умрларининг охирида Абу Исмоил Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ҳалимийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Хижрий 513 (милодий 1120) йилнинг зулкаъда ойида 83 ёшда Касба қишлоғида вафот этганлар.

**Ал-Ғубдиний** الغوبديني

**Ғубдин**<sup>110</sup> – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан кўп илм аҳли етишиб чиққан.

*Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Наим ал-Котиб ал-Ғубдиний* шу қишлоқдан бўлиб, котиб эдилар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Устоз ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Наим Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний* ишончли муҳаддис, солих, тўғри сўз эдилар. Кўп ҳадис билардилар. Илм ўрганиш учун Хуросон, Ироқ ва Ҳижозда бўлиб, у ернинг машойихларидан таълим олганлар. Бухорода Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан, Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан, Насода Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насавийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий ва Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 341 (милодий 953) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, ҳижрий 427 (милодий 1037) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

Укалари *Абул Ҳусайн Ало ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний* Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Аҳмад Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 409 (милодий 1019) йилнинг рамазон ойида Насафда вафот этганлар.

*Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ғубдиний ал-Батхудоний* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, кори, фозил, солих кишиларидан эдилар. Абу Бакр ал-Баладий ва Муҳаммад ибн Аҳмаддан таълим олганлар. Насафда у кишидан таълим олганман. Ҳижрий 491 (милодий 1099) йил муҳаррам ойининг биринчи кунда таваллуд топиб, ҳижрий 551 (милодий 1157) йилда вафот этганлар.

*Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний* котиб бўлиб, Бухорода яшаганлар. Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 420 (милодий 1030) йилда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ғубдиний ан-Насафий* фозил, имом эдилар. Самарқанд қозиси бўлганлар. Абу Таййиб Тохир ибн Ҳасан ал-Мутаввиъийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 505 (милодий 1112) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар.

**Ал-Фархуздижажй** الفرخوزديجي

**Фархуздижа** – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Шу қишлоқда бир кеча тунаганман.

Шайх *Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Фархуздижажй* шу қишлоқдан. Ҳижрий 491 (милодий 1099) йилда таваллуд топганлар. Бу киши солих шайх, вазмин, камтарин инсон бўлиб, эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Бухорода у зотдан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ

<sup>110</sup> Қарши туманидаги Ғубдин ҚФЙ.

ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобининг учдан бирини, ал-Азрақийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобининг икки жилдини таълим олганман.

*Али ибн Наҷоҳ ал-Фархуздижаъий* ҳам шу қишлоқнинг пешқадам олимларидан. Бу киши ва шу қишлоқ аҳли ҳақида Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

#### *Ал-Фазовий* الفزائوي

Бу боболарининг исмига берилган нисбатдир.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Фазовий* Насафдан бир фарсах узоқликдаги Афрон қишлоғидан. Иброҳим ибн Маъкал ан-Насафийдан таълим олганлар. Тахминан ҳижрий 320 (милодий 933) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Амр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фазовий ал-Офуроний* илм талабида ҳижрий 320 (милодий 933) йилда Ироққа бориб, ҳадис илмидан кўп таълим олганлар. Ҳижрий 325 (милодий 938) йилда ёш вафот этганлар.

Ўғиллари *Абул Азҳар Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фазовий ал-Офуроний* оталаридан ва Абул Аҳвас Муҳаммад ибн Муслим ал-Косийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 286 (милодий 900) йилдан кейин вафот этганлар.

#### *Ал-Фанкадий* الفنكدي

**Фанкад** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мансур ал-Фанкадий* шу қишлоқдан бўлиб, хофиз ал-Қуръон эдилар. Тамом ибн Муҳаммад ал-Муқри ва Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аваз ал-Муқридан Қуръони каримдан таълим олганлар. Бу киши ҳақида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида маълумот берганлар.

*Ал-Фаннуий* الفنوي *Аҳмад ибн Амр ал-Фаннуий ад-Дабусий* Насаф аҳлидан бўлиб, Дабусияда ҳижрий 93 (милодий 713) йили Қутайба ибн Муслим қўлида мусулмон бўлганлар.

#### *Ал-Фижакатий* الفيحكاتي

**Фижакат** – Насаф қишлоқларидан.

Қози *Абу Наср Аҳмад ибн Тоҳир ал-Фижакатий ан-Насафий* Самарқандда боболари Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо ал-Фижакасийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фижакатий ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 452 (милодий 1061) йилнинг сафар ойида таваллуд топганлар.

Қози *Абул Музаффар Маҳмуд ибн Абдураҳим ал-Фижакасий ан-Насафий* ҳам шу қишлоққа мансуб бўлиб, Самарқандда оталаридан ҳадис илмидан таълим олганлар.



Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 523 (милодий 1130) йилнинг зулқаъда ойида Фижакас қишлоғида шаҳид бўлганлар.

#### *Ал-Қариний* القريني

**Қарина** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Қариний* Базда аҳлидан. Боболарининг исми Қарина бўлган. Шунинг учун «ал-Қариний» деб нисбат берилган. Бу киши – Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини ривоят қилган кучли ва ишончли муҳаддис. Ҳижрий 329 (милодий 942) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Қаллосий* القلاسي

Насафда илм аҳли учун қурилган машҳур уй бор. Унинг номи «ал-Қаллос»дир.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қаллосий ан-Насафий* Насафда имом эдилар. Самарқанд қозиси Мансур ибн Аҳмад ал-Ғазакийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Самарқанд имомларидан бўлган Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкбосийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 422 (милодий 1032) йилнинг ражаб ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 493 (милодий 1101) йил зулҳижжа ойининг ўн иккинчисида, жума кечаси Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонидан дафн қилинганлар.

Оталарининг амакилари *Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Қаллосий* Насафда раис бўлганлар. Ҳижрий 358 (милодий 970) йилда таваллуд топиб, Ҳижрий 447 (милодий 1056) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Кенжа ўғиллари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Наср ал-Қаллосий* Самарқандда Имом Али ас-Санкбосийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 418 (милодий 1028) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 485 (милодий 1093) йил зулҳижжа ойининг ўн саккизинчисида, чоршанба куни Насафда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад Носир ибн Муҳаммад ал-Қаллосий* Насаф ва Самарқанд уламоларидан таълим олганлар. Умар ан-Насафий айтадилар: «У кишини учратганимда мен ҳали ёш эдим. У зот кўп ҳадис ёзиб олганлар. Ҳижрий 421 (милодий 1031) йил зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида таваллуд топиб, Ҳижрий 472 (милодий 1080) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар».

#### *Ал-Кожарий* الكاجري

**Кожар** – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан кўп муҳаддис, олим ва имомлар етишиб чиққанлар.

*Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кожарий* шу қишлоқдан. Бу киши Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фақиҳ ал-Ҳиндувоний ва Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 411 (милодий 1121) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

*Абу Салама Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кожарий* ҳам шу қишлоқдан. Лайс ибн Наср ал-Кожарийдан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Туроб Исмоил ибн Тохир ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 410 (милодий 1020) йил зулҳижжа ойининг йигирма еттинчисида жума намозидан кейин вафот этганлар. Шанба куни дафн қилинганлар.

**Ал-Косаний** الكاسني

**Косан**<sup>111</sup> – Насаф қишлоқларидан.

Самарқандда адиб Маҳмуд ибн Али ан-Насафийдан эшитган эдим. У киши фахрланиб шундай дердилар: «Аллоҳ таоло қишлоғимизни Қуръони каримнинг Набаъ сураси, 34-оятида: «Ва каъсан диҳақо» (Жаннатда косалар тўла шароблар бордир), – деб зикр қилган».

Бу ердан кўп зоҳид, олимлар етишиб чикқанлар.

*Абу Абдураҳмон Муоз ибн Яъқуб ан-Насафий ал-Косаний* шулар жумласидан бўлиб, зоҳид, олим, тақводор ва солиҳ кишилардан эдилар. Ҳижрий 219 (милодий 834) йилда жомеъ масжидини қурганлар. Шунингдек, «Сиккат уз-зуҳход»да (Зоҳидлар кўчаси) масжид, таҳоратхона ва кудук қурганлар. Бу кўча «Абу Абдураҳмон аз-Зоҳид» деб ҳам номланган эди. Насафда бўлганимда қабрларини зиёрат қилганман.

*Абу Наср Аҳмад ибн Шайх ал-Косаний* шу қишлоқдан бўлиб, адиб, шоир, фозил ва фақиҳ кишилардан эдилар. «Тавотир ал-ҳужаж» («Кетма-кет ҳужжатлар») китобини таълиф қилганлар. Шофезий мазҳабининг йирик фақиҳи бўлганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ал-Косаний* Косон аҳлидан. Абул Аббос ал-Мустаффирийнинг куёвларидан. Лақаблари «Шуъба» эди. Бу лақабни қайноталари қўйганлар. Ҳадис илмини яхши билар эдилар. Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Астрободий, Абу Салама Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сунний, Абул Аббос ал-Мустаффирийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий ва Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Абдулазиз ан-Нахшабий бу киши ҳақларида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида айтадилар: «Ҳижрий 499 (милодий 1048) йилда у кишидан ҳадис ёзиб олгандим. Ҳижрий 397 (милодий 1007) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 462 (милодий 1070) йил шаввол ойининг тўрттинчисида, жума куни Насафда вафот этганлар».

**Ал-Комилый** الكاملي

**Комил** – боболарига берилган нисбат.

*Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Комилый* Насаф олимларидан. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустаффирий «Тарихи Насаф» китобларида айтадилар: «ал-Комилый қарилик чоғларида мандан, Жаъфар ибн Муҳаммад ат-Тубанийдан, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Маккийдан, Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Жавбакий ва бошқа машойихлардан ҳадис ёзиб олардилар. Ҳижрий 419 (милодий 1029) йилда жумодул охир ойининг йигирма еттинчисида, сешанба куни 76 ёшда вафот этганлар».

<sup>111</sup> Қашқадарё вилоятидаги Косон шаҳри.

**Ал-Кубиндавий** الكويندوي

**Кубинда** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ашрас ал-Кубиндавий* шу қишлоқдан. Абу Убайд Қосим ибн Саломдан таълим олганлар.

*Абу Лайс Наср ибн Мунзир ан-Насафий ал-Кубиндавий* ҳам шу қишлоқдан. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, у ердаги машҳур олимлардан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустаффирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар. Дажла дарёсида сувга ғарқ бўлганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Моноз ал-Кубиндавий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фозил имом эдилар. «Шуъба» номи билан танилгандилар. Аҳмад ибн Жаъфар ан-Насафий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Касбавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 493 (милодий 1101) йил сафар ойининг учинчисидан, якшанба куни Насафда 63 ёшда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад Бакр ибн Моноз ан-Насафий ал-Кубиндавий* ҳам муҳаддислардан. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий шу кишидан таълим олганлар. Абу Ҳафс ал-Кубиндавий Самарқандда кўп муҳаддисдан ҳадис илмидан таълим олардилар. «Наҳр ул-қассорин» маҳалласида бир неча муддат ваъз қилардилар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда туғилиб, ҳижрий 493 (милодий 1101) йил сафар ойининг учинчи куни Насафда 63 ёшда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Моноз ал-Кубиндавий* ёшлиқларидан илмга чанқок эдилар. Биз билан бирга Самарқандда Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладийдан таълим олардилар.

**Ал-Кармужний** الكرمجيني

**Кармужин** – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан Ямон ибн Таййиб ал-Кармужний ан-Насафий* шу қишлоқдан. Бу киши Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ва Наср ибн Сухайл ал-Баздавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустаффирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Оталари *Абу Тоҳир ибн Хунайс ал-Кармужний* ҳам шу қишлоқдан. Абул Аббос ал-Мустаффирий айтадилар: «Мен у кишида Ваҳб ибн Мунаббихнинг «ал-Мабада» китобини кўрдим. Бу китоб ҳижрий 323 (милодий 936) йилда ёзилган».

**Ал-Касбавий** الكسبوي

**Касба**<sup>112</sup> (Касбажий деб ҳам айтилади) – Насафдан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. У ерда жомеъ масжиди ҳам бор.

*Абу Аҳмад Исо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Касбавий* шу нисбат билан машҳур бўлиб,

<sup>112</sup> ҳозирги Касби.

«Бўстон» китобини тасниф этганлар. Бу кишидан Абдулмалик ал-Муарриф ва Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Касбавий* ҳам шу кишлоқдан. Абу Жаъфар ал-Фаррохонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «У кишидан Ибн Умарнинг бўйинга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисларини ёзиб олганмиз. Ушбу ҳадис куйидагичадир: «Ман масаҳа унуқаҳу амина мин ал-ғулли явмал-қиёмати» (Кимки бўйнига масҳ тортса, қиёмат кунининг кишанидан омон қолади).

*Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ал-Касбавий* ҳам шу кишлоқдан. «Дарб ул-ҳадид»да (Темир дарвоза) муфтий эдилар. Абул Ҳасан Бузжонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Комил ал-Басирий таълим олганлар.

*Абул Муаййад Мунир ибн Муҳаммад ал-Касбавий* ҳам шу кишлоқдан. Кўп ҳадис билардилар. Адиб ва фозил эдилар. Насаф олимларидан таълим олиб, Насафнинг Ашфурқон кишлоғида вафот этганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ал-Касбавий* ҳам шу кишлоқ олимларидан. Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳиддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йил шаввол ойининг олтинчисида, жума куни вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Касбавий* ҳам шу кишлоқ олимларидан. Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ал-Косаний ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 409 (милодий 1019) йили зулҳижжа ойига 7 кун қолганда, душанба куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Касбавий* боболаридан тортиб ҳаммалари фозил, олим ва имом эдилар. Абу Жаъфар ал-Каробисий ал-Балхийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 439 (милодий 1048) йилнинг сафар ойида туғилиб, хижрий 494 (милодий 1102) йил сафар ойининг йигирма иккинчисида, пайшанба куни эрталаб Касба кишлоғида вафот этганлар.

#### **Ал-Луълуий** اللؤلؤي

**Луълу** арабча сўз бўлиб, марварид-гавҳар деган маънони англатади.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ал-Луълуий* Насаф аҳлидан бўлиб, кейинчалик Бухорода яшаганлар. Марварид олиб-сотиб юрганлари учун «ал-Луълуий» деб нисбат берилган. Насафда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Бухорода ал-Луълуийдан ҳадис илмидан таълим олганман. У кишидан бу нисбат ҳақида сўраганимда: «Бизнинг ота-боболаримиз марварид сотардилар», – деб айтдилар.

#### **Ал-Моймарғий** المامرغي

**Моймарғ** – Бухоро йўлидаги Нахшаб ноҳиясининг катта ва чиройли кишлоғи. Насафдан Бухорога жўнаётганимда бир кун шу кишлоқда бўлганман. Бу кишлоқдан кўп фозиллар етишиб чиққанлар. Самарқандда ҳам шу номда кишлоқ мавжуд.

*Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Мукри ал-Моймарғий* Насафнинг Моймарғ кишлоғидан.

Бу киши солиҳ шайх, ишончли ва тўғри сўз муҳаддис ва кўп ҳадис билувчи олимлардан эдилар. Бухоролик Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Халил ибн Аҳмад ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Фазл ал-Бухорий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан таълим олганлар. Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ ал-Калободийдан ҳадис ривоят қилганлар.

*Абул Муаййад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Моймарғий ан-Насафий* фозил имом эдилар. Мадинаи Мунавваранинг имоми Муҳаммад ибн Мансур аш-Ширвонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилнинг рабиъул аввал ойида Моймарғ қишлоғида таваллуд топганлар. Ўғиллари Аҳмад эса ҳижрий 481 (милодий 1089) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топганлар.

#### *Ал-Маттий* المّتي

*Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Маттий* Насаф аҳлидан бўлиб, кўп олимдан таълим олганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилнинг жумодул аввал ойида Бухорода вафот этиб, Насафда дафн қилинганлар.

Ўғиллари *Абул Музаффар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маттий* Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг мактабдошлари эдилар. Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 351 (милодий 963) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 412 (милодий 1022) йил шаввол ойида вафот этганлар.

Кенжа ўғиллари *Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Маттий* ҳижрий 422 (милодий 1032) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Муждувоний* المجدواني

**Муждувон** – Насаф қишлоқларидан. Иморатлари кўп эди, аммо ҳозир хароб бўлган.

*Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Назр ал-Муаддиб ал-Муждувоний* шу қишлоқдан. Бу киши адиб, зоҳид, солиҳ банда, ибодат билан машғул, такводор ва шоир эдилар. Абу Убайд ибн Абул Ҳасан ан-Насафийнинг «Китобу ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар китоби») асарини таълим олганлар. Бу кишидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий таълим олганлар.

Ўғиллари *Абу Зар Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Муждувоний* ҳижрий 387 (милодий 998) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

*Абул Ҳайсам Аҳмад ибн Амр ал-Муждувоний ан-Насафий* шу қишлоқдан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурийдан таълим олганлар. Ҳижрий 419 (милодий 1029) йил рабиъул охир ойининг бошида Самарқандда вафот этганлар.

#### *Ал-Маҳфузий* المخبوذي

**Маҳфуз** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Ҳайсам Наср ибн Абу Яъло ал-Маҳфузий* Насаф аҳлидан бўлиб, Аллоҳнинг солиҳ бандаси ҳамда Насафнинг ишончли ва тўғри сўз тижоратчиларидан эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 385 (милодий 996)

йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Мадиний* المديني

**Мадина** арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади. Ал-Мадиний шаҳарда муқим яшовчи, шаҳарлик демакдир. «Мадина» сўзи 8 та шаҳарга берилган нисбат: 1) Мадинаи мунаввара (кўпинча Мадина дейилганда, шу шаҳар назарда тугилади); 2) Бағдод; 3) Исфаҳон; 4) Нишопур; 5) Марвдаги ички қалъа; 6) Бухоро; 7) Самарқанд; 8) Насаф. (Кўринадика, Насаф шаҳрига ҳам «Мадина» деган нисбат берилган.)

*Абу Муҳаммад Ҳаммод ибн Шокир ал-Мадиний ан-Насафий* Насаф шаҳрининг ичкарасидан. Бу киши ишончли ва буюк муҳаддислардан эдилар. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларини Абу Исо ат-Термизийдан, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалонийдан ва Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхийдан ривоят қилганлар. Ироқ ва Шомда ҳам бўлиб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Бу кишидан Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларидан таълим олганлар. Абу Муҳаммад ал-Мадиний ҳижрий 311 (милодий 924) йил зулкаъда ойидан 7 кун қолганда, душанба куни вафот этганлар.

#### *Ал-Марудий* المرودي

**Маруда** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Фазл Муҳаммад ибн Абу Саъид ал-Марудий ан-Насафий* Насаф аҳлидан. Ишончли муҳаддис ва шайх эдилар. Маҳмуд ибн Анбар ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилган охирги муҳаддис бўлиб, у кишидан тўқсонга яқин ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ва Ал-Мустағфирийнинг ўғиллари Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар таълим олганлар. Ҳижрий 297 (милодий 910) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг зулкаъда ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Мустағфирий* المستغفري

**Мустағфир** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Али Муҳаммад ибн Муътаз ал-Мустағфирий* Насаф аҳлидан. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ижлийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 374 (милодий 985) йилнинг рабиъул охир ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мустағфирий* Насафда имом-хатиб эдилар. Бу киши фақиҳ, фозил, кўп ҳадис билувчи муҳаддис, тўғри сўз, фахм-фаросатли, маърифатли ва такводорлардан бўлганлар. Ҳадис жамлаб, китоб тасниф этганлар. Хуросон, Марв, Сарахс шаҳарларида яшаганлар. Кўпроқ Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Насафда Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан, Бухорода Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ғунжор ал-Ҳофиздан, Марвда Абул Ҳайсам Муҳаммад ал-Кушмиҳанийдан ва бошқа кўп олимдан таълим олганлар. Бу зотдан менинг катта бобом кози Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ас-Самъоний ва Абу Муҳаммад

Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий кўп ҳадис жамлаганлар. Ўз даврларида Мовароуннаҳрда бу кишидай ҳадис жамловчи ва тасниф қилувчи ҳамда ҳадисларни яхши тушунувчи муҳаддис бўлмаган. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 432 (милодий 1041) йилнинг жумодул аввал ойида Насафда вафот этганлар. Қабрлари Насафнинг водий тарафида. Уни зиёрат қилганман.

*Абу Зар Мухаммад ибн Жаъфар ал-Мустағфирий* ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, Абул Аббос Жаъфар ал-Мустағфирийнинг ўғилларидан. Насафда оталаридан кейин имом-хатиб бўлганлар. Оталаридан ва кўп машойихдан таълим олганлар. Ниҳоятда илмли эдилар ва хайрли ишлар қилардилар. Бу киши ҳақларида Абу Мухаммад Абдулазиз ибн Мухаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобларини Абу Али ал-Ҳожибийдан таълим олганлар. Эшитган ҳадислари саҳиҳ эди.

#### *Ал-Мисноний* المسناني

**Миснон** – Насаф кишлоқларидан.

*Имрон ибн Аббос ал-Мисноний ал-Фақиҳ* шу кишлоқдан бўлиб, Насафнинг пешқадам фақиҳларидан эдилар. Мухаммад ибн Ҳумайд ар-Розий ва Мухаммад ибн Фузайлдан ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Миснонийдан эса Макхул ибн Фазл ан-Насафий ва Иброҳим ибн Фазлавайҳ ал-Касбавий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 281 (милодий 895) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Макхулий* المكحولي

**Макхул** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абул Бади Аҳмад ибн Мухаммад ан-Насафий ал-Макхулий* – Насаф аҳлидан бўлиб, «ал-Луълуъту физ-зуҳд» («Зуҳддаги гавҳарлар») китобининг муаллифи. Фикҳ илмини билагонлардан эдилар. Оталари Абул Муаййин ал-Макхулийдан ҳамда Исо ал-Яғнавийдан таълим олганлар. Ҳижрий 331 (милодий 943) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 379 (милодий 990) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар. Насафда дафн қилинганлар.

Укалари *Абул Маолий Муътаммид ибн Мухаммад ан-Насафий ал-Макхулий* ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, боболари Абул Муаййиндан «ал-Луълуъту фи аз-зуҳд» китобини ривоят қилганлар. Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Исфаройинийдан таълим олиб, устозларидан «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобини ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Мудавий* المودوي

**Муда** – Насаф кишлоқларидан. Мен бу кишлоқда бўлгандайман.

*Мухаммад ибн Ислом ан-Насафий ал-Ансорий ал-Мудавий* Муда кишлоғидан. Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишрдан «ал-Мубтадо» («Бошланиш») китобини ривоят қилганлар.

Ўзларидан эса ўғиллари Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мудавий ҳадис ривоят қилганлар.

*Абу Али Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Мудавий* ҳам шу қишлоқдан. Ҳаммоод ибн Шокир ан-Насафий ва Асад ибн Ҳамдавайх ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 375 (милодий 986) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

#### *Ал-Мувоний* المواني

**Мувон** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Муҳаммад Усмон ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мувоний* шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ ва зоҳид эдилар. Қози Абул Фаворис ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар ва айтадилар: «Ҳижрий 422 (милодий 1032) йилнинг зулқаъда ойида вафот этганлар».

#### *Ан-Нахшабий* النخشي

**Нахшаб** Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, Насафнинг аввалги номидир. Бу ердан дунёга машҳур кўпгина олимлар етишиб чиққанлар. Бу шаҳарнинг тарихи катта бўлиб, бу ҳақда Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ан-Насафий икки жилддан иборат «Тарихи Насаф» номли катта китоб жамлаганлар.

*Аскар ибн Ҳусайн ан-Нахшабий* буюк шайх бўлиб, илм, фатво, таваккал, зуҳд ва парhezкорликда ўз асрининг тенги йўқ олими эдилар. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусъаб ва Яъқуб ибн Валид ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 245 (милодий 860) йилда йиртқич хайвон тишлагач, вафот этганлар.

#### *Ан-Насафий* النسفي

**Насаф**<sup>113</sup> – Мовароуннаҳр шаҳарларидан. Аввалги номи Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саноғига етиш қийин. Насафдан чиққан олимлар ҳақида Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий саккиз жилддан кўпроқ китоб жамлаганлар.

*Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий* аҳли суннанинг буюк олими, ишончли ва фозил муҳаддиси эдилар. Кўп ҳадис ёзиб олганлар, «Муснад» ва «Тафсир»ларни жамлаганлар. Насафда бир неча муддат қози ҳам бўлганлар. Илм ўрганиш учун Хуросон, Ироқ, Шом ва Мисрга бориб, Абдуллоҳ ибн Усмон ад-Дабусий, Қутайба ибн Саъид ал-Бағлоний, Ҳишом ибн Аммор ад-Димашқий, Ҳармала ибн Яҳё ал-Мисрий ва Яъқуб ибн Ҳумайд ибн Косибдан таълим олганлар. Бу кишидан олимлар кўп ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 294 (милодий 908) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Усмон Саъид ибн Иброҳим ан-Насафий* оталари ва Абдусаммад ибн Фазл ал-Балхий, Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Яман,

<sup>113</sup> ҳозирги Қарши.



Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва Мовароуннахрда бўлганлар ва у ердаги уламолардан таълим олганлар. Фозил, ишончли муҳаддис, адиб ва шоир ҳам эдилар. Бу кишидан Али ибн Муҳаммад ал-Марвазий, Муҳаммад ибн Имрон ал-Иштиханий ва Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Коғазий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 341 (милодий 953) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

#### **Ан-Нусайрий** التصيري

**Нусайр** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Али Саъид ибн Нусайр ан-Нусайрий ан-Насафий* Насаф аҳлидан бўлиб, қози ва имом эдилар. Оталари Наср ибн Аҳмад ан-Нусайрий ва Абу Наим ал-Ғубдинийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 493 (милодий 1101) йил зулҳижжа ойининг ўн саккизинчисидан, пайшанба куни Самарқанднинг «Ҳоити хайён» кўчасида 58 ёшда вафот этганлар, Чокардиза қабристонидан дафн қилинганлар.

#### **Ан-Нуҳий** التوحى

**Нуҳ** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ан-Нуҳий ал-Хатиб* Насаф аҳлидан бўлиб, ўз шаҳарларида имом-хатиб эдилар. Бу киши фозил, фақиҳ ва узоқ умр кўрган олимлардан эдилар. Самарқандда бу зотдан жуда кўп олимлар ҳадис илмидан таълим олганлар. Исҳоқ ан-Нуҳийдан Абул Маҳомид Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Соғаржий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳабаший ҳадис ривоят қилганлар. Ан-Нуҳий ҳижрий 433 (милодий 1042) йилнинг сафар ойида таваллуд топиб, ҳижрий 518 (милодий 1125) йил жумодул аввал ойининг ўн тўққизинчисидан, жума куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нуҳий* Самарқандда қози ва имом-хатиб эдилар. Самарқандда ҳадис ёзиб олганлар. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ал-Ҳофиздан таълим олганлар. Ўзларидан Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 423 (милодий 1033) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 481 (милодий 1089) йилда Қурбон ҳайити куни Самарқандда вафот этганлар.

Укалари *Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ан-Нуҳий ан-Насафий* оталари Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нуҳий ал-Хатибдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 436 (милодий 1045) йилнинг сафар ойида таваллуд топиб, ҳижрий 511 (милодий 1118) йилнинг рамазон ойида Насафда вафот этганлар.

Оталари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нуҳий ан-Насафий* тўрт фарзанд кўрганлар. Шулардан иккитаси, яъни Исмоил ва Исҳоқ имом-хатиб, қолган икки фарзандлари, яъни Иброҳим ва Яъқуб олимларнинг раиси эдилар. Ўзлари Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Хузоейдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса фарзандлари ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 459 (милодий 1068) йилнинг муҳаррам ойида Варка қишлоғида вафот этганлар. Тобутлари Насафга олиб борилиб, нуҳийлар қабристонидан дафн

қилинганлар.

*Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Нухий* ҳам Насаф ахлидан бўлиб, шижоатли, сахий ва буюк олимлардан эдилар. Оталаридан ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Насафда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ» китобларини Абу Бакр ал-Баладийдан таълим олганлар. Насафдан Бухорога келганимда у кишини Бухорода учратдим, кейин Насафга жўнаб кетдилар. У зотни учратганим ҳижрий 551 (милодий 1157) йилнинг охирларида эди.

Қози, раис *Абу Юсуф Яъқуб ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий* ҳам Насаф ахлидан бўлиб, қози Абул Фаворис Абдулмалик ибн Ҳасан ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 523 (милодий 1130) йил зулкаъда ойининг йигирма бешинчисида, шанба куни кечаси Насафда вафот этганлар.

#### *Ан-Навқадий* التوقدي

**Навқад** – Насафдан олти фарсах узокликдаги катта қишлоқ. Бу қишлоқ «Навқад Қурайш» деб ҳам айтилади.

*Абул Фазоил Абдулқодир ибн Абдулҳолик ан-Навқадий* бу нисбат билан машҳур бўлиб, фозил имом эдилар. Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ва Маккада Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али ат-Табарийдан таълим олганлар. Ан-Навқадийдан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилнинг барот кечасида таваллуд топиб, ҳижрий 527 (милодий 1134) йилда вафот этганлар.

*Муҳаммад ибн Мансур ан-Навқадий* имом, зоҳид, кўп вақт рўзадор, мударрис ва Самарқанд муфтийси эдилар. Қози Абул Юср Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Баздавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 535 (милодий 1141) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Сулаймон ан-Навқадий* Насаф ноҳиясининг Навқад Хурдохун қишлоғидан. Кучли ва ишончли муҳаддислардан эдилар. Абу Исо ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» китобларини Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбардан ривоят қилганлар. Ҳижрий 407 (милодий 1017) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

#### *Ан-Ниёзакий* التيازي

**Ниёза** – Кеш ва Насаф оралиғидаги катта қишлоқ. Бу қишлоқда мен бир кеча тунаганман. Ўша кечаси қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлган эди.

*Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Ниёзакий ал-Карминий* Кармана ахлидан бўлиб, бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши ҳақларида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз «Тарихи Бухоро» китобларида ва Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида маълумот қолдирганлар. Абу Наср ан-Ниёзакий Имом ал-Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») китобларини Абул Хайр Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий шу китобни ривоят қилганлар. Ҳижрий 379 (милодий 990)

йили Карманада вафот этганлар.

Самарқандда *Абул Футуҳ Муҳаммад ибн Али ан-Ниёзакий* исмли ёш бир йигитни кўрдим. Менимча, у юқорида номлари зикр қилинган Абу Наср Аҳмад ал-Карминийнинг авлодларидан. Чунки у ҳам карминалик эди. У мендан кўпгина ҳадис ёзиб олди ҳамда мендан фикҳ ва ҳадис илмидан таълим олди.

#### *Ан-Ниёзивий* النيازوي

**Ниёза** (ёки Ниёзий) – Насаф қишлоқларидан. Мен бир кеча шу қишлоқда тунаганман. Бу қишлоқ Ниёзий, Ниёзивий, Ниёзикий, Ниёхий деб ҳам айтилади.

*Абу Иброҳим Исмоил ибн Абдусодиқ ан-Ниёзивий* имом-хатиб, фақиҳ, фозил эдилар. Абу Наср Ҳусайн ибн Абдулвоҳид аш-Шерозий ал-Ҳофиз ва Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Баздавийдан таълим олганлар. Ўғиллари Маймун ибн Исмоил ўзларидан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ўзларининг «ал-Қанд» китобларида зикр қилганлар ва шундай деганлар: «Имом-хатиб Абу Иброҳим Исмоил ибн Абдусодиқ ан-Ниёзивий Самарқандга бир неча марта келганлар. Ҳижрий 481 (милодий 1089) йилда мен ҳали ёш эдим. У кишини Ниёза қишлоғида кўрдим ва мендан «Нима мушкулинг бор?» деб аҳвол сўрадилар. Менга кўп фойдалари тегарди. Ўшандан кейин у кишини Насафда кўрдим. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йил зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар».

#### *Ал-Варозоний* الورازاني

**Варозон** – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Абдуллоҳ Насуҳ ибн Восил ал-Варозоний ан-Насафий* ишончли шайх ва такводор олим эдилар. Абу Ҳафс Қутайба ибн Аҳмад ал-Бухорийдан «Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир») асаридан таълим олиб, у китобни ўз қўллари билан кўчирганлар. Аҳмад ибн Яъқуб ан-Насафий у кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 343 (милодий 955) йилда вафот этганлар.

#### *Ал-Варасиний* الورسيني

**Варасин** – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳ ал-Варасиний ан-Насафий* Насаф аҳлидан бўлиб, кўп ҳадис билар эдилар ва уларни жамлаганлар. Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим ал-Ғубдиний, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва бошқа ўз замоналарининг кўп олимидан таълим олганлар. «Ал-Бўстон» («Бўстон»), «ал-Ажоиб» («Ажойиб»), «Ахбор ул-Ҳасан вал-Ҳусайн» («Ҳасан ва Ҳусаннинг хабарлари»), «ал-Мақтал» («Жангнома»), «Мафохирату аҳлу Кеш ва Насаф» («Кеш ва Насаф аҳлининг фахрли кишилари») китобларининг муаллифи. Бу киши муҳаддис, чиройли тасниф қилувчи олимлардан бўлиб, Насаф шахрининг ифтихори эдилар. Насаф аҳли у кишини фахр билан эслар эди. Бу киши уйларидан кўп чикмас эдилар. Агар чиксалар ҳам, қўлларида сиёҳдон, қалам ва дафтар бўлар эди. Ҳижрий 315 (милодий 928) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

**Ал-Варағжаний** الورغجاني

**Варағжан** – Насаф қишлоқларидан.

*Аслам ибн Маймун ан-Наҳвий ал-Варағжаний* шу қишлоқдан бўлиб, тилшунос ва аруз вазнини яхши биладиган адиб эдилар. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

*Абу Али Ҳусайн ибн Сиддиқ ал-Варағжаний* ишончли ва тўғри сўз шайх эдилар. Муҳаммад ибн Ақил ал-Балхий, Аҳмад ибн Ҳам ас-Саффор, Али ибн Ҳасан ал-Муаддиб ва бошқалардан таълим олганлар. Ўзларидан Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ат-Тубаний, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Қалонисий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 366 (милодий 977) йилда вафот этганлар.

*Саъид ибн Иброҳим ал-Варағжаний ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фозил, фақиҳ эдилар. Имом Юсуф ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ан-Насафийдан фикҳ илмини ўрганиб, ҳадис ҳам ёзиб олганлар. Ўзларидан ўғиллари фақиҳ Али ибн Саъид ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йили Варағжан қишлоғида вафот этганлар.

**Ал-Вазганжий** الوزغنجي

**Вазганж** – Насаф ноҳиясидаги қишлоқ.

*Абу Али Ҳасан ибн Сиддиқ ал-Вазганжий ан-Насафий* бу нисбат билан машҳур бўлиб, Муҳаммад ибн Ақил ва Аҳмад ибн Ҳамдондан ҳадис ривоят қилганлар.

**Ал-Ванажий** الونجي

**Ванаж** (Ванаҳ деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан бўлиб, у ерда работ ҳам бор.

*Абу Муҳаммад Абусамад ибн Муҳаммад ал-Ванажий* шу қишлоқдан бўлиб, чиройли, ибратли шайх эдилар. Она томондан боболаридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар ва у киши ҳақида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар комуси») асарларида шундай деганлар: «Ҳижрий 450 (милодий 1059) йили, ушбу китобимни таълиф қилаётганимда у киши ҳали тирик эдилар».

**Ал-Ванусоний** الونوساني

**Ванусон** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Муҳаммад Ҳаммод ибн Шоқир ан-Насафий ал-Ванусоний* Насаф шаҳридан. Ишончли ва улуғ шайхлардан эдилар. Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг «ал-Жомеъ»ларини ривоят қилганлар. Улардан ривоят қилган ҳадислари Насафда ёйилган эди. Илм ўрганиш учун Ироқ, Шомда бўлганлар. Буюк олимлардан Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ал-Ҳофиз ва Муҳаммад ибн Закариё бу кишидан таълим олганлар.

**Ал-Ёний** الياني

**Ёна** – боболарининг исмига берилган нисбат.

*Абу Бакр Абд ибн Абул Аббос ал-Ёний ан-Насафий* Насаф аҳлидан бўлиб, муаззин,

зоҳид, солиҳ банда ва дуолари ижобат бўладиган олимлардан эдилар. Бу киши Имом Аҳмад ибн Сайёр, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилда вафот этганлар.

**Ал-Яздодий** البزادى

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ал-Яздодий* Насаф ахлидан. Насафнинг муҳаддис, шайх, насаб илмини билувчи олимларидан. Бухоро, Самарқанд, Кеш ва унинг ноҳияларида бўлиб, у ердаги машойихлардан, шунингдек, Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан таълим олганлар. Муҳаммад ал-Яздодий ҳижрий 344 (милодий 956) йилнинг жумодул аввал ойида Насафда вафот этганлар.

**Ал-Яъқубий** اليعقوبى

*Абу Наср Муҳаммад ибн Исмоил ал-Яъқубий* Насаф ахлидан бўлиб, олим эдилар. Боболари Абу Усмон Саъид ибн Иброҳимдан, Маъқалдан, Абдулмуъмин ибн Халафдан, Юсуф ибн Яъқуб ал-Яъқубий ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Бухоро аҳли Абу Исо ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» асарларини бу кишидан олти марталаб дарс олганлар. Абул Аббос ал-Мустаффирий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 389 (милодий 1000) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар. Жанозаларини ҳоким Абу Аҳмад ал-Қантарий ўқиганлар.

**Ал-Яғнавий** اليعنوى

**Яғна** – Нахшаб қишлоқларидан. Нахшабдан Бухорога кетаётганимда бу қишлоқда бўлганман. Бу қишлоқдан кўп олимлар чикқан бўлиб, Абул Аббос ал-Мустаффирий икки жилддан иборат «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

*Абу Наср Аҳмад ибн Наср ал-Яғнавий* шу қишлоқдан бўлиб, Абу Яъқуб Юсуф ибн Маъруф ал-Иштиханий, Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши солиҳ, зоҳид, обид эдилар. Ҳижрий 460 (милодий 1069) йил рабиъул аввал ойининг олтинчисида, жума куни кечаси вафот этганлар.

Шайх *Абу Муҳаммад Абдураҳим ибн Али ал-Яғнавий ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, адиб эдилар. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Зайд ал-Алавийдан таълим олганлар. Кейинчалик Самарқандга жўнаб кетганлар. Абу Шужо Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бастомий шу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 555 (милодий 1161) йил рабиъул охир ойининг ўн бешинчисида, сешанба куни вафот этиб, Чокардиза қабристонидан дафн қилинганлар.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Яғнавий ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Али Ҳасан ибн Ҳамадоний ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 433 (милодий 1042) йилда туғилиб, ҳижрий 494 (милодий 1102) йили Бухорода вафот этганлар.

*Ал-Юзавий* البيزوي

**Юза** («Юзи» деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Муқотил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Юзавий* Насаф аҳлидан. Бухоро машойхларидан таълим олганлар. Бухорода имло мажлисининг иштирокчиларидан бўлганлар. Бу кишидан Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 417 (милодий 1027) йилнинг ражаб ойида Бухорода вафот этганлар.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Юзий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Туфайл ибн Зайд ва Довуд ибн Абу Довуд ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 336 (милодий 948) йилда ражаб ойидан 10 кун қолганда вафот этганлар.

## Сўнги сўз ўрнида

Азиз ўқувчим, мана хатмингиз ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Китобнинг таҳрири менга ишониб топширилганини муҳтарам таржимонлардан мамнун бўлган ҳолда Яратганнинг инояти дея ич-ичимдан қувонсам-да, бу қандай масъулият эканини чин қалбимдан ҳис этдим ва Сизнинг зукколигингиз анча ўйлантириб қўйганини яширолмайман. Шу сабабли эсан чиқиб, кўздан қочиб қолган нуқсонлар учун узр сўрайман. Зотан, Парвардигорнинг ёлғиз Ўзигина беайб.

Саҳифаларда айрим такрор ўринлар, ноаниқликларга дуч келган бўлсангиз, ранжиманг. Эса олинг: баъзи такрорлар, биринчидан, бир-бирини тўлдиришга хизмат этса [ал-Банжий (79-бет), ар-Рудакий (91-бет) ва б.], иккинчидан, нисбатлари бирдан ортиқ олимлар ҳақидаги маълумотни топишга қийналмаслигимизни ўйлаб, муаллиф шундай йўл тутганлар. [Абу Бакр Муҳаммад ибн Аббос ал-Хоразмий ат-Табарҳазий тўғрисида тўхталганда, «Оталари Табаристондан, оналари Хоразмдан. Шунинг учун икки нисбат бир қилиниб, қисқартма шаклда «ат-Табарҳазий» дейилган. Бу нисбат билан ҳам шуҳрат қозонганлар. Мен уни *ح* (хо) ҳарфида зикр қилган эдим. Лекин бу нисбат билан ҳам танилганлари учун яна *ط* (итқи то) ҳарфида ҳам зикр қилдим. У Абу Бакр ал-Хоразмийдир» (71-бет) деб ёзилганини ёдга келтиринг.] «Мадина» нисбатига изоҳ эса уч ўринда (57, 106, 140-бетлар) таржимонлар томонидан қарийб айнан такрорланган. Такрор ўқиш қони фойда: ўқилганлар хотирада муҳрланиб қолади, иншооллоҳ. Қуръони карим ҳам ўқинг *إِذَا* (икра) деган даъват билан («Алак» сураси) бошлангани бежиз эмас-да, ахир.

Сўз ишлатишда ҳам, имкон қадар, матнга асосланишга ҳаракат қилинди. Шунга кўра *ноҳия* ҳозирги *туман* сўзи ўрнида қўлланган деб тушунмаслик лозим; *адиб* ёзувчи (Ўзбек тилининг изоҳли луғати) маъносидагина эмас, тарбиячи, муаллим; адабиётчи (Навоий асарлари луғати) маъноларида ҳам ишлатилган бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш даркор; *уламолар* сўзида кўплик такрорлангандек туюлса-да, *-лар* ёзилди. Умуман, араб тилида сизсираш бўлмаса ҳам, одатимизга мувофиқ *-лар* қўшимчасидан ҳурмат маъносида кўп фойдаланилди. *Усрушана*, *Исбижоб*, *Абул Аббос* сингари баъзи номлар, шунингдек, *қуния*, *жумодул аввал*, *милод* каби сўзлар имлоси ҳам айрим китоблардагидан фарқли туюлса, маъкулини танларсиз. [Саналардаги мавҳумлик: Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Байқандий вафотлари 15-бетда 412/1022, 35-бетда 404/1014 йиллар деб берилгани, Муҳаммад ал-Кубиндавий ва *акалари* деб таъкидланган Бакр ан-Насафий ал-Кубиндавийнинг туғилган ва вафот этган вақтлари айнан кўрсатилгани (138-бет) аслича қолдирилди.] Абу Ҳафс ан-Насафийнинг китоблари «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» номи билан («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001 й.) чоп этилган бўлса-да, мутаржимлар Абдулкарим ас-Самъоний ёзганидек «ал-Қанд фи маърифати уламои Самарқанд» («ал-Ансоб», 3-жуз, 448-саҳифа) тарзида қолдирдилар.

Хуллас, таржима ва таҳрир ҳақида хулоса чиқариш Сизнинг адолатли ҳукмингизга ҳавола.

Шундай қилиб, қимматли вақтимиз беҳуда ўтмади: жаҳон тафаккури тарихида муҳим

Ўрин забт эта олган ватандошларимиз – машхур олимларнинг имло мажлисларида бўлдиқ, мунозараларида қатнашдиқ, панд-ўғитларини, ваъзларини тингладиқ. «Ҳикматнома»да битилганидек, олимлар билан ўтирсанг, фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гул хиди уриб қолади. (Г., «Чўлпон», 1992, 98-бет.) Илоҳо, «Насабнома»дан бебаҳра, бенасиба қолмаганимиз – маънавиятимизни янада бойитишга озгина бўлса-да ҳисса қўшилгани рост бўлсин. Аллоҳ унда номлари тилга олинган улуғ аждодларимизнинг руҳи покларини ҳаммамиздан рози айласин; ҳар ерда, ҳар ишда ҳамиша барчамизни Ўзи қўлласин.

Омин.

*Ҳожи Насруллоҳ Шукруллоҳ ўғли*

### Абдулкарим ас-Самъоний ёзган китоблар

- «Тариху Марв» تأريخ مرو
- «Адаб ут-талаб» أدب الطلب
- «ал-Исфор анил-исфор» الإسفار عن الإسفار
- «ал-Имло вал-истимло» الإملاء و الإستملاء
- «Муъжам ул-булдон» معجم البلدان
- «Муъжам уш-шуюх» معجم الشيوخ
- «Тухфат ул-мусофир» تحفة المسافر
- «ал-Ҳидоя» الهداية
- «Изз ул-узла» عز العزلة
- «ал-Адаб ва истиъмол ул-ҳасаб» الأدب و استعمال الحسب
- «ал-Маносик» المناسك
- «ад-Даъавот» الدعوات
- «ад-Даъавот ун-набавийя» الدعوات النبوية
- «Ғасл ул-ядайн» غسل اليدين
- «Афонин ул-басотин» أفانين البساتين
- «Духул ул-ҳаммом» دخول الحمام
- «Салот ут-ғасбех» صلاة التسبيح
- «ат-Таҳоё» التحايا



- «Тухфат ул-ид» تحفة العيد
- «Фазл уд-дик» فضل الديك
- «ар-Расоил вал-масоил» الرسائل و المسائل
- «Савм ул-бийз» صوم البيض
- «Салват ул-аҳбоб» سلوة الأحاب
- «ат-Таҳбир фил-муъжам ал-кабир» التّحبير في المعجم الكبير
- «Фарт ал-ғаром ила сокин аш-Шом» فرط الغرام الي ساكن الشّام
- «Мақом ул-уламо байна ядай ал-умаро» مقام العلماء بين يدى الأمراء
- «ал-Мусорот вал-мусофаҳа» المسارات و المصافحة
- «Зикро ҳабибу раҳл ва бушро мунийбу янзил» ذكرى حبيب رحل و بشرى منيب ينزل
- «ал-Амолий ал-хамсу миа» الأمالي الخمس مائة
- «Фавоид ул-мавоид» فوائد الموائد
- «Фазл ул-ҳир» فضل الهرّ
- «Рукуб ул-баҳр» ركوب البحر
- «ал-Ҳурайса» الهريسة
- «Вафаёт ал-мутааххирин» وفيات المتأخّرين
- «ал-Ансоб» الأنساب
- «ал-Амолий» الأمالي
- «Бихору бухур ул-Бухорий» بخار بخور البخاري
- «Тақдим ул-жафон илаз-зайфон» تقدم الجفان الي الضيفان
- «Салот уз-зуҳо» صلاة الضّحى
- «ас-Сидқ фис-садоқа» الصدق في الصّدقة
- «ар-Рибҳ фит-тижора» الرّبح في التّجارة
- «Рафъ ул-иртиёб ан китобат ал-китоб» الرّتيا ب عن كتابة الكتاب رفع
- «ан-Нузуъ илал-автон» التّروع الي الأوطان
- «Тахфиф ус-салот» تخفيف الصّلاة
- «Луфтат ул-муштоқ ила сокин ал-Ироқ» لفطة المشتاق الي ساكن العراق

«Ман кунятуху Абу Саъд» من كنيته أبو سعد

«Фазоил уш-Шом» فضائل الشام

«Фазлу Ёсин» فضل ياسين

**Ҳижрий ва милодий йилларнинг  
тахминий қиёсий жадвали**  
(ҳиж. 1–2231 – мил. 622–2788 йиллар)

Маълумки, мусулмон оламида ҳижрий йил ҳисоби билан иш юритилган. Ҳижрий йил ой кунларига мувофиқ олиб борилганда, ҳижрий–қамарий тақвим асосида ишлаган бўламиз. Тарихий манбалар, саналар деярли ҳижрий–қамарий йил ҳисоби билан қайд этилганлигини назарда тутиб, ҳижрий–қамарий ва милодий йилларнинг тахминий қиёсий жадвалини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳижрий : Милодий	Ҳижрий : Милодий	Ҳижрий : Милодий
1-622	34-655	68-688
103-722	137-755	171-788
206-822	240-855	274-888
309-922	343-955	377-988
412-1022	446-1055	480-1088
515-1122	549-1155	583-1188
618-1222	652-1255	686-1288
721-1322	755-1355	789-1388
824-1422	858-1455	892-1488
927-1522	961-1555	995-1588
1030-1622	1064-1655	1098-1688
1133-1722	1167-1755	1201-1788
1236-1822	1270-1855	1304-1888
1339-1922	1373-1955	1407-1988
1442-2022	1476-2055	1510-2088
1545-2122	1579-2155	1613-2188
1648-2222	1682-2255	1716-2288
1751-2322	1785-2355	1819-2388
1854-2422	1888-2455	1922-2488
1957-2522	1991-2555	2025-2588
2060-2622	2094-2655	2128-2688
2163-2722	2197-2755	2231-2788

Ушбу жадвалдан фойдаланиб ҳижрий йилни милодий йилга айлантириш учун керакли йилга энг яқин рақам танланади. Айтайлик, Абул Фазл Аҳмад ас-Сулаймоний таваллуд топган йил 311га энг яқин рақам биринчи устундаги 309 бўлиб, ундан 311 ҳосил қилиш учун 2 ни қўшиш керак. Шу 2 сони 309 нинг қаршисидаги 922 га қўшилса, милодий йил 924 келиб чиқади ёки Абул Ҳасан ал-Мотуридий вафот этган йил 511 га энг яқин рақам жадвалдаги 515 бўлиб, ундан 511 ҳосил қилиш учун 4 ни айириш керак. Шу 4 сонини 515 нинг қаршисидаги 1122 дан ҳам айирсак, милодий йил 1118 келиб чиқади.

Муҳаммад ал-Яздодий Самарқандга келган йил 360 га 309 рақами узоқ. 343 ва 377 рақамлари эса баравар фарқ қилади. Бундай ҳолатда 360 ҳосил қилиш учун 343 га 17 ни, шунга мувофиқ унинг милодий эквиваленти 955 га ҳам 17 сонини қўшиш мумкин:  $955+17=972$ ; аксинча 360 ҳосил қилиш учун 377 дан 17 ни, шунга мувофиқ унинг қаршисидаги 988 дан ҳам 17 ни айириш мумкин:  $988-17=971$

Ҳиббон ас-Сағонийнинг вафотлари 532 йилга яқин рақамлардан 515 га 17 қўшилади, унинг қаршисидаги 1122 га ҳам 17 қўшилса, 1139 чиқади; 549 дан 17 ни айирсак, унинг қаршисидаги 1155 дан ҳам 17 айирамиз, натижа 1138 бўлади.

Кейинги ҳисоблардан кўринадики, баъзи ҳолларда саналар бир йилга фарқ қилиши мумкин.

## Изоҳлар

**авлод** болалар, ўғиллар

**авом** оддий халқ

**адад** сон, санок, ҳисоб

**адиб** тарбиячи, муаллим; адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи, адабиётчи

**ажам** араб халқлари ва мамлакатларидан бошқалар (кўпинча Эрон мамлакати ва халқига нисбатан айтилади)

**азон** муаззиннинг масжидда жамоатни намоз ўқишга чақириғи

**азим** улуғ, буюк, катта

**алайҳиррахма** унга раҳмат бўлсин

**алайҳиссалом** унга салом бўлсин (пайғамбар номига кўшиб айтилади)

**аллома** энг билагон олим, илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган

**аъён** юқори мансабли, баланд мартабали кишилар; амалдорлар

**амир** фармон берувчи, бошлиқ, ҳукмдор, пешво, раис, бек

**амир ал-ҳамид** мақтовли амир

**ансоб** наслу насаб, насллар

**арафа** Рамазон ҳайити ёки Қурбон ҳайитидан олдинги кун

**аҳли сунна** суннийлик мазҳаби (йўли)даги мусулмон аҳли

**балоғат илми** адабиётдан лаззатланиш, шеърни, сўзни англаш ва фасоҳатли сўзлаш

ИЛМИ

**бани** авлод, болалар

**бидъат** ислом пайғамбари замонидан кейин янгидан топилган одатлар, ишлар

**ботил** бузилган, бекор қилинган; асоссиз, тубсиз

**вазир** девонхона бошлиғи, вазир

**валлоҳу аълам** – Аллоҳ билувчи

**вараъ соҳиби (аҳли)** – парҳезкорлар, такводорлар

**виқор** – оғирлик, чидам, улуғворлик

**воиз** – ваъз айтувчи, панд-насихат қилувчи

**деҳқон** – «қишлоқ ҳокими», ер эгаси

**дохил** – кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирган бўлмоқ

**жадал илми** – мунозара қилиш илми

**жомеъ масжид** – жума кунлари жамоат билан намоз (жума намози) ўқиладиган катта масжид

**заиф** – қуввати кам, кучсиз; унчалик кучли бўлмаган, етарли даражада етук бўлмаган, пухта ишланмаган

**зикр** (қилмоқ) – эслаш, тилга олиш, фақат Ҳақ ёди билан бўлиб, ундан бошқаларни унутиш

**зоҳид** – дунё ишларига қизиқмасдан, ибодат билан машғул бўлган киши, сўфи

**ижмоъ** – саҳоба ва мужтаҳидлар иттифоқи, келишуви

**ижозат хати** – улуғ олимлардан шогирдига бериладиган муҳрли хужжат

**илми аруз** – шеърят вазни, аруз илми

**имло мажлиси** – устозларнинг ўз рисоаларини шогирдига ва тингловчиларга ёздириши ва тушунтириши

**имом** – масжидда намозда жамоатнинг олдида намозни бошқарувчи, уларни иктидо эттирувчи, олдинда туриб рахбарлик қилувчи

**имому асхоб ал-ҳадис** – муҳаддисларнинг имоми

**истисқо** – ёмғир тилаб дуо қилиш

**иктибос** – кўчирма қилиб олиш, ўхшатиш

**каромат** – авлиёлардан ҳозир бўлган ғайри табиий, фавқулодда ҳол

**калом илми** – эътиқод илми

**куния** – арабларда кишиларга хурмат юзасидан «Абу», «Ибн», «Ум» ёки «Бинт» билан бошланадиган лақаблар. Мас: Абу Али, Умми Гулсум

**луълу** – марварид, гавҳар

**мабда** – бошланиш жойи

**мажус** – оловга сиғинувчи

**мазҳаб** – йўл, таълимот, маслак, диннинг тармоғи

**manoқиб** – яхши сифат, гўзал хислат, мақтов; бировнинг яхши хислатларини кўрсатадиган мақтайдиган асар

**маросил (бирл. мурсал)** – ҳадис тури, тобеин томонидан пайғамбар алайҳиссаломдан қилинган ривоят

**машраса** – бир жилдга яқин

**маърифат** – билиш, таниш, билим

**муаззин** – азон айтувчи, масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс

**муаззин ал-абяз** – оқ муаззин

**мударрис** – дарс берувчи, мадраса ўқитувчиси

**мумтоз** – сараланган, ажратилган; бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган

**мунажжим** – юлдузшунос, астролог, астроном

**мунозара** – илмий, адабий, диний масалалар юзасидан тортишув

**мурид** – хоҳловчи; тасаввуфда бирор шайхга эргашувчи

**мусанниф** – китоб тузувчи, муаллиф

**муснад** – ровийлари билан бирга мукамал ривоят қилинган ҳадис тўплами

**мустикаим** – тўғри, саҳих

**мухтасар** – қисқа

**муфассир** – тафсиравис, Қуръон оятларини шарҳловчи

**муфтий** – фатво берувчи, шариатни баён этувчи, қонуншунос, руҳонийлар бошлиғи

**муқим** – бир ерда турувчи (яшовчи), турғун

**муҳаддис** – ҳадис тўпловчи олим

**мухтасиб** – ҳисобловчи, шариатга хилоф ишларни текширувчи, назорат этувчи

**набий** – пайғамбар

**назар илми** – баҳсу мунозара одоби баён қилинадиган илм

**насроний** – христиан

- нафл** – вожиб бўлмаган
- нисбат** – бирор кимса ёки нарсага олиб бориб боғламоқ
- нужум** – юлдузлар
- омил** – амал қилувчи, ишловчи; амалдор, ҳоким
- ориф** – билувчи, танувчи, маърифатли
- работ** – мусофирхона, бекат, шаҳар атрофи, карвонсарой, савдо жойи
- риёзат** – нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортиниб, ўзини қийнаш, машаққатланиш
- риҳлат** – кўчиш, ўлиш
- ровий** – ривоят қилувчи
- сабр** – бошга тушган оғир аҳволдан нолимай, чидам кўрсатиш
- садр** – кўкрак; улуғ мансаб; шеърдаги биринчи мисраинг биринчи сўзи
- санад** – таянч, ҳужжат, далил, ҳадис ровийларининг мукамал исми битилган силсила
- сахих** – тўғри, соғлом, олий даражадаги ҳадис
- саҳоба** – пайғамбар ҳамсуҳбати, суҳбатдоши
- саҳобаи киром** – улуғ саҳоба
- сидиқ** – тўғри, ҳадисни тўғри ривоят қилувчи киши
- сийрат** – хулқ, одат
- соҳиб ул-асрор** – сирлар эгаси, кароматли авлиё
- суннат** – Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалар тутган йўл ва пайғамбарнинг буйруқлари
- суннат-сания** – Муҳаммад алайҳиссаломдан қолган ибодат ва одатларга амал қилмоқ
- табаа-тобеин** – тобеинларни кўрган зот
- тариқат** – усул, йўл, маслак, сўфийлик йўли
- таъбир** – баён қилиш, изоҳлаш, маъносини очиш
- таълиф** – тартиб билан жамламоқ; асар (китоб) ёзмоқ, муаллифлик
- тақво** – диндорлик, парҳезкорлик
- тахажжуд** – тунда ўқиладиган намоз
- тобеин** – саҳобаларни кўрган кишилар, эргашувчилар
- уламо** – олимлар, мусулмон руҳонийларининг юқори табақаси
- унноб** – жилон (чилон) жийда
- усул илми** – фикҳнинг тўрт усули ҳақида баҳс этувчи (Қуръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёс)
- файёз** – энг кўп файз берувчи; лутф ва карам қилувчи
- файз** – барака, мўллик, инъом-эҳсон, қувонч, баҳра
- фарз** – Аллоҳнинг ижроси зарур бўлган буйруқлари, зарур, лозим
- фарсах** – фарсах форс тилидан олинган сўз бўлиб, пора санг, пор санг, бир бўлак тош маъноларини англатади. Қадимда масофа ўлчовини билиш учун ҳар 6 км.да йўл четига катта тош қўйилган. Шунинг учун ўзбек тилида *бир тош узоқликда, бир тош юрдик* деган ифодалар бор
- фасих** – очик, равшан, равон, ёқимли, қоидага мувофиқ сўзловчи, чиройли услубли
- фақиҳ** – диний ҳуқуқ билимдони
- фи сабилллоҳ** – Аллоҳ йўлида

**фикҳ** – диний ҳуқуқ илми

**халифа** – вакил, ўринбосар, Пайғамбарнинг ўринбосарлари, тасаввуфда буюк муршиднинг ўринбосари, муридларнинг улуғи

**халифаи рошид** – тўғри йўлдан юривчи, тўғри йўл кўрсатувчи халифа

**хаттот** – китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб

**хонақоҳ** – шайхлар, дарвишлар зикру само киладиган катта жой, масжид

**шайх** – ислом динида олий руҳонийлар вакили

**шайх ал-қуззот** – қозилар шайхи

**шамс** – қуёш

**шамс ул-аймма** – имомлар қуёши

**шариат** – тўғри йўл, ислом динининг барча ҳуқуқий қонуний томонлари билан ахлоқий меъёрларининг мажмуаси. Ислом шариати тўртта асосий манбага (Қуръон, сунна, ижмоъ ва қиёсга) таянади. Қуръонда зикр қилинган ҳуқуқий қоидалар

**шариф** – шарофатли, азиз, қадрли

**шарҳ** – изоҳлаш, изоҳлаб тушунтириш

**шукур** – раҳмат айтиш, миннатдор бўлиш

**қавл** – гап

**қавм** – кишилар тўдаси, гуруҳи

**қамар** – ой

**қассор** – кийим ювувчи, кирчи

**қози** – ислом қонунлари юзасидан ҳукм ва ижро ишларига белгиланган мансабдор

**қози ас-сайф** – қиличдай ўткир қози

**Қуръон** – ислом динининг муқаддас китоби

**қутб** – авлиёларнинг улуғи ва пешвоси, ягона ҳисобланган авлиё, валиюллоҳ (сўфийларда), ҳар бир жамоа ва гуруҳнинг моддий ва маънавий бошлиғи, йўлбошчи

**ғариб** – ҳадиснинг жуда кам ривоят қилиниши

**ғози** – ғазот килувчи, уруш килиб ғалаба қозонган

**ҳадис** – пайғамбар Муҳаммад а.с. айтган сўзлар

**ҳамд** – мақтов

**ҳанафий мазҳаби** – ислом динидаги тўрт мазҳабдан бири – Имом Аъзам мазҳаби

**Ҳаромком дарёси** – Зарафшон дарёси

**ҳасад** – бировга насиб этилган неъмат ва фазилатларни кўра олмасдан уларнинг заволини орзу қилмоқ

**ҳасан** – яхши (сахих ҳадисдан кейинда турувчи ҳадис)

**ҳидоят** – тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш

**ҳикмат** – билимдонлик, донишмандлик

**ҳикмат илми** – фалсафа

**хофиз ул-Қуръон** – Қуръонни ёддан билувчи

**хофиз ул-ҳадис** – юз минг ҳадисни ёддан билувчи

**ҳуффоъ ул-ҳадис** – кўп ҳадисни ёддан билувчи



---

## МУНДАРИЖА

**Муқаддима**

**Бухоролик олимлар**

**Термизлик олимлар**

**Хоразмлик олимлар**

**Самарқандлик олимлар**

**Шошлик олимлар**

**Фарғоналик олимлар**

**Кешлик олимлар**

**Насафлик олимлар**

**Сўнгсўз ўрнида**

**Абдулкарим ас-Самъоний ёзган китоблар**

**Ҳижрий ва милодий йилларнинг тахминий қиёсий жадвали**

**Изоҳлар**